

Х.Т. МАМАТОВ

ХУҚУҚШУНОСЛИК


«АДОЛАТ»

Y3
342
M-23

ХУДОЁР МАМАТОВ

ХУҚУҚШУНОСЛИК

Ўқув қўлланма



Тошкент
«Адолат»
2016

УЎК: 34.01(075)

КБК: 67(5Ў)

М-23

М-23 Маматов, Худоёр.

Хуқуқшунослик. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Адолат, 2016.
– 352 б.

ISBN 978-9943-4380-5-7

УЎК: 34.01(075)

КБК 67(5Ў)

Тақризчилар: **М.А. Ахмедшаева,**

Тошкент давлат юридик университети
кафедра мудири, юридик фанлари доктори
М.Х. Баратов,

Тошкент давлат юридик университети
профессори в.б, юридик фанлари доктори
А.А. Акилов,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутати,
юридик фанлари доктори

Ушбу ўқув қўлланмада давлат ва хукуқ назарияси асослари, маъмурий хукуқ асослари, молия хукуки асослари, фуқаролик хукуки асослари, тадбиркорлик хукуки асослари, меҳнат хукуки асослари, оила хукуки асослари, экология хукуки асослари, қишлоқ ҳўжалик хукуки асослари, жиноят хукуки асослари, халқаро хукуқ асосларига атрофлича тұхталиб ўтилган.

Қўлланма таълим йўналиши юриспруденция бўлмаган олий ўқув юртларининг бакалавр йўналиши талабалари учун мўлжалланган.

ISBN 978-9943-4380-5-7

© X.T. Маматов, 2016 йил.

© Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
«Адолат» нашриёти, 2016 йил.

КИРИШ

Хар қандай жамиятда ижтимоий ривожланиш ва тараққиёт мамлакат фуқаролари ҳамда турли соҳа мутахассисларининг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шундай деган: «Бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан хурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман»¹.

Дарҳақиқат, жамиятимизда фуқароларни қонунларга ҳурмат рухида тарбиялаш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлашда ҳар бир шахснинг ҳуқуқий билимлари бекиёс ўринга эгадир. Чунки, ҳуқуқ ҳақидаги умумий билимлар ёрдамида жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, аҳоли онгидаги қонунларнинг ижтимоий аҳамияти ҳақида тўғри тасаввурларни шакллантириш мумкин.

Қолаверса, ҳуқукшунос олим Н.М. Коркунов таъкидлаганидек, «эҳтимол, бир умр аниқ фанлар ва тарих масалалари билан қизиқмаган шахсни топиш мумкинdir, лекин ўзининг асрини ҳуқуқ масалалари билан қизиқмай яшаган кишини тасаввур қилиш ақлга сифмайди. Қанчалик одамови бўлманг, одамлардан ўзингизни ҳар қанча олиб қочманг, ҳуқуқ масалаларини четлаб ўта олмайсиз. Камида битта ҳуқуқ – шахсий эркинлик ҳуқуқингиз сизни қизиқтирумаслиги мумкин эмас. Одамлардан ўзингизни четга олар экансиз, сиз барибир уларга: бу менинг шахс доирим, бу ерга бостириб киришга ҳаққингиз йўқ дейишингиз керак»².

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 27–28.

² Коркунов Н.М. Лекции по общей теории права. СПб., 1909. С.7.

Қўлингиздаги ушбу ўқув қўлланмада қўйилган асосий мақсад – ҳукуқшунослик фанининг энг муҳим мавзуларини содда, тушунарли ва равон тилда эътиборингизга етказишдан иборат.

Шу ўринда муаллиф муҳим бир нарсани таъкидлаб ўтишни жоиз деб билади. Ушбу ўқув қўлланмани тайёрлашда мамлакатимиз ва хорижий ҳукуқшунос олимлар томонидан эълон қилинган адабиётлардан кенг фойдаланилган. Шу сабабли, ҳар бир мавзу ёритилгандан сўнг, уни ёзишда қўлланилган адабиётлар рўйхати аниқ келтириб ўтилди.

Шу билан бирга, қўлланмада Ҳукуқшунослик фани бўйича намунавий дастур мазмунидан келиб чиқсан ҳолда, ундаги мавзуларни ёритишда, материални мантикий кетма-кетликда жойлаштиришда ҳар бир мавзуга муаллифлик позициясидан келиб чиқсан ҳолда ёндашилди.

1-мавзу. ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ НАЗАРИЯСИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Давлат тушунчаси, белгилари ва мохияти.
2. Давлатнинг келиб чиқиши ва унга доир назариялар.
3. Давлатнинг функциялари ва шакллари.
4. Жамият ва давлат. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари.
5. Ҳуқуқ тушунчаси ва унинг белгилари.
6. Ҳуқуқ тизими ва таркиби.
7. Ҳуқуқ манбалари.
8. Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши.
9. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик.

1. Давлат тушунчаси, белгилари ва мохияти

Давлат тушунчаси ва таърифи масаласи доимо файласуфлар, диншунослар, давлатшунос олимлар, социологлар, сиёсатчилар ва мутафаккирларнинг дикқат марказида бўлиб келган. Масалан, қадимги даврда яшаб, ижод қилган Арасту давлатга сиёсий алоқалар вosaитасида муайян бир тарзда бирлашган ва ўзаро боғлиқ одамлар жамоасидир, деб таъриф берган. Машхур Рим ҳуқуқшунос олими Цицерон давлатга «ҳуқуқ масалаларида бир битимга келган ва умумий манфаатлари билан ўзаро боғланган кишиларнинг (фуқароларнинг) бирлашмаси», деб таъриф беради. Ўрта аср мутафаккири И. Кант эса, куйидаги фикрни билдириб ўтган: «Давлат – кишиларнинг ўзи хўжайнлик қилиб, ўзини ўзи бошқарадиган жамиятдир».

Юқоридаги таърифлардан кўриниб турибдики, давлатга таъриф бериш ва унинг мазмун-мохиятини тўғри тушунишда, аввало, давлат – бу кўпчилик одамлар бирлигидан иборат сиёсий ташкилот эканлигидан келиб чиқиш керак.

Давлат тушунчасига замонавий таъриф беришдан олдин унинг белгиларига тўхталиб ўтамиз. Шу ўринда, ҳозирги вактда давлатнинг умумий эътироф этилган куйидаги асосий белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) Давлат ўз худуд ва чегараларига эга.

Давлат қатъий чегараланган худудга эга бўлиб, унинг суверен ҳокимияти шу худудда амал қиласи, унда яшайдиган аҳоли эса, юзага келган давлатнинг фуқаросига айланади. Давлат худудига қуруқликдаги ер, ер ости бойликлари, анклавлар¹, давлат худуди устидаги ҳаво бўшлиғи, шунингдек давлат худудида жойлашган сув ҳавзалари (дарёлар, денгизлар, сув омборлари) киради;

2) Давлат ўз аҳолисига эга.

Юкорида таъкидлаб ўтилганидек, давлат, аввало, кишилар уюшмасидир. Давлат аҳолисини унинг худудида истиқомат қилувчи одамлар ташкил этади. Аҳоли турли хил миллат ва элатлардан иборат бўлиши мумкин;

3) Оммавий сиёсий ҳокимият (давлат ҳокимияти).

Оммавий сиёсий (давлат) ҳокимият ижтимоий ҳокимиятнинг бир тури бўлиб, у умуммажбурий характерга эга. Масалан, отанинг оиласидаги ҳокимияти факат шу оиласда амал қиласи ёки диннинг ҳокимияти муайян эътиқод қилувчилар гуруҳида амал қиласи. Давлат ҳокимияти эса, бутун жамият миқёсида аҳолининг ҳамма қатламига нисбатан амал қиласи.

Оммавий (давлат) ҳокимиятнинг қатъийлик хусусияти шундаки, бу ҳокимият айнан бошқарув ва мажбурлов органлари (давлат аппарати) бутланадиган амалдорларда мужассам бўлади. Ана шундай жисмоний мужассамликсиз давлат ҳокимияти мавҳумликдан бошқа нарса эмас;

4) Давлат суверенитети.

Давлат ҳокимиятининг хусусияти сифатида суверенитетни кўрсатиб ўтиш мумкин. Яъни, суверенитет – бу маълум бир худудда олий ҳокимиятга эга бўлиш; давлатнинг ички ва ташқи сиёсатдаги тўла мустақиллигидир.

Юкоридагилар давлатнинг асосий белгилари ҳисобланади. Шу билан бирга, давлатнинг яна қуидаги қўшимча белгиларини ҳам кўрсатиб ўтиш мумкин: солиқларнинг жорий қилинганлиги, му-

¹ Бир давлатнинг бошқа давлат худудида жойлашган (яъни, ҳамма тарафи бошқа давлат худудлари билан ўраб олинган) худуди. Масалан, Фарғона вилояти Сўх тумани, Россия Федерацияси Кённесберг шахри.

дофаа кучларининг мавжудлиги, қонунчиллик жараёнининг амалга оширилиши ҳамда давлат рамзлари (давлат герби, мадхияси, байроби).

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, давлатга қўйидагича таъриф бериш мумкин: **давлат** – бу муайян худудда суверен оммавий сиёсий ҳокимиятни амалга оширувчи, жамиятдаги тури-туман манфаатларни мувофиқлаштириб турувчи, фукаролар ҳуқук ва эркинликларини, қонунийлик ҳамда ҳуқук-тартиботни кафолатловчи сиёсий ташкилотdir.

Давлат тушунчаси ва белгилари баробарида унинг моҳиятини тушуниш ҳам муҳим аҳамият касб этади. **Давлат моҳияти** деганда – бу унинг мазмуни, мақсади, давлат ҳокимиятининг қайси ижтимоий-сиёсий гурухларга мансублиги ва у кимнинг манфаатларига хизмат қилиши тушунлади.

Шу ўринда давлат ва ҳуқук назарияси фанида давлатнинг моҳиятига ягона ёндашув мавжуд эмаслигини айтиб ўтиш лозим. Шу сабабли, фанда давлатнинг моҳияти ҳақида турли хил назариялар мавжуд. Уларга қисқача тўхталиб ўтамиш.

Элита назарияси. Ушбу назария XX аср бошларида вужудга келган бўлиб (В. Парето ва Г. Моски асарлари), аср ўрталарида янгидан ривожлантирилган (Х. Лассуэл, Д. Сартори, Т. Дай ва бошқалар). Мазкур назариянинг бош ғояси, гўё ҳалқ оммаси давлатни идора этишга қодир эмаслиги, шунинг учун бошқариш жамиятнинг ҳукмрон доираси – элитаси томонидан амалга оширилиши лозимлигини исботлашдан иборат. Элиталар турли белгилари (келиб чиқиши, маълумоти, тажрибаси, қобилияти кабилар)га қараб аникланади. Шу билан бирга, элита таркиби ҳалқ оммаси, яъни уларнинг энг қобилиятли вакиллари ҳисобига тўлдириб борилиши мумкин.

Мазкур назариянинг салбий жиҳати шундаки, унда ахолининг муайян даражада ҳокимият ишларидан четлаштирилиши назарда тутилади. Шу билан бирга, ҳокимият ишлари амалда кишиларнинг ғоят чекланган доираси – депутатлар, давлат хизматчилари ва бошқалар томонидан олиб борилишини эътиборга оладиган бўлсак, унинг муайян даражада давлат аппаратини шакллантириш амалиётига яқинроқ эканлигини кўрамиз.

Технократик назария. Мазкур назария XX асрнинг 20-йилларида вужудга келган бўлиб, 60–70-йилларида анча кенг тарқалган. Унинг тарафдорлари сифатида Т. Веблен, Д. Барнхейм, Г. Саймон, Д. Белл ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу назария элита назариясига ўхшаб кетса-да, у ўзида ижтимоий во-көликни муайян даражада ҳисобга олиши билан ажралиб туради.

Мазкур назарияга кўра, жамиятни мутахассис-бошқарувчи-лар, менеджерлар идора этишлари лозим. Чунки, айнан улар жамиятнинг ҳақиқий эҳтиёжларини, унинг энг мақбул ривожланиш йўлларини, бунинг учун зарур воситаларни аниқлашга қодирдир-лар. Давлат ҳокимиятининг бундай ташкил этилиши бошқарувни илмий асосда олиб бориш имконини беради ҳамда жамиятнинг ўсиб борувчи ривожини таъминлайди.

Плюралистик демократия назарияси. Мазкур назария XX асрда юзага келган бўлиб, унинг намояндалари сифатида Г. Ласки, М. Дюверже, Р. Дарендорф, Р. Даль ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ушбу назария социал-демократларнинг ҳам, либералларнинг ҳам қарашларини ўзида ифодалайди. Унинг мазмунини ҳозирги жамиятда моҳият-эътиборига кўра синфлар амалда йўқолиб кетган ва ҳокимият шу тариқа ўз синфий табиатидан халос бўлди, деган ғоя ташкил қиласи. Бунда жамият – ёши, касб-кори, истиқомат жойи, манфаатлар доираси ва бошқа белгиларига кўра юзага келадиган одамлар ижтимоий бирлашмалари (страталар) йигиндисидан иборат.

Ўз навбатида, кексалар ва ёшларнинг, спортчилар ва ижодкорларнинг ҳамда бошқаларнинг ўюшмалари бундай бирлашмалар бўлиши мумкин. Бир фуқаронинг ўзи қизикиши, эҳтиёжи, касб-кори, манфаати ва бошқа ҳолатлар юзасидан бир йўла кўпчилик страталарга кира олади. Фуқаролар шу асосда давлат идораларига таъсир ўтказишлари ҳамда шу йўл билан давлат сиёсатини йўналтиришда иштирок этишлари мумкин бўлади. Бундай шароитда давлат омма иродасининг, бутун жамият манфаатларининг ифодачисига айланади.

«Умумий фаровонлик давлати» назарияси. Мазкур назария иккинчи жаҳон урушидан кейин вужудга келган бўлиб, унинг намояндалари давлатнинг ижтимоий ҳаётга аралашмасли-

тига оид бўлган таълимотларга қарши чиққанлар. Ушбу назариянинг асосий ғоялари XX асрнинг 30-йилларида Д. Кейнс томонидан таърифлаб берилган. Кейинчалик Д. Мюрдал, В. Пигу, К. Боулдинг, В. Мунд ва бошқаларнинг асарларида у янада ривожлантирилган.

Мазкур назариянинг бош ғояси шундан иборатки, давлат барча синфлардан устун тураркан, аҳолининг барча қатламлари манфаатларини ифодалайди ҳамда шу асосда умумфаровонликни таъминлайди. Ривожланган мамлакатларда аҳоли турмуш даражасининг юқори эканлиги ҳамда ижтимоий, маданий ва бошқа соҳаларда йирик давлат дастурларининг амалга оширилиши ушбу назариянинг юзага келишига сабаб бўлган. Мазкур назария инсон манфаатларини давлат фаолиятининг асосига қўйиш билан ҳар бир шахс қадр-қимматига эътиборни жалб этади.

Конвергенция назарияси. Ушбу назария давлатнинг истиқболдаги ривожини башорат қилувчи назариялардан бири сифатида XX асрнинг 50–60-йилларида юзага келган (Д. Гэлбрейт, Р. Арон, П. Сорокин асарлари). Маълумки, XX асрнинг ўрталарида жаҳон миқёсида икки тизим, яъни АҚШ, Англия ва бошқаларни ўз ичига олган капиталистик лагер билан собиқ Совет Итифоқи ва социалистик лагер шаклланган. Мазкур назария вакилларининг фикрича, ҳар иккала лагернинг ҳам ижобий ва салбий жиҳатлари мавжуд. Шу сабабдан келажакда давлатларнинг моҳияти юқоридаги давлатларнинг ижобий жиҳатларини ўзида мужассамлаштириши лозим.

Мазкур назария муаллифларининг фикрича, мавжуд давлатлар ижобий жиҳатларининг ўйғунлашиб бориши баробарида маълум вактдан кейин улар ўртасида ўзаро фарқлар йўқола бориб, ягона типдаги «постиндустриал давлатлар» – «умумий фаровонлик» давлатлари юзага келади.

Тарихий-материалистик назария. Ушбу назария давлатнинг моҳияти тўғрисидаги таълимотлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. У давлатнинг мавжудлиги ва тараққиётининг кўпгина жиҳатларини таҳлил этади. Ушбу назариянинг асосида тарихий материализм ва синфий кураш ғоялари ётади (К. Маркс, Ф. Энгельс, В.И. Ленин). Давлатга иқтисодий хукмрон синф ҳокимия-

тининг куроли сифатида қаралади. Унинг хусусиятлари, энг аввало, жамият тараққиётининг муайян босқичидаги шу жамият иқтиодиёти билан белгиланади. Мақсад – социалистик, сўнг эса, коммунистик жамиятни қуриш, охир-оқибатда, коммунистик жамият барпо этила бориши билан давлатнинг барҳам топишига эришишдан иборат.

2. Давлатнинг келиб чиқиши ва унга доир назариялар

Маълумки, давлатнинг вужудга келишига бир қатор омиллар сабаб бўлган. Хусусан, ушбу узоқ давом этган мураккаб жараёнда географик, диний, рухий, иқтисодий ва синфий омиллар мухим роль ўйнаганлигини айтиб ўтиш лозим. Ушбу омилларнинг қайси бири мухим, деган саволга турли назариялар турлича жавоб беради. Улар ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

Диний (теологик) назария. XIII асрда вужудга келган ушбу назария вакилларининг (Фома Аквинский, Жан Маритен) фикрича, бутун олам, шу жумладан, давлат ва ҳуқукнинг келиб чиқиши ҳам худонинг иродаси билан боғлиқ. Подшо худонинг ердаги вакили бўлганлиги учун фуқаролар уларнинг амрига сўзсиз бўйсунишлари лозим бўлади. Ушбу назариянинг ютуғи – уни рад этиб бўлмайди, камчилиги – уни исботлаб бўлмайди.

Патриархал назария. Мазкур назариянинг асосчилари Аристотель ва Конфуцийлар ҳисобланади. Лекин у XVII–XVIII асрларда Фильмер, Генри Мен, Михайловский каби олимларнинг асарлари орқали кенг тарқалди. Ушбу назария намояндаларининг фикрича, давлат оиласиning ривожланиши асосида вужудга келган. Ибтидоий оиласи ота бошчилик қилиб, кейинчалик давлат вужудга келади ва ота ҳокимияти меросий бўлади.

Шартнома назарияси. XVII–XVIII асрларда вужудга келган ушбу назария вакилларининг (Г. Гроций, Ж. Руссо, А. Радищев, Т. Гоббс, Локк, Б. Спиноза) фикрича, давлат ҳокимияти кишиларнинг ўзаро бирлашиб ихтиёрий шартлашганликларининг ифодасидир. Ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши, ўз навбатида, одамлар ўртасида турли хил низоларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Натижада жамиятда «ҳамманинг ҳаммага

карши» уруши бошланади ва бундай шароитда индивиднинг хавфсизлиги, унинг мулки, ҳукуқ ва эркинликларининг дахлсизлигини таъминлашнинг иложи бўлмай қолади. Шундан кейин фуқаролар давлат билан ўзаро шартнома тузиб, унга умуммажбурий ҳокимиятни амалга ошириш ҳукукини беради. Давлат фуқароларга уларнинг ҳукуқ ва эркинликларининг муҳофаза қилиншини кафолатлади. Бунда давлат ва жамият ўртасида ўзаро ҳукуқ ва мажбуриятлар тизими вужудга келиб, ўз навбатида, уларда шартнома мажбуриятларини бажармаганларни учун жавобгарлик туғилади.

Материалистик (марксистик) назария. Ушбу назария вакилларининг (К. Маркс, Ф. Энгельс, В. Ленин – XIX–XX асрлар) фикрича, давлат, энг аввало, иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, бир-бирига қарама-карши синфларнинг юзага келиши натижасида вужудга келган. Бунда давлат иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон бўлган табақаларнинг қутии табақаларни бостириб туриш воситаси сифатида майдонга чиқади.

Зўравонлик назарияси. Мазкур назария вакиллари (Е. Дюринг, Л. Гумплович, К. Каутский – XIX аср) давлатнинг вужудга келишига ҳарбий сиёсий омиллар, яъни бир қабиланинг иккинчи қабилани қулликка тортиши сабаб бўлган, деб ҳисоблайдилар. Бунга кўра, давлат босиб олинган ҳудудларни (халқларни) бошқариш учун зўрлов аппарати вазифасини ўтаган.

Психологик (рухий) назария. Мазкур назария XIX асрларда юзага келган бўлиб, унинг асосий фоялари Г. Тард, Л.И. Петражицкий ва бошқаларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Уларнинг фикрича, кишиларнинг руҳияти жамиятнинг, шу жумладан, ахлок, ҳукуқ, давлатнинг ривожланишини белгилаб берувчи асосий омилdir.

Ирригацион назария. Ушбу назариянинг асосий намояндаси немис олими К.А. Виттфогель ҳисобланади. Унинг фикрича, давлат Шарқ халқларида йирик ирригация қурилмаларини барпо этиш зарурати асосида келиб чиққан. Месопотамия, Миср, Хиндистон, Хитой каби мамлакатларда йирик ирригация қурилиш ишларини ташкил этиш учун кучли, марказлашган бошқарув аппарати ташкил этилган.

3. Давлатнинг функциялари ва шакллари

Ҳар қандай давлат ўз олдига стратегик мақсад ва вазифаларни кўяди ҳамда улардан келиб чиқкан ҳолда, муайян фаолиятни амалга оширади. Ушбу фаолиятнинг асосий йўналишлари юридик фанда «давлат функциялари» деб номланади. Бошқача айтганда, давлат функциялари – бу унинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишга қаратилган давлат фаолиятининг асосий ёки бош йўналишларидир. Ушбу таърифдан кўриниб турибдики, давлатнинг функциялари **давлат мақсади ва вазифалари** билан чамбарчас боғлиқдир. Давлат ўз олдига кўйган мақсадга эришиши учун маълум бир вазифаларни ҳал қилиши лозим, бу эса, ўз навбатида, ушбу вазифаларни бажаришга қаратилган тегишли функцияларни амалга оширишни тақозо этади.

Вазифа – бу ечилиши талаб қилинадиган масала бўлса, **функция** – ушбу масаланинг ечимига йўналтирилган фаолият тури. Вазифа, бир томондан, маълум хусусиятга эга бўлмаган бирор бир мақсадга эришиш заруратини, иккинчи томондан эса, маълум фаолият турини амалга ошириш заруратини ўз ичига олади. Давлатнинг функциялари унинг вазифаларига боғлик бўлади, чунки вазифалар функцияларнинг мавжудлигини ва уларнинг мазмунини белгилайди, уларни амалга ошириш шакл ва усулларига таъсир кўрсатади. Функциялар мазмунни, давлатнинг қандай фаолият олиб бораётганлигини, шу мухитда бошқарув ҳаракатларини қай йўсинда юритаётганлигини, унинг тегишли органлари нима билан шуғуланаётганлигини кўрсатади.

Юридик адабиётларда давлат функцияларининг турли хил таснифлари мавжуд. Хусусан, **фаолият доирасига** кўра давлатнинг **ички ва ташки** функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ички функциялар давлатнинг мамлакат ичкарисидаги вазифаларни амалга ошириши билан боғлик. Ташки функциялар халқаро даражадаги фаолият бўлиб, бунда давлат халқаро ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида майдонга чиқади. Давлатнинг асосий ташки функцияларига асосан қўйидагилар киради: бошқа давлатлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий, ҳарбий, экологик ва х.к. соҳаларда ҳамкорлик қилиш; мудофаа функцияси ва б.

Давлатнинг асосий ички функцияларига эса иқтисодий, ижтимоий, молиявий назорат, ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва экология соҳадаги функцияларни киритиш мумкин.

Фаолият муддатига кўра, давлат функцияларини доимий ва вактинчалик турларга бўлиш мумкин. Доимий функциялар қаторига давлатда доимий равища амалга ошириб келинадиган функцияларни киритиш мумкин. Мисол тариқасида, иқтисодий, ижтимоий, мудофаа функцияларини келтириб ўтиш мумкин. Вактинчалик функцияларга эса, давлат ўз олдига қўйган муайян мақсад эришиши ва вазифаларни амалга ошириши билан ўз аҳамиятини йўқотадиган функциялар киради. Масалан, фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида давлат функцияларининг ижтимоий аҳамиятига кўра **acosij va acosij bўlmagan** турлари ажратилади. Шу ўринда, ушбу тасниф шартли эканлигини, ваҳоланки, давлатнинг ҳамма функциялари мухим аҳамиятга эгалигини айтиш лозим. Давлатнинг барча органлари томонидан ўзаро ҳамкорликда амалга ошириладиган функциялар **acosij функциялар** дейилса, фақатгина айрим давлат органларига хос бўлган функциялар эса, **acosij bўlmagan функциялар** хисобланади.

Давлат функцияларини амалга оширишнинг ҳуқуқий шакллари асосида **ҳуқуқни ижод қилиш, ҳуқуқни ижро қилиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияларини кўрсатиб ўтиш мумкин**. Ҳуқуқ ижодкорлиги – бу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш булиб, деярли бу фаолиятсиз давлатнинг бошқа функцияларини амалга ошириб бўлмайди. Ижро этиши фаолиятига қонун ва бошқа норматив актларнинг амалда қанчалик даражада ўз ижросини топиши ёки топмаслиги билан боғлиқ фактларни киритиш мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятига тартиби сақлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун ва қоидаларга риоя этилишини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича чора кўриш, юридик ишларни кўриб чиқиш ва улар юзасидан карорлар қабул қилиш ҳамда жавобгарликка тортиш кабиларни киритиш мумкин.

Давлат шакллари. Мълумки, ҳар ҳандай нарса ёки предмет ўз шаклига эга. Шакл – бу воқеликнинг ташқи ифодаланиши бўлиб, давлат ҳам муайян шаклда намоён бўлади. Давлат шакли учта таркибий қисмдан, яъни бошқарув шакли, давлат тузилиши шакли ва сиёсий режимдан иборат.

Давлат бошқарув шакли – бу давлат ҳокимияти органларининг тузилиши, уларни шакллантириш тартиби ҳамда ушбу органларнинг ўзаро ва аҳоли билан бўлган муносабатларини белгиловчи давлат шаклининг элементидир.

Давлат бошқарув шаклининг икки, яъни **монархия** ва **республика** турларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Монархия (лотинча: монос – якка, архе – ҳокимият маъносини англатади) бошқарув шаклида давлат ҳокимияти якка шахс томонидан амалга оширилади ва одатда, бу ҳокимият унга мерос орқали ўтади.

Монархияга қўйидаги белгилар хосдир: ҳокимият мерос орқали ўтади; ўз ҳокимиятидан умрбод фойдаланадиган монархнинг (подшо, қирол, император, шоҳ, хон, князь, герцог ва бошқалар) мавжудлиги; монархнинг ўз хатти-харакатлари юзасидан юридик жавобгар эмаслиги; монарх шахсининг дахлсизлиги; ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда бевосита ўз номидан иш кўриши ва ҳоказо.

Монархия бошқарув шакли *мутлақ* (*абсолют*) ва *чекланган* турларга бўлинади.

Мутлақ (*абсолют*) монархияда давлат суверенитетининг бирдан-бир эгаси монарх бўлиб, барча ҳокимият тармоқлари (қонунчилик, ижроия ва суд) унинг қўлида тўпланган бўлади.

Чекланган монархияда ҳокимиятни амалга ошириш кўп жиҳатдан вакиллик органига боғлиқ бўлади. Бунда монарх ҳокимияти вакиллик органи томонидан бирмунча чекланган ва унинг хукуқий мақоми конституция билан чегаралаб қўйилган бўлади. Чекланган монархия, ўз навбатида, *дуалистик* ва *парламентар* турларга бўлинади.

Дуалистик монархияда давлат ҳокимиятини ташкил этиш икки томонлама хусусиятга эга бўлиб, монарх ижро ҳокимиятига бош-

чилик қиласы, үзи олдида жавобгар бўлган хукуматни ташкил этади, қонунчилик ҳокимияти эса, парламентга тегишли бўлади. Ушбу бошқарув шакли тарихий аҳамиятга эга (Масалан, Кайзер Германияси (1871–1918 йиллар).

Парламентар монархия мамлакатлари (ҳозирги Буюк Британия, Бельгия, Норвегия, Швеция, Дания, Испания, Япония)да кирол давлат бошлиғи вазифасини үтаса-да, мамлакатни тұла маънода бошқара олмайды. Парламентар монархияда кирол ҳокимияти рамзий маънога эга бўлади. Бунда ижро ҳокимияти хукумат томонидан шакллантирилади, хукумат, үз навбатида, конституцияга кўра, монарх олдида эмас, балки парламент олдида жавобгар бўлади. Хукумат парламент сайловларида ғолиб чиқсан партиялар вакиллари орасидан шакллантирилади ҳамда хукумат бошлиғи лавозимига парламентда кўпчилик депутатлик ўринлагида эга бўлган партия раҳбари тайинланади. Давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда партиялар муҳим ўринга эгалиги сабабли баъзи олимлар бундай давлатларни «партиялар мамлакати» деб ҳам аташади.

Республика (лотинча *Respublika* – жамоа иши) – давлат ҳокимияти аҳоли муайян муддатга сайлаб қўядиган органлар томонидан амалга ошириладиган бошқарув шаклидир.

Республика бошқарув шаклида давлат бошлиғи ва бошқа олий ҳокимият органлари муайян муддатга сайлаб қўйилади. Улар, үз навбатида, сайловчилар олдида масъул хисобланади. Давлат ҳокимияти давлат бошлиғи номидан эмас, балки ҳалқ номидан амалга оширилади. Давлат бошлиғи ҳам қонунда белгилаб қўйилган ҳолатларда юридик жиҳатдан жавобгар бўлади.

Ҳозирги кунда республика шаклининг асосан президентлик республикаси, парламентар республика, дуалистик (аралаш) республика турлари ажратиб кўрсатилади.

Президентлик республикаси. Бунда президент давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғи хисобланади. Президент хукуматни үзи шакллантиради ва хукумат унинг олдида жавобгар бўлади (АҚШ, Россия, Бразилия, Аргентина, Мексика ва бошқалар). Президент умумхалқ сайловлари асосида үз лавозимига сайланади.

Парламентар республика. Бундай республикада ҳукумат парламентга ўтказилган сайловларда кўпчилик овоз олган партияларга тегишли депутатлар орасидан шакллантирилади (Италия, Истроил, Исландия, Германия ва бошқалар). Бундан ташқари, давлат бошлиғи – президент, одатда, парламент аъзолари ёки махсус кенгаш томонидан сайланади. Ҳукумат парламент олдида жавобгар бўлиб, унинг фаолият муддати парламентга бўлган сайловларгача амалда бўлади.

Дуалистик (аралаш) республика. Бундай бошқарув шаклида давлат бошлиғи – президент ҳалқ томонидан сайланади. У ҳукумат бошлиғини тайинлашда расман иштирок этади, лекин ҳукумат бошлиғи ва аъзолари парламентдаги кўпчилик томонидан шакллантирилади (Франция, Финляндия). Бошқарувнинг бундай шаклида президент конституция асосида парламент ва ҳукумат ўртасида ҳал қилиб бўлмайдиган зиддиятлар келиб чиқкан ҳолатда парламентни тарқатиб юбориш ваколатига эга бўлади.

Давлат тузилиш шакли. Маълумки, ҳар қандай давлат муайян ҳудудда жойлашган бўлади. Аммо давлатнинг ҳудудий кўлами катта бўлган шароитда бир марказдан туриб давлат ҳокимиютини амалга ошириш – деярли уdda lab bўlmайдигan вазифадир. Шу сабабли, давлат ҳудудини округлар, вилоятлар, үлкалар, штатлар, кантонлар, губерниялар, уезд сингари ҳудудларга бўлиш ҳамда шу ҳудудий тузилмаларда ҳокимиятнинг маҳаллий (ҳудудий) органларини тузиш зарурати туғилади. Ўз навбатида, ҳокимият ва бошқарувнинг марказий ҳамда маҳаллий органлари ўртасида ваколатларни бўлиш эҳтиёжи ҳам пайдо бўлади. Бу давлат (ҳудудий) тузилиши заруратини келтириб чиқарадиган асосий сабабдир.

Давлат тузилиш шаклининг оддий (унитар) ва мураккаб (федератив ва конфедератив) кўринишлари мавжуд.

Унитар тузилишдаги давлат ягона бўлиб, таркибий қисмлари суверенитет белгиларига эга бўлмаган маъмурий-ҳудудий бирликлардан иборат.

Унитар давлатга хос белгилар: қонунчилик, ижроия ва суд ҳокимияти органлари ягона тизимининг мавжудлиги; ягона конституция, қонунчилик, солик, молия тизимларининг мавжудлиги;

ягона фуқароликнинг жорий этилганлиги; барча ташки муносабатлар марказий органлар томонидан амалга оширилиши.

Федератив давлат – бу мустақил бўлган бир неча давлат тузилмаларининг ихтиёрий асосда бирлашган ягона иттифоқи.

Федератив давлатнинг умумий белгилари: федерация худуди унинг алоҳида субъектларидан – штатлар, кантонлар, республикалар, ўлкалар ва бошқа худудлардан иборат бўлади; федерация ва унинг субъектлари ваколатлари доираси иттифоқ шартномасида, конституциясида, ўзаро ваколатларни чегаралаш тўғрисидаги икки томонлама шартномаларда белгилаб қўйилган бўлади; федерация субъектлари ўзларининг конституциялари ва қонунчилик тизимида, олий қонунчилик, ижро, суд ҳокимиятлари тизимида эга бўлади; федератив давлатда иттифоқ фуқаролиги билан бир қаторда субъектларнинг ҳам фуқаролиги бўлиши мумкин; федератив давлат парламенти асосан икки палатали бўлиб, юкори палата асосан федерация субъектларининг манфаатларини ҳимоя қиласи; федератив давлатнинг ташки сиёсатини, қуролли кучларга ягона қўмондонлигини, мудофаа, молия, солиқ тизимларига раҳбарликни асосан федерал давлат органлари амалга оширади.

Конфедерация – бу сиёсий, харбий, иқтисодий ва бошқа соҳаларда муайян мақсадларга эришиш учун ташкил қилинадиган давлатларнинг муваққат иттифоқи. Конфедерациянинг белгилари: конфедерация суверенитетга эга бўлмайди, чунки ушбу тузилма тўла ички ва ташки суверенитетга эга бўлган мустақил давлатларнинг иттифоқидир; конфедерацияда марказий давлат аппарати ва ягона қонунчилик тизими мавжуд бўлмайди; конфедерация доирасида у ёки бу муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ишларни мувофиқлаштиришга қаратилган иттифоқ органлари ташкил этилиши мумкин; конфедерацияга бирлашган давлатларнинг ўз фуқаролиги сақланиб қолинади, лекин бу давлатларнинг фуқаролари конфедерация худудида эркин ҳаракатланиш (виза ва бошқа расмийчиликларсиз) ҳуқуқига эга бўладилар; конфедерацияда ягона солиқ тизими, ягона бюджет ва ягона армия мавжуд бўлмайди, лекин конфедерация субъектлари муайян муддатга ягона пул тизими, божхона қоидалари, давлатларардаги сиёсати, конфедерация мақсадлари учун бюджет изимини ташкил қилиш-

лари мумкин; конфедератив давлатлар узок муддатга сақланиб қолмайды, бунда улар федерацияга айланиши ёки умуман таркалиб кетиши мумкин.

Сиёсий режим – бу давлат ҳокимиятини амалга ошириш усул ва воситалари йифиндицидир.

Сиёсий режим давлат ҳокимиятининг ахоли билан ўзаро муносабатлари қандай қилиб ва қандай усуллар ёрдамида амалга оширилади, ижтимоий қатламларнинг сиёсий соҳадаги ҳақиқий нисбати қандай намоён бўлади, турли жамоат ташкилотларининг сиёсий макоми қандай, давлат органлари ўз худудларида яшовчи ахолини бошқариш бўйича амалда қандай роль ўйнайдилар, деган саволларга аник жавоб беради.

Давлат ва ҳукуқ назарияси давлатчиликнинг кўп асрлик тарихида маълум бўлган сиёсий режимнинг бир неча асосий турини ажратиб кўрсатади. Аввало, барча сиёсий режимлар демократик ва нодемократик турларига бўлинади.

Демократик режим. Демократик режимда давлат ҳокимияти фаолиятига халқ томонидан тўғридан-тўғри таъсир қилишнинг самарали механизми амал қиласди. Жамият ҳаётига оид бўлган энг муҳим масалалар юзасидан қарорларнинг кўпчилик томонидан озчиликнинг манфаатлари максимал даражада эътиборга олинган ҳолда қабул қилинади. Иктиносидай фаолият соҳасида шахснинг эркинлиги таъминланади, шахсий ҳукуқ ва эркинликлар кафолатланади, шахс қонунсизлик ва ҳокимиятнинг ҳар хил суиистеъмол қилишларидан ҳимояланади. Шунингдек, барча давлат органларининг фаолияти ҳукуқийлик тамоилига асосланади ҳамда ҳокимият ваколатлари тақсимланган бўлади.

Демократик режимнинг социал-демократик (тenglik, давлат томонидан ижтимоий жиҳатдан кам таъминланган шахсларга нисбатан кучли ижтимоий сиёсатнинг амалга оширилиши ва бошқалар) ва либерал-демократик (эркинлик, биродарлик, tenglik каби умуминсоний қадриятларнинг таъминланиши билан бирга, давлатнинг иктиносидётга таъсири минимал даражада бўлади ва бошқалар) турларини ажратиш мумкин.

Нодемократик режим. Бунда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари устидан давлатнинг тўла назорати ўрнатилган бўлади. Фу-

кароларнинг хуқук ва эркинликлари амалда татбиқ этилмайди ва етарили даражада кафолатланмайди.

Нодемократик режимнинг тоталитар, фашистик ва автократик каби турлари мавжуд. Автократик режимга жамоа автократияси на ягона шахс автократияси киради. Жамоа автократияси, ўз навбатида, аристократия ва олигархия, деб ном олган бошқарув шаклларига бўлинади. Ягона шахс автократияси деспотия, мустабидлик, шахсий ҳокимият шаклларига эга. Юкоридагилар билан бирга, тегишли адабиётларда нодемократик режимнинг фашистик, ҳарбий хунта, ирқчилик шакллари ҳам кўрсатиб ўтилади.

4. Жамият ва давлат. Ўзбекистонда ҳуқукий давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари

Жамият ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимида фуқаролик жамияти ва ҳуқукий давлат тушунчалари муҳим аҳамиятга эгадир. Шу сабабли, ушбу тушунчаларга тўхталиб ўтамиз.

Фуқаролик жамияти – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқукий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуклари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин демократик ҳуқукий жамиятдир.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришдан асосий мақсад инсон ҳаётини муҳофаза қилиш, унинг мақсадлари, манфаатларини, муайян ташкилотлар, ижтимоий институтлар, гурухлар, оила ва бошқа бирлашмалар орқали амалга оширишdir. Фуқаролик жамиятининг мазкур институтлари, ўз навбатида, алоҳида шахс учун унинг ҳокимият манбаи эканлигини хис қилишга ҳамда унинг лаёкати ва харакати, обруси жамиятда юксак қадрият сифатида тан олинишини таъминлашга хизмат қиласди.

Фуқаролик жамиятининг ҳозирги замон талқини қуйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

– фуқаролик жамияти – эркин инсонларнинг ҳамжамиятидир. Бунда иқтисодий жиҳатдан индивид мулкдор сифатида май-

донга чиқади. Шахс фаолият (мехнат) турини танлашда эркиндиндир. Шунингдек, фуқаро барча сиёсий ҳукуқлар, шу жумладан, сайлов ҳукуки соҳиби хисобланади. У сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларига уюшиш ҳукукига эга;

– фуқаролик жамияти очиқ ижтимоий организмдир. Унда сўз эркинлиги, танқид қилиш эркинлиги, ошкоралик, ахборот олиш ва тарқатиш эркинлиги, мамлакат худудида эркин харакатланиш ҳукуки кафолатланади;

– фуқаролик жамияти хурфикрлилик ўрнатилган жамиятдир. Унда турли манфаат ва нуктаи назарларни ифодаловчи ижтимоий институтлар (сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, тадбиркорлар уюшмалари, жамғармалар, клублар, федерациялар ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари) мавжуд бўлади;

– фуқаролик жамияти – ўзини ўзи бошқариш тизимиға эга жамиятдир. Ушбу жамият муайян даражада давлатдан мустақил ҳолда ўзини ривожлантира олувчи ички салоҳият ва манбаларга эгадир. Шу боис, у давлат ҳокимиятини чегаралаш воситаларига эга бўлади. Бунда фуқаролар жамоатчилик назоратини амалга оширади, уларнинг ташаббускорлиги ва сиёсий фаоллиги рағбатлантирилади;

– фуқаролик жамияти ҳукукий демократик жамиятдир. Бунда инсон ҳукуклари ва эркинликларининг устуворлиги таъминланади. Жамиятда қонун устуворлигига эришилади. Ҳукукий давлат фуқаролик жамияти қарор топиши натижасидагина ривожланади. Улар бир-бирини тўлдиради.

Шу ўринда фуқаролик жамияти **иқтисодий, сиёсий, маънавий-ахлоқий** асосларга таянишини таъкидлаш жоиз.

Фуқаролик жамияти, аввало, хусусий мулкчиликка кенг йўл берувчи ва унга асосланувчи бозор иқтисодиёти муносабатларига, эркин иқтисодий фаолият таъминланган шарт-шароитга таянади. Айнан хусусий мулкчилик мухити ва муносабатлари қарор топган жамиятда шахснинг мулкий мустақиллиги, иқтисодий фаолият юритишдаги эркинлиги таъминланади. Худди шу аснода шахс давлат ҳокимиятига нисбатан автоном, мустақил мавқени эгаллайди. Давлат хусусий ҳаёт соҳасига, шахс ва таш-

килотларнинг қонуний иқтисодий фаолиятига аралашмаслиги лозим.

Сиёсий нуктаи назардан баҳолаганда, фуқаролик жамиятидаги сиёсий тизим ва сиёсий бошқарувнинг мазмун-моҳиятини ҳуқуқий давлатчилик ифода этади. Бошқача айтганда, ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятининг сиёсий моҳиятини, сиёсий шаклини ташкил этади.

Фуқаролик жамияти чуқур маънавий, юксак маданий инсоний муносабатлар замирига таянади. Бу жамиятнинг маънавий ҳаётидаги бир нарса устуворлик қиласи, яъни инсон бенихоя даражада улуғланади, умуминсоний қадриятлар эъзозланади, улар мӯътабар ва муқаддас саналади. Бунда инсоннинг қадр-киммати, меҳроқибат, ахлоқий поклик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби олий қадриятлар одамлар ўртасидаги муносабатларнинг белгиловчи мезони сифатида майдонга чиқади.

Фуқаролик жамияти билан бирга кўп ишлатиладиган тушунча – бу ҳуқуқий давлатдир. **Ҳуқуқий давлат** – бу давлат ҳуқуқий асосда ташкил топадиган ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида ҳуқуқ устувор бўладиган давлат.

Ҳуқуқий давлатнинг қуйидаги белгилари ва тамоийиларини кўрсатиб ўтиш мумкин: қонун устуворлиги; давлат ва давлат органларининг ҳуқуқ билан алоқадорлиги; демократик ҳуқуқ ва эркинликлар билан боғлиқ барча институтларнинг мавжудлиги; инсон (фуқаролар) ҳуқуқ ва эркинликларининг давлат томонидан эълон қилинганлиги, ҳимоя қилиниши ва кафолатлаши; ривожланган фуқаролик жамиятининг мавжудлиги; давлат ҳокимияти ваколатларининг тақсимланганлиги; давлат ва шахснинг ўзаро масъуллиги.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов ўзининг қўплаб маъруза ва асарларида мамлакатимиизда шакллантирилаётган инсонпарвар демократик фуқаролик жамиятининг маъно-моҳиятини, бу борада амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар йўналишларини аниқ белгилаб берди. Жумладан, Президент қуйидагиларни таъкидлайди: «Биз фуқаролик жамияти қуришга интилмоқдамиз. Бунинг маъноси шуки, давлатчиликимиз ривожлана боргани сари бошқарувнинг турли хил вази-

фаларини бевосита халққа топшириш, яъни ўзини ўзи бошқариш органларини янада ривожлантириш демакдир»¹. Ислом Каримовнинг фуқаролик жамияти моҳиятига оид қўйидаги фикри ҳам муҳим аҳамиятга эга: «Биз учун фуқаролик жамияти – ижтимоий макон. Бу маконда қонун устувор бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини камол топтиришига монелик қилмайди, аксинча, ёрдам беради. Шахс манфаатлари, унинг хукуқ ва эркинликлари тұла даражада рўёбга чиқишига кўмаклашади. Айни вақтда, бошқа одамларнинг хукуқ ва эркинликлари камситилишига йул қўйилмайди. Яъни, эркинлик ва қонунга бўйсуниш бир вақтнинг ўзида амал килади»². Бошқача айтганда, давлатнинг қонунлари инсон ва фуқаро хукуқларини камситмаслиги лозим³.

5. Хуқуқ тушунчаси ва унинг белгилари

Хуқуқ серкирра ва мураккаб ҳодиса бўлиб, унинг тушунчаси бутун дунёда ҳозиргacha ўз ечимини тўла топмаган долзарб масала бўлиб қолмоқда. Буюк Британиялик хукуқшунос Д. Уолкер шундай деб ёзади: «Хуқуқни сўз билан таърифлашга бир неча бор ҳаракат қилинган, лекин улардан бирортаси қоникарли ва умумэътироф этилган ҳисобланмайди»⁴. Рус хуқуқшунос олим Н.Н. Алексеев бу борада шундай деб ёзган: «Табиатшунос олимлар табиатнинг ўзи нима, деган саволга жавоб бера олмаганларидек, хукуқшунослар ҳам хукуқнинг таърифини топа олмайдилар»⁵. Америкалик хукуқшунос Лауренс Фридманнинг таъкидлашича эса, – «хуқуқ ойнадек синувчан, совун пуфакларидек омонат, вақтдек тутқич бермас кўп маъноларга эга»⁶.

Шундай бўлса-да, бугунги кунда хукуқнинг бир нечта тушунчалари мавжуд.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иктисадий истиқболининг асосий тамойиллари. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3 – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – Б.11.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараккиёт кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – Б.173.

³ Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараккиёт сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – Б.52.

⁴ Walker D.M. The Oxford Companion to Law. 1980. – P.716.

⁵ Исламов З.М. Общество. Государство. Право. Т., 2001. – С.334.

⁶ Фридман Л. Введение в американское право. М., 1992. – С.8.

Хусусан, **табиий-хуқуқий назарияда** хуқуқ тушунчаси инсоннинг унга туғилиши билан ол бериладиган табиий хуқуқлар билан боғланади, умуминсоний қадриятларни ташкил қилгани учун улар давлат томонидан ўрнатилмайди, улар давлат томонидан факт таъминланиши ва ҳимояланиши зарур. Табиий хуқуқ назарияси вакиллари (Локк, Руссо, Монтескье, Гольбах, Радищев ва бошқалар) хуқуқка таъриф берар эканлар, улар давлат томонидан ўрнатиладиган позитив хуқуқдан ташқари ҳамма учун умумий бўлган ва позитив хукуқдан устун турувчи табиий хуқуқ мавжуддир, деган фикрни илгари сурешади.

Норматив концепцияда хуқуқка қўйидагича таъриф берилади: хуқуқ – бу давлат томонидан ўрнатиладиган ва қўриклиладиган нормалар тизимиdir. Ушбу назария вакиллари эса, (Штаммлер, Новгородцев, Кельзен ва бошқалар) хуқуқнинг юридик моҳиятини ташкил этувчи расмий белгиларни ажратиб кўрсатишади. Нормативизмга кўра, хуқуқ – бу хокимиятнинг кўрсатмасидир. Хокимият хуқуқ демакдир. Хуқуқ давлатсиз мавжуд бўлмайди ва аксинча давлат ҳам хуқуқсиз мавжуд бўлмайди.

Хуқуқнииг социологик концепциясида хуқуқка таъриф беришда хуқуқий муносабатларга катта аҳамият берилади. «Хуқуқ деб хуқуқий муносабатлар тизими, одамларнинг хуқуқ соҳасидаги юриш-туришлари тан олинади»¹. Социологик назария хуқуқни реал воқелик сифатида талқин этади. Социологик мактаб намояндалари дикқат марказини «жонли хуқуқ», яъни хуқуқий муносабатлар тизимини, хуқуқ доирасидаги одамлар хулк-авторини ўрганишга кўчириш керак², деб таъкидлашади.

Шу ўринда хуқуқнинг бир нечта белгиларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Хуқуқ – конун даражасига кўтарилиган ирода;
2. Хуқуқнииг расман аниқлиги;
3. Хуқуқнииг тизимлилиги;

¹ Бобылев А.И. Понятие, принципы, функции права. Право и политика. № 4, 2004. – С. 8.

² Исломов З.М. Давлат ва хуқуқнииг умумназарий муаммолари: хуқуқни тушуниш, хуқуқий онг ва хуқуқ ижодкорлиги. – Т.: 2005. – Б.112.

4. Ҳуқукнинг жўшқинлиги (динамизми);
5. Ҳуқук – бу турли кишиларга тенг миқёсда бўлиш;
6. Ҳуқукнинг давлат томонидан ўрнатилиши¹.

Рус олими Бобылевнинг фикрига қўра ҳуқукнинг асосий белгилари қўйидагилардир:

1. Ҳуқук – бу ҳуқуқий нормалар тизимири;
2. Ҳуқук – бу ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи тизимдир;
3. Ҳуқук – бу инсоннинг табиий ҳуқуқ ва эркинликлари йиғиндишидир;
4. Ҳуқук жамият ва давлат томонидан ўрнатилади;
5. Ҳуқук инсоний адолат ва шахсий эркинлик ғояларига асосланади;
6. Ҳуқук турли ҳаётий фаолият соҳаларида шахснинг, жамиятнинг ва давлатнинг манфаатларини ифодалайди;
7. Ҳуқукка расмий манбаларда ўз аксини топган расмий муайянлик хосдир;
8. Ҳуқук умумий ва мажбурий характерга эга;
9. Ҳуқук ижтимоий муносабатлар ва одамларнинг юриш-туришига таъсир қиласиган тизим сифатида давлат ва жамият томонидан таъминланади².

Масалан, З.М. Исломов ҳуқуқнинг белгиларига ҳуқуқнинг нормативлигини; ҳуқуқ ўз аксини топадиган предметга эга – бу ҳокимият, давлат, жамиятдаги тартибот; ҳуқуқ инсоннинг юриш-туришини тартибга солишини, унинг фикри ва хиссиётларига таъсир қилишини; ҳуқуқ маҳсус – қонунчилик шаклида намоён бўлишини киритади ва бу ҳуқуқнинг умумий белгилари эканлигини таъкидлайди³.

6. Ҳуқук тизими ва таркиби

Ҳуқук тизимини ўрганиш ҳуқуқнинг ички тузилишини, унинг таркибий қисмлари, бу қисмларнинг ўзаро боғлиқлигини тўғри

¹ Исламов З.М. Общество. Государство. Право. – Т.: 2001. – С.353.

² Бобылев А.И. Понятие, принципы, функции права. Право и политика. № 4, 2004. – С.9.

³ Исламов З.М. Общество. Государство. Право. – Т.: 2001. – С.348.

тушуниш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, хуқуқ тизимини тадқиқ этиш – унинг таркибий ташкил этилишини аниqlаш, таркиб топиш ва ривожланиш принципларини кўрсатиб бериш демакдир.

Хуқуқ тизимиға қуйидагича таъриф бериш мумкин: хуқуқ тизими – бу ижтимоий муносабатларнинг характеристики билан боғлиқ бўлган хуқуқнинг ички тузилиши бўлиб, у хуқуқ нормалари, хуқуқ институтлари ва хуқуқ соҳаларининг қатъий изчилликда жойлашган тартибидир.

Хуқуқ тизимининг қуйидаги таркибий элементларини кўрсатиб ўтиш жоиз:

1. Хуқуқ нормаси;
2. Хуқуқ институти;
3. Хуқуқ соҳаси.

Хуқуқ нормаси деганда, давлат томонидан ўрнатиладиган ва маъқулланадиган, муайян шаклда ифодаланадиган, ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган умуммажбурий хулк-атвор қоидаларини тушуниш керак. Хуқуқ нормаси нафакат хуқуқ тизимининг, балки хуқуқ соҳаси ва институтининг ҳам энг асосий, дастлабки элементи бўлиб, давлат жорий этган, бажарилиши жамиятнинг барча аъзолари учун мажбурий бўлган, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи турмуш қоидасидир. Хуқуқ нормаси умумий, яъни ҳаммага тааллуклидир. У доимо кўлланиладиган бўлиб, унда бажариш шартлари, субъектлар ўртасидаги тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар, тарафларнинг хуқуқ ва бурчлари, бажармаганлик учун жазо чоралари белгиланади.

Хуқуқ тизимининг навбатдаги таркибий элементи – **ҳуқуқ институтлари** деб, ўзаро боғлиқ бўлган бир турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хукукий нормалар гурухига айтилади. Масалан, фуқаролик хукуки соҳасида – мажбурият хукуки, мерос хукуки институтлари, жиноят хукуки соҳасида – соғлиқка қарши жиноятлар институти кабилар амал қиласида ва х.к. Ушбу хуқуқ институтлари ўзлари тегишли бўлган хуқуқ соҳасининг ички таркибий қисмидир. Бу соҳадаги хуқуқ институтлари бирлашиб, муайян хукуқ соҳасини ташкил этади.

Хуқуқ соҳаси – бу ўзига хос ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини тартибга солувчи хуқуқ нормалари ва хуқуқ институтларининг йифиндисидир. Масалан, молиявий муносабатлар – молия хуқуки соҳаси билан, меҳнат муносабатлари – меҳнат хуқуки соҳаси билан, ер билан боғлик муносабатлар – ер хуқуки соҳаси билан тартибга солинади ва ҳоказо. Хуқуқ соҳаси – хуқуқ тизимининг асосий қисми ва мустақил бўғини. Ҳар бир хуқуқ соҳасида умумий қисм мавжуд бўлиб, унда шу соҳага тегишли ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг умумий принцип ва қоидалари баён этилади.

7. Хуқуқ манбалари

Давлат ва хуқуқ назарияси фанида **хуқуқ манбаси** уч хил маънода тушунилади. Биринчидан, *моддий маънода*, яъни жамиятдаги мулкчилик шакллари, моддий шарт-шароитлар, жамият аъзоларининг қизиқишлари ва манбаатлари тушунилади. Иккинчидан, *мафкуравий маънода*, хуқуқнинг асоси ва манбаи сифатида турли хуқуқий мафкура ва таълимотлар, хуқуқий онг кабилар тушунилади. Учинчидан, *маҳсус юридик маънода* хуқуқнинг шакллари назарда тутилади.

Хуқуқнинг қуйидаги асосий манбалари (шакллари)ни кўрсатиб ўтиш мумкин:

1. Хуқуқий одат;
2. Хуқуқий прецедент;
3. Норматив-хуқуқий ҳужжат;
4. Норматив шартномалар.

Хуқуқнинг энг қадимги манбаларидан бири **хуқуқий одатдир**. Хуқуқий одат узок давр мобайнида амалда бўлиши натижасида шаклланган ва давлат томонидан умуммажбурий қоида сифатида тан олинган хулқ-атвор қоидасидир. Ҳар қандай одат ҳам хуқуқий одатга айлана олмайди, балки узок давр мобайнида амалда бўлиш натижасида одат тусига кириб, кишилар онгидаги кўнигма бўлиб қолган ҳамда жамиятда ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим аҳамиятга эга бўлган ва давлат томонидан маъкулланган одатгина хуқуқий одат бўлиши мумкин.

Хуқуқий прецедент – суд ёки маъмурий органнинг ёзма ёки оғзаки карори бўлиб, бу карор келгусида барча шунга ўхшаш ишларни кўриб чиқиши ва ҳал қилиш учун асос бўладиган намуна нормадир. Хуқуқий прецедентнинг суд ва маъмурий прецедент шакллари мавжуд. Суд прецеденти АҚШ, Австралия, Буюк Британия, Канада ва Янги Зеландия каби англо-саксон ҳуқуқ оиласи амалда бўлган давлатларда ҳуқуқнинг манбаси сифатида кенг ёйилган.

Дунё миқёсида энг кенг тарқалган ҳуқуқ манбаси **норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир**. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тегишли тартибда қабул қилинган, умуммажбурий давлат кўрсатмалари сифатида ҳуқуқий нормаларни белгилашга, ўзгартиришга ёки бекор қилишга қаратилган расмий ҳужжатдир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини ўз ичига олади ҳамда ўзининг куйидаги хусусиятлари билан ижтимоий нормаларнинг бошқа турларидан ажралиб туради: 1) давлат номидан конунда белгиланган тартибда қабул қилинади; 2) ваколатли субъектларнинг ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятининг маҳсули ҳисобланади; 3) барча учун умуммажбурий қоидаларни ўрнатади, ўзгартиради (такомиллаштиради) ёки бекор қиласди; 4) маҳсус процессуал тартибда амалга оширилади; 5) муайян ҳужжатлаштирилган шаклга эга (конун, фармон, карор ва б.); 6) муайян турдаги ижтимоий муносабатларни тартибга солишига қаратилган; 7) уларда ҳуқуқий қоиданинг мазмуни, яъни ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилади; 8) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган қоидалар бажарилмаган ёки бузилган тақдирда муайян ҳуқуқий оқибатлар келиб чиқади, қоида бўйича, давлатнинг мажбурлов кучи ишга солинади.

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқнинг асосий шакли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тұғрисида»ги Қонунининг 5-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг куйидаги турлари кўрсатиб ўтилган:

- 1) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
- 2) Ўзбекистон Республикасининг конунлари;

- 3) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари;
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари;
- 5) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари;
- 6) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруклари ҳамда қарорлари;
- 7) маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари.

Барча норматив-хукуқий ҳужжатларни қонун ва қонуности ҳужжатларига бўлиш мумкин.

Қонун – давлат ҳокимиятининг олий вакиллик ва қонунчилик ҳокимияти органи томонидан ёки бевосита халқнинг хошиш-иродасига кўра (масалан, референдум ўтказиш йўли билан) қабул қилинган, ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи энг муҳим юридик ҳужжатдир. Қонун давлат хукуқ тизимининг негизини ташкил этади, давлатнинг бошқа органлари норматив ҳужжатларига нисбатан олий юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-хукуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрир) б-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари **қонунлардир**.

Қонун ости ҳужжатлари эса, қонунга асосан ва унинг ижро-сини таъминлаш юзасидан чиқарилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруклари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари қонун ости ҳужжатларидир.

Норматив шартномалар ҳам ҳукуқнинг муҳим манбаси ҳисобланади. Икки ёки ундан ортиқ мустақил ҳукуқ субъектлари ўртасида тузиладиган ҳамда уларнинг ҳукуқ ва мажбуриятларни ўрнатадиган, ўзгартирадиган ёки бекор қиладиган битимларга норматив шартномалар дейилади. Норматив шартномалар, айниқса, халқаро ҳукуқда катта аҳамиятга эга. Норматив шартномаларнинг куйидаги турлари мавжуд: субъектларига кўра: икки то-

монлама ва кўп томонлама; хусусиятига кўра: норма ўрнатувчи ва таъсис этувчи.

8. Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши

Маълумки, одамлар доимо ўзаро ижтимоий, яъни иқтисодий, диний, оиласиий, дўстлик муносабатларига киришадилар. Улар ўртасида, шунингдек, ҳуқуқий муносабатлар ҳам юзага келади.

Ҳуқуқий муносабатлар – бу ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинган бир қисми бўлиб, уларнинг субъектлари субъектив ҳуқуқ ва субъектив юридик мажбуриятларга эга бўладилар.

Ҳуқуқий муносабатларнинг қуидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- ҳуқуқий муносабатлар ижтимоий субъектлар (муомала лаёқатига эга шахслар) ўртасидагина юзага келади;
- ҳуқуқий муносабатлар фақатгина ҳуқуқ нормалари асосида юзага келади;

– ҳуқуқий муносабатлар иродавий характерга эга, чунки муносабат юзага келиши учун камида битта томоннинг истаги талаб қилинади;

– ҳуқуқий муносабатлар ҳуқуқ нормаси асосида юзага келар экан, у давлат томонидан қўриқланади ва таъминланади;

– ҳуқуқий муносабат муайян предмет ёки ашёга нисбатан юзага келади ва шу асосда субъектлар ўзларига тегишли субъектив ҳуқуқ ва юридик мажбуриятларни амалга оширадилар.

Давлат ва ҳуқуқ назариясида ҳуқуқий муносабатлар турли мезонлар асосида турлича таснифланади. Жумладан, ҳуқуқ соҳаларига кўра: конституциявий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, жиноят-ҳуқуқий, меҳнатга оид, оиласиий ҳуқуқий муносабатларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига кўра: умумий тартибга солувчи, нисбий, қўриқловчи; тарафларнинг аниқлик даражасига кўра: мутлақ, регулятив; мажбуриятлар характерига кўра: суст типдаги, фаол типдаги; субъектларига кўра: умумий, муайян (конкрет); таъсир этиш мақсадига кўра: статик, динамик; генетик ва функционал алоқаларга кўра: моддий ва процессуал ҳуқуқий муносабатларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Хуқуқий муносабатлар тузилишига кўра, ўз таркибига қўйидаги элементларни олади: субъект, объект, субъектив хуқуқ ва юридик мажбурият.

Хуқуқий муносабат обьекти – бу хуқуқий муносабат субъектлари (иштирокчилари)нинг хуқуқ ва мажбуриятлари қаратилган нарсалар, яъни хуқуқий муносабатлар нимага қаратилган бўлса, ўша нарсалар унинг обьектини ташкил этади. Хуқуқий муносабатнинг обьектларини моддий қадриятлар (ашёлар, мулк ва б.), номоддий қадриятлар (хаёт, соғлик, шаън, қадр-қиммат ва б.), маънавий ижод маҳсуллари (адабий асарлар, санъат, мусиқа, фан, компьютер дастурлари ва б.) бўлиши мумкин.

Хуқуқий муносабат субъектлари – хуқуқий муносабатларнинг субъектив хуқуқ ва юридик мажбуриятларга эга бўлган иштирокчилари. Бундай иштирокчилар сифатида хуқуқ субъектлари, яъни конунга биноан ҳуқуқка эга бўлиш ва зиммасига юридик мажбуриятларни олиш лаёкатига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахслар намоён бўлади.

Субъектив ҳуқуқ шахсга Конституция ва конунлар билан тақдим этилган, яъни у содир этиши мумкин бўлган хатти-харакати тури ва ўлчовидир. Субъектив ҳуқуқлардан шахс хоҳласа фойдаланиши ёки хоҳламаса фойдаланмаслиги мумкин.

Бир шахсда ҳуқуқ вужудга келса, ушбу ҳуқуқни таъминловчи бошқа бир шахсда *субъектив юридик мажбурият* юзага келади. Субъектив юридик мажбурият субъектнинг содир этиши лозим бўлган хатти-харакати тури ва ўлчови хисобланади.

9. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик

Бугунги кунга келиб юридик адабиётларда ҳуқуқбузарликнинг куйидаги таърифлари шакллантирилган.

Хусусан, ҳуқуқшунос олим З.М. Исломовнинг таъкидлашича, «ҳуқуқбузарлик – шахсга, мулкка, давлатга ёки умуман жамиятга зарар етказувчи ижтимоий хавфли, айбли, ҳуқуқка зид ҳараратдир»¹.

¹ Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: «Адолат», 2007. – Б.883.

Шунга ўхшаш таъриф А. Сайдов ва У. Тожихоновлар томонидан бериб ўтилган: «Ҳукуқ бузилиши шахсга, мулкка, давлатга ёки умуман жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли, қонунга қарши ҳаракатдир»¹.

Х.Т. Одилқориевнинг таъбирича, «Ҳукуқбузарлик – ҳукуқ субъектининг айбли, ҳукуққа зид, жамият, давлат ва шахс манфаатларига зарар келтирувчи, юридик жавобгарликни келтириб чиқарувчи қилмишдир»².

М.А. Ахмедшаева ҳукуқбузарликка қўйидагича таъриф беради: «давлат, жамият ва фуқаролар манфаатларига зарар етказувчи ақли расо шахснинг ҳукуққа зид, айбли, жазога лойиқ, ижтимоий хавфли қилмишидир»³.

Н. Сабуров ва М.К. Нажимовлар ҳукуқбузарликка «ҳукуқ ва муомала лаёкатига эга субъект томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик кўринишида содир этиладиган, ҳукуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли қилмишидир»⁴, деб батафсил таъриф берадилар.

Юқоридаги таърифлардан келиб чиқсан ҳолда, **ҳукуқбузарликнинг қўйидаги асосий белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:**

- жамият ва шахс учун ижтимоий хавфлилик;
- ҳукуққа зид ҳарактерга эгалиги;
- айбли қилмиш;
- зарарли оқибат келтириб чиқаради;
- кишиларнинг эрки ва онгига боғлиқ бўлган ҳолда, улар томонидан ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклида амалга оширилади ва бошқалар.

¹ Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳукуқ назарияси. 2-жилд. Ҳукуқ назарияси. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2001. – Б.285.

² Давлат ва ҳукуқ назарияси: дарслик /Х.Т. Одилқориевнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.529.

³ Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳукуки назарияси муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.250.

⁴ Сабуров Н., Нажимов М. Давлат ва ҳукуқ назарияси. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.115.

Ҳар қандай ҳукуқбузарлик таркиби қўйидаги элементлардан иборат бўлади:

1) объект, яъни ҳукуқий нормалар билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар;

2) объектив томони – ҳукуққа хилоф қилмишнинг ўзи, унинг натижасида келиб чиқсан ҳакиқий заарли оқибат ҳамда қилмиш билан натижা ўртасидаги сабабий боғланиш;

3) субъект – ҳукуқбузарликни содир этган муомала лаёқатига эга шахс;

4) субъектив томони – айбнинг мавжудлиги, яъни ҳукуқбузарнинг ўз қилмишига ва унинг натижаларига нисбатан касд ёки эҳтиётсизлик шаклидаги муносабати.

Ҳозирги замон жамиятида ижтимоий муносабатларнинг жадал суръатларда ривожланиши билан юридик фан ва амалиётга аввал маълум бўлмаган ҳукуқбузарликларнинг янги кўринишлари вужудга келди. Лекин, содир этиладиган ҳукуқбузарликлар ғоят хилма-хил бўлишига қарамай, уларнинг ҳаммасини икки гурӯхга, яъни **жиноят ва ножӯя қилмишларга** бўлиш мумкин.

Жиноят тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси¹ 14-моддасида берилган. Бу тушунчада айблилик, ҳукуққа зидлик ва жазоланиш таҳди迪 каби жиҳатлар кўрсатилган ҳолда моддий белги – қилмишнинг ижтимоий хавфилигига устунлик берилади: жиноят деб ушбу кодексда жазо кўллаш таҳди迪 билан тақиқланган айбли ижтимоий хавфли қилмиш тан олинади.

Шу ўринда, жиноят ижтимоий хавфилик даражасининг юкори эканлиги билан бошқа ҳукуқбузарликлардан фарқ қилишини таъкидлаш жоиз. Ҳукуқшунос олим М.Х. Рустамбоевнинг фикрича, жиноят ва бошқа ҳукуқбузарлик ўртасидаги фарқлар қўйидаги белгилар орқали намоён бўлади: 1) ҳукуқбузарликнинг обьекти; 2) ижтимоий хавфилик даражаси ва хусусияти; 3) ҳукуққа хилофилик шакли; 4) етказилган заарарнинг миқдори².

¹ Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: «Адолат», 2016. – Б.8.

² Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳукуқи. Умумий қисм. – Тошкент: Илм Зиё, 2005. – Б.97.

Шунингдек, жиноят ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра, муаяйн даражада ижтимоий хавфли хусусиятга эга бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқли ўлароқ, жамиятга қўпроқ зарар етказиши билан ажралиб туради.

Жиноятлар ўзининг яна бир белгиси, яъни уларнинг ҳуқуққа хилофлилик хусусияти билан бошқа ҳуқуқбузарликлардан фарқланади. Жиноятлар учун жавобгарлик факат жиноят қонуни билан тартибга солиниши уни бошқа ҳуқуқбузарликлардан ажратиб туради. Шу тариқа, жиноятлар факат жиноят қонуни билан тақиқланади ва жиноий жазо қўллаш таҳдидини келтириб чиқарди.

Жиноятларнинг бошқа ҳуқуқбузарликлардан яна бир фарқи шундаки, улар доимо бошқа ҳуқуқбузарликларга қараганда жамиятга қўпроқ зарар етказади. Бунда жиноят содир этган шахсларнинг айби хавфлироқ, мотиви ўзгармас, қилмишни содир этиш усули хавфлироқ хисобланади.

Ҳуқуқбузарликларга жиноятлардан ташқари ижтимоий хавфлилик даражасининг камлиги билан фарқланадиган, ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида содир этиладиган, турли тажовуз обьектларига ва ҳуқуқий оқибатларга эга бўлган ножӯя қилмишлар ҳам киради.

Ножӯя қилмишлар маъмурий, фуқаровий, интизомий ҳуқуқбузарликларга бўлинади. Шунингдек, юридик фанда процессуал ҳуқуқбузарликлар ва солик ҳукуки нормаларини бузиш билан боғлик хатти-ҳаракатлар фарқланади.

Фуқаровий ҳуқуқбузарлик деганда, «ташкilot ва шахснинг мулкига ёки шахсига ҳуқуққа зид ҳаракатлар билан зарар еткалиш; шартнома мажбуриятларини бажармаслик, мулк эгасининг ҳуқуқларини бузиш, ҳуқуқка хилоф битимни тузиш кабилар тушилиб, улар мулкий ва номулкий муносабатлар соҳасида содир этилади»¹. Бизнингча, фуқаровий ҳуқуқбузарликка қўйидаги-ча таъриф бериш мумкин: фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг объектив ҳуқуқ ва субъектив ҳуқуқ нормалари-

¹ Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳукуки назарияси муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.258.

ни бузадиган хуқуққа зид қилмиши ёки ҳаракатсизлиги. Фуқаро-вий хуқуқбузарліктер болып қылыштардан махсус тажовуз килиш обьекти билан ажралади. Ҳар иккала ҳолатда ҳам жавоб-гарлик учун хуқуқбузарлық таркибининг барча белгилари: хуқуққа зид қилмиш, зарарлы оқибат, сабабий боғланиш ва айбнинг мав-жуд бўлиши мухим.

Хуқуқбузарлікнинг яна бир тури – *бу маъмурий ҳуқуқбузарлікдир*. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексининг 10-моддасига кўра, маъмурий хуқуқбузарлық деганда қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг хукуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи файриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади.

Демак, маъмурий хуқуқбузарлық – бу зарап етказиш ёки уни етказиш хавфини туғдириш билан боғлиқ ижтимоий хавфсизлик ва ижтимоий тартиботга, мулкчиликка, фуқаролар хукуқ ва эркинликларига, мавжуд бошқарув тартибига нисбатан тажовуз қилишдан иборат, лекин оғир оқибатларни келтириб чиқармайдиган шашнинг ижтимоий хавфли хуқуққа зид хулқ-атвори бўлиб, бунинг учун ай-дор шахс Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс билан ўрна-тилган тартибда юридик жавобгарликка тортилади.

Ножўя қилышлар қаторига шунингдек, *интизомий ҳуқуқбузарлікларни* ҳам киритиш мумкин. Интизомий хуқуқбузарлык корхона, муассаса ва ташкилотлар фаолиятининг ички тартиби-ни бузадиган хуқуққа зид қилмишdir. Интизомий хуқуқбузар-ликни содир қилиш билан меҳнат жамоаларининг нормал фаолияти издан чиқарилади, меҳнат, ўқув, хизмат, ишлаб чиқариш, ҳар-бий интизом бузилади. Бу қилышлар учун жавобгарлик, қоидага кўра, меҳнат қонунчилиги нормалари билан белгиланади. Й. Тур-сунов ва М. Усмоновалар интизомий ножўя ҳаракатларни қўйи-дагича таърифлайдилар: «ходим томонидан айбли ва хуқуққа хи-лоф тарзда ўз меҳнат мажбуриятларининг бажарилмаслиги»¹.

¹ Турсунов Й., Усмонова М. Меҳнат хуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.165

Юридик адабиётларда, шунингдек, процессуал ҳуқуқбузарликлар гурухи ҳам ажратиб кўрсатилади. Процессуал ҳуқуқбузарликлар – бу суд жараёни иштирокчиларининг тегишли кодекс билан жавобгарлик белгиланган ижтимоий хавфли, ҳуқуқка зид, айбли қилмишлариdir. Процессуал ҳуқуқбузарликлар жиноий, фуқаровий ва хўжалик ишлари бўйича судларда иш юритишнинг амалга оширилишида юзага келиши мумкин. Бу турдаги ҳуқуқбузарликларнинг субъектлари суд мажлиси залида ҳозир бўлган ва ўрнатилган тартибининг бузилишига йўл қўювчи суд процесси иштирокчилари: процессадиги томонлар (даъвогар, жавобгар; аризачи, манфаатдор шахс), учинчи шахслар, бошқа шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини ҳимоя килиш учун судга мурожаат қилган прокурор, одил судловга кўмаклашувчи шахслар (экспертлар, таржимонлар), шунингдек, фуқаролар бўлиши мумкин.

Юридик жавобгарлик. Юридик жавобгарликнинг бир неча тушунча ва таърифларини келтириб ўтиш мумкин. Хусусан, Х.Т. Одилқориев шундай деб ёзади: «Юридик жавобгарлик – ҳуқуқбузарга нисбатан ҳуқуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбуров чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбор шахс муайян ҳуқуқлардан (шахсий, мулкий, ташкилий ва ҳоказо) маҳрум этилади»¹.

З.М. Исломов юридик жавобгарликни содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат ҳокимият моҳиятига эга бўлган муайян чеклашларни бошдан кечириш мажбурияти, деб тавсифлайди. Юридик жавобгарлик – бу содир этилган ҳуқуқбузарлик учун шахснинг давлат ҳокимияти моҳиятига эга бўлган муайян чеклашларни бошдан кечириш мажбуриятидир².

Юридик жавобгарлик – бу ҳуқуқ нормалари санкцияларининг амалга ошиши, деганояни М.А. Ахмедшаеванинг таърифида учратиш мумкин: «Юридик жавобгарлик – бу давлатнинг

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси: Дарслик // Х.Т. Одилқориевнинг таҳрири остида. – Тошкент: Шарқ, 2009. – Б.539.

² Исломов З.М. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – Б.899.

хукуқбузарликка нисбатан муносабат билдириши, қонунда белгиланган санкцияларни амалга ошириш усулидир¹.

Юкоридаги таъриф ва талқинлардан келиб чиккан холда, юридик жавобгарликнинг қўйидаги белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

1) давлат томонидан хукукий нормаларда ўрнатилади, яъни амалдаги қонунчилик билан назарда тутилади;

2) давлат мажбурловига таянади;

3) маҳсус ваколатли органлар томонидан қўлланилади;

4) хукуқбузар учун муайян салбий оқибатларни келтириб чиқаради;

5) хукукий норма санкциясини қўллаш шакли ҳисобланади;

6) процесуал шаклда юкланди;

7) факат содир этилган хукуқбузарлик учун юзага келади;

8) хукуқбузар давлат номидан жазоланди².

Қўйидаги ҳолларда юридик жавобгарлик ва ножӯя ишнинг хукуқка хилофлилиги истисно қилинади:

1) акли норасолик;

2) зарурий мудофаа (шахс, жамият, давлат манфаатлари ҳимоясидан келиб чиқиб, зарар етказувчига зарурий мудофаа доирасида қаршилик кўрсатиш ёки зарар етказиш);

3) охирги зарурат (шахс, жамият, давлат манфаатларига хавф бўлганда бу хавфнинг олдини олишга қаратилган чоралар доирасидаги харакатлар);

4) ижтимоий хавфлилилк даражаси бўлмаган хукуқбузарлик содир этилганда;

5) буйруқ ёки фармойишни бажариш ва ҳоказо³.

Юридик жавобгарлик, ўз табиатига кўра, бир хил бўлмаганлиги сабабли, у хукуқбузарликларнинг турларига қараб **жиноий-хукукий, фуқаровий-хукукий, маъмурӣ, интизомий жавобгарлик** турларига бўлинади. Шунингдек, ҳозирги замон хукуқшунослигида конституциявий-хукукий, моддий ва процесуал, экологик-хукукий жавобгарлик турлари ҳам кўрсатилмоқда.

¹ Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва хукуки назарияси муаммолари. – Тошкент: ТДЮИ, 2008. – Б.254.

² Ўша асар. – Б.255.

³ Ўша асар. – Б.260.

Жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик – энг қаттиқ жавобгарлик тури бўлиб, уни содир этган ақли расо, айбор шахсга нисбатан давлатнинг мажбурлов жиноий-ҳуқуқий таъсири ўтказилади¹.

Таъкидлаш жоизки, жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик қонун (Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси) билан белгиланади. Жиноий-ҳуқуқий жавобгарликка тортиш ҳуқуқи фақат битта органга, яъни судга берилган.

Маъмурий жавобгарлик. Маъмурий ҳуқук нормаларида давлат бошқаруви соҳасида қўлланиладиган кенг кўламли мажбурий таъсир воситалари мустаҳкамланган. Бу нормалар нафакат маъмурий, балки давлат бошқаруви органлари амалга оширадиган фуқаролик, меҳнат, экологик, ер, божхона ва бошқа ҳуқук соҳаларини ҳам муҳофаза килади.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик мулкий характердаги шартномавий муносабатларни бузганлик учун вужудга келадиган жавобгарлик тури ҳисобланади. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликда – фуқаролик қонунчилиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жабрланувчига етказилган мулкий зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбурий таъсир чораси қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик интизомий ножуя ҳаракат содир этганлик учун вужудга келади. Интизомий жавобгарлик – бу ўз айбли хулқ-атвори билан меҳнат интизомини бузаётган ходимни қоралаш, унга қонунда назарда тутилган интизомий жазо чорасининг қўлланилишидан иборат².

Назорат саволлари

1. Давлат деганда нимани тушунасиз?
2. Давлатнинг белгиларини санаб ўтинг ва уларга изоҳ беринг.
3. Сизнингча, давлат нима сабабдан вужудга келган?
4. Давлат қандай функцияларни бажаради?
5. Ўзбекистон давлат бошқарув шаклининг хусусиятларини сананг.
6. Фуқаролик жамияти деганда нимани тушунасиз?

¹ Михеев Р.И. Проблемы вменяемости, вины и уголовной ответственности. Автореферат дисс.... докт. Юрид. Наук. М., 1995. – С.23.

² Турсунов Ю., Усманова М. Меҳнат ҳуқуқи. Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б.164.

7. Ҳукукий давлат деганда нимани тушунасиз?
8. Ҳукуқ – бу нима?
9. Ҳукуқнинг белгиларини санаб ўтинг, уларга қисқача изоҳ беринг.
10. Ҳукуқни қандай соҳаларга бўлиш мумкин?
11. Ҳукуқ тизимининг таркибий элементларини санаб ўтинг.
12. Ҳукуқ манбалари деганда нимани тушунасиз?
13. Ҳукуқ лаёқати ва муомала лаёқатини тушунтириб беринг.
14. Жиноят бошқа ҳукуқбузарлик турларидан нимаси билан фарқ қиласи?
- 15) Юридик жавобгарлик деганда нимани тушунасиз?

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Давлат ва ҳукуқ назарияси / Масъул мухаррирлар Ҳ.Б. Бобоев, Ҳ.Т. Одилқориев. – Т.: Иктиносидёт ва ҳукуқ дунёси, 2000. – 528 б.
2. Исломов З.М. Давлат ва ҳукуқ назарияси. – Тошкент: Адолат, 2007. – 916 б.
3. Одилқориев Ҳ.Т., Тультеев И.Т. ва бошк. Давлат ва ҳукуқ назарияси: Дарслик / Проф.Х.Т. Одилқориев таҳрири остида. – Т.: Sharq, 2009. – 592 б.
4. Жавлиев Н.Б. Ҳукуқнинг моҳияти: анъанавий ва замонавий назариялар. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 96 б.
5. Ахмедшаева М.А. Ҳозирги замон давлати ва ҳукуқи назарияси муаммолари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2011. – 236 б.
6. Исламов З. Общество. Государство. Право. (Вопросы теории). – Ташкент: Адолат, 2001. – 695 с.
7. Сабуров Н., Нажимов М.К. Давлат ва ҳукуқ назарияси. Назорат шакллари бўйича синовга тайёргарлик кўриш учун ўқув-услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2009. – 150 б.
8. Сабуров Н., Сайдуллаев Ш.А. Давлат ва ҳукуқ назарияси / Ўқув қўлланма. – Тошкент. ТДЮИ, 2011. – 170 б.
9. Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳукуқ назарияси. I жилд. Давлат назарияси. – Т.: Адолат, 2001. – 336 б.
10. Сайдов А., Тожихонов У. Давлат ва ҳукуқ назарияси. II жилд. Ҳукуқ назарияси. – Т.: Адолат, 2001. – 560 б.

2-мавзу. МАЪМУРИЙ ХУҚУҚ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Маъмурий хуқуқ тушунчаси ва манбалари.
2. Маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар.
3. Давлат бошқарув органлари тушунчаси ва бўғинлари.
4. Маъмурий хуқуқбузарлик ва жавобгарлик.

1. Маъмурий хуқуқ тушунчаси ва манбалари

Маълумки, ҳар бир жамиятда бошқарув муҳим роль ўйнайди. Чунки, жамиятнинг нормал фаолият юритиши учун унинг турли соҳаларини ҳамда субъектларининг фаолиятини доимий равишда «йўналтириш, унга раҳбарлик қилиш» зарур бўлади. Жамиятдаги энг муҳим соҳалар (масалан, тиббиёт, санъат, атроф-табиий муҳит, маданият, таълим ва ҳ.к. соҳалар) давлат томонидан бошқарилади. **Давлат бошқаруви** – бу давлатнинг ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган мақсадга мувофиқ фаолиятидир.

Давлат бошқаруви соҳаси маъмурий хуқуқ томонидан тартибга солинади. Давлат бошқарувини ташкил этиш тартиби ва бошқарувни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган турли-туман ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи хуқуқий нормаларни ўз ичига олган хукуқнинг алоҳида соҳаси **маъмурий хуқуқ** деб аталади.

Маъмурий хуқуқ қуйидаги муносабатларни тартибга солади:

- ташкилий жиҳатдан бири иккинчисига бўйсунадиган давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан вазирликлар, қўмиталар, ҳокимликлар) ўртасидаги муносабатлар;
- бир-бирига бўйсунмайдиган давлат идора органлари (икки вазирлик, икки ҳокимлик);
- давлат идора органлари ва уларга бўйсунадиган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги муносабатлар;
- давлат идора органлари ва жамоат бирлашмалари ўртасидаги муносабатлар;
- давлат идора органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар.

Шундай килиб, давлат бошқаруви органларининг ижрочилик ва фармойиш берувчилик фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг деярли барчаси маъмурий ҳукуқ нормалари ёрдамида амалга оширилади.

Маъмурий ҳукуқ нормалари, давлат ҳукуки нормаларидан келиб чиқсан ҳолда, аввало, бошқарувга хос бўлган хусусиятларни ва турли давлат фаолияти органларининг (қонунчилик, суд, прокурор назорати ва бошқалар) ўзаро муносабатини, шунингдек, давлат бошқаруви тамойилларини мустаҳкамлайди. Маъмурий ҳукуқ нормалари давлат органларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини, унинг вазифа ва мақсадларини, ваколатлари ҳамда ҳукукий мақомини, тузилиши ва фаолият жараёнини белгилаб беради. Ушбу нормалар давлат аппаратига хизмат қилиш тартибини, хизматчиларнинг жавобгарлигини ҳам белгилайди.

Маъмурий ҳукуқ нормалари, шу билан бирга, бошқарилувчи обьектларнинг алоқаларини ҳам тартибга солиб туради. Ушбу нормалар режалаштириш тартибини, моддий ресурсларни тақсимлашни, иш ҳақини белгилашни ҳам мустаҳкамлайди.

Маъмурий ҳукуқ нормалари давлат ҳукуки нормаларини яна-да аниқлаштириб ва тўлдириб, фуқароларнинг кўпгина ҳукуқ ва мажбуриятларини, уларнинг бошқарув органлари орқали амалга ошириш механизмини ҳамда ушбу ҳукукларни ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилишни ҳам белгилайди. Маъмурий ҳукуқ нормалари жамоат ташкилотлари ва жамоат органларининг ҳукукий мақомини ўрнатишида катта аҳамиятга эга.

Маъмурий ҳукуқ нафақат бошқарувни, балки бошқарилувчи фаолиятни ҳам тартибга солади. Мисол учун, йўл ҳаракати қоидалари, жамоат жойида юриш-туриш қоидалари, ов қилиш, савдо, санитария ва ёнфиндан сақлаш қоидалари ва ҳ.к. Бошқарув органлари ушбу қоидаларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади, улар бузилганда давлат мажбурлов чораларини қўллайди. Шундай қилиб, маъмурий ҳукуқ нормалари қандай қилмишлар (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) маъмурий ҳукуқбузарлик хисобланиши, маъмурий жавобгарлик тури ва усулини, бундай ҳукуқбузарликларни кўриб чиқиш тартибини ўрнатади.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар давлат, унинг органлари ва мансабдор шахслар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий хужжатларда, яъни **манбаларда** мустаҳкамланади.

Маъмурий ҳуқуқнинг асосий манбаси Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳисобланади. Унда давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мақоми ва улар фаолиятини ташкил этиш асослари, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ҳам маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимида алоҳида ўринни эгаллади. Кодексда қандай ҳаракат ёки ҳаракатсизлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланишини, маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этган шахсга нисбатан қайси орган (mansabдор шахс) томонидан қай тартибда, қанака маъмурий жазо қўлланилиши ва ижро этилиши белгиланган.

Маъмурий ҳуқуқ манбаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ҳаво кодекси, Божхона кодекси, Солик кодекси ва бошқа бир қатор кодексларни киритиш мумкин. Ушбу қонун хужжатларида фуқаролик ва бошқа ҳуқуқ соҳаларининг нормалари билан бир қаторда маъмурий ҳуқуқ нормалари ҳам ўз ифодасини топган.

Маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимиға Конституция ва кодекслар билан бир қаторда конунлар ҳам киради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда янги таҳrirда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Қонуни алоҳида ўринни эгаллади. Ушбу қонуннинг 1-моддаси иккинчи қисмига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси давлат бошқаруви органлари тизимиға ва ўзи ташкил этадиган хўжалик бошқаруви органлари тизимиға бошлиқ қиласи, уларнинг ҳамжиҳатлик билан фаолият кўрсатишини таъминлайди.

Шунингдек, маъмурий ҳуқуқ манбалари тизимини Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буй-

руклари ҳамда қарорлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари ҳам ташкил этади.

2. Маъмурий-хуқуқий нормалар ва муносабатлар

Ҳар қандай хуқуқ соҳаси хуқуқий нормалардан иборат бўлади. Юқорида қайд этилганлардан маълумки, маъмурий хуқуқ давлат бошқарувини ташкил этиш ва амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади. **Маъмурий-хуқуқий нормалар** давлат томонидан ўрнатилган ва санкцияланган юриш-туриш қоидалари бўлиб, улар давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Бошқа хуқуқ соҳалари нормалари каби маъмурий-хуқуқий нормалар ҳам давлат томонидан муҳофаза қилинади.

Маъмурий-хуқуқий нормалар давлат бошқаруви соҳасида давлат бошқаруви органлари, давлат хизматчилари, шунингдек корхона, муассаса, ташкилотлар, меҳнат жамоалари ва фуқароларнинг қонунчилик билан рухсат этилган хулқ-атвор қоидалари чегарасини ўрнатади.

Маъмурий-хуқуқий нормалар давлат бошқаруви обьект ва субъектларининг ўзаро муносабатлари, бошқарув ва бошқариувчи фаолиятнинг кўпгина томонларининг хуқуқий режимини ҳамда фуқароларнинг хуқуқ ва мажбуриятларини, уларни амалга ошириш тартиби ва кафолатларини белгилаб беради.

Маъмурий-хуқуқий муносабатлар. Маъмурий-хуқуқий муносабатлар – бу маъмурий-хуқуқий нормаларга асосланган хуқуқий муносабатлардир, бошқача айтганда, давлат бошқаруви жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлардир.

Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг қатнашчилари шу муносабатнинг субъекти ҳисобланиб, аниқ белгиланган хуқуқ ва мажбуриятларга эга. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг мазмунини субъектларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари ташкил этади. Маъмурий-хуқуқий муносабатларнинг субъектларига қўйидагиларни киритишимиз мумкин: давлат органлари ва уларнинг тузилмалари; мансабдор шахслар ва давлат аппаратининг бошқа хизматчилари; корхона, муассаса, ташкилотлар, уларнинг тузилмалари

ва ходимлари; Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Маъмурий хукуқ фанида «бошқарув субъекти», «маъмурий хукуқ субъекти» ва «маъмурий хукуқий муносабат субъекти» тушишчаларини фарқлай олиш лозим. Маъмурий хукуқ субъекти нормаларда умумий ҳолда кўрсатиб ўтилган бўлиши мумкин.

Маъмурий хукуқий муносабатлар субъекти эса – ҳамма вақт аниқ кўрсатилган бўлади.

Маъмурий хукуқ субъекти узоқ вақт давомида маъмурий хукуқий муносабатларга киришмаслиги, яъни маъмурий-хукуқий муносабат субъекти бўлмаслиги мумкин.

Масалан, фуқаролар маъмурий хукуқбузарликни содир этмасалар, улар узоқ вақт давомида маъмурий жавобгарликка тортилмасликлари (яъни, маъмурий хукуқий муносабатларга киришмасликлари) мумкин.

Маъмурий-хукуқий муносабатларни иккига, яъни **доимий** ва **эпизодли** муносабатларга бўлиш мумкин. Доимий муносабатларга мисол қилиб давлат органининг унга бўйсунган корхона, муассаса билан ўзаро муносабатини тушуниш лозим. Эпизодли муносабатларга мисол қилиб фуқаронинг маълум бир харакатни (масалан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш) содир этишга рухсат беришни сураб давлат органига мурожаат килишини тушуниш мумкин.

Маълумки, маъмурий хукуқнинг кўпгина нормалари давлат бошқарувининг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатишини, унинг тузилмаларининг, бошқарилувчи обьектлар – корхона, муассаса ва ташкилотлар, шунингдек, фуқаролар билан ўзаро муносабатларини тартибга солади. Маъмурий-хукуқий муносабатларда иштирок этувчи томонларнинг бири, яъни давлат органи ёки мансабдор шахс ҳамма вақт давлат – ҳокимият ваколатига эга бўлади.

Субъектлар ўртасида бирор хилдаги муносабат ўрнатилиши учун муайян ҳодиса ёки харакат содир бўлиши лозим. Бошқача айтганда, маъмурий-хукуқий муносабатларнинг юзага келиши, ўзгариши ёки бекор бўлиши юридик фактларга, яъни воқеа, ҳодиса, харакат ёки харакатсизликка боғлиқдир.

Масалан, йигитларнинг 18 ёшга тұлишлари улар билан харбий бўлинмалар ўртасида муносабатларни ёки фарзанд туғилиши билан ота-она билан фуқаролик ҳолатларини қайд қилиш органлари ўртасида муносабатларнинг юзага келишига сабаб бўлади.

3. Давлат бошқаруви органлари тушунчаси ва бўгинлари

Хар қандай ривожланган ва демократия тамойиллари эътироф этилган давлатда ҳокимият қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятига бўлиниш тамойили асосида ташкил этилади. Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимиятининг тизими мамлакатимиз Конституциясида белгилаб қўйилган. Конституциянинг 11-моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг тизими – ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.

Ўзбекистон Республикасида қонун чиқарувчи ҳокимият Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан амалга оширилиб, у икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қўйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Суд ҳокимияти эса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди, Қорақалпогистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, Қорақалпогистон Республикаси ҳўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судлари, ҳарбий ва ҳўжалик судлари томонидан амалга оширилади.

Шу ўринда давлат бошқаруви органлари ҳақида гапирганда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси мухим ўринга эгалигини таъкидлаб ўтиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпогистон Рес-

публикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркиби-га ўз лавозими бўйича киради.

Вазирлар Маҳкамаси:

1) самарали иқтисодий, ижтимоий, молиявий, пул-кредит сиёсати юритилиши, фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлашни ҳамда иқтисодиётнинг ва ижтимоий соҳанинг бошқа тармоқларини ривожлантириш бўйича дастурлар ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши учун жавобгар бўлади;

2) фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа ҳукуқлари ҳамда қонуний манфаатларини химоя қилиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

3) давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ишини мувофиқлаштиради ва йўналтиради, уларнинг фаолияти устидан қонунда белгиланган тартибда назоратни таъминлайди;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Олий Мажлис қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминлайди;

5) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ҳар йили мамлакат ижтимоий-иктисодий ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан маърузалар тақдим этади;

6) ушбу Конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамаси конституциявий нормалар доирасида ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофик Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради.

Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир.

Амалдаги Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида ўз ваколатларини зиммасидан соқит қиласи, бироқ Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби шакллантирилгунинг қадар мамлакат Президентининг қарорига мувофик ўз фаолиятини давом эттириб туради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири:

1) Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади, унинг самарали ишлаши учун шахсан жавобгар бўлади;

2) Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилади, унинг қарорларини имзолайди;

3) халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номидан иш кўради;

4) Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаради.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг микдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдим этилган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққанидан кейин ўн кун муддат ичida уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади.

Бош вазир лавозимига номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида унинг номзоди кўриб чиқилаётганда ва тасдиқланадиганда Вазирлар Маҳкамасининг яқин муддатга ва узоқ истиқболга мулжалланган ҳаракат дастурини тақдим этади.

Бош вазир номзоди унинг учун тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдиқланган ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Бош вазир тақдимида биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг

қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади.

Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камидаги учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади. Бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул киласди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.

Янги Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан тегишли маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади.

Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг фаолиятини ташкил этиш тартиби ва ваколат доираси қонун билан белгиланади.

Ижро ҳокимияти органлари тизимида олий органлардан ташқари вазирликлар, давлат қўмиталари ва уларнинг тузилмалари, республика миқёсидаги корхона, муассаса, ташкилот, концерн, корпорация, ассоциация, компания ва бошқа бирлашмалар ҳамда ҳокимлар ва ҳокимиятлар ҳам киради. Улар ўз хукуқий мақомига кўра Ўзбекистон Республикасида умумий, соҳавий ва тармоқлараро олий ва марказий давлат бошқарувини амалга оширадилар. Бу давлат органлари фаолияти мазмунидаги давлат, хўжалик ва ижтимоий-маданий қурилишга ҳамда ташкил алоқаларга ташкилий-хукуқий жиҳатдан раҳбарлик қилишда намоён бўлади. Уларнинг ҳар бирининг хукуқий мақомида, ташкил этилиши ва фаолиятида умумийликлар билан бир қаторда ўзига хос хусусиятлари ҳам мавжуддир.

Ҳар бир давлатда вазирликлар ва давлат қўмиталарининг сони давлатнинг олдида турган вазифаларнинг бажарилишини ташкил этишга қараб белгиланади.

Вазирлик – ижро ҳокимиятининг асосий тизимларидан бири ҳисобланади. Вазирликлар белгиланган соҳада давлат сиёсатини ва бошқарувни амалга ошириш, шунингдек мазкур соҳадаги ижро этувчи органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилади. Кўриниб турибдикি, вазирликнинг маъмурий-хукукий мақоми икки асосий ҳолат билан белгиланади: биринчидан, вазирлик соҳавий орган сифатида фаолият кўрсатади; иккинчидан, мувофиқлаштирувчи давлат органи сифатида харакат килади.

Вазирликка умумий раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган вазир бошчилик қилади. Вазир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (баъзи вазирликларда Ўзбекистон Республикаси Президенти) томонидан тайинланадиган биринчи ўринbosар ва ўринbosарларга эга бўлади.

Вазир, ўз ваколат доирасида, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарор ва фармошилари асосида ва уларни бажариш юзасидан – буйруклар, ўрикномалар, қоидалар, низомлар чиқаради ҳамда Ўзбекистон Республикаси худудидаги вазирликлар, давлат қўмиталари, бошқа давлат органдар, корхона, муассаса, ташкилотлар, шунингдек фуқаролар бажариши мажбурий бўлган бошқа кўрсатмалар беради.

Давлат қўмитаси – ижро ҳокимиятининг марказий органдаридан бири бўлиб, коллегиаллик асосида тармоқлараро мувофиқлаштиришни амалга оширади, шунингдек, фаолиятнинг маълум бир соҳасида тартибга солиш вазифасини бажаради.

Давлат қўмиталарининг вазирликлардан фарқи шундаки, **биринчидан**, улар коллегиал органлар тоифасига киради; **иккинчидан**, улар тармоқлараро мувофиқлаштириш вазифасини бажаради.

Давлат қўмиталари вазирликлар сингари уларга юклатилган соҳаларда мувофиқлаштириш ва умумий раҳбарлик қилишни амалга оширади. Шу жиҳатдан бу иккала давлат органи бир-бирига ўхшаб кетади, яъни уларни яқинлаштиради. Амалиётда ҳам ва-

зирликни давлат қўмитасига, ва аксинча, давлат қўмитасини вазирликка айлантириш холатлари учраб туради.

Давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланадиган Раис томонидан бошқарилади. Қўмита раиси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (баъзи қўмиталарда Ўзбекистон Республикаси Президенти) томонидан тайинланадиган биринчи ўринbosар ва ўринbosарларга эга.

Ўзбекистон Республикаси ижро ҳокимияти органлари тизимида **маҳаллий давлат ҳокимияти органлари** алоҳида ўринни эгаллайди.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ҳуқуқий мақоми Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишлича вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари бошчилик қиласидиган вилоят, туман, шаҳар вакиллик (халқ депутатлари Кенгашлари) ва ижроия ҳокимияти киради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 100-моддасига биноан, маҳаллий ҳокимият органлари ихтиёрига қўйидагилар киради:

қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

худудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш;

маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий соликлар, йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни ҳосил қилиш;

маҳаллий коммунал ҳўжаликка раҳбарлик қилиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

фуқаролик ҳолати актларини қайд этишини таъминлаш;

норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид келмайдиган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Маҳаллий ҳокимият органлари Ўзбекистон Республикасининг қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонларини, давлат ҳокимияти юқори органларининг қарорларини амалга оширадилар, республика ва маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар.

Вакиллик ва ижроия ҳокимиятини тегишлилигига қараб вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бошқаради.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Туман ва шаҳарларнинг ҳокимлари тегишли вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Шаҳарлардаги туманларнинг ҳокимлари тегишли шаҳар ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда ҳалқ депутатлари шаҳар Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Туманларга бўйсунадиган шаҳарларнинг ҳокимлари туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади ҳамда ҳалқ депутатлари туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Давлат бошқарувини амалга оширишда **Ўзбекистон Республикасининг Президенти** муҳим роль ўйнайди. Чунки, Президент Конституциянинг 89-моддасига кўра, давлат бошлиги бўлиб, у давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг хуқуqlари ва эркинликларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;

2) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети, хавфсизлиги ва худудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий-давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради;

3) мамлакат ичкарисида ва ҳалқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўради;

4) музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикасининг шартнома ва битимларини имзолайди, республика томони-

дан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;

5) ўз хузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрликларини қабул қилади;

6) Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

7) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш хукуқига эга;

8) республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжихат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмитаҳлари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдифига киритади;

9) Сенат Раиси лавозимиға сайлаш учун номзодни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдим этади;

10) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тақдим этади ҳамда уни истеъфога чиққанда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан қабул қилинганда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда лавозимидан озод қилади;

11) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади;

12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдифига киритади;

13) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига Конституциявий суд раиси ва судьялари, Олий суд раиси ва судьялари, Олий хўжалик суди раиси ва судьялари, Ўзбекистон Рес-

публикаси Марказий банки бошқарувининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Табиятни муҳофаза килиш давлат қўмитасининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;

14) вилоят, туманлараро, туман, шаҳар, ҳарбий ва хўжалик судларининг судъяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади;

15) Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг тақдимиға биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига дод туширадиган хатти-харакат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;

16) республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган хужжатларини улар қонун хужжатлари нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қиласди; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

17) Ўзбекистон Республикасининг қонунларини имзолайди ва эълон қиласди; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такро-ран муҳокама қилиш ва овозга кўйиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қайтаришга ҳақли;

18) Ўзбекистон Республикасига хужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қиласди ва қабул қилган қарорини уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг тасдигига киритади;

19) фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибисизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг айrim жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдигига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;

20) Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларининг Олий Баш қўмондони ҳисобланади, Куролли Кучларнинг олий қўмондонла-

рини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;

21) Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиги билан мукофотлайди, Ўзбекистон Республикасининг малякавий ва фахрий унвонларини беради;

22) Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;

23) амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон Республикасининг судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади;

24) Миллий хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдигига киритади;

25) Ўзбекистон Республикасининг Конституция ва қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 10-моддасига кўра, **маъмурий ҳуқуқбузарлик** деганда, қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи файриҳуқуқий, айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади¹.

Демак, **маъмурий ҳуқуқбузарлик** – бу зарар етказиш ёки уни етказиш хавфини туғдириш билан боғлиқ ижтимоий хавфсизлик ва ижтимоий тартиботга, мулкчиликка, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларига, мавжуд бошқарув тартибига нисбатан тажо-

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси. Расмий нашр. – Тошкент: Адолат, 2016. – Б.8.

вуз қилишдан иборат, лекин оғир оқибатларни келтириб чиқармайдиган шахснинг ижтимоий ҳавфли ҳукуққа зид хулк-атвори бўлиб, бунинг учун айбдор шахс Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси билан ўрнатилган жавобгарликка тортилади.

Маъмурий ҳукуқбузарлик уч хил аломатни ўз ичига олади:

- 1) айбдорлик;
- 2) файриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;
- 3) жавобгарликнинг мукаррарлиги.

Маъмурий қонунчилик томонидан тақиқланган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик файриқонуний ҳаракат ёки ҳаракатсизлик деб ҳисобланади.

Айбдорлик қасддан ёки эҳтиётсизлик натижасида юзага келиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 11-моддасига биноан, маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги файрихукукий эканлигини билган бўлса, унинг заарарли оқибатларига кўзи етган, юз беришини истаган бўлса ёки бу оқибатларнинг келиб чиқишига онгли равишда йўл кўйган бўлса, бундай маъмурий ҳукуқбузарлик қасддан содир этилган, деб ҳисобланади.

Мазкур Кодекснинг 12-моддасига биноан эса, маъмурий ҳукуқбузарлик содир этган шахс ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги заарарли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини олдиндан кўра билган бўлса ҳам, лекин калтабинлик билан уларнинг олдини олиш мумкин деб ўйлаган бўлса ёхуд бундай оқибатларнинг келиб чиқиши мумкинлигини олдиндан кўриши лозим ва мумкин бўлгани ҳолда олдиндан кўра билмаган бўлса, бундай маъмурий ҳукуқбузарлик эҳтиётсизлик орқасида содир этилган деб ҳисобланади.

Маъмурий ҳукуқбузарлик субъекти сифатида 16 ёшга тўлган, муомала лаёқатига эга фуқаролар, мансабдор шахслар, хорижий давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар органларининг оддий ва бошликлар таркибидаги шахслар эътироф этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик түғрисидаги кодексидан келиб чиқсан ҳолда, қўйидаги хукуқбузарлик турларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларига тажовуз қиладиган хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
2. Аҳоли соғлигини сақлаш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
3. Мулкка тажовуз қилувчи хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
4. Табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
5. Саноатдаги, қурилишдаги ва иссиқлик ҳамда электр энергиясидан фойдаланиш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
6. Кишлөк хўжалигидаги хукуқбузарлик, ветеринария-санитария қоидаларини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик.
7. Транспортдаги, йўл хўжалиги ва алоқа соҳаларидағи хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
8. Фуқароларнинг турар жой хукукларига тааллуқли, коммунал хизмат ва ободонлаштириш соҳасидаги хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
9. Савдо, тадбиркорлик ва молия соҳаларидағи хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
10. Одил судловга тажовуз қилувчи хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
11. Жамоат тартибига тажовуз қилувчи хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.
12. Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилишга қаратилган хукуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик.

Маъмурий жавобгарлик. Юридик жавобгарликнинг махсус тури – бу **маъмурий жавобгарликларидир**. Маъмурий жавобгарлик ўзининг бир қатор хусусиятларига эга. Аввало, мазкур жавобгарлик хукуқ нормаси асосида келиб чиқади, хукуқ нормаларини бузганлик учун қўлланилади, ваколатли давлат органларининг юрисдикцион актлари билан аниқлаштирилади, давлат мажбурлови билан боғлиқ бўлади. Маъмурий жавобгарлик маъ-

мурий мажбурлашнинг таркибий қисми бўлиб, унинг барча сифатларини ўзида мужассам этган.

Шунингдек, маъмурий жавобгарликнинг яна қўйидаги ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

биринчидан, маъмурий жавобгарликнинг асоси маъмурий хукуқбузарлик ҳисобланади;

иккинчидан, маъмурий жавобгарлик маъмурий жазо чораларини қўллаш билан боғлиқ бўлади. Маъмурий қилмишлар жиноятларга нисбатан ижтимоий хавфи камроқ бўлганилиги сабабли, маъмурий жазо чоралари жиноий жазога нисбатан юмшокроқ бўлади;

учинчидан, маъмурий жазо чоралари суд органлари томонидан ҳам, ваколатли давлат органлари томонидан ҳам қўлланилиши мумкин. Масалан, жиноий жазо факат суд томонидан қўлланилади;

тўртинчидан, маъмурий жазо маъмурий хукуқбузарликни содир этган шахсни қонунларга риоя этиш, турмуш қоидаларини хурмат қилиш руҳида тарбиялаш ҳамда шу хукуқбузарни ўзи томонидан ҳам янги хукуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Маъмурий жазо жавобгарликка тортиш чораси бўлиб, у маъмурий хукуқбузарлик содир этган шахсни қонунларга риоя этиш ва уларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш, шунингдек ана шу хукуқбузарнинг ўзи томонидан ҳам, бошқа шахслар томонидан ҳам янги хукуқбузарлик содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади.

Содир этилган хукуқбузарлик учун қўйидаги маъмурий жазо чоралари қўлланилади:

Жарима – маъмурий хукуқбузарлик содир этишда айланган шахсдан давлат ҳисобига пул ундиришdir. Жариманинг микдори маъмурий хукуқбузарлик содир этилган вақтдаги, давом этаётган маъмурий хукуқбузарлик учун эса бу хукуқбузарлик аниқланган вақтдаги белгилаб қўйилган энг кам ойлик иш ҳақидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Ҳақини тўлаш шарти билан олиб қўйиш – маъмурий хукуқбузарликни содир этиш куроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни ҳақини тўлаш шарти билан олиб

кўйиш шу ашёни мажбурий тарзда тортиб олиб, уни кейинчалик сотиб юбориш ҳамда сотишдан тушган пулни ашёнинг собиқ эгасига тортиб олинган ашёни сотиш харажатларини чегириб ташлаган ҳолда топширишдан иборатdir.

Ўқотар қуроллар ва ўқ-дориларни, бошқа ов қуролларини мусодара қилиш асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этиш қуроли ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни *мусодара қилиши* бу ашёни ҳақ тўла масдан мажбурий тарзда давлат мулкига ўтказишдан иборат бўлиб, бу чора туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуқбузарнинг шахсий мулки бўлган ашёгина мусодара қилиниши мумкин.

Махсус ҳуқуқдан маҳрум қилиши – муайян шахсни унга берилган махсус ҳуқуқдан (транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан, ов қилиш ҳуқуқидан) маҳрум қилиш чораси туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан уч ийлгача муддатга қўлланилади. Бундай ҳуқуқдан маҳрум қилиш муддати ўн беш кундан кам бўлмаслиги керак.

Ногиронлиги сабабли транспорт воситаларидан фойдаланадиган шахсларга нисбатан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш чораси қўлланилиши мумкин эмас, ушбу Кодекс 128³-моддасининг бешинчи қисмида, 128⁴-моддасининг учинчи қисмида, 131-моддасининг биринчи қисмида, 136-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилган ҳоллар бундан мустасно.

Асосий тирикчилик манбаи овчилик бўлган шахсларга нисбатан ов қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш чораси қўлланилиши мумкин эмас.

Маъмурий қамоқقا олиш – ушбу жазо чораси уч суткадан ўн беш суткагача муддатга, фавқулодда ҳолат тартиби шароитида эса, жамоат тартибига тажовуз килганлиги учун – ўттиз суткагача муддатга қўлланилади. Маъмурий қамоқقا олиш туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан, фав-

қулодда ҳолат тартиби шароитида эса, шунингдек ҳарбий комендант ёки ички ишлар органи бошлиғи томонидан белгиланади.

Маъмурий қамоққа олиш чораси ҳомиладор аёлларга, уч ёшгача боласи бўлган аёлларга, ўн тўрт ёшгача бўлган боласини якка ўзи тарбиялаётган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, биринчи ва иккинчи гурух ногиронларига нисбатан қўлланилиши мумкин эмас.

Чет эл фуқароларини ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан маъмурий тарзда чиқариб юбориши уларнинг Ўзбекистон Республикасига кириш хукуки кейинчалик бир йилдан уч йилгача муддатга чекланган ҳолда, мажбурий ёки назорат остида мустақил равишда чиқиб кетишидан иборат. Маъмурий тарзда чиқариб юбориш туман (шахар) судининг маъмурий ишлар бўйича судьяси томонидан қўлланилади.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги хукуқбузарни маъмурий жазодан озод қилишни ҳам назарда тутган. Хусусан, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 21-моддасига асосан, содир этилган маъмурий хукуқбузарлик кам аҳамиятли бўлган тақдирда, суд хукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод этиб, уни огоҳлантириш билан кифояланиши мумкин. Агар маъмурий хукуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқувчи бошқа орган (мансадор шахс) содир этилган маъмурий хукуқбузарликнинг кам аҳамиятлилиги ҳақида хulosага келса, иш хукуқбузарни маъмурий жавобгарликдан озод қилиш ҳақидаги масалани ҳал этиш учун ушбу Кодекснинг 308¹-моддасида белгилangan тартибда судга юборилади.

Назорат учун саволлар

1. Маъмурий хукуқ деганда нимани тушунасиз?
2. Маъмурий хукуқ манбаларини санаб беринг.
3. Маъмурий-хукуқий норма тушунласига таъриф беринг.
4. Маъмурий-хукуқий муносабат ва унинг субъектлари нимадан иборат эканлигини тушунтиринг.
5. Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларини санаб беринг.
6. Маъмурий хукуқбузарлик деганда нимани тушунасиз?

7. Маъмурий жавобгарлик ва унинг белгиларини тушунтириб беринг.

8. Маъмурий жазо тушунчаси ва унинг турларини тушунтириб беринг.

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Алимов Х.Р. Маъмурий ҳуқук. Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1995. – 203 б.

2. Алимов Х.Р., Махмудов А.А., Исмоилов Н.Т. Маъмурий ҳуқук. Дарслик. 2-нашр. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. – 367 б.

3. Козлов Ю.М. Административное право: Учебное пособие. М.: Юристъ, 2003. – 318 с.

4. Хамедов И. Административное право. Учебник.- Т.: УМЭД, 2004. – 234 с.

5. Эркин Хожиев, Тўлқин Хожиев. Маъмурий ҳуқук: Бакалавриатнинг 5380100 – Юриспруденция йўналиши талабалари учун дарслик / Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоев. – Т.: 2006. – 800 б

6. Худойбердиева В., Хожиев Э. Маъмурий ҳуқук. Ўкув кўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2001. – 98 б.

7. Erkin Xoziyev, To'lqin Xoziyev. Ma'muriy huquq. Darslik. – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 608 b.

8. Ma'muriy huquq: Darslik/X.T. Odilqoriyev, I. Ismailov, N.T. Ismailov va boshq.; prof. X.T. Odilqoriyev va B.E. Qosimovning umumiy tahriri ostida. – Т.: O'zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, 2010. – 640 b.

9. Хван Л.Б. Административное право Республики Узбекистан. Курс лекций. – Т.: – 2010.

10. Хамедов И.А., Хван Л.Б., Цай И.М. Административное право Республики Узбекистан. – Т.: Konsauditinform-nashr – 2012.

З-мавзу. МОЛИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Молия ҳуқуқи предмети ва тизими.
2. Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар.
3. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат.
4. Молия ҳуқуқи бўлими сифатида бюджет ҳуқуқи асослари.
5. Солик ҳуқуқи тушунчаси.

1. Молия ҳуқуқи предмети ва тизими

Маълумки, давлатнинг муҳим фаолият йўналишларидан бири – бу молиявий фаолиятдир. Давлатнинг ушбу соҳада юзага келадиган, ўзгарадиган ва тугалланадиган ижтимоий муносабатлар молия ҳуқуқи томонидан тартибга солинади. Молия ҳуқуқи давлатнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнлари билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча турларига ўзининг тартибга солиш таъсирини кўрсатади.

Молиявий фаолият соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш ушбу муносабатларнинг барча қатнашчилари учун мажбурий бўлган хулқ-автор қоидаларини молия ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамлаш йўли билан амалга оширилади. Бундай қоидаларни ўрнатиш орқали давлат аслида молиявий фаолият соҳасида ва у билан боғлиқ бўлган муносабатларда юзага келадиган ўз функцияларини амалга оширишнинг муайян ҳуқуқий тартибини яратади. Аниқ ижтимоий муносабат молиявий муносабатдир, шу боисдан ҳам у куйидаги ҳолларда молия ҳуқуқининг тартибга солувчи таъсирига учрайди: биринчидан, унда тегишли давлат органи, албатта, қатнашганида; иккинчидан, бу орган молиявий фаолиятни амалга ошириш учун унга берилган ваколатлардан фойдаланганда.

Молия ҳуқуқи предмети – давлат фаолияти турларидан бири, яъни молиявий фаолият доирасидаги чекланган ижтимоий муносабатлардир. Ушбу муносабатлар давлатнинг марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларини режали асосда ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича

давлат фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келади, ўзгаради ва тугалланади.

Молия ҳуқуқи – бу давлат молиявий фаолияти соҳасида, яъни ривожланишнинг муайян босқичида давлат вазифалари ва функцияларини амалга ошириш учун зарур бўлган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул маблағларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йиғиндисидир.

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мулкчиликнинг турли шакллари ва бозор муносабатларини ривожлантириш молиявий ҳуқуқий нормаларнинг жиддий янгиланишини талаб қиласди. Уларда бозор муносабатларини ривожлантириш шароитларида давлат молия сиёсатининг асосий йўналишлари, мақсади ва вазифалари мустаҳкамланади.

Молия ҳуқуқи бюджет тизими ва пул муомаласини мустаҳкамлаш, валюта муносабатларини тартибга солиш, қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш, молиявий назорат самарадорлигини ошириш ва ҳ.к. бўйича давлат томонидан кўриладиган чора-тадбирлар тизимида муҳим роль ўйнайди.

Бозор иқтисодиёти ривожланиши учун амалга оширилиши талаб қилинадиган молия соҳасидаги мазкур чора-тадбирлар молия қонунчилигига ўз ифодасини топган.

Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунчилигининг асосий негизини Ўзбекистон Конституцияси ташкил этиб, унда давлат молиявий муносабатлари ва молиявий фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини мустаҳкамловчи маҳсус «Молия ва кредит» боби берилган.

Республикада мустақиллик йилларида бир қанча асосий қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган бўлиб, улар ҳозирги ривожланиш босқичида давлатнинг молиявий фаолияти ҳуқуқий негизини яратади. Уларга «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги, Бюджет кодекси, Солик кодекси ва бошқа қонунлар киради.

Ушбу қонунчилик хужжатларида молия ҳуқуқи нормалари ифодаланган бўлиб, улар молия механизмини тубдан ислоҳ қилиши мувваффақиятли амалга ошириш ва унинг давлатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланишига таъсирини кучайтиришга кўмаклашиш учун каратилган.

Молия ҳуқуқи ўзининг ички тузилиши ва тизимиға, яъни кўплаб бир-бири билан ўзаро узвий боғлиқ бўлган бутун бир элементларга эга бўлиб, унда молиявий-ҳуқуқий нормалар муайян изчилликда бирлашади ва жойлашади.

Молия ҳуқуқи тизими деганда, унинг молиявий муносабатлар билан объектив белгиланган ички тузилиши, молиявий-ҳуқуқий нормаларнинг муайян изчилликда бирикуви ва жойлашишини тушунмоқ керак¹.

Ҳуқуқнинг кўпгина тармоқлари сингари молия ҳуқуқи икки қисмга бўлинади: **умумий** ва **махсус** қисмлар.

Умумий қисм молия ҳуқуқининг давлат молияси тушунчасини белгилайдиган нормалари, давлат молиявий фаолиятининг ҳуқуқий шакллари ва услублари ҳамда унинг принциплари, молиявий фаолиятни амалга оширувчи органлар тизими ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати, молиявий назоратнинг шакл ва услублари ҳамда бошқа умумий хусусиятдаги молиявий-ҳуқуқий нормаларни бирлаштиради. Молия ҳуқуқининг умумий қисми нормалари давлатнинг бутун молиявий фаолияти доирасида амал қиласи ва унинг учун умумий аҳамиятга эгадир.

Махсус қисм тегишли молия ҳуқуқи институтларини ўз ичига қамраб олган айрим бўлимлар доирасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи нормаларни белгилайди. Бўлимда бир турдаги молиявий муносабатлар гурухини тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий нормалар мажмуи берилган. Молия ҳуқуқи институти бўлимга қараганда мазмун жиҳатидан нисбатан тор ва ўзаро яқин бўлган молиявий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормаларни бирлаштиради.

¹ Финансовое право: Учебник / Отв. ред. Н.И. Химичева. З-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 2003. 51-б.; Тедеев А.А., Парыгина В.А. Финансовое право: Учебник. – М.: Изд-во Эксмо, 2004. 23–24-б.лар; Крохина Ю.А. Финансовое право России: Учебник для вузов. – М.: Норма, 2004. – С.71–72.

Молия ҳукукининг маҳсус қисми кўйидаги бўлимлардан иборат: бюджет ҳукуқи, давлат даромадларини ҳукуқий тартибга солиш, давлат харажатларини ҳукуқий тартибга солиш ва бошқалар.

Тартибга солинаётган муносабатларнинг бир турлилиги белгиси бўйича бўлимга бир неча молия ҳукуқи институтлари кириши мумкин (масалан, «Бюджет ҳукуқи» бўлимига бюджет тузилиши, бюджет жараёни, давлат мақсадли жамғармалари институтлари киради ва бошқалар).

Молия ҳукукининг маҳсус қисмига молия ҳукуқи институтлари кириб, уларда банк фаолияти, пул муомаласи, ҳисоб-китоб муносабатлари, валютани тартибга солиш ва қимматли қоғозларни ҳукуқий тартибга солиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи нормалар гурухланган. Анъанага кўра, молия ҳукуқига оид дарсликларда ушбу кўрсатилган молия ҳукуқи институтлари мустакил бўлимда бирлаштирилади.

Молия ҳукуқи тизимида объектив мавжуд бўлган иқтисодий категория сифатидаги молия тизими ўз ифодасини топган. Молиялар бирлиги Умумий қисмда ҳукуқий ифодасини топган. Маҳсус қисмнинг тузилиши молия тизими элементларини, унда айrim бўғинларнинг ажратилишини акс эттиради.

Ҳукуқ тизимининг илмий асосланганлиги, унинг объектив мавжуд муносабатлар асосида тузилиши молиявий-ҳукуқий нормаларнинг энг тўғри кўлланиши учун имкон беради ва натижада қонунчиликни мустаҳкамлашга ва молия ҳукуқи томонидан ўзининг фаол ролини бажаришга ёрдам беради.

2. Молиявий-ҳукуқий муносабатлар

Молиявий-ҳукуқий муносабат ҳукуқий муносабатларнинг муайян бир турини ташкил этади, яъни ҳар қандай ҳукуқий муносабатга хос бўлган умумий хусусиятлар унга ҳам хосдир.

Шу билан бирга, молиявий-ҳукуқий муносабатлар айrim ўзига хос хусусиятларга ҳам эга бўлиб, бу хусусиятлар уларни ҳукуқий муносабатларнинг бошқа турларидан ажратиш учун имкон беради. Ушбу хусусиятлар уларнинг юзага келиш соҳаси (давлат молиявий фаолияти), молиявий-ҳукуқий тартибга солишнинг ўзига хослиги

(давлат молиявий фаолиятини амалга оширувчи орган хошиш-иродасининг императивлиги ва бир томонламалиги), хукукий тартибга солиш объекти ва бошқалари билан белгиланади.

Молия хукуқига оид маҳсус адабиётларда кўрсатилишича, молиявий-хукукий муносабатларнинг қўйидаги хусусиятларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

Биринчидан, молиявий-хукукий муносабатлар факат давлат пул жамғармаларини режали ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келади. Улар асосан давлат ва ижтимоий ҳаётнинг маҳсус соҳасида, яъни давлатнинг айнан молиявий фаолияти соҳасида вужудга келади;

иккинчидан, молиявий-хукукий муносабатлар аксарият ҳолларда мулкий муносабатларнинг бир тури сифатида вужудга келади, чунки ушбу муносабатлар обьекти сифатида пул маблағлари қатнашади. Молиявий-хукукий муносабатлар доимо пул маблағлари сабабли юзага келади;

учинчидан, молиявий-хукукий муносабатлар томонларидан бири сифатида ҳамма вақт давлат ёки унинг ваколатли органи қатнашади. Молиявий-хукукий муносабатларнинг мазкур хусусияти шу билан изоҳланадики, молиявий-хукукий муносабатларнинг асосий обьекти ҳисобланган молиявий фаолият тўғридан-тўғри ва бевосита давлатнинг хошиш-иродаси ва манфаатларини ифодалайди. Айни шу давлат бутун жамият манфаатлари йўлида марказлаштирилган пул маблағлари жамғармаларини яратади ва тасарруф этади, иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани молиялаштиришни ташкил этади.

Демак, **молиявий-хукукий муносабат** – бу давлат молиявий фаолиятида юзага келадиган, мулкий хусусиятга эга бўлган молиявий-хукукий норма билан тартибга солинган ижтимоий муносабатdir. Унинг қатнашчилари молиявий-хукукий норма билан белгиланган ва кафолатланган мажбуриятлар ҳамда хукуқлар эгалари ҳисобланади.

Молиявий-хукукий муносабатларнинг бир қанча **турларини** ажратиб кўрсатиш мумкин. Масалан, молия тизимининг тегишли бўйинига қараб, бюджет, солик, давлат кредитини ташкил этиш бўйича, суурита, пул муомаласи ва ҳисоб-китоблар, валютани

тартибга солиш ва ҳ.к. соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни ажратиш мумкин.

Шунингдек, молиявий-ҳуқуқий муносабатларни *моддий ва процессуал ҳуқуқий муносабатларга* ажратиш қабул қилинган. *Моддий* молиявий-ҳуқуқий муносабатлар молия ҳуқуки субъектларининг молиявий-ҳуқуқий нормалар материалларида мустаҳкамланган ҳуқук ва мажбуриятларини амалга ошириш воситаси хисобланади. *Процессуал* молиявий-ҳуқуқий муносабатлар давлат пул жамғармаларини тақсимлаш тартиби, улардан фойдаланишни назорат қилиш шакл ва услубларини белгилаш муносабати билан юзага келади.

Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар *томонлари ўртасидаги юридик алоқа хусусиятига* караб, уларнинг *вертикал ва горизонтал турларини* ажратиш мумкин.

Давлат молиявий фаолияти соҳаси учун *вертикал муносабатлар* хос бўлиб, уларнинг моҳияти шундан иборатки, бир томонда ҳокимият ваколатлари мавжуд, иккинчисида эса, улар йўқ. Демак, бу ҳуқуқий муносабатларда, масалан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар учун хос бўлган юридик тенглик йўқ. *Горизонтал* молиявий-ҳуқуқий муносабатлар амалда ва юридик жиҳатдан ўзаро тенг бўлган томонлар ўртасида, яъни бир томон иккинчи томон учун мажбурий бўлган буйруқ бериш бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин. Бир томонлама юридик ҳокимият ҳужжатни чиқаришдан олдин келадиган келишув босқичида томонлар тенг ҳуқуқка эгадир. Бу турдаги муносабатлар кўпинча Молия вазирлиги билан Давлат солик қўмитаси ўртасида солик солиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, хусусан, амалдаги қонунчилик билан белгиланган у ёки бу турдаги соликларни хисоблаш ва бюджетга тўлаш бўйича йўрикномаларни тайёрлаш ва тасдиқлаш вақтида юзага келади.

3. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат

Молиявий ресурсларни бошқаришнинг қонунийлиги ва самарадорлиги бўйича қабул қилинган нормалардан четга чиқиши ҳолларини аниқлаш, бундай четга чиқишилар мавжуд бўлганида эса, уларни бартараф этиш ва олдини олиш бўйича тегишли

чораларни ўз вақтида қабул қилиш зарур бўлади. Бу ерда гап молиявий назорат ҳақида бормоқда.

Молиявий назорат хуқук нормалари билан тартибга солинган, давлат ва нодавлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг молия ресурсларини бошқариш қонунийлиги ва самарадорлигини белгилаш, молия интизомини таъминлаш ҳамда аниқланган тартиббузарликларни тугатиш ва огоҳлантириш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлар қабул қилишга доир фаолиятидир.

Молиявий назорат *объекти*, авваламбор, молия тизимининг барча бўғинларидағи моддий ишлаб чиқариш ҳамда ноишлаб чиқариш соҳаларида молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган пул муносабатлари хисобланади. Молиявий назоратнинг амал қилиш кўлами хўжалик муносабатларининг бутун мажмуини ҳам ўз ичига қамраб олади.

Молиявий назоратнинг *субъекти* – давлат органлари, шунингдек молиявий қонунчиликка риоя этилиши устидан текширишларни олиб бориш бўйича тадбирларни амалга ошириш ваколатига эга бўлган нодавлат ташкилотлари ва муассасалари хисобланади.

Молиявий назорат қатор вазифаларни бажаради. Улардан бири – бу «молиявий ресурсларнинг ахволини назорат этишдан иборатdir. Ушбу назорат давлат бюджети олдидағи мажбуриятларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ижро этилишини, марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган пул жамғармаларидан фойдаланишга доир операцияларнинг тўғри амалга оширилишини текширишни назарда тутади»¹.

Молиявий назоратнинг вазифаларига корхоналар, ташкилотлар томонидан уларнинг тасарруфидаги пул маблағлари (бюджет маблағлари, банк ссудалари ва ҳ.к.)дан тўғри фойдаланилиши ҳамда ташкилотлар, корхоналар ва муассасалар томонидан молиявий операциялар, хисоб-китобларни амалга ошириш ва пул маблағларини сақлашга оид қоидаларга риоя этилишини текшириш ки-

¹ Финансовое право: Учебник / проф. О.Н. Горбунова. – М.: Юристъ, 1996. – С.47.

ради. Шунингдек, молиявий назоратнинг яна бир вазифаси сифатида молия соҳасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва чеклашни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Молиявий назорат вазифаларини амалга ошириш натижасида молиявий фаолиятда қонунийлик принципи томонларидан бирини ифодалайдиган молия *интизоми* мустаҳкамланади. Молия интизоми деганда, давлат ва хўжалик юритувчи субъектлар пул жамғармаларини ташкил этиши, тақсимлаш ва улардан фойдаланиши вақтида белгиланган кўрсатмалар ва тартибга қатъий риоя этилиши тушунилади. Молия интизоми талаблари юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлат органлари учун амал қиласи. Шундай қилиб, молиявий назорат давлат манфаатларини таъминлайди ва аниқ жисмоний шахслар ва хўжалик юритувчи субъектларнинг хуқуқ ва манфаатларига риоя этилиши (масалан, бюджетга тўловлар бўйича имтиёзлар бериш тўғрисидаги қонунларга риоя этилиши, соликлар тўғри олиниши ва х.к.ни назорат этиш)га ёрдам беради.

Молиявий назорат бир қанча элементлардан таркиб топган бўлиб, уларнинг мажмуи мураккаб бўлган мақсад тизимида ифодаланади. Молиявий назорат тизимини қўйидаги элементлар ёки тузилмавий даражаларга ажратиш тўғридир: *давлат назорати, аудиторлик назорати* (уни мустақил назорат деб ҳам аташади), *ички назорат* (яъни хўжалик субъектлари, ташкилотлар ва муассасалар даражасида амалга ошириладиган назорат)¹.

4. Банк ҳуқуки тушунчаси ва тизими

Маълумки, банклар ҳар қандай давлат молия-кредит тизимининг таркиби қисмини ташкил этиб, ушбу тизимнинг самарали фаолият юритишида муҳим ўринга эга. Уларнинг фаолияти шу қадар турли-туманки, банкларнинг ҳақиқий мазмун-моҳиятини аниқлаш ниҳоятда қийин. Улар нафакат пул муомаласи ва кредит муносабатларини ташкил этади, балки инвестициялаш, қимматли қоғозлар олди-сотдиси, мулк эгаси ёки маблағларни тақсимловчилар билан тузилган шартномалар бўйича пул маблағларини

¹ Финансовое право: Учебник / проф. О.Н. Горбунова. – М.: Юристъ, 1996. – С.605.

бошқариши хам амалга оширади. Банклар маслахатчилар сифатида, иқтисодий дастурларни мухокама этишда қатнашади ва х.к.

Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 1-моддасида банк тушунчасининг таърифи ўз ифодасини топиб, мустаҳкамлаб берилгани бежиз эмас. Унга мувофиқ, банк – тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қўйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсадир:

юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш;

тўловларни амалга ошириш.

Банкнинг ушбу таърифи уни тижорат ташкилоти сифатида тавсифлайди, бу ташкилот жисмоний ва юридик шахсларнинг тижорат операцияларига хизмат кўрсатиш учун даъват этилган бўлиб, фойда олиш учун ўз таваккалчилиги ва хатарига асосан харакат қиласди. Шу билан бирга, бозор иқтисодиёти мамлакатлари банк тизимида тижорат фойдасини олиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири саналади. Аммо бу вазифа ўzlари учун устувор ҳисобланмаган банклар ҳам мавжуд бўлиб, улар ўз иш-фаолиятини кузлаган мақсадларига мувофиқ равишда олиб бормоқда. Гап Марказий банклар¹ ҳакида кетяпти, уларнинг асосий вазифаси мамлакат бутун кредит тизимига раҳбарлик қилиш, ҳукумат молия операцияларини амалга ошириш, тижорат банкларининг вактинча буш турган маблағларини ва мажбурий захираларини сақлаш ва х.к.дан иборат. Улар давлат пул белгиларини эмиссия қилиш бўйича монопол ҳукукка эга бўлиб, унинг пул-кредит сиёсати бош ўтказгичлари ҳисобланади.

Шундай қилиб, **банк фаолиятининг моҳияти** тўғрисида гапириладиган бўлса, унинг асосини пул-кредит сиёсатини ташкил этиш ва пул белгиларини имитация қилиш деб ҳисоблаш мумкин.

¹ Бошқа мамлакатлarda улар бошқача аталиши ҳам мумкин, масалан: АҚШда – Федерал резерв система, Буюк Британияда – Англия Банки ва х.к.

Банк ҳуқуқи деганда банк фаолиятини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари мажмuinи тушуниш лозим. Ҳуқукнинг бу соҳаси банкларнинг ҳуқукий мақоми ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солишга қаратилган оммавий-ҳуқукий ва хусусий-ҳуқукий нормаларни ўз ичига камраб олади.

Банк қонунчилиги деганда, ваколатли давлат органлари томонидан ўз ваколати доирасида қабул қилинган ҳамда банк тизими ва банк фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқукий хужжатлар мажмуи тушунилади.

Банк қонунчилиги тизими ҳар хил турдаги норматив-ҳуқукий хужжатларни ўз ичига қамраб олади. Бу, авваламбор, қонунчилик хужжатлари бўлиб, уларда давлатнинг банк фаолияти соҳасидаги сиёсатига оид энг муҳим масалалар мустаҳкамлаб берилган. Бундай хужжатларга «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунлар, Фуқаролик кодекси ва бошқалар киради.

Банк тизимини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш, банк фаолиятини такомиллаштириш соҳасидаги асосий, принципиал, устувор қоидалар Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари билан чиқарилади ва тасдиқланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айни шу фармонлари ва қарорларида қабул қилинадиган туб қарорларнинг мақсадли йўналиши ва уларни амалга ошириш механизми очиб берилади¹.

Фармонларда кўрсатиб ўтилган қоидалар Ҳукумат қарорлари², Марказий банкнинг кўп сонли норматив хужжатларида янада аниқлаштирилиб, реал механизм билан мустаҳкамлаб берилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 21 мартағи ПФ-2564-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, 4-сон, 110-модда).

² Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2000 йил 24 мартағи 104-сонли карори.

Амалдаги қонунчилик Ўзбекистон Республикаси **банк тизимининг** икки даражали тузилмасини мустаҳкамлаб берган бўлиб, у бозор иқтисодиёти мамлакатлари учун хосдир.

Биринчи даража – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бўлиб, у мамлакатнинг бутун банк тизимига бошчилик қилиб, унга раҳбарликни амалга оширади. Унинг функциялари ўзининг асосий кўринишлари билан бозор иқтисодиёти ривожланган давлатларда бундай банклар бажарадиган вазифаларга ўхшашидир.

Иккинчи даража – тижорат банклари тизими бўлиб, унга акциядорлик, хусусий, аралаш турдаги банклар, чет эл капитали иштирокидаги банклар ва бошқалар киради. Тижорат банклари мамлакат банк тизимининг негизини ташкил этади. Уларнинг асосий вазифаси омонатларни жалб этиш, уларни қарз олувчилар ўртасида тақсимлаш, ҳисоб-китоб операцияларини амалга оширишдан иборат. Хўжалик юритувчи субъектлар ва қарз маблағларининг бошка истеъмолчилари учун тижорат банклари кредитларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси банк тизими банк фаолиятини муҳим даражада марказлаштирасликка асосланган бўлиб, иккинчи даражадаги банкларнинг мустақиллигини юқори даражага олиб келди. Аммо давлат мамлакатнинг молиявий манфаатларини, шунингдек, банкларнинг фактик ва потенциал мижозлари манфаатларини ҳимоялаш мақсадида банк фаолиятини тартибга солиш функцияларини ўз зиммасида сақлаб қолади. Бундай тартибга солишнинг асосий шакли ҳукуқнинг фуқаролик, маъмурий ва бошка тармоқлари нормаларини ўз ичига олган юридик ҳужжатларни қабул қилишдан иборат.

Банк фаолиятини ҳукуқий тартибга солишда молия ҳукуки нормалари катта роль ўйнайди. Ўзбекистон ҳукуқ тизимининг ушбу тармоғи унинг ўзига хос бўлган давлат ҳокимият курсатмаларига асосланган молиявий муносабатларни тартибга солиш услубларидан фойдаланиб, банк тизими фаолиятининг барқарорлиги ва хавфсизлигини ҳамда бозор қайта куришлари шароитларида мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий ривожлантиришнинг асосий вазифаларига жавоб бера оладиган давлат пул-кредит ва валюта сиёсатининг самарали олиб борилишини таъминлайди.

5. Молия ҳуқуқи бўлими сифатида бюджет ҳуқуқи асослари

Ҳар бир суверен ва мустақил давлат ўз бюджетига эга бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг ҳам ўз Давлат бюджети мавжуд. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Ўзбекистоннинг Давлат бюджети Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига қамраб олади (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 122-моддаси).

Давлат бюджети деганда давлат функцияларини бажариш учун зарур бўлган, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳар йили тузиладиган ва тасдиқланадиган марказлаштирилган пул маблағлари жамғармасини ташкил этиш ва ундан фойдаланиш бўйича асосий молиявий режа тушунилади. Давлат бюджетининг аҳамияти ва мақсади шу билан белгиланадики, у барча молиявий режаларни мувофиқлаштиради, марказлаштирилган пул маблағларининг асосий қисми у орқали ўтади, унинг даромадлар ва харажатлар қисми жамиятнинг барча тармоқлари ва соҳалари билан боғлиқdir.

Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган ҳамда 2014 йил 1 январдан кучга кирган Бюджет кодекси¹ **Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига (Давлат бюджети)** «давлатнинг давлат вазифалари ва функцияларини молиявий жиҳатдан таъминлаш учун мўлжалланган марказлаштирилган пул жамғармаси» деб таъриф берилган.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети икки, яъни даромадлар ва харажатлар қисмларидан иборат. Унинг даромадлар қисмida қонунчиликда назарда тутилган барча манбалар бўйича тушумларнинг ҳажмлари акс эттирилиб, уларга, авваламбор, белгиланган соликлар ва йиғимларнинг барча турлари ҳамда бошқа даромадлар киради. Харажатлар қисми бюджет маблағларидан фойдаланишининг аниқ миқдори ва йўналишларини назарда тутади.

Давлат бюджетининг асосий ижтимоий-иқтисодий аҳамияти давлат пул маблағларининг марказлаштирилган жамғармаларини

¹ Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 йил, 52-I-сон.

ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни хуқукий тартибга солиш зарурлигини белгилайди. Бу муносабатлар молиявий-хуқукий нормаларнинг маҳсус гуруҳи билан тартибга солиниб, улар молия хуқуқи бўлимларидан бири – бюджет хуқуқини ташкил этади. Демак, **Ўзбекистон Республикаси бюджет хуқуқини** давлат бюджети маблағларини ташкил этиш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи молиявий-хуқукий нормалар мажмуи сифатида белгилаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси бюджет хуқуқи давлат бюджет курилиши ва бюджет тизими, бюджет тизими даромадлари ва харажатлари тузилмаси, уларнинг турли даражадаги бюджетлар ўртасида тақсимланиши, давлат ва унинг маъмурий-худудий тузилмалари ваколати, бюджет жараёни ва бюджет назоратини белгиловчи молиявий-хуқукий нормалар мажмуидан иборат, дейиш мумкин.

Бюджет хуқуқи субъектлари жумласига:

- 1) давлат ва унинг маъмурий-худудий тузилмалари;
- 2) давлат ҳокимияти ва барча даражадаги бошқарув органлари;
- 3) давлат ва маҳаллий корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар киради.

Биринчи гуруҳга Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар, туманларга қарашли шаҳарлар кириб, улар бюджет соҳасида хуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бошқача айтганда, тегишли даражадаги бюджет хуқуқи айни шу субъектларга тегишли бўлиб, уларнинг ваколатли органлари ва ҳокимият ижроия органларига тааллукли эмас, бу органлар бюджет хуқукий муносабатларида, умуман, давлат ёки унинг тегишли маъмурий-худудий тузилмалари номидан ва уларнинг манфаатлари йўлида иштирок этади. Республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маъмурий-худудий тузилмаларнинг бюджетлари мавжуд бўлиб, у ёки бу давлат ҳокимияти ва бошқаруви органининг бюджетлари бўлмаслиги айни мана шу билан изоҳланади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш худудий бирликлари – посёлкалар, қишлоқлар, овул ва маҳал-

лаларнинг бюджет ҳуқуки субъектлари бирмунча бошқача. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, улар ўз бюджетлари ҳуқуқига эга бўлмасдан, бюджет ҳуқуқий муносабатларида маҳаллий бюджетдан маблағ олувчилар сифатида қатнашади.

Бюджет ҳуқуки *иккинчи гуруҳи* субъектларига барча даражадаги вакиллик органлари (Олий Мажлис, халқ депутатлари Кенгashi), умумий ваколатли ҳокимият ижроия органлари (Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари), молия-кредит органлари тизими (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг тасарруфидаги молия органлари: Қорақалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, тегишли ҳокимиятларнинг молия бўлимлари), Марказий банк ва тижорат банклари киради¹.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари тўпланиши муносабати билан ушбу жамғармаларни шакллантириш ва харажат қилиш бўйича ҳуқук ва мажбуриятлар ўз зиммасига юклатилган органлар ҳам бюджет ҳуқуки мазкур гурухининг субъектлари сифатида иштирок этишади.

Бюджет ҳуқуки *учинчи гуруҳ* субъектлари ноишлаб чиқариш соҳасидаги республика ва маҳаллий бюджет ташкилотлари, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш бўйича давлат мақсадли дастурлари ва чора-тадбирларини амалга оширувчи давлат ва маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналаридан иборат.

Бюджет ҳуқукий муносабатларининг ўзига хос хусусияти яна шундаки, улар бир йилдан ортиқ вакт давом эта олмайди, одатда, молия йилининг охирида тугайди. Бу шу нарса билан белгиланадики, давлат бюджети фақат бир молия йили учун қабул қилинади, қонунчиликда бу биринчи январдан бошланиб, ўттиз биринчи декабрга қадар бўлган давр тушунилади.

¹ Молия вазирининг 2001 йил 29 декабрдаги 130-сонли буйруги билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини тузиш ва ижро этиш қоидаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банклари Республика бюджети, Қорақалпогистон Республикаси бюджети ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бюджетларининг касса ижроси бухгалтерия ҳисобини юритади. Уларнинг зиммасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларининг харажат қилиниши устидан назорат ўрнатиш вазифаси ҳам юклатилган (Қоидаларнинг 237 ва 253-моддалари).

Бюджет хуқуки нормалари, бошқа молиявий-хуқуқий нормалар каби, *моддий ва процессуал* нормаларга бўлинади. Бунинг устига, бюджет хуқуқида ушбу нормалар молия хуқуқининг бошқа бўлимларига нисбатан кўпроқ аниқ ажратилганлигини кузатиш мумкин. Шу муносабат билан адабиётларда мавжуд бўлган бюджет хуқуки нормаларини «шартлиликнинг муайян улушлари билан» моддий ва процессуал нормаларга бўлиш ўзини тўлик оқламайди¹.

Моддий бюджет нормалари бюджет қурилиши ва бюджет тизими, бюджетларнинг даромад ва харажатлар таркиби, давлат органларининг бюджет соҳасидаги ваколати ва ҳ.к.ни мустаҳкамлаб беради. *Процессуал* нормалар жараён хусусиятига эга бўлиб, бюджет хуқуқининг моддий нормаларини амалга оширишнинг юридик шакли ҳисобланади. Улар бюджетларни ва уларнинг ижроси тўғрисидаги ҳисботларни тузиш, кўриб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш тартибини ҳамда бюджет жараёни соҳасида бюджет хуқуки субъектлари ваколатларини амалга оширишнинг аниқ хуқуқий шаклларини белгилаб беради.

Бюджет хуқуки нормалари унинг *манбалари* бўлган турли норматив-хуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган. Бюджет хуқуқининг дастлабки нормалари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида кўрсатилган бўлиб, унинг тегишли нормалари бюджет қурилиши ва давлат бюджет тизими асосларини белгилаб беради (122-модда), вакиллик ва ижроия органларининг бюджетни тартибга солиш соҳасидаги ваколатини мустаҳкамлаб беради (78, 100-моддалар).

Бюджет хукукининг манбалари тизимида 2013 йил 26 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси мухим аҳамият касб этади. Ушбу Кодекс Ўзбекистон Республикасининг бюджет тизими бюджетларини (бундан бўён матнда бюджет тизими бюджетлари деб юритилади) шакллантириш, тузиш, кўриб чиқиш, қабул қилиш, тасдиқлаш, ижро этиш, давлат

¹ Финансовое право. Учебник./Под ред. проф. Н.И. Химичевой. – М.: БЕК, 1996. – С.116–117.

томонидан маблағ жалб қилиш ва бюджет тұғрисидаги қонун хужжатлари ижросини назорат қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибиға солади (Кодекснинг 2-моддаси).

6. Солиқ ҳукуки түшүнчаси

Давлатнинг эңг мухим белгиларидан бири – бу унда солиқларнинг жорий қилингандыгынан. Солиқлар товар ишлаб чиқариши ва давлатнинг пайдо булиши билан бирга вужудга келган булиб, улар оммавий ҳокимиятнинг асосий ажралмас қисмлари бұлган армия, суд, давлат аппарати фаолиятини ҳамда давлатнинг бошқа әхтиёжларини моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарурдир.

Солиқлар – давлат бюджетининг даромад қисмiga үтказиладиган, юқори қонунчилик ҳокимият органларининг хужжатларига асосан юридик шахслар ва фуқаролар томонидан беғараз, муйян мікдорда ва белгиланған мұддатларда умумдавлат әхтиёжларини қондириш учун тұланадиган мажбурий тұловлардир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддасига күра, солиқлар деганда ушбу Кодексда белгиланған, муйян мікдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдыган ва беғараз хусусиятта эга бұлған, бюджетте йұналтириладиган мажбурий пул тұловлари тушунилади.

Давлат органларининг солиқларни белгилаш, амалға киритиш ва бекор қилиш бүйіча ваколатлари ҳамда солиқлар келиб тушадиган давлат бюджет тизими даражасига қараб *умумдавлат ва маҳаллий солиқлар* ажратилади.

Умумдавлат солиқларининг үзиге хос хусусиятлари шундан иборатки, улар, одатда, республика бюджетига тұғридан-тұғри келиб тушади, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари билан белгиланади, бекор қилинади ва жорий этилади ҳамда мамлакатнинг барча худудида ундириб олинади.

Маҳаллий солиқлар ва ғилемлар ҳам, умумдавлат солиқлари каби, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари билан белгиланади ва бекор қилинади. Мазкур ҳолда уларнинг умумдавлат солиқларидан фарқи маҳаллий солиқларнинг айрим турларини жорий этиш тартибидадир. Мол-мұлк солиғи ва ер солиғи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари билан

жорий этилади ҳамда мамлакатнинг барча ҳудудларида ундириб олиниади. Бошқа маҳаллий соликлар, гарчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари (Солик кодекси) билан белгиланган бўлса-да, улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимият органларининг қарорлари билан амалга киритилади. Демак, улар ҳуқуқий маъноси бўйича курсатилган органларнинг тегишли қарорлари қабул қилинган тақдирдагина мамлакатнинг у ёки бу ҳудудида ундириб олиниши мумкин. Маҳаллий соликларнинг бошқа фарқли белгиси шундаки, улар тўлиқ маҳаллий бюджетлар ҳисобига ўтказилади.

Солик кодексининг 23-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қўйидаги соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар амал қиласди.

Соликларга қўйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қаъридан фойдаланувчилар учун соликлар ва маҳсус тўловлар;
- 6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солик;
- 7) мол-мулк солиғи;
- 8) ер солиғи;
- 9) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 10) транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солик.

Бошқа мажбурий тўловларга қўйидагилар киради:

- 1) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар:
ягона ижтимоий толов;
фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;
- 2) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:
Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;

Республика йўл жамғармасига йиғимлар;

2¹) бюджетдан ташқари Умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллажлари, академик лицейлар ва тиббиёт муассасаларини реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш жамғармасига мажбурий ажратмалар;

3) давлат божи;

4) божхона тўловлари;

5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуки учун йиғим.

Ушбу модданинг иккинчи ва учинчи қисмларида кўрсатилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар умумбелгиланган солиқлардир.

Ушбу Кодексда белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибида тўланадиган қўйидаги солиқлар кўлланилиши мумкин:

ягона солиқ тўлови;

ягона ер солиғи;

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.

Ушбу модда иккинчи қисмининг 1–6-бандларида, учинчи қисмининг 1–4-бандларида, бешинчи қисмининг иккинчи ва тўртинчи хатбошларида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар **умумдавлат солиқлари** ва бошқа мажбурий тўловлардир. Ушбу модда иккинчи қисмининг 7–10-бандларида, учинчи қисмининг 5-бандида, бешинчи қисмининг учинчи хатбошисида назарда тутилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар **маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар** жумласига киради.

Солиқ тўловчилар бўйича юридик шахслардан олинадиган солиқлар ва жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар ажратилиди. Биринчи гурухга юридик шахслар даромади ёки фойдасига солинадиган солиқлар, иккинчи гурухга эса, жисмоний шахслар даромади ёки фойдасидан олинадиган солиқлар киради. Кўпгина умумдавлат ва маҳаллий солиқлар жисмоний шахслар томонидан ҳам, юридик шахслар томонидан ҳам тўланади, масалан, акциз солиғи, ер ости бойликларидан

фойдаланганлик учун олинадиган солик, ер солиғи, мол-мулк солиғи ва ҳ.к.

Соликларни белгилаш ва ундириб олиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар молия ҳуқуқи предметининг бир қисмини ташкил этади, яъни солик ҳуқуқи молия ҳуқуқининг институти хисобланади.

Солик ҳуқуқи деганда, соликларни белгилаш ва ундириб олиш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи молиявий-ҳуқуқий нормалар мажмуи тушунилади.

Солик ҳуқуқи нормалари кўп сонли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар – **солик ҳуқуқи манбаларида** назарда тутилган. Бу ҳужжатлар ўзининг ҳуқуқий шакли ва мазмуни бўйича турли-туман бўлиб, улар бир-бири билан ўзаро узвий боғланган ҳолда муайян тизимни ташкил этади.

Солик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш асослари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб берилган. Хусусан, мамлакатимиз Конституциясининг 123-моддасида республика ҳудудида ягона солик тизими амал қилиши, соликларни жорий қилиш ҳуқуқи эса, фақат Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тегишли эканлиги назарда тутилган. Бундан ташкири, Конституциянинг 51-моддасида фуқароларнинг қонунчилик билан белгиланган соликларни тўлаш мажбурияти мустаҳкамлаб берилган.

Солик муносабатларини тартибга солишга маҳсус бағишинланган норматив ҳужжатлар ичida 2007 йил 25 декабрда қабул қилинган ва 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси етакчи ўринни эгаллайди. Бу – мустакил Ўзбекистон тарихида қонунлар мажмуасини ўз ичига олган биринчи қонунчилик ҳужжати бўлиб, соликка доир барча муносабатларни бир бутун ҳолда тартибга солади. У солик тизимининг ҳуқуқий асослари, солик тўловчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, солик ишлари тартиботи ҳамда солик қонунчилигини бузганлик учун жавобгарликни белгилайди, соликлар рўйхати, уларни жорий этиш, амалга киритиш ва ундириб олиш тартибини мустаҳкамлаб беради. Солик ҳуқуқининг муҳим манбаи Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб берилган.

ликаси Президентининг фармонлари бўлиб, улар воситасида бозор қайта куришлари шароитларида бизнинг давлатимиз солик сиёсатининг энг принципиал масалалари тартибга солинади. Уларда давлатимиз солик тизимини такомиллаштириш ва уни бозор ислоҳотлари талабларига мувофиқлаштириш бўйича қабул қилинаётган асосий чора-тадбирларнинг мақсадли йўналиши белгиланади.

Солик хукуки манбалари ичида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари катта роль ўйнайди. Хукумат қарорларини қабул қилиш ўюли билан солик муносабатларини оператив давлат-хукукий тартибга солиш жараёни амалга оширилади. Хусусан, бу – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг навбатдаги молия йилига мўлжалланган Давлат бюджети макроиктисодий кўрсаткичлари ва параметрлари прогнози тўғрисидаги қарорларига тегишли. Уларда умумдавлат соликларининг ставкалари аниқлаштирилади, бюджет тизими даражалари бўйича тартибга солинадиган соликлар тақсимланади, маҳаллий соликлар ва йигимларнинг чегара микдорлари белгиланади (уларни тегишли худудларда амалга киритиш хукуки жойлардаги маҳаллий ҳокимият органларига берилади) ва ҳ.к.

Солик хукуки манбаларидан бўлган энг кўп сонли гурухни идоравий норматив хужжатлар ташкил этади. Улар, одатда, Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Молия вазирлигининг биргаликдаги қарорлари билан қабул қилинади. Масалан, бу – амалдаги қонунчилик билан белгиланган умумдавлат соликлари ҳамда маҳаллий соликлар ва йигимларнинг аниқ турларини ҳисоблаб ёзиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўрикномалар, шунингдек, солик солишнинг у ёки бу масалалари юзасидан норматив тусдаги тушунтиришлардир. Айрим ҳолларда солик солиш масалалари бўйича норматив хужжатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солик қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан Марказий банк, Давлат божхона қўмитаси, Ташки ишлар вазирлиги ва бошқа давлат органлари билан ўзаро келишув бўйича қабул қилинади.

Солик тўловчи юридик ва жисмоний шахс бўлиб, унинг зиммасига қонун билан ўз маблағлари ҳисобидан солик тўлаш мажбурияти

юклатилган. Солиқ субъекти ҳамма вакт ҳам аниқ солиқ тұловчи бұлавермайды. Солиқ оғирлигини бошқа шахс зиммасига юклаш имкониятiga боғлық ҳолда солиқ әгаси, яғни амалда солиқ тұловчи шахс деган тушунча ҳам бор. Солиқ әгаси, масалан, акцизости товарлар ҳамда құшилған қиймат солиғи солинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар истеъмолчилари хисобланади.

Солиқ солиши обьекти – солиқ тұловчининг даромади ёки мулки бўлиб, ундан солиқ суммаси ҳисоблаб ёзилади ва солиқ солиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Масалан, ер солиғи обьекти – ерга әгалик хуқуқи ҳисобланади, бевосита ернинг ўзи эмас (мазкур ҳолда ер солиқ солиши предметидир).

Солиқ солиши бирлиги солиқ солиши обьектининг бир қисми бўлиб, унга солиқ ставкаси белгиланади (даромаднинг 1 сўми, ер участкасининг 1 кв.м.) ва ҳ.к.

Солиқ ставкаси – солиқ солиши бирлигига белгиланадиган солиқ катталиги. Солиқ ставкаси фоизларда ёки қатъий суммада белгиланади. Солиқ тұловчининг даромадига нисбатан фоизларда ифодаланған солиқ ставкаси *солиқ квотаси* деб аталади. Фоизлар ставкаси асосан даромадларга солиқ солища құлланилади ва солиқ солиши бирлигидан фоизларда белгиланади (масалан, юридик шахсларнинг солиқ солинадиган даромади ҳар бир сўмидан 20 фоиз микдорида солиқ олинади). Бизнинг республикамиз солиқ қонунчилиги бўйича фоиз ставкалари акциз солиғи, құшилған қиймат солиғи, жисмоний шахслар мулкига солинадиган солиқ ва бошқаларга белгиланган. Қатъий ставкалар даромадлар микдоридан қатъи назар, солиқ солиши бирлигига мутлақ суммада белгиланади ва, одатда, аниқ солиқлар (масалан, ер участкалари солиғи) солища қўлланилади.

Солиқлар бўйича имтиёзлар – бу юридик ва жисмоний шахсларни амалдаги қонунчилликка мувофиқ солиқлар тұлашдан тұла ёки қисман озод этишdir. Қонунчиллик хужжатида у ёки бу имтиёзларни бериш билан боғлық бўлған ҳолатлар назарда тутилади. Аниқ мақсадга қараб қонун чиқарувчи тұловчиларнинг айрим гурухларини солиқ тұлашдан тұлық ёки қисман озод қилади, айрим обьектлар, даромад манбаларини солиққа тортишдан чиқариб ташлайди.

Назорат учун саволлар

1. Молия ҳуқуқи қандай муносабатларни тартибга солади?
2. Ўзбекистон Республикасида молиявий назоратни кимлар амалга оширади?
3. Бюджет ҳуқуқи деганда нима тушунилади?
4. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети деганда нимани тушунасиз ва унинг таркибий элементлари нимадан иборат?
5. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида ва унинг бозор муносабатларини ривожлантириш шароитидаги хусусиятларига тавсиф беринг.
6. Марказий банкнинг назорат функциялари нималарда намоён булади?
7. Тижорат банклари фаолияти қандай ташкил қилинади?
8. Солиқ ҳуқуқи деганда нимани тушунасиз?
9. Ўзбекистонда соликларни ким жорий қилади?
10. Ўзбекистонда қандай солиқ турлари мавжуд?
11. Солиқ имтиёзлари деганда нимани тушунасиз? Уни ким жорий қилади?

Мавзууни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Йўлдошев М., Турсунов Й. Молия ҳуқуқи. Дарслик. 2-нашр.–
Т.: «Asia offset print» МЧЖ, 2004. – 240 б.
2. Карасева М.В. Финансовое право: Учебник. – М.: Юристъ.
2004. – 576 с.
3. Крохина Ю.А. Финансовое право: – М.: Норма. 2004. – 704 с.
4. Ли А. Ўзбекистон Республикасининг молия ҳуқуқи. Дарсл./Масъул мухаррир: М.Х. Рустамбоев. – Т.: ТДЮИ, 2004. – 398 б.
5. Ли А. Финансовое право Республики Узбекистан. Учебник.
/Отв. ред.: М.Х. Рустамбоев. – Т.: ТГЮИ, 2003. – 416 с.
6. Рахимова А., Хожиев Э. Молия ҳуқуқи. Дарсл. – Т.: ТДЮИ,
2002. – 406 б.
7. Хван Л.Б. Солиқ ҳуқуқи. Дарсл. – Т.: Консаудитинформ,
2001. – 432 б.

8. Хван Л.Б. Налоговое право. Учебник. – Т.: Консаудитин-форм, 2001. – 404 с.
9. Эркин Хожиев. Ўзбекистон Республикаси банк ҳуқуқи. Дарслик. – Т.: 2007. – 320 б.
10. Билолхўжаева Ш. Бюджетное право Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2008. – 238 с.
11. Билолхўжаева Ш. Финансовое право. Учебно-методическое пособие. – Т.: ТГЮИ, 2008.
12. Билолхўжаева Ш. Банковское право. Учебно-методическое пособие. – Т.: ТГЮИ, 2008.
13. Реймова З.А., Каукишев Р.М. Ўзбекистан Республикасында финанс ҳуқықи. Ўкув методик қўлланма. – Н.: «КМУ», 2005.
14. Эркин Хожиев. «Солик ҳуқуқи» фанидан ўкув-услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – 58 б.

4-мавзу. ФУҚАРОЛИК ХУҚУҚИ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Фуқаролик хуқуқи тушунчаси ва манбалари.
2. Фуқаровий-хуқуқий муносабатлар иштирокчилари.
3. Мулк хуқуқи.
4. Мажбурият хуқуқи.
5. Фуқаровий-хуқуқий жавобгарлик.

1. Фуқаролик хуқуқи тушунчаси ва манбалари

Фуқаролик хуқуқи миллий хукуқ тизимининг асосий соҳаларидан бири бўлиб, мулкий ҳамда мулкий бўлмаган шахсий муносабатларни тартибига солиш, мустаҳкамлашга қаратилган хуқуқ нормалари йифиндисидан иборатdir. **Фуқаролик хуқуқи** – юридик жиҳатдан тенг бўлган субъектлар ўртасидаги мулкий ва шахсий-номулкий муносабатларни тартибига соладиган ҳамда мустаҳкамлайдиган хуқуқий нормалар йифиндисидир. Фуқаролик хуқуқининг хукуқ соҳалари тизимида тутган ўрнини англашда ушбу хукуқ соҳаси тартибига соладиган ижтимоий муносабатларни таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий муносабатлар тизимида фуқаролик хуқуқи тартибиغا соладиган муносабатлар кенг ўринни эгаллайди. Айниқса, бу муносабатлар кишилар ўртасидаги ўзаро иқтисодий муомалада, кундалик эҳтиёжларни кондиришга қаратилган ҳаракатларда кўп учрайди.

Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 1-моддаси биринчи кисмига биноан, фуқаролик қонун хужжатлари улар томонидан тартибиغا солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этишга, мулкнинг дахлсизлигига, шартноманинг эркинлигига, хусусий ишларга бирон-бир кишининг ўзбошимчалик билан аралашибига йўл қўйилмаслигига, фуқаролик хукуқлари тўскинликсиз амалга оширилишини, бузилган хукуқлар тикланишини, уларнинг суд орқали ҳимоя қилинишини таъминлаш зарурлигига асосланади.

Фуқаролик қонунчилигининг ушбу тамойиллари, яъни асосий ўналишларидан ФК нормалари моҳиятини, мазмунини ва вазифаларини белгилашда асос сифатида фойдаланилади. Фуқаролик қонун хужжатларининг моҳияти ҳам улар асосида белгиланади.

Ижтимоий муносабатларни тартибга солишига қаратилган қоидаларнинг мазмунини белгилашда кўпгина ҳолларда ушбу муносабатларнинг хусусиятлари ҳисобга олинади. Ижтимоий муносабатларнинг у ёки бу турлари (мулкий, шахсий, ташкилий, оиласвий, меҳнат ва ҳ.к.) умумий равишда эмас, балки улар аниқ белгиланган ёки маълум даражада уларнинг бир-бирига яқинлиги ва тегишли бўлиши ҳисобга олинган ҳолда тартибга солинади. Ҳукукий тартибга солишнинг хусусиятлари, шунингдек ижтимоий муносабатларнинг элементлари (шахснинг ҳолати, обьектнинг аломатлари ва ҳ.к.) билан белгиланади. Фуқаролик ҳукуки қоидалари воситасида тартибга солинадиган ижтимоий муносабатларнинг доирасини белгилашда ҳам ушбу талабга амал қилинади.

Фуқаролик ҳукуки тартибга соладиган муносабатлар доираси ФКнинг 2-моддасида белгилаб қўйилган. Бунга асосан фуқаролик қонун ҳужжатлари фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг ҳукукий ҳолатини, мулк ҳукуки ва бошқа ашёвий ҳукуқларнинг, интеллектуал фаолият натижаларига бўлган ҳукуқларнинг вужудга келиш асосларини ҳамда уларни амалга ошириш тартибини белгилайди, шартнома мажбуриятлари ва ўзга мажбуриятларни, шунингдек бошқа мулкий ҳамда у билан боғлиқ шахсий номулкий муносабатларни тартибга солади.

Мулкий муносабатлар деганда, иктисадий муносабатлар, яъни ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, умуман киши меҳнатининг ҳар қандай маҳсулотларни яратиш, эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Фуқаролик ҳукуки томонидан тартибга солинадиган мулкий муносабатлар доираси ниҳоятда кенг. Булар жумласига олди-сотди, хилма-хил буюртмалар қабул қилиш (ижро этиш), туарар-жойларни ижарага қўйиш ва ижарага олиш, корхоналар, ташкилотларнинг бир-бирига маҳсулотлар етказиб бериш, қурилиш ишларини амалга ошириш, транспорт корхоналари орқали юк ва йўловчи ташиш, етказилган заарни қоплаш, қонун ва васият бўйича мерос олиш, умуман ҳар қандай шаклдаги мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш ҳамда уни тасарруф этиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар киради.

Мулкий муносабатлар билан боғлиқ бўлмаган шахсий муносабатларга ФКнинг 100-моддасида кўрсатилганидек, фуқаро ўзининг шаъни, қадр-киммати ва ишчанлик обрусига путур етказувчи маълумотлар юзасидан, башарти бундай маълумотларни тарқатган шахс уларнинг ҳақиқатга тўғри келишини исботлай олмаса, суд орқали раддия талаб қилиш ҳуқуқи ва шу каби бошқа ҳукуқлар мисол бўлади.

Мулкий характерда бўлмаган шахсий муносабатлар шахснинг ўзи билан бевосита боғлиқ булган ва ундан бегоналаштирилмайдиган ҳукуқлардир. Бундай ҳукуқлар жумласига фуқаронинг исмига бўлган ҳуқуқи (ФК, 19-модда), муаллифлик ҳуқуқи, муаллифлик исмига бўлган ҳуқуқ (ФК, 1051-модда) ва ҳоказолар киради.

Кўриниб турибдики, фуқаролик ҳуқуқи ҳужжатлари воситасида тартибга солинадиган муносабатларнинг доираси таркибига биноан жуда ҳам кенг ва хилма-хилдир. Аввало, у мулкий муносабатларни ва шу билан бирга, мулк билан боғлиқ шахсий муносабатларни ўз ичига олади. Бирок у бу билан чегараланмайди. Агар конун ҳужжатлари билан бошқача ҳол назарда тутылмаган бўлса, мулк билан боғлиқ бўлмаган шахсий номулкий муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуки предметининг мазмунини ташкил қиласди. Шу билан бирга, ушбу муносабатларда фақат Ўзбекистон Республикаси эмас, балки хорижий мамлакатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, шунингдек давлатлари ҳам иштирок этишлари мумкин.

Юқорида келтирилган муносабатлар улар иштирокчиларининг тенг ҳукуқлилик, мулкий мустакиллик, ушбу муносабатларнинг хақ эвазга амалга оширилиши, иштирокчиларнинг иқтисодий жиҳатдан бир-бирига қарам бўлмаслиги, мол-мулкнинг алоҳида бўлиши, юридик тенг ҳукуқлилик, шахсий ҳукуқларнинг узвий ва дахлсиз бўлиши тамойилларига асосланади.

Фуқаролик ҳуқуқининг манбалари деганда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга соладиган норматив ҳужжатлар тушунилади.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари Ўзбекистон Республикасининг Асосий конунида мустаҳкамланган. Конституциянинг 18, 27, 36, 42, 53, 54, 56-моддалари бевосита фуқаролик-

ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган. Масалан, Конституциянинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилмажил шакллардаги мулк ташкил этиши тъькидланган. Давлат искеъмолчиларнинг ҳуқуки устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлиигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-бравар муҳофаза этилишини кафолатлади.

Фуқаролик ҳуқуқининг муҳим манбаси – бу 1995 йил 21 дебрабда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексидир.

Фуқаролик ҳуқуқининг муҳим манбалари Ўзбекистон Республикасининг жорий қонунлари ҳисобланади. Уларга мисол тариқасида «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги), «Кимматли қофозлар бозори тўғрисида»ги, «Гаров тўғрисида»ги (янги таҳрирдаги), «Лизинг тўғрисида»ги, «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларни келтириб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституцияга ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан чиқарадиган фармонлари, қарорлари ва фармойишлари фуқаролик ҳуқуқининг манбай бўлиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, республика вазирликларининг, давлат қўмиталарининг, идораларининг ўз Низомлари асосида чиқарган тегишли норматив ҳужжатлари ҳам фуқаролик ҳуқуки манбалири ҳисобланади.

Фуқаролик қонун ҳужжатларида тегишли нормалар бўлмаган тақдирда бу қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларга нисбатан маҳаллий одат ва анъаналар қўлланилади. Бироқ, қўлланиладиган иш одатлари, маҳаллий одатлар ва анъаналар қонун ҳужжатлари нормаларига, шартнома шартлари мазмунига зид бўлмаслиги керак (ФКнинг 6-моддаси).

Фуқаролик қонун хужжатларини тұғри шархлаш ва татбик этиш учун суд тажрибаси мұхим ақамиятга әга бўлса ҳам, аммо у ҳуқук манбаи бўлиб ҳисобланмайди. Фуқаролик иши бўйича суд томонидан чиқарилган қарор фақат мазкур иш учунгина мажбурийдир. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги «Судлар тұғрисида»ги Қонуни 17-моддасида «Олий суд Пленуми суд амалиётини умумлаштириш материалларини кўриб чиқади ва қонун хужжатларини қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар беради», деб белгиланган.

Унга биноан Олий суд Пленуми суд ишларини кўришда қонуларни қўллаш масалалари юзасидан судларга раҳбарий тушунтиришлари фуқаролик ҳуқукининг манбалари бўлмаса ҳам, барча судлар учун мажбурий ҳисобланади ва судлар томонидан оғишмай ижро этилиши шарт. Мисол тариқасида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1997 йил 2 майдаги «Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорини кўрсатиш мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тұғрисида»ги Қонуни 43-моддаси мазмунига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди ҳўжалик судлов соҳасида суд ҳокимиятининг энг юқори органи бўлиб, у томондан қабул қилинган хужжатлар қатъий ва Ўзбекистон Республикасининг барча худудида бажарилиши мажбурийдир.

Олий ҳўжалик суди Пленуми мажлисида дастурий кўрсатмалар қабул қиласи. Шуни айтиш керакки, Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тұғрисида»ги Қонуни 12-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий ҳўжалик суди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунчилик ташабуси ҳуқуқига әга», деб кўрсатилган. Шуни қайд этиш лозими, судлар томонидан қабул қилинадиган хужжатлар ҳеч қандай норма яратмаслиги ва уларнинг асосан қонун нормаларини тушунтириш мақсадида қабул қилиниши ҳам ушбу хужжатнинг ҳуқук манбаси сифатида эътироф этилмаслигини анлатади.

2. Фуқаровий-хуқуқий муносабатлар иштирокчилари

Ижтимоий муносабатларнинг фуқаролик-хуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган қисми **фуқаролик-хуқуқий муносабат** деб аталади. Масалан, жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузиладиган олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, бирон-бир ишни бажариш, ижара, қарз тўғрисидаги шартномалар фуқаролик-хуқуқий муносабатлар жумласига киради.

Фуқаролик-хуқуқий муносабат ижтимоий муносабат сифатида, энг аввало, шахслар ўртасидаги муносабатdir. Фуқаровий-хуқуқий муносабат иштирокчилари, яъни шахслар иккига бўлиниади:

- 1) жисмоний шахслар ёки фуқаролар;*
- 2) юридик шахс.*

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг З-боби «фуқаролар (жисмоний шахслар)»га бағишлиланган бўлиб, унинг 16-моддасида «фуқаро (жисмоний шахс)» тушунчасининг қўйида-ги таърифи берилган:

Фуқаролар (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади.

Ҳар бир жисмоний шахс хуқуқий муносабатга кириша олиши учун хукуқ ва муомала лаёқатига эга булиши керак. Барча фуқароларнинг фуқаролик хукуқ ва бурчларига эга булиш лаёқати (хукуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади. Фуқаронинг хукуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди (ФК, 17-моддаси).

Ўзбекистон Республикасида фуқаролар хукуқ лаёқатининг мазмуни ФКнинг 18-моддаси билан белгиланган. Унга асосан, фуқаролар:

- мулк хукуки асосида мол-мулкка эга бўлишлари;
- мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолди-ришлари;
- банкда жамғармаларга эга бўлишлари;
- тадбиркорлик, дехқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонун-да тақиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шурупланишлари;

- ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари;
- юридик шахслар ташкил этишлари;
- битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари;
- етказилган заарнинг тўланишини талаб қилишлари;
- машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари;
- фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи хукуқига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳукукларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Муомала лаёқати деганда фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳукукларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқатини тушуниш лозим. **Муомала лаёқатини юридик ҳаракатлар қилиш, яъни қонун бўйича маълум ҳукуқий оқибатлар қилиш лаёқати деб ҳам таърифлаш мумкин.** Бу ҳар бир шахснинг фуқаролик қонунчилиги билан берилган ўзига хос ҳукуклиридан бири саналади.

Муомала лаёқати тўлиқ, тўлиқсиз ва чекланган бўлиши мумкин. Ўзбекистон Республикасида фуқаролар муомала лаёқатининг мазмуни ФКнинг 22-моддаси билан белгиланган. Унга асоссан, фуқаронинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳукукларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати, яъни муомала лаёқати у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тұла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тұла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ бекор қилинган тақдирда ҳам тұла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганида суд вояга етмаган эрхотин суд белгилаган пайтдан бошлаб тұла муомала лаёқатини ўйқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

Муомала лаёқатининг хуқуқ лаёқатидан фарқи шуки, барча фуқаролар ҳам муомала лаёқатига эга бўлавермайдилар. Муомала лаёқатига эга бўлишнинг шарти шундан иборатки, муомала лаёқатига эга бўлган фуқаролар акли расолик билан ўз харакатларининг оқибатларини тушуниб харакат қиласидилар. Маълумки, янги туғилган бола тўла хуқуқ лаёқатига эга бўлса ҳам, ўз харакатлари билан биронта хуқуқ ва мажбурият олмайди. Онгли харакатлар қилиш лаёқати фақат маълум ёшга етгандан кейингина бошланади.

Бинобарин, фуқаролик муомала лаёқатининг фуқаро тўла ҳажмда вояга етиши билан вужудга келишини кўрсатади. Вояга етиш 18 ёшга тўлиш билан бошланади. Бу ёшга етиш билан киши фуқаролик-хукукий муносабатларда, жумладан, мулкий муносабатларда тўла катнашувчигина бўлиб қолмай, сиёсий хукуқлар билан бирга, бошқа фуқаролик хукуқлари ва мажбуриятларини ҳам олади.

Вояга етган фуқаролар тенг дараҷада муомалага лаёқатли хисобланадилар. Фуқароларнинг муомала лаёқати факат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина чекланиши мумкин. Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган битимлар ўз-ӯзидан ҳақиқий эмас (ФК, 23-модда).

Тўла муомала лаёқати юқорида кўрсатилганидек, ўн саккиз ёшга етган фуқароларга берилгани сабабли бу ёшга тўлмаган шахсларнинг хукукий ҳолатини белгилашда улар иккига бўлиниб, яъни ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаган ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахслар муомала лаёқати ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар отоналари, фарзандликка олувчиilar ва ҳомийларининг розилигисиз қўйидагиларни мустақил равишда амалга оширишга ҳақли:

1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;

2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қуриқланадиган бошқа натижаси муаллифи хукуқини амалга ошириш;

3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;

4) Фуқаролик кодексининг 29-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган майда майший битимларни ҳамда бошқа битимларни тузиш.

Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар ушбу кўрсатилган ҳолатлар учун ўзлари тузган битимлар бўйича мустакил равишда мулкий жавобгар бўладилар. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар. Бундай вояга етмаган шахс томонидан тузилган битим кейинчалик шахснинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийси ёзма равишда маъқуллаганидан сўнг, у ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

Етарли асослар мавжуд бўлганида суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик организмидан илтимосномасига мувофик ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустакил тасарруф этиш хукуқини чеклаб қўйиши ёки бу хукуқдан маҳрум қилиши мумкин.

Ўн тўрт ёшгача бўлган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар) тўла равишда муомалага лаёқатсиз ҳисобланадилар.

Олти ёшдан ўн тўрт ёшгача бўлган болалар:

1) майда майший битимлар;

2) текин манфаат кўришга қаратилган, нотариал гувоҳлантириш ёки давлат рўйхатидан ўtkазишини талаб қilmайдиган битимлар;

3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимларни амалга оширишга ҳақлидирлар (ФК, 29-модда).

Ўн олти ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Вояга етмаган шахсни тўла муомалага лаёқатли деб эълон қилиш фуқаролик хукуқида **эмансипация**, деб аталади. Эмансипация ота-онанинг, фарзандликка олувчиларнинг

ёки ҳомийнинг розилиги билан васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига мувофиқ ёхуд, бундай розилик бўлмаган тақдирда, суднинг қарори билан амалга оширилади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш ёки муомала лаёқатини чеклаш фақатгина суд томонидан амалга оширилади. Масалан, ФКнинг 30-моддасига кўра, руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган фуқарони суд қонун хужжатларида белгилаб қўйилган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин ва бундай фуқарога васийлик белгиланади.

Фуқаролик кодексининг 31-моддасига кўра, спиртли ичимликларни ёки гиёхвандлик воситаларини сунистеъмол қилиш натижасида ўз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўяётган фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун хужжатларида белгилангандар тартибда чеклаб қўйилиши мумкин. Унга ҳомийлик белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳукуқига эга. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Бироқ бундай фуқаро ўзи тузган битимлар бўйича ва етказган зарари учун мустақил равишда мулкий жавобгар бўлади.

Фуқаровий-ҳукуқий муносабатларнинг яна бир иштироқчиси – бу юридик шахслардир. **Юридик шахс деганда**, ўз мулкида, ҳўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳукуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилотни тушуниш лозим.

Юридик шахсларни жамиятдаги мулк шаклларига қараб турларга бўлиш мумкин. Масалан, хусусий ва оммавий мулк шаклларига қараб, давлатга тегишли ва нодавлат юридик шахсларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

Фаолиятининг мақсадига кўра ажратиладиган юридик шахслар фуқаролик муносабатларда энг кенг тарқалганларидан бири саналади. ФКнинг 40-моддасида кўрсатилишича, фойда олишни ўз

фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот) юридик шахс бўлиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлган юридик шахс хўжалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин.

Тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставида белгиланган мақсадларига мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин. Бу, ўз навбатида, бу каби юридик шахсларнинг олдига тижорат мақсадларида ва фойда олиш мақсадларида фаолият олиб бориш вазифаларини амалга оширишларини чеклайди.

Юридик шахснинг хукуқ лаёқати у тузилган пайтдан бошлаб, яъни давлат рўйхатидан ўтиши билан вужудга келади ва уни тугатиш якунланган пайтдан эътиборан тугатилади. Юридик шахснинг маҳсус хукуқ лаёқати унинг устави, низоми ёки қонун хужжатлари билан белгиланади. Юридик шахснинг хукуқ ва муомала лаёқати бир вактда, яъни у тузилиб, давлат рўйхатидан ўтганидан сўнг вужудга келади.

Фуқаролик кодексининг 42-моддасида юридик шахслар вужудга келишининг шакллари назарда тутилган. Хусусан, юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек қонун хужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади. Мулкдорлар, хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хукуки субъектлари ёхуд улар вакил қилган шахслар юридик шахсларнинг муассислари хисобланади.

Юридик шахс устав асосида ёки таъсис шартномаси ва устав асосида ёхуд фақат таъсис шартномаси асосида иш олиб боради. Қонунда назарда тутилган ҳолларда тижоратчи ташкилот бўлмаган юридик шахс шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги низом асосида иш олиб бориши мумкин.

Баъзи ҳолларда, юридик шахсни ташкил этишда, мазкур турдаги юридик шахсларнинг ташкилий тузилиши ва фаолиятига доир барча умумий қоидаларни назарда тутган типовой ёки намунавий уставларнинг бўлиши юридик шахс уставини тузиш вазифасини енгиллаштиради. Бундай намунавий уставларга фермер хўжалигининг намунавий уставини, қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг намунавий уставини мисол қилиб кўrsatiш мумкин.

Юридик шахснинг органлари ҳам бўлади. Юридик шахс қонун, устав ёки низом бўйича белгиланган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи ўз органлари орқали фуқаролик хукуқлари ва бурчларига эга бўлади.

Юридик шахсларнинг муомала лаёқати, яъни ўз ҳаракатлари билан фуқаролик хукуқлари ва бурчларини олиш лаёқати, юқорида кўrsatilgанидек, уларнинг органлари орқали амалга оширилади. Юридик шахсларнинг органлари қонун, устав ёки низомга мувофик равишда юридик шахснинг эрк-иродасини ифодалайди ва юридик шахс номидан фаолият олиб боради. Юридик шахсларнинг органлари якка бошчиликка асосланиб, директор, раис, бошқарувчи ёки коллегиал бошқарув, вакиллар мажлиси, умумий мажлис (ёки йиғилиш) сингари тартибда бошқарадиган орган бўлиши мумкин.

Давлат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахсларнинг органлари, қоида бўйича, якка бошчилик асосида белгиланади. Масалан, Самарқанд давлат университети ректори.

Кооператив ва жамоат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахсларнинг органлари икки турга: якка (тартиб) бошчиликка асосланган (масалан, бошқарув раиси) ёки коллегиал тартибда бошқаришга асосланган (масалан, аъзоларнинг умумий мажлиси, бошқарувчи) бўлиши мумкин.

Юридик шахслар қуйидаги усуулларда вужудга келиши мумкин:

1. Буйрук (фармойиш) орқали. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 28 июндаги «Юридик кадрларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1990-сонли Қарори билан Тошкент давлат юри-

дик университетини ташкил этиш бунга мисол бўла олади. Одатда, бундай усул билан давлат ташкилотлари ҳисобланган юридик шахслар ташкил топади.

Колган икки усулда эса юридик шахсларнинг таъсисчиси бўлиб мулкдорлар ёки улар вакил қилган шахслар, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобланади.

2. Мурожаат қилиш усули. Бунда муассислар томонидан тузиладиган юридик шахсларнинг вужудга келиши имконияти қонун томонидан олдиндан белгилаб қўйилмаган бўлади. Бинобарин, бундай ҳолларда давлат органи худди шундай юридик шахснинг бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлигини текширади.

3. Рухсат олиш усули. Бундай усулда ташкил топадиган юридик шахсларнинг вужудга келиш имкониятлари қонунларда олдиндан белгилаб қўйилади ва бинобарин, уларнинг ташкил бўлиш-бўлмаслиги мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис хужжатларининг (юридик шахсларни ташкил этиш ҳақидаги таъсис шартномаси ва уларнинг устави) қонунга мувофиқлиги текширилади, холос. Юридик шахснинг таъсис шартномаси иштирокчилар томонидан тузилади, устави эса, рўйхатга олинади (низоми тасдикланади). Юқорида қад этиб ўтганимиздек, юридик шахсларнинг давлат рўйхатидан ўтказилиши унинг фаолият олиб бориши учун замин яратади. Юридик шахс қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очик бўлган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига киритилади.

Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис хужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиши рад этганлик ва ноконуний равишда мансабдор шахслар томонидан улар фаолиятига тўсқинликлар қилиниши учун жавобгарлик белгилаган. Бундан ташқари, 2012 йил 20 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фао-

лияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Конуни қабул қилинган бўлиб, конунга мувофиқ ваколатли орган тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга хужжатни бериши учун бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни олиши талаб қилинган ҳолларда, рухсат этиш хусусиятига эга хужжатларни бериш соддалаштирилган тартибда «бир дарча» орқали амалга оширилади, бунда ваколатли орган мазкур хужжатларни тадбиркорлик субъектининг иштирокисиз мустақил равишда олиши назарда тутилган. Бу, ўз навбатида, юридик шахс сифатида фаолият юритаётган тадбиркорларга берилган имтиёз ва кулайликлардан биридир.

3. Мулк хуқуқи

Жамиятда узоқ даврлардан бўён давом этиб келаётган ижтимоий муносабатлар шуни кўрсатадики, инсоннинг мустақил ҳаёт кечириши ва фаолият кўрсатишида унинг ўз эгалигидаги мулки ҳамда ўша мулкига нисбатан ўзининг эгалик қилиш ҳисси, хоҳиши муҳим бир таянч ҳисобланади. Ҳар бир индивиднинг ўз мулкини муомалага киритиши орқали юзага келадиган имкониятлари орқали бутун жамиятнинг ҳаракатланишига қарайдиган бўлсан, мулк бутун инсоният ривожида алоҳида роль ўйнашига гувоҳ бўламиз. Зотан, академик Ҳ.Р. Раҳмонқуловнинг таъбири билан айтганда, мулк ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ҳаракат манбаидир. Шунингдек, мулк «ашёлар юзасидан инсонлар ўртасида юзага келадиган муносабат»ни англатади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишини тақозо этади. Шахснинг мулкдан бегоналашувига асосланган ижтимоий алоҳида имтиёзли мавқега барҳам берилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этиши мустаҳкамлаб кўйилди.

Мулкдан ижтимоий ҳаётнинг соҳаларида фойдаланар, уни инсон эҳтиёжлари йўлида сарф қиласар эканмиз, унинг давомли бўлиши ва ҳар қандай вазиятда ҳам хом ашё ёхуд маҳсулот сифа-

тида фойдаланиш учун, аввало, мулкни, унинг эгаси, яъни мулкдорни хар тарафлама муҳофаза қилишимиз, мулкдан фойдаланишда унинг характери, асосий вазифасидан келиб чиқиб, оқилона фойдаланиш меъёрларини ишлаб чиқишимиз лозим. Бундай меъёрлаш хар хил кўринишларда:

Биринчидан, одоб-ахлок ва одат нормалари орқали шаклланган мулкни, жисмни унинг қийматидан қатъи назар исроф қилмаслик, бошқа учун заарли мақсадларда фойдаланмаслик, мулкни жамоатчилик фаровонлиги, хайрли мақсадлар йўлида эҳсон қилишга оид кишилар онгидаги сақланиб келаётган ёзилмаган қоидалар кўринишида;

Иккинчидан, давлат, унинг масъул этиб тайинлаган маҳсус органлари орқали мулк, унинг мақоми, доираси ва турлари, уларга эгалик қилувчи субъектлар ҳамда уларнинг эгалик қилиш усуллари, бу соҳадаги ҳукукий чеклашлар ва тақиқлар, мулкнинг муҳофазасини таъминловчи институтлар, шунингдек мулкка, у орқали субъектга етказиладиган заарларнинг қопланиш усулларини ўзида жамлаган, ёзма норматив ва индивидуал ҳукукий актларда расман ўз ифодасини топган тизимли ҳукукий тартибга солиш кўринишларида бўлиб келган.

Мамлакатимизда мулк, унинг муҳофазасига оид нормалар сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик кодекси, «Ўзбекистон Республикасида мулчилик тўғрисида»-ги Қонуни ва бошқа қатор маҳсус қонунларни кўришимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12-боби «Жамиятнинг иқтисодий негизлари» деб номланган бўлиб, унинг 53-моддасида бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётини хилма-хил шаклдаги мулк ташкил этиши мустаҳкамланган. Айни пайтда Конституцияда мулкдорларга нисбатан мулкдан фойдаланиш экологик мухитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳукуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт қилиб кўйилган.

Табиат бойликлари ва киши меҳнати натижалари шахслар томонидан айрим-айрим ҳолда ўзлаштирилмай, балки биргалашиб ва ўзаро ҳамкорлик билан ўзлаштирилади. Бинобарин, мулк та-

бият нарсаларини ўзлаштиришда кишилар ва уларнинг жамоалиари ўртасида бўлган муносабатни, яъни ижтимоий муносабатни, ижтимоий ишлаб чиқариш муносабатларини билдиради.

Мулк ишлаб чиқариш воситалари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотларни эгаллаш, фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш соҳасида бўладиган ижтимоий муносабатларнинг мажмуюи сифатида ҳам таърифланиши мумкин.

Юридик маънодаги «мулк» тушунчаси тўғрисида шуни айтиш керакки, шахслар томонидан табиат бойликларини, ашёларини ўзлаштиришда бўладиган ижтимоий муносабатларни тартибга соладиган ва мустаҳкамлайдиган ҳукуқий нормалар тизими – юридик маънодаги «мулк» тушунчасида қўлланилади. Бу маънодаги мулк мулк ҳукуқи (субъектга тегишли соф маънодаги субъектив ҳукуқ сифатида эмас, балки муайян ҳукуқ соҳаси) сифатида кўрилади.

Мулк ҳукуқи фуқаролик ҳукуқининг йирик институтларидан бири бўлиб, мулкларга оид умумий нормалар Фуқаролик кодексида ҳам бериб ўтилган. Мазкур кодекснинг 104-моддасида мулк ҳукуқи тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, мулк ҳукуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳукуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳукуқидан иборат.

Бу таъриф мулкдорнинг ўз мулкига нисбатан муносабатининг барча ҳукуқий жиҳатларини қамраб олади. Шу билан бирга, ушбу таърифда учинчи шахсларнинг мулкдор мулкига муносабатларининг энг мухим қонуний асоси кафолатланган. Яъни, мулкдорнинг мулк ҳукуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишдан муҳофазалай олиши императив меъёр сифатида мустаҳкамланган. Бу эса, ўз навбатида, мулкдор мулк ҳукуқини мажбурий маънода «муқаддаслиги»ни ифодалайди.

Мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, мулк ҳукуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш ҳукуқи тушунчалари мулк ҳукуқининг мазмунини ташкил

этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган бу элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилади.

«Ўзбекистон Республикасида мулчилик тўғрисида»ги Конуннинг 1-моддаси мулкий ҳуқук ҳақида тўхталиб, унда Ўзбекистон Республикасида мулкий ҳуқук тан олиниши ва қонун билан муҳофаза этилиши, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши, айни пайтда, мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақли эканлиги, мулкдор мулкдан қонун хужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу қонуннинг 33-моддасида мулкий ҳуқуқнинг ҳимоя қилиниши ҳақидаги норма қайд этилган бўлиб, мулкдор ўзга шахс томонидан қонунга хилоф рашида эгаллаб олинган мол-мулкини Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунларига мувофиқ талаб қилиб қайтариб олиш ҳуқуқига эгалиги, мулкдор ўз ҳуқуқини ҳар қандай бузишларни, гарчи бундай бузишлар уни мулкка эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш билан боғлик бўлмаса-да, бартараф этишни талаб қилиши мумкинлиги ҳамда мулкий ҳуқуқни ҳимоя қилиш суд ёки хўжалик суди томонидан амалга оширилиши таъкидлаб ўтилган.

Фуқаролик кодексининг 83-моддасида мол-мулкнинг турлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, мол-мулк фуқаролик ҳуқуқлари обьекти сифатида **кўчмас мулкка** ва **кўчар мулкка** бўлинади.

Кўчмас мулк жумласига ер участкалари, ер ости бойликлари, бинолар, иншоотлар, кўп йиллик дов-дараҳатлар ва ер билан узвий боғланган бошқа мол-мулк, яъни белгиланган мақсадига но-мутаносиб зарар етказмаган ҳолда жойини ўзгартириш мумкин бўлмайдиган обьектлар киради.

Конунда бошқа мол-мулк ҳам кўчмас мол-мулк қаторига киритилиши мумкин.

Кўчмас мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни қўлга киритиш ва улар бекор бўлишининг хусусиятлари қонуллар билан белгилаб қўйилади.

ФКнинг 164-моддасида белгиланишича, мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра, ўз хоҳиши ва манфаатларини кўзлаб эгалик қиласди, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Шу маънода мулкдор ўз мулкига бўлган хуқуқларини ихтиёрий равишда, ўз хоҳишига кўра амалга оширади. Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, иродаси билан ўз манфаатларини кўзлаб, бироннинг (учинчи шахсларнинг) тазиикисиз, файрихуқукий таъсирсиз харакат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазиик қўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг хоҳиш-иродаси эркин амалга оширилишини кафолатлайди ва муҳофаза қиласди. Айни вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкни қонун талабларига мувофиқ кўлда сақлаб туришга **қонуний эгаллаш** деб айтилса, қонуний асослар бўлмай туриб биронларга қарашли мулкни эгаллаш, масалан, бироннинг ўғирлатган ёки йўқотган мулкини кўлда сақлашга қонунсиз эгаллаш деб айтилади.

Мулкдан фойдаланиш хуқуқи – мулкнинг фойдали хусусиятларини ўзлаштириш, мулкдан иқтисодий маънода фойда куришdir. Мулкдан қонунга мувофиқ равишда фойдаланувчи шахс шу мулкдан фойдаланиш хуқуқига эга бўлади. Мулкдан фойдаланиш хуқуқи шу мулкни эгаллаш хуқуқи билан чамбарчас боғлиқидir. Мулкни эгалламай, кўлда сақламай туриб ундан фойдаланиб ҳам бўлмайди. Масалан, мулк ижараси шартномасига мувофиқ, ижарага берувчи даставвал мулкни ижарага оловчига қонун ёки шартномада кўзда тутилган тартибда топширади. Топшириш билан бир вақтда ижарага оловчига мулкка нисбатан эгалик қилиш хуқуқи ҳам вужудга келади ва у шундан сўнг ижарага берилган мол-мулкдан фойдаланиши мумкин. Мулкдан ишлаб чиқаришда ёки кундалик ҳаётда фойдаланишда бу мулк бутунлай истеъмол қилинади ёки муайян вақт давомида аста-секин эскиради.

Агар бироннинг мулкидан фойдаланиш қонун ёки шартнома билан белгиланган асослар бўлмай туриб амалга оширилса, бундай фойдаланиш қонунсиз фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, ўғирланган ёки йўқотилган мулкдан фойдаланиш.

Мулкни тасарруф этиш ҳуқуки – мулкнинг юридик тақдирини белгилаш, яъни мулк юзасидан бошқа шахслар билан бўладиган ҳуқукий муносабатни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилишга қаратилган ҳуқуқдир.

Мулк эгаси тасарруф этиш ҳуқуқига биноан мулк юзасидан хилма-хил битимлар, шартномалар, чунончи, ашёни сотиш, ҳадя қилиш, ижарага қўйиш тўғрисида шартномалар тузади. Агар ашё бутунлай кераксиз булиб қолса, мулк эгаси бундай ашёни ташлаб юбориши, ўзидан бирон-бир усул билан соқит қилиши мумкин. Бу ҳуқуқ мулкдорга ўз мол-мулкига нисбатан конунга зид бўлмаган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан, мол-мулкдан гаров нарсаси сифатида фойдаланиши ёки унга бошқача йўллар билан вазифа юклаш, уни бегоналаштириш ёки мол-мулкни бошқача усул билан тасарруф этишга имкон беради.

Бу ҳуқуқнинг қўлдан кетиши билан мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуки ҳам қўлдан кетади. Масалан, мулкни омонатга қўйишда ашёни эгаллаш ҳуқуки, ижарага беришда ашёни эгаллаш ва ундан фойдаланиш ҳуқуки, бирорга ўша ашёнинг сотилиши ёки ҳадя қилинишида эса, субъектив мулк ҳуқуқининг ҳар уч элементи: эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқлари ҳам бутунлай бошқа шахсга ўтади.

Айрим ҳолларда мулкни йўқотиш, ўғирлатиш ҳолларида мулк эгаси ўз мулкини эгаллаш, фойдаланиш ва уни тасарруф этиш имкониятидан маҳрум бўлса ҳам, эгалик ҳуқуқини конунда белгиланган ҳолларда ва муддатларда ўзи сақлаб туради. Фуқарога тегишли мулк ўғирлатилганида унинг кимнинг қўлида бўлиши аниқланганидан сўнг қонун билан белгиланган уч йиллик даъво муддати давомида талаб қилиб олиниши мумкин. Акс ҳолда мулкка нисбатан бўлган эгалик ҳуқуки йўқолади. Умуман олганда, мулкни тасарруф этиш элементи кимда бўлса, шу шахс (гарчи, мулк қўлида, яъни эгалигида ёки фойдаланишида бўлмаса ҳам) мулкдор ҳисобланади. Зоро, тасарруф этиш элементи мулкнинг шакли ва ҳуқукий мақомига қараб муайян хужжатлар (ордер, тилхат ва бошқалар) билан тасдиқланади.

Мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 54-моддасида баён қилинган

бўлиб, унга асосан мулкдор ўз хуқуқларини амалга оширишда экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг хуқуқларини ҳамда қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Бу конституциявий норма ФКнинг 172-моддасида батафсил талқин қилинган. Ушбу моддага асосан мулкдор ўз мулкий хуқуқларини амалга оширишда қўйидаги шартларга амал қилиши лозим.

Мулкдорнинг ўз хуқуқларини амалга ошириши бошқа шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт.

Қонунларда назарда тутилган ҳолларда, шартларда ва доирада мулкдор бошқа шахслар унинг мол-мулкидан чекланган тарзда фойдаланишига йўл қўйишга мажбур.

Мулкдор ўзининг устунлик мавқенини суиистеъмол қилишга, бошқа шахсларнинг хуқуқларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини камситадиган ўзга ҳаракатларни қилишга ҳақли эмас.

Мулкдор ўз хуқуқини амалга оширганида фуқароларнинг соғлиғига ва атроф-муҳитга зарар етказишининг олдини олиш чораларини кўришга мажбур.

Тасарруф этиш хуқуки мулкдорнинг ўз хоҳиши билан, ўз манфаатларини қўзлаб ашёнинг тақдирини белгилашининг юридик таъминланган имконияти бўлиб, ашёга нисбатан турли хил юридик актларни содир этиш орқали амалга оширадиган хуқуки ҳисобланади.

Амалдаги Фуқаролик кодексида мулк хуқуқининг вужудга келиш асослари ҳам белгилаб берилган бўлиб, унга кўра қўйидагилар мулк хуқуқининг вужудга келиш асослари ҳисобланади:

1. Мехнат фаолияти;

2. Мол-мулкдан фойдаланиш соҳасидаги тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти, шу жумладан мол-мулкни яратиш, кўпайтириш, битимлар асосида кўлга киритиш;

3. Давлат мол-мулкини хусусийлаштириш;

4. Мерос қилиб олиш;

5. Эгалик қилиш хуқуқини вужудга келтирувчи муддат;

6. Қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа асослар.

Мулк хукуки вужудга келишининг дастлабки асосларидан яна бири ҳамма йифиб олиши мумкин бўлган ашёларни мулкка айлантиришдир. ФКнинг 189-моддасида кўрсатилишича, қонун хужжатларида ёввойи мевалар, ёнғок, замбурурглар, резавор мевалар ҳамда ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва жонсиз табиатнинг ҳамма олиши мумкин бўлган бошқа обьектларини йиғиш йўли билан фуқаролар мулкига айлантириш тартиби ва шартлари белгилаб қўйилиши мумкин. Бундай тартибда мулк хукуки ўрмонлардан кўзиқорин, мевалар териш, дашту тоғлардан доривор гиёҳлар туплаш, дарё ва кўллардан балиқ овлаш орқали вужудга келиши мумкин. Бироқ, маълумки, ушбу мулк обьектлари ўсган мавжуд ҳудуд хусусий мулк хукуки асосида бошқага тегишли бўлмаслиги лозим. Мулк обьектларининг баъзиларини овлаш учун ваколатли давлат органидан рухсат (лицензия) олинган бўлиши талаб этилади. Айни вактда балиқ ва бошқа жониворларни овлаш овга рухсат берилган мавсумдагина йўл қўйилади, акс ҳолда овланган жониворлар мусодара қилиниб, ов қуроллари олиб қўйилиши ва уларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўлланилиши мумкин.

Эгасиз ашёга нисбатан мулк хукуки ҳам дастлабки асосда вужудга келади. Эгаси бўлмаган ёки эгаси номаълум ашё эгасиз ашё ҳисобланади. Эгасиз кўчар ашёлар эгалик қилиш хукукини вужудга келтирувчи муддат асосида қўлга киритилиши мумкин. Бундай ашё тегишли давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи аризасига мувофиқ кўчмас мол-мулкни давлат рўйхатига олувчи органда ҳисобга олиниб, уч йил ўтгач, тегишли давлат органи талаби асосида суд томонидан давлатга ўтказилиши мумкин.

ФКнинг 192-моддасида топилмага нисбатан мулкий хукукларининг вужудга келиши хусусиятлари белгиланган. Унда кўрсатилишича, йўқолган ашёни топиб олган шахс бу ҳақда уни йўқотган шахсни ёки ашё эгасини ёхуд уни олиш хукукига эга бўлган ўзга маълум шахслардан биронтасини дархол хабардор этиши ҳамда топилган ашёни шу шахсга қайтариши шарт. Башарти, ашё бинода ёки транспортда топилган бўлса, у шу бинонинг ёки транспорт воситасининг эгаси бўлмиш шахсга топширилмоғи лозим. Топилма топширилган шахс ашёни топиб олган шахснинг хукукларини

құлға киритади ва унинг мажбуриятларини үз зиммасига олади. Башарти, топилган ашё қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бұлған шахс номағым бұлса ёки унинг манзили бўлмаса, ашёни топиб олган шахс топилма тўғрисида милицияга, тегишли давлат органларига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш организма маълум қилиши шарт.

ФКнинг 193-моддасига асосан олти ой мобайнида топилманинг эгаси аниқланмаса, ашёни топиб олган шахс унга эгалик ҳуқуқини қўлға киритади (агар у бу ҳуқуқдан воз кечса, топилма давлат мулкига ўтади).

ФКнинг 196-моддасида хазинага нисбатан мулк ҳуқуқининг вужудга келиши хусусиятлари белгилаб қўйилган. Хазина деб эгасини аниқлаш мүмкин бўлмаган ёки қонунга биноан ҳуқуқларини йўқотган, ерга кўмилган ёки бошқача усулда яширилган пул ёки қимматбаҳо буюмларга айтилади. Яшириб қўйилган молмулк (ер участкаси, иморат ва ш.к.) мулкдори бўлган шахсга ва хазинани топган шахс мулкига, агар улар ўртасидаги келишувга мувофиқ бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, teng улушларда тегишли бўлади.

Хазина у яшириб қўйилган ер участкаси ёки бошқа мол-мулк эгаси мулкдорнинг розилигисиз қазишма ишларини олиб борган ёки бойлик қидирган шахс томонидан топилган тақдирда, бу хазина у топилган ер участкасининг ёки бошқа мол-мулкнинг эгасига топширилиши шарт. Тарих ва маданият ёдгорликлари жумласига кирадиган ашёлардан иборат хазина топилган тақдирда, улар давлат ихтиёрига ўтади. Бироқ хазина топилган ер участкаси эгаси ва хазинани топган шахс хазина қийматининг эллик фоизи миқдорида мукофот олишга ҳақли.

Хазина топиш учун қазишма ва қидирув ишларини олиб бориш меҳнат ёки хизмат вазифаларига кирадиган шахслар (масалан, археологлар, геологлар)га нисбатан юкоридаги қоидалар кўлланилмайди (ФК, 196-модда, 5-банд).

Мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини вужудга келтирувчи ҳосила усули деганда, муайян шахс томонидан мулк ҳуқуқининг олиниши дастлабки мулк эгасининг ҳуқуқига боғлиқ бўлган усул назарда тутилади. Бу усул мулк ҳуқуқининг маълум ашёга нисбаба-

тан пайдо булиши ёки бу ашёга нисбатан мулк ҳуқуқининг илгари маълум шахсга тегишли бўлиши билан боғлиқдир. Шу маънода мулк ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтиши ҳакида сўз юритилади. Бинобарин, ҳосила усули бўйича мулк ҳуқуқи вужудга келганда мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқнинг бир шахсдан иккинчи шахсга кўчирилиши тўғрисида сўз боради. Масалан, олди-сотди шартномаси тузилиши йўли билан ашёга нисбатан эгалик ҳуқуки бир шахсда, яъни сотиб олувчидаги пайдо бўлади.

Мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши усуллари ҳам хилма-хил. Бу усулларни куйидагича туркумлаштириш мумкин:

1) мулкдорнинг ўз эрки-иродаси бўйича мулк ҳуқуқини бекор бўлиши (масалан, мол-мулкни сотиш, ҳадя қилиш ва ш.к.);

2) мол-мулкни тугатиш ва хисобдан чиқариш (йўқ қилиб ташлаш) ёки нобуд бўлиши натижасида мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши (ФКнинг 198-моддаси);

3) мулкдорнинг эрки, иродасидан ташқари мол-мулкнинг олиб қўйилиши орқали мулк ҳуқуқининг бекор бўлиши. Мол-мулкни мулкдордан олиб қўйишга қонунларда назарда тутилган холларда ва тартибида мулкдорнинг мажбуриятлари бўйича ундирув ана шу мол-мулкка қаратилган тақдирда, шунингдек национализация қилиш, реквизиция ва мусодара қилиш тартибида йўл қўйилади (ФК, 199-модда).

Агар қонунга асосан шахсга тегишли бўла олмайдиган мол-мулк унинг мулки бўлиб қолса, ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи суд тартибида бекор қилиниб, олиб қўйилган мол-мулкнинг қиймати шахсга тўланади (ФК, 199-модда, 2-банд).

4. Мажбурият ҳуқуқи

Мажбурият фуқаролик ҳуқуқининг энг қадимий институтларидан бири ҳисобланади. Қадим замонларда ёқ кишилар ўртасида ўзаро товар айирбошлаш вужудга келган пайтдан бошлаб анъянавий қўринишдаги мажбурият муносабатлари вужудга келган. Лекин мажбурият муносабатларининг ҳуқуқий асосларда шаклланиши Рим фуқаролик ҳуқуқига бориб тақалишини ҳисобга олсан, мажбуриятлар ҳуқуқий қўриниш ҳосил қилишида давлатнинг ўрни бекиёслигини қўрамиз. Айнан қадимги Римда мажбу-

рият тушунчасига ҳуқуқий таъриф беришга ҳаракат қилинган ва унга қуидагича таъриф берилган: **мажбурият** ўзида ҳуқуқий оқибатларни ифодалайдики, бунинг натижасида биз давлатимиз қонунларига мувофиқ, бирор-бир нарсани амалга оширишга мажбурмиз.

Мажбуриятнинг мазмуни шунда ифодаланадики, унга мувофиқ, бизнинг қандайдир жисмий предметни ёки қандайдир сервитутни амалга оширишимиз, бунинг эвазига ушбу муносабатдан келиб чиқиб, у ҳам бизга нимадир бериши, қилиши ёки тақдим этиши лозим.

Хозирги кунга келиб эса, фуқаролик қонунчилигига мажбурият тушунчасининг анча мукаммал ва ҳар томонлама ижтимоий муносабатларни ҳисобга олган таърифи ўз ифодасини топган.

Фуқаролик ҳуқуқида **мажбурият деб**, шундай фуқаролик ҳуқуқий муносабатга айтиладики, унга асосан шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, масалан, мол-мулк топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатни амалга оширишдан ўзини саклашга мажбур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 234-моддасига мувофиқ, **мажбурият** – фуқаролик-ҳуқуқий муносабат бўлиб, унга асосан бир шахс (қарздор) бошқа шахс (кредитор) фойдасига муайян ҳаракатни амалга оширишга, яъни мол-мулкни топшириш, ишни бажариш, хизматлар кўрсатиш, пул тўлаш ва ҳоказо ёки муайян ҳаракатдан ўзини саклашга мажбур бўлади, кредитор эса – қарздордан ўзининг мажбуриятларини бажариши талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

Мажбурият фуқаролик ҳуқуқида катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Мажбурият ҳуқуки ёрдамида мулк ва бошқа неъматларнинг ҳаракати амалга оширилади. Образли қилиб гапирганда, мажбуриятлар инсон қон томирлари тизими бўлиб, улар ёрдамида фуқаролик-ҳуқуқий организмда ашёлар алмашинуви содир бўлади. Мажбуриятларсиз фуқаролик ҳуқуқидаги муомала амалга оширилишининг имкони мавжуд бўлмайди. Шунинг учун ҳам кўпчилик ҳуқуқшунос олимлар мажбуриятлар энг кенг тарқалган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат тури эканлигини таъкидлашади.

Дарҳақиқат, мажбурият фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг кўпчилигига мавжуд бўлиб, фуқаролик хуқуқида амалга ошириладиган ҳаракатларнинг деярли барчаси мажбуриятлар билан боғлиқ бўлади. Масалан, товарни топшириш (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация ва шу каби шартномаларда), иш бажариш (пудрат, майший пудрат, курилиш пудрати ва х.к.).

Мажбуриятнинг субъектлари ва обьектлари унинг муҳим элементи ҳисобланади. Мажбуриятнинг *субъектлари* деб муайян хуқуқларга эга бўлган ва зиммасига мажбурият олган шахслар тушунилади. Улар **кредитор, қарздор** ва бошқалар ҳам бўлиши мумкин.

Кредитор – бу муайян бир ҳаракатнинг қилинишини ёки муайян ҳаракатни қилишдан сақланишини талаб этишга ҳақли бўлган тараф – кредитор деб аталади. *Қарздор* эса, маълум бир ҳаракатни амалга оширишга ёки ҳаракат қилишдан сақланишга мажбур бўлган шахс.

Фуқаролик кодексининг 235-моддасига биноан, мажбуриятнинг тарафлари – *кредитор* ёки *қарздор* сифатида бир ёки бир пайтнинг ўзида бир неча шахс иштирок этиши мумкин.

Мажбуриятда қарздор томонида иштирок этган шахслардан бирига кредитор билдирган талабларнинг ҳақиқий эмаслиги, шунингдек бундай шахсга талаб қўйишга доир даъво муддати ўтиб кетганлиги кредиторнинг қолган шахсларга бўлган талабларига ўзича дахл этмайди.

Агар тарафлар шартномага биноан бир-бирларига нисбатан мажбуриятли бўлса, тарафлардан ҳар бири бошқа тараф олдида унинг фойдасига нима қилиши шарт эканлиги жиҳатидан унинг қарздори ва айни бир пайтнинг ўзида ундан нима талаб қилишга хуқуқли эканлиги жиҳатидан унинг кредитори ҳисобланади. Мажбурият унда тарафлар сифатида қатнашмаган шахслар (учинчи шахслар) учун бурчлар ҳосил қилмайди.

Мажбуриятнинг мазмуни деганда, кредиторнинг қарздор томонидан муайян ҳаракатлар қилинишини (ёки қилинмаслигини) талаб этишга бўлган хуқуки ва қарздорнинг шунга яраша бўлган бурчи тушунилади. Қарздор томонидан қилиниши лозим бўлган ҳаракатлар ҳар хил: ашёни эгасига (кредиторга) топшириш, ашёларни фойдаланиш учун топшириш, маълум сумма – пулни тўлаш,

бирон-бир ишни бажариш ёки хизмат кўрсатиш, қарздор томонидан битимнинг тузилишини таъминлаш, бирорга етказилган зарарни тўлаш, асосиз ортирилган бойликни ўз эгасига қайта-риш тўғрисида бўлиши мумкин.

Белгиланган мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик юзасидан қарздор бўлган шахс уни бутунлай бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги, мажбуриятни бажариш юзасидан белгиланган хуқук нормаларига риоя қилмаслик хуқукقا хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик ҳисобланниб, бу ҳол **мажбуриятни бузилиш** деб кўрилади.

Мажбуриятларни бузганлик учун қўлланиладиган **санкциялар** қўйидаги гурухларга бўлиниши мумкин:

1. Ихтиёрий бажарилмаган бурчни мажбурий ижро эттириш. Масалан, олинган қарз пули ихтиёрий равишда тўланмаганида уни мажбуран ундириш мумкин бўлади.

2. Шартномада кўрсатилган мажбурият бажарилмаганда уни бир томонлама бекор қилиш. Масалан, ижарага оловчи ўз мажбуриятини бажармаганда ижарага берувчининг талаби билан шартнома муддатидан аввал бекор қилиниши мумкин.

3. Мажбуриятнинг ижро этилиши тартибини ўзгартириш. Масалан, маҳсулот оловчи ташкилот аввал маҳсулотлари учун ҳак тўлашни кечиктирганида маҳсулот етказувчи у билан акцепт шакли бўйича ҳисоб-китоб қилмай, балки харидор ташкилотга ноқулай бўлган аккредитив шакли бўйича ҳисоблашиш тартибига ўтиши мумкин.

4. Кредитор тараф зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини камайтиришга қаратилган санкциялар. Бунга мисол қилиб харидор ўзига шартнома шартларига номувофик сифатдаги ашё топширилганида, унинг нархини тегишлича камайтиришни талаб қила олишини курсатиш мумкин.

5. Қарздор тарафнинг зиммасида бўлган мажбуриятлар ҳажмини ошириш. Бундай санкция қўлланилишида мажбурият бузган қарздор тараф ўзи учун ноқулай бўлган баъзи вазифаларни, қўшимча мажбуриятларни бажаришга мажбур қилинади. Масалан, сифатли нарса ўрнига сифатсиз ашё топширган сотувчи бу ашёнинг нуксонларини тузатиш учун ёки камчиликларни йўқо-

тиш учун харидор томонидан килинган харажатларни тұлашга мажбур қилиниши мүмкін.

6. Мулкий жавобгарлик чоралари сифатида күриладиган санкциялар.

Шартнома тузиш жараёнида олинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида бир қатор чоралар олдиндан белгиланиши назарда тутилган. Булар *неустойка, ушлаб қолиш, гаров, кафиллик*. Кафолат, закалат эса, шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш үсуллари ҳисобланади.

Қонун хужжатлари ёки шартнома билан белгиланған, қарздор мажбуриятини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тұлаши лозим бўлган пул суммаси **неустойка** дейилади.

Неустойканинг иккита ҳукукий асоси мавжуд, яъни – бу қонун ва шартнома. Агар неустойка шартномада келишилмаган бўлса, лекин мажбурият бажарилмаганида кредитор томонидан бу пеняни тұлаш талаб этилганида бу ҳақда қонунда мажбурият кечикирилганлиги учун пеня ҳисоблаш назарда тутилганлиги боис пеня талаб қилиш ҳукуки мавжуд бўлади. Демак, шартномада неустойка борасида келишишнинг асосий мақсади келгуси мажбуриятнинг бажарилишини таъминлашдир.

Неустойка иккита шаклда: жарима ва пеня шаклида бўлади.

Жарима – шартнома қарздор томонидан бажарилмаганида ёки лозим даражада бажарилмаганида тўланадиган пул.

Пеня – шартнома мажбуриятлари кечикириб бажарилганида ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмiga фоиз ҳисобида тўланадиган пул ҳисобланади. Агар шартномада пеня ҳисоблашнинг муддати чегараланган бўлса, масалан мажбурият бажарилмаганда бир ой давомида бажарилмаган мажбуриятнинг 0,02 фоизи микдорида пеня ҳисоблаш ҳақида келишилган бўлса, пеня ҳисоблаш иккинчи ойга ўтганида тўхтайди. Агар пеня ҳисоблашнинг чегараси белгиланмаган бўлса, пеня ҳисоблаш давом этаверади. Пеняни қўллаш шартнома мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилишини таъминлайди.

Неустойка тұғрисидаги келишув, албатта, ёзма равища бўлиши лозим.

Мажбурият бажарилишини таъминлашнинг иккинчи усули – бу гаровни қўллаш. **Гаров** – бу бир шахснинг бошқа бир шахсга шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганида уни таъминлаш учун берадиган мол-мулки ёки мол-мулкка бўлган ҳуқук.

Гаров тури – бу закалат, ипотека, ҳуқуқлар гарови турида булади. Ҳуқуққа бўлган гаров – бу шахснинг мажбуриятни таъминлаш максадида бирор-бир мулкка, ашёга бўлган ҳуқукини гаровга қўйиш ҳисобланади.

Агар гаровга қўйилган мулк гаровга олувчига тўла ўтказилса, закалат деб тушунилади.

Ипотека гарови деганда факат кўчмас мулкни гаровга қўйиш тушунилади.

Қарздорнинг мажбуриятни таъминламаганлиги натижасида келиб чиқадиган қарзи гаровга қўйилган мулкнинг арзимас қисмини ташкил этса, ундирувни гаровга қўйилган мулкка қаратиш мумкин эмас.

Ундирув қўйидаги ҳолларда, албатта, суд тартибида амалга оширилади:

1) гаров тўғрисида шартнома тузиш учун бошқа шахс ёки органнинг розилиги ёки рухсати талаб қилинганда;

2) гаров нарсаси жамият учун тарихий, бадиий ёки ўзга маданий аҳамиятга эга мол-мулк бўлса;

3) гаровга қўювчи йўқолган бўлса ва унинг турган жойини аниқлаш мумкин бўлмаса.

Кафиллик шартномасида бир шахс бошқа шахснинг шартнома бўйича мажбуриятларини бажармаганда кредитор олдида жавоб бериш масъулиятини зиммасига олади. Кредитор томон қарзни тўлаш бўйича биринчи асосий кардорга талаб қўйиши лозим. Тўғридан-тўғри кафилга талаб қўйилган ҳолларда кафил томонидан тегишли талаб қондирилаётганлиги ҳақида асосий қарздорни хабардор қилиш лозим. Чунки, асосий қарздор талабни қаноатлантирилмаслик учун асос бўладиган важларини кафилга билдиришга ҳақлидир. Келгусида регресс даъво билан кафил асосий қарздорга мурожаат қилганда асосий қарздор ўзининг даъвони рад этиш бўйича

асосий важларини тақдим этиши мумкин. Буларга Корея Республикаси билан тузилган шартномаларни мисол қилиб олиш мумкин.

Кафолат – бу шартнома мажбуриятларини таъминлаш мақсадида шартнома бўйича карздорнинг мажбурияти юзасидан банк ва суғурта идораларининг ўз зиммаларига жавобгарлик олишлари. Кафиллик билан кафолатнинг фарки шундаки, кафолатни кредит муассасалиари, яъни банк ва суғурта идоралари амалга оширади, кафилликни эса, жисмоний шахслар ҳам ўз зиммаларига олиши мумкин, кафолатда эса, кафолат хатида кўрсатилган пул миқдорида жавобгар бўлинади, кафил эса, асосий қарздор билан бир хилда жавобгар бўлади. Бундан ташқари, кафолатда қарздор кафилга кафолат бергани учун ҳақ тўлайди. Масалан, суғурта идораси бирор-бир юридик шахсга банқдан 10 миллион кредит олиш мақсадида тузилган кредит шартномаси юзасидан келгусида мажбурият бажарилмаган тақдирда олинган 10 миллион сўм пулнинг 7 миллионини тўлаб бериш юзасидан мажбурият олади. Бу шахс олган кредит миқдорининг 8 миллион сўмини қайтара олмади. Банк муассасаси кредитга олинган ва қайтарилиши лозим бўлган 8 миллион сўм пулни қайтаришни асосий қарздорга ва кафолатчига талаб қилиб кўйди. Бундай ҳолда мажбуриятни таъминлаш қандай амалга оширилади?

Қарздорга мулкий жавобгарликни белгилашдан олдин, яъни кредиторга етказилган зиённинг ундан ундирилишидан олдин суд хар бир аниқ ҳолатда мазкур зиёнлар қарздорнинг ўз мажбуриятларини бузишдан келган-келмаганлигини аниқлаши, яъни қарздорнинг хукуққа хилоф ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги билан кредиторнинг зиёнлари ўртасида сабабли боғланиш бўлиш-бўлмаганини аниқлаши лозим.

Масалан, агар темир йўл транспорти корхонаси юк олувчига заарланган юкни етказиб берса, суд кредиторга бундай заарни ким етказганлигини, маҳсулот юборувчи ташкилот ёки темир йўл корхонаси томонидан етказилганлигини, бундай зиённинг сифатсиз товар юборувчи ташкилотнинг айби, хукуққа хилоф ҳаракати билан бўлган-бўлмаганлигини ёки ташиш учун қабул қилинган юкнинг йўлда сақланишини таъминламаган темир йўл корхонасининг хукуққа хилоф ҳаракатларидан бўлган-бўлмаганлигини аниқлаши лозим.

Шартнома тарафлари мажбуриятни бажаришнинг барча чораларини кўрган бўлса-ю, мажбуриятни бутунлай ёки қисман бажара олмаса, масъулиятни белгилаш бажариш учун талаб этилган субъектив асос – айб бўлмаганлиги сабабли бундай ташкилот мажбуриятни бажармаганлиги учун мулкий жавобгарликдан озод қилинади. Мажбуриятни бажармасликда юридик шахснинг айби мазкур ташкилот органлари ҳисобланган ва ўзларига берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилган айрим шахсларнинг айби билан қўрилади. Ташкилотлар томонидан берилган ваколатлар доирасида ҳаракат қилувчи вакилларнинг, муайян хизмат вазифаларини бажарувчи ишчи-хизматчиларнинг айби билан белгиланади.

Қарздорнинг зарарни тўлаш мажбуриятлари қарздор шартнома шартларини бажармаганлиги учун кредитор, яъни шартноманинг иккинчи томонига етказилган зарарни тўлашга мажбурулиги билдиради. Етказилган зарарни аниқлашда даъво қўзғатилган кундаги нарх-наволардан келиб чиқсан ҳолда ҳисоб-китоб қилинади.

Мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун шартномада белгиланган неустойка: пеня ёки жаримани ҳамда етказилган зарарни ва бой берилган фойдани қоплаш бўйича жавобгарлик келиб чиқади.

Кредиторнинг ўзгариши мажбуриятга оид ҳуқуқий муносабатларда муайян субъектлар ўртасида вужудга келади. Мажбуриятни бажаришда иштирок этаётган тарафлар ўринларини бошқа шахс билан алмашинишларига қонун бўйича йўл қўйилади. Мажбуриятда қатнашувчи кредитор ҳам, қарздор ҳам бошқа шахслар билан алмашинишлари мумкин.

Кредиторнинг алмашиниши деб, мажбуриятда иштирок этаётган кредитор ўз ўрнини бошқа шахс билан алмашинишига айтилади. Кредиторнинг талаб қилиш ҳуқуқининг бошқа шахсга ўтказилишига, агар бу қонун ёки шартномага зид бўлмасагина ёки талаб кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмасагина йўл қўйилади. Агар талаб кредиторнинг шахси билан чамбарчас боғланган бўлса, масалан, ФКнинг 314-моддасида кўрсатилганидек, алиментлар ва ҳаётга ёки соғлиққа етказилган зарарни тұлаш тұғрисидаги талабларнинг бошқа шахсга ўтишига йўл қўйилмайди.

Баъзи ҳолларда талаб қилиш ҳукуқини ўтказишга шартнома бўйича ҳам йўл қўйилмайди. Масалан, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (квартира)ни бошқа шахсга берган шахс ўзининг талаб қилиш ҳукуқини бошқа шахсга ўтказа олмайди. ФКнинг 318-моддасида кўрсатилишича, кредиторнинг мажбурият бўйича ҳукуқлари бошқа шахсга қўйидаги ҳолларда ўтади:

- 1) кредитор ҳукуқларидаги универсал ҳукукий ворислик натижасида;
- 2) кредитор ҳукуқларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги суднинг карорига мувофик;
- 3) қарздорнинг мажбурияти ушбу мажбурият бўйича қарздор бўлмаган кафил ёки гаровга қўювчи томонидан бажарилиши оқибатида;
- 4) суғурта ҳолати бошланиши учун жавобгар бўлган қарздорга нисбатан кредитор ҳукуқларининг суғурта қилувчига суброгацияси (утиши) натижасида;
- 5) қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

Кредитор билан дастлабки қарздор ўртасидаги муносабатларга асосланган барча эътиrozларни янги қарздор кредиторнинг талабига қарши қўя олади, жумладан, янги қарздор ҳам дастлабки қарздор каби мажбуриятнинг қисман бажарилганлигини ёки қарзнинг қисман тўланганлигини ёхуд хужжатда кўрсатилганга караганда камрок суммада олинганлигини айтиб, эътиrozларини билдира олади.

Кредитор янги қарздордан мажбуриятни тўла ҳажмда бажаришни талаб қила олади, чунки мажбуриятни кўчиришда унинг мазмuni ўзгармайди. Масалан, қарз шартномасида қарздор алмашса, кредитор янги қарздордан тўла ҳажмда тўланишини талаб қила олади.

Агар кафил ёки гаровга қўювчи янги қарздор учун жавобгар булишига розилик бермаса, кафиллик ёки учинчи шахс томонидан берилган гаров қарзнинг бошқа шахсга кўчирилиши билан бекор бўлади.

Қарзни (мажбуриятни) кўчириш кўпинча фуқароларнинг ўзаро муносабатларида қўлланилади. Аммо мажбурият қарздорнинг шахси билан боғлиқ бўлса, қарзни кўчириш мумкин эмас.

Ёзма шаклда тузилган битимга асосланган талаб қилиш ҳуқукини ўтказиш ва қарзни (мажбуриятни) күчириш оддий ёзма шаклда қилиниши лозим. Агар битим нотариал тасдиқланган ва давлат рўйхатидан ўтказилган бўлса, у холда ушбу ўтказиш тегиши шаклга риоя қилинган ҳолда амалга оширилади. ФКнинг 323-моддасида қарзни ҳам, мажбурият бўйича ижрони ҳам бир пайтда бошқа шахсга ўтказиш қоидалари назарда тутилган. Бунга асосан қарздорни қарзни тўлаш мажбуриятидан озод қилмаган ҳолда қарзни ёки унинг бир қисмини бошқа шахсга ўтказишга рухсат берилади. Бу ҳолда ҳар иккала қарздор мажбуриятнинг бажарилиши учун шерик (солидар) жавобгар бўлади.

Қарздорнинг учинчи шахс билан шартномаси асосида учинчи шахс мажбуриятининг бажарилиши бўйича кредитор олдида эмас, балки фақат қарздор олдида бурчли бўлади.

Мажбурият – ҳуқукий муносабат сифатида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларига чукур кириб борганки, ҳуқуқ соҳаларининг бошқа институтларида бу ҳол кузатилмайди.

5. **Фуқаровий-ҳуқукий жавобгарлик**

Юқоридаги бўлимларда таъкидлаб ўтилганидек, юридик жавобгарликнинг бир тури – бу фуқаролик-ҳуқукий жавобгарликдир. **Фуқаролик-ҳуқукий жавобгарлик** мулкий характердаги шартномавий муносабатларни бузганлик ёки шартномадан ташқари мулкий зарарни етказганлик, яъни фуқаролик-ҳуқукий деликтнинг содир этилганлик ҳолатларида юзага келади. Унинг моҳияти шахсни салбий мулкий оқибатларни бажаришга мажбурашдан иборат. Файриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли етказилган зарарнинг зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозимлиги – фуқаролик-ҳуқукий жавобгарликнинг асосий тамойилидир (ЎзР ФКнинг 985-моддаси). Заарнинг қопланиши, баъзи ҳолларда, жарима санкциялари, масалан, неустойка тўлаш мажбурияти билан тўлдирилиши мумкин. Жавобгарликнинг бу турини юклаш судлар, хўжалик судлари ёки маъмурий органлар томонидан амалга оширилади (ФКнинг 10-моддаси).

Фуқаролик хуқуқида, одатда, мажбуриятни бузганлик учун қарздорнинг ёки зарар етказувчининг жавобгарликка тортилиши учун қўйидаги тўртта асос бўлиши кўрсатилган:

биринчидан, хуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик; иккинчидан, зарар етказилиши;

учинчидан, хуқуққа хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик билан содир бўлган зарар ўртасида сабабий боғланиш бўлиши;

тўртинчидан, қарздорнинг ёки зарар етказувчининг айби мавжуд бўлиши.

Фуқаролик хуқуқида мулкий муносабатлар борасида зарар деганда, жабрланувчи мол-мулкининг хар қандай йўсинда камайиши, унга путур етказилиши тушунилади. Бундай путур етказиш жабрланувчининг мол-мулкига ва шу билан бир қаторда унинг шахсиға нисбатан содир этилган хуқуқбузарлик натижасида юзага келиши мумкин. «Ўзганинг мол-мулкига етказилган зарар» тушунчаси ўз ичига нафақат моддий путур етказишни, балки жабрланувчини қандайдир бошқа қимматликлардан ва имкониятлардан махрум қилишни ҳам олади.

Фуқаролик қонунчилиги ва суд амалиёти «шартномали» ва «шартномасиз» етказилган заарларни фарқлайди. «Шартномали» зарар маълум фуқаролик хуқукий муносабатда бўлган бир тарафнинг шартнома мажбуриятларини бажармаслиги ёхуд лозим даражада бажармаслиги оқибатида вужудга келса, «шартномасиз» етказилган зарар эса, маълум ижтимоий неъматга қилинган тажовуз туфайли вужудга келади, бунда тарафларда мажбурият муносабатлари мавжуд бўлмай, зарар бевосита хуқуқбузарлик (деликт) оқибатида етказилади.

Шартномаларда белгиланган мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик турларини қўйидагича гурухларга бўлиш мумкин:

1. Томонларнинг ўзи келишиб белгилайдиган жавобгарлик.

Неустойка – қонун хужжатлари ёки шартнома билан белгиланган, қарздор мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кредиторга тўлаши шарт бўлган пул суммасидир.

Неустойка жарима ёки пеня шаклида бўлиши мумкин. Қарздор мажбуриятларни бажармаган ёки лозим даражада бажарма-

ган ҳолларда түлайдиган ва қоида тариқасида, қатъий пул суммасида хисобланадиган неустойка жарима хисобланади.

Қарздор мажбуриятларнинг бажарилишини кечикириб юборганида түлайдиган ва ўтказиб юборилган муддатнинг ҳар бир куни учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмига нисбатан фоиз билан хисобланадиган неустойка пеня дейилади.

Неустойка тўғрисидаги келишув ёзма шаклда тузилиши шарт ва уларнинг миқдори томонлар келишуви билан белгиланади.

2. Фуқаролик кодексининг 14, 324-моддалари етказилган зарарни қоплаш мажбуриятини кўзда тутади. Етказилган зарарни қоплаш – агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилмаган бўлса, ҳуқуки бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Зарар дегандা, ҳуқуки бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилинган ёки қилиниши лозим бўлган харажатларни, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек, бу шахс ўз ҳуқуклари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Агар ҳуқуқни бузган шахс бунинг натижасида даромад олган бўлса, ҳуқуки бузилган шахс бошқа зарар билан бир қаторда бой берилган фойда бундай даромаддан кам бўлмаган миқдорда тўланишини талаб қилишга ҳақли. Қарздор мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги туфайли кредиторга етказилган зарарни тўлаши лозим.

Мажбуриятларни бузганлик учун жавобгарлик томонларнинг келишувидан қатъи назар қонун ва қонун ости ҳужжатларида белгилаб қўйилиши мумкин. Масалан, Фуқаролик кодексининг 327-моддасида бошқа шахсларнинг пул маблағларини ғайриконуний ушлаб қолиш, уларни қайтариб беришдан бош тортиш, уларнинг тўланиши бошқача тарзда кечикирилиши ёхуд бошқа шахс хисобидан асоссиз олиш ёки жамғариш натижасида улардан фойдаланганлик учун ушбу маблағлар суммасига фоиз тўланиши керак, деб кўрсатилган. Фоизлар миқдори кредитор яшайдиган жойда, кредитор юридик шахс бўлганда эса, унинг жойлашган ерида пул мажбурияти ёки унинг тегишли қисми бажарилган кунда мав-

жуд бўлган банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгиланади. Қарз суд тартибида ундириб олинганда, суд кредиторнинг талабини даъво қўзғатилган кундаги ёки қарор чиқарилган кундаги банк фоизининг ҳисоб ставкаси билан белгилайди.

Шахснинг шаъни, қадр-қиммати, шунингдек фуқаро ёки юридик шахснинг ишбилармонлик обрусига қилинган тажовуз натижасида уларга маънавий зарар етказиладиган бўлса, бундай зарар Фуқаролик кодексининг 1021, 1022-моддаларига биноан қопланиши керак. Бошқача қилиб айтганда, номулкий (маънавий зарар) нафакат мажбурият ҳукуки нормаларини бузиш ёхуд маънавий қимматликларга нисбатан қилинган тажовуз, балки ҳар қандай ҳукуқбузарлик натижасида етказиладиган турли камситилишлар оқибатида етказилиши мумкин. Маънавий зарар жабрланувчини мулкий зарарга нисбатан кўпроқ қийин аҳволга солиши мумкин, бунда у маънавий қайфу натижасида ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини давом эттиришга қийналади, руҳий оғрик сезади ва х.к.

Шуни кўрсатиб ўтиш керакки, шартномадан ёхуд бошқа бир томонлама битимдан келиб чиқадиган мажбуриятларда унинг бажарилмаслиги бошқа шахсга файриқонуний равишда зарар етказиш – барча ҳолларда ҳукукка хилоф ҳисобланади. Мазкур ҳолларда қарздор хатти-харакатининг ҳукукка хилоф бўлишини белгилашда қандай шартлар мавжуд бўлганида мажбуриятни ижро этмаслик учун фуқаролик-ҳукукий жавобгарликнинг белгиланишини аниқлаш зарур бўлади.

Зарарлар ҳамма вакт ҳам қарздорнинг мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлигидан келиб чиқавермайди. Баъзи ҳолларда мажбуриятнинг бажарилмаслиги натижасида, юқорида айтганимиздек, мулкий зарар етказилмаслиги ҳам мумкин. Аммо, аксарият ҳолларда, зарар жавобгарликни белгилаш учун зарур асос бўлади.

Зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлар баъзи ҳолларда қонун йўл қўйган харакатлар натижасида ҳам етказилиши мумкин. Масалан, давлат, жамият ёки айрим фуқароларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда етказилган зарар қонуний, ҳукук йўл қўйган харакат ҳисобланади.

Шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан айб тұғрисида гапирап эканмиз, айб деб шахснинг мажбуриятини бажаришга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги ва натижада мажбуриятнинг бутунлай бажарилмаслиги ёки лозим даражада бажарилмаслиги тушунилади.

Фуқаролик хукуки фанида айб қасд ёки эҳтиётсизлик (бепарволик) шаклида ифодаланади.

Қасд шаклида айб бўлишида шахс мажбуриятни онгли равишида, атайнин бажармайди ёки лозим даражада бажармайди.

Фуқаролик муомаласида мажбуриятни бажаришга нисбатан бундай муносабатда бўлиш факат айрим ҳоллардагина учрайди. Умумий қоида сифатида ташкилотлар ва фуқаролар ўз зиммаларига олган мажбуриятларни бажаришга вижданан муносабатда бўладилар. Мажбуриятларнинг айрим турлари бўйича қасд шаклида айб қонуларда бевосита назарда тутилади.

Бепарволикда қарздор мажбуриятни бажаришга интилмайди, ҳаракат қилмайди, бунинг учун барча куч ва қобилиятини етарли даражада сафарбар қилмайди, ишни бажаришда диққатсизликка, эътиборсизликка йўл қўяди.

Фуқаролик хукуки фанида эҳтиётсизлик шаклидаги айб соидир қилинганлигини белгилаш бирмунча мураккаб хисобланади. Мажбуриятни бажаришга қаратилган муносабатларга баҳо беришда қарздорнинг индивидуал хусусиятларига ҳам қараш керак. Чунончи, фуқаронинг ақлий, жисмоний томондан етарли даражада камолотга етмагани аникланса, бундай шахсга нисбатан мулкий жавобгарликни белгиламаслик масаласи кўйилади. Баъзи ҳолларда мазкур шароитларда ҳар бир киши ёки хўжалик корхонаси хизматчиси томонидан амалга оширилиши лозим бўлган ғамхўрлик чоралари кўрилган-кўрилмаганлигига қараб баҳо бериш масаласи туғилади.

Фуқаролик кодексининг 329-моддасида (субсидиар) жавобгарликнинг ўзига хосликлари баён қилинган. Хусусан, қонун хужжатлари ёки мажбурият шартларига мувофиқ асосий қарздор бўлган бошқа шахснинг жавобгарлигига қўшимча равишида жавобгар бўлган (субсидиар жавобгарлик) шахсга талаб-

лар қўйишдан олдин кредитор асосий қарздорга талаб қўйиши керак.

Агар асосий қарздор кредиторнинг талабини қондиришдан бош тортса ёки кредитор ундан қўйилган талабга оқилона муддатда жавоб олмаган бўлса, бу талаб субсидиар жавобгар бўлган шахсга қўйилиши мумкин.

Кредитор асосий қарздорга бўлган ўз талабини қондиришни субсидиар жавобгар шахсдан талаб қилишга ҳақли эмас, башарти бу талаб асосий қарздорга муқобил талабни ҳисобга ўтказиш ёки маблағларни асосий қарздордан низосиз ундириб олиш йўли билан қондирилиши мумкин бўлса.

Субсидиар жавобгар шахс ўзига кредитор томонидан қўйилган талабни қондиришдан олдин бу ҳақда асосий қарздорни огохлантириши, борди-ю, бундай шахсга нисбатан даъво қўзғатилган бўлса – асосий қарздорни ишда қатнашишга жалб қилиши керак. Акс ҳолда асосий қарздор ўзининг кредиторга қарши эътиrozларини субсидиар жавобгар шахснинг регресс талабига қарши қўйиш хуқуқига эга.

Қарздор айби бўлган тақдирда, мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради. Қарздор мажбуриятни лозим даражада бажариш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма чораларни кўрганлигини исботласа, у айбсиз деб топилади.

Айбнинг йўқлиги мажбуриятни бузган шахс томонидан исботланади. Башарти, қонунда ёки шартномада бошқача тартиб на зарда тутилган бўлмаса, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни лозим даражада бажаришга енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон бўлмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади. Қарздорнинг шартлашувчи шериклари томонидан мажбуриятларнинг бузилиши, мажбуриятни бажариш учун зарур товарларнинг бозорда йўқлиги, қарздорда зарур пул маблағларининг бўлмаганлиги бундай вазиятлар жумласига кирмайди.

Фуқаролик-хукуқий жавобгарлик экология соҳасида содир этилган хукуқбузарлик натижасида етказилган мулкий зарар учун ҳам қўлланилади.

Ушбу жавобгарлик турига тортишдан мақсад экологик қонун ва талабларни бузганлик оқибатида етказилган зарарни ўз вақтида қоплашдан иборатdir.

Қонун талаби ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, фуқаролик-хукуқий жавобгарликнинг келиб чиқиши учун куйидаги шартлар бўлиши лозим:

- етказилган иқтисодий, экологик ва мулкий зарарнинг мавжудлиги;

- экологик хукуқий нормаларни бузганлик учун айбнинг мавжудлиги;

- қилинган ижтимоий ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонунга хилофлиги;

- экологик ва иқтисодий зарар охирги зарурат ва зарурий мудофаа туфайли етказилган бўлса, суднинг ушбу ҳолат юзасидан жазо чорасини белгилаши.

Хукуқбузарликнинг объектив томони эса, хукуққа қарши хатти-ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида субъект томонидан хукуқий муносабатнинг бузилиши ва белгиланган экологик қонунларга ҳамда бошқа хукуқий нормаларга амал қилмаслиқдан иборат.

Экологик қонун ва талабларни бузганлик учун фуқаролик-хукуқий жавобгарликнинг энг асосий хусусияти шундаки, субъектнинг экологик соҳада маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши уни етказилган зарарни ўз вақтида тұлаши ёки қоплаши мажбуриятидан озод этмайди.

Демак, **фуқаролик-хукуқий жавобгарлик** – мулкий характердаги шартномавий муносабатларни бузганлик ёки фуқаролик-хукуқий деликт содир этганлик учун вужудга келади. Бу жавобгарликнинг моҳияти – шахсни салбий мулкий оқибатларга дучор қилишdir. Фуқаролик-хукуқий жавобгарликнинг асосий принципи – зарарни тұла ҳажмда қоплаш ҳисобланади.

Назорат саволлари

1. Фуқаролик хукуки қандай муносабатларни тартибга солади?
2. Фуқаролик хукуқининг манбаларини айтиб беринг.

3. Жисмоний шахснинг белгилари нималардан иборат?
4. Муомала лаёқати ва ҳуқуқ лаёқатининг ўзаро фарқли жиҳатлари нималарда намоён бўлади?
5. Юридик шахс деганда нимани тушунасиз?
6. Жисмоний шахснинг юридик шахсдан фарқи нимада?
7. Мажбурият деганда нимани тушунасиз?
8. Мажбурият бажарилмаганда қандай оқибатлар юз беради?
9. Мажбурият бажарилишини таъминлаш воситалари деганда нимани тушунасиз?
10. Неустойканинг мазмуни нимадан иборат, унинг қандай шаклларини биласиз?
11. Фуқаровий ҳуқукий жавобгарликнинг келиб чиқиш асослари нимадан иборат?

Мавзууни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 912 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 912 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 800 б.
4. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 322 б.
5. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 614 б.
6. Баратов М.Х. Давлат мулк ҳуқуки / Монография. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.
7. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Рўзиназаров Ш., Оқюлов О., Азизов Ҳ., Имомов Н. Ҳусусий мулк ҳуқуқининг объектлари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: ЎзР Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти, 2006.

5-мавзу. ТАДБИРКОРЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Тадбиркорлик ҳуқуки тушунчаси, тамойиллари ва манбалари.
2. Тадбиркорлик ҳуқуки субъектлари.
3. Тадбиркорлик фаолиятининг турлари.
4. Тадбиркорлар иштирокида тузиладиган шартномалар.
5. Тадбиркорлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик.

1. Тадбиркорлик ҳуқуки тушунчаси, тамойиллари ва манбалари

Бозор муносабатларининг тобора ривожланиб бориши жамиятда тадбиркорларнинг кўпайиб боришига олиб келади. Ўз навбатида, иқтисодий фаровонликнинг муҳим кафили бўлган тадбиркорлик субъектлари, уларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш зарурати юзага келади. Бу муносабатлар хўжалик ҳуқуки ва хўжалик конунчилиги билан тартибга солинади.

Хўжалик-ҳуқукий муносабатлар доираси, бозор иқтисодиётининг ривожланиб бориши билан бирга, борган сари кенгайиб боради, хусусан, товар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасида корхоналар, тадбиркорлар, фермерлар, дехкон хўжаликлари, банклар, биржалар ва шунга ўхшаш бошқа субъектлар ўзига хос маҳсус фаолият кўрсатадилар.

Хўжалик ҳуқуки иқтисодиёт соҳасидаги фаолиятни тартибга соловчи нормалар йифиндисидан иборат. «Иқтисодий фаолият» атамаси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида белгиланган. «Иқтисод» сўзи «экономика» (грекча «эконо́мос») сўзидан олинган бўлиб, «хўжалик» деган маънони англатади. Ушбу атама қонун чиқарувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг «Хўжалик фаолияти соҳасидаги жиноятлар» деб номланган XIII бобида қўлланилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 69-моддасида «хўжалик фаолияти», Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Конуни 18-моддасида «иқтисодий фаолият» иборалари қўлланилганлигини мисол тариқасида кўрсатиб ўтиш мумкин.

Хўжалик ҳуқуқи иқтисодий муносабатларининг субъектлари ўртасида юзага келувчи алоқаларни тартибга солади. Бу муносабатда иштирок этадиган субъектлар мутлақо эркин бўлиб, факат қонунга ва тузилган шартнома шартларига қатъий риоя этадилар.

Иқтисодий (хўжалик) фаолиятнинг қуйидаги босқичларини:

- 1) ишлаб чиқариш (эксплуатация)гача бўлган босқич (рўйхатдан ўтказиш, лицензиялаш, рухсатнома олиш);
- 2) ишлаб чиқариш (эксплуатацион), (товарларни ишлаб чиқариш, уларни топшириш, ишларни бажариш, хизмат кўрсатиш);
- 3) ишлаб чиқаришдан (эксплуатациядан) кейинги босқич (солиқ хизмати олдидаги, статистика органлари олдидаги мажбуриятларнинг вужудга келиши);
- 4) иқтисодий (хўжалик) фаолияти манфаатларининг субъектлари сифатида: жамият ва давлат; корхоналарнинг меҳнат жамоалари; маҳсулот истеъмолчилари; корхона мулкорларини ажратиш мумкин.

Хўжалик фаолияти факат товар ишлаб чиқаришга оид муносабат эмас, балки ишлаб чиқаришни бошлаш учун бино олиш ёки қуриш, жой олиш, ёқилғи, хом ашё, асбоб-ускуналарга эга булиш билан боғлиқ муносабатларни ҳам қамраб олади. Ана шулар хўжалик ҳуқуқининг предметини ташкил этувчи муносабатлар бўлиб, бевосита даромад (фойда) олишга қаратилмаган бошқа мақсадлар билан ҳам боғлиқ бўлади. Булар жумласига мулкни бошқариш, корхонани тузиш ва тугатиш бўйича ташкилий мулкий тусдаги боғлиқ барча фаолиятларни киритишимииз мумкин.

Хўжалик ҳуқуқи фанида хўжалик муносабатлари асосан *уч гуруҳга*: хўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларга, хўжаликка раҳбарлик қилишдан келиб чиқадиган (хўжаликни бошқариш) муносабатларга ҳамда ички муносабатларга ажратилади.

Хўжалик муносабатларининг биринчи гурухи бевосита маҳсулот ишлаб чиқариш, иш бажариш, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятидир.

Хўжалик муносабатларининг иккинчи гурухи хўжалик фаолиятига раҳбарлик қилишдан келиб чиқади.

Ички хўжалик муносабатлари эса, ҳар бир корхонанинг, бирлашманинг ишлаб чиқариш тузилмалари ўртасидаги ички муносабатлари шаклида намоён бўлади.

Хўжалик (тадбиркорлик) ҳукуқининг ўзига хос хусусиятлари унинг субъектлари билан ҳам боғлиқдир.

Республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш, аввало, давлат мулкини, давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусий мулкни шакллантиришдан бошланди. Алоҳида фуқаронинг хусусий мулк эгаси сифатида эътироф этилиши унинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши учун имконият берди ва бунинг учун етарли ҳукукий асослар яратилди. Эндиликда алоҳида фуқаро фойда олиш мақсадида таваккалчилик асосида, тегишли тартибда давлат рўйхатидан ўтган вақтдан эътиборан тадбиркор мақомига эга бўлгач, ҳўжалик фаолияти билан бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар билан тенг ҳукуқлилик асосида шуғулланиш ҳукуқига эга бўлди.

Республикамизда бозор муносабатларининг босқичма-босқич шаклланиб боришида тадбиркорлик фаолиятининг, тадбиркорлик муносабатлари иштирокчиларининг ҳам роли, таъсири тобора муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормокда. Жумладан, бу муносабатнинг ўзига хос хусусиятлари, яъни ишлаб чиқаришни ташкил этиш, тадбиркорликни рўйхатга олиш, уни корхона шаклида расмийлаштириш, ҳисоб-китоб олиб бориш, солик тўлаш, бозорга товар, иш ва хизмат билан чиқиши тартибини ва қоидасини белгилаш, бошқа корхона ва ташкилотлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни ҳукукий бошқаришни тақозо этади. Агар муқаддам фуқаро бозорга чиқиши бизнинг иқтисодимиз учун тасодифий бир ҳол бўлиб ва маъмурӣ ҳукуқ қоидалари билан бошқарилган бўлса, ҳозирги бозор муносабатлари шароитида бу муносабатлар бир бутун бўлиб, товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини тартибга солувчи ягона қоидалар билан тартибга солинади. Демак, корхона, ташкилотларнинг тадбиркорларнинг моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш билан боғлиқ иқтисодий муносабатлари бир бутун ҳолда ҳўжалик ҳукуқига оид қонунлар орқали тартибга солиниб туриладиган ҳўжалик муносабатларининг биринчи гуруҳини ташкил этади.

Хўжалик муносабатлари бевосита фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам мавжуд бўлади. Бундай фаолиятга мисол сифатида мулкни бошқариш, идора килиш, корхона ташкил этиш, тугатиш билан боғлиқ ташкилий-мулкий характердаги фаолиятларни кўрсатиш мумкин. Ана шу муносабатлар ҳам бевосита хўжалик хукуки қоидалари билан тартибга солиниб турилади.

Хўжалик субъектлари вилоят, шаҳар, туман, маҳаллий ҳокимият идоралари билан тегишли хўжалик фаолиятини ташкил этиш ва мулкни бошқаришда иштирок этади. Бундай хўжалик муносабатлари фойда олиш билан боғлиқ бўлса ҳам, хўжалик бошқаришини ўз ичига олади.

Давлат бюджетидаги муассасалар, матлубот жамияти, хайрия фонdlари ва вазифаларини ҳал этиш учун хўжалик муносабатларига киришадиган бошка муассасалар фаолияти фойда олиш билан боғлиқ бўлмаган фаолият жумласига киради. Бу муносабат тадбиркорлик фаолияти билан жуда яқин бўлиб, шакли жиҳатидан уни амалга оширишдан деярли фарқланмайди ва шу туфайли хўжалик хукуки билан боғлиқ бўлади. Бу хўжалик муносабатларининг иккинчи гуруҳини ташкил этади.

Давлат жамият манфаатини ҳисобга олган ҳолда хўжалик фаолиятини амалга оширувчи субъектларга иқтисодий таъсир этади, унинг фаолиятини назорат қилади. Бу муносабат хўжалик хукуки предметининг учинчи гуруҳини ташкил этади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма учун мажбурий режали тартиб ўз кучини йўқотади. Аммо режа фақат алоҳида олинган ҳолатларга, яъни давлат эҳтиёжларини таъминлашга қаратилган топшириқларни бажаришга татбиқ этиладиган бўлади.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида хўжалик муносабатларини ҳукукий тартибга солиш бозор учун товар (иш ва хизмат) ишлаб чиқаришга ихтисослашган фаолияти билан боғлиқ бўлади.

Шу сабабли ҳар қандай субъект ўзига тегишли мулк юзасидан ишлаб чиқариш фаолиятига киришади ва уни амалга ошириш жараёни хўжалик хукуки билан тартибга солинади.

Хўжалик хукуки давлатнинг ишлаб чиқариш фаолиятига таъсир этиши бўйича келиб чиқадиган муносабатларга ҳам татбиқ

этилади. Бу давлат билан бошқа субъектларнинг ўзаро вертикал бўйича хўжалик юритиш муносабатлариdir.

Хозирги шароитда режалаштириш шаклидаги давлат раҳбарлиги, назорат, идора этиш ўз характерини ва хусусиятини йўқотди. У кўпроқ шартнома асосида таъсир этиш усулига ўтди.

Масалан, корхоналарнинг ўз ички бўғинларига раҳбарлик қилиши ички хўжалик шартномаларига асосланади. Бироқ озми кўпми қабул қилинган режали хужжат натижасида ташкил топадиган тегишли муносабатлар ва раҳбарлик, давлат эҳтиёжи учун давлат буюртмаси устидан мулк эгасининг назорат қилиш функцияси ўрнатилган қоида ва тартиб йўли билан давлат таъсир чорасини амалга ошириш (ижтимоий, экологик ва шунга ўхшаш) тартибга солишнинг маълум бир йигиндисини ташкил этади, иқтисодга давлатнинг таъсир этиш чораларининг янги турлари: солик, антимонополия назорати ва бошқалар келиб чиқади.

Хўжалик фаолиятини амалга ошириш юзасидан келиб чиқадиган муносабатлар қандайдир итоат этиш ёки хукмронлик қилишга қаратилган эмас, балки товар айирбошлаш, корхоналарнинг ва регионларнинг ўзаро товар шаклида бўлмаган ҳаракатидир. Шунингдек, бу тўлиқ хўжалик юритиш, оператив бошқариш муносабатлари бўлиб, айирбошлаш жараёнида аник, ўзаро хатти-ҳаракат сифатида намоён бўлади. Масалан, корхона ўз фондини ташкил этади, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини ишлаб чиқади ва татбиқ этади, асбоб-ускуналардан фойдаланишини ташкил этади ва х.к. Фуқаролар хўжалик фаолиятини амалга оширишда ишлаб чиқариш воситалари, материаллар, хом ашёга эга бўлади ва уларни белгиланган тартибда ишлаб чиқариш, товар айирбошлаш жараёнида қўллайди, харажат қиласи. Шундан бир савол пайдо бўлади. Бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида бир тармоқли бошқаришда вертикал ва горизонтал алоқаларни бирлаштириш мақсадга мувофиқми? Юридик адабиётларда ҳозир ҳам вертикал муносабат мажбурий-хуқукий тартибга солишга доир, деган фикрлар мавжуд. Бу фикрлар уларни ҳар хил муносабат деб ҳисоблашга асос бўлмайди. Улар ҳаммаси иқтисодий мазмуни билан бирлашган муносабатдир. Маълумки, тадбиркорлик фаолияти давлат таъсири чораси билан ҳам ривожланади. Демак, юкоридан

қўйига (вертикал) ва ён атрофдаги горизонтал муносабатлар бу ягона хўжалик муомаласи, такрорий ишлаб чиқариш жараёнидан ташкил топадиган иқтисодий муносабатлар йифиндисидир.

Демак, хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуқи миллий ҳуқуқ тизимининг мухим соҳаларидан бири бўлиб, мамлакатимизда бозор иқтисодий муносабатларига босқичма-босқич борища давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга олган, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи ва бозор шароитида давлатнинг иқтисодга раҳбарлик қилиш чора-тадбирларини белгиловчи ҳуқуқий коидалар йифиндисидан иборатdir.

Ҳуқуқ соҳасининг барча тармоқлари сингари хўжалик ҳуқуқининг ҳам асосий ва энг мухим **тамойиллари** мустақил Ўзбекистон Республикаси қонунларида мужассамлашган асосий қоидалардир. Ушбу хўжалик ҳуқуқига оид тамойиллар республикамизда бозор муносабатларини ташкил этишда барча хўжалик субъектларининг иқтисодий фаолиятини маълум бир мақсад сари йўналтириб, ҳуқуқий тартибга солиб туради.

Биринчидан, хўжалик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан бири хўжалик (тадбиркорлик) субъектларининг иқтисодий фаоллик эркинлигидир. У Конституциямизнинг 53-моддасида ўз ифодасини топган. Бу тамойилнинг бозор иқтисодий муносабатларини ташкил этишдаги аҳамияти шундан иборатки, муқаддам иқтисодий муносабатлар фақат юқори турувчи давлат органларининг директив кўрсатмалари асосида белгиланган эди. Бундай тартиб ишчи, хизматчи ва зиёлиларнинг ишбилармонлиги, ижобий ташаббускорлиги, қисқаси, ижтимоий фаоллигига тўсқинлик қилиб қолган эди. Бозор иқтисодиётiga ўтиб бориш эса, жамият эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда мулкий муносабатларнинг ўзгариб боришига, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириб, меҳнат унумдорлигини оширишга, эркин меҳнатнинг қарор топишига олиб келди. Натижада хўжалик субъектлари юқоридан бериладиган буйруқ ёки кўрсатмага асосланмасдан, балки улар иқтисодий қонуниятларга бозор қонуниятларига таянган ҳолда моддий ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишда эркин бўлиб, фақат бозор талабларига риоя этган ҳолда иқтисодий рақобатда мустақил қатнаша оладиган бўлди.

Иккинчидан, хўжалик (тадбирколик) субъектларининг иқтисодий манфаатларини химоя қилиш тамойили. Бу тамойилнинг моҳияти ҳар бир моддий товар ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектининг иқтисодий манфаати қонунларда белгиланган тартибда тегишли органлар орқали химоя қилинади. Энг аввало, иқтисодий манфаатларнинг ҳимояси солик муносабатларида ёрқин кўзга ташланади. Жумладан, янги ташкил этилган корхоналар ва тадбиркорларга моддий жиҳатдан ўз иқтисодини тиклаб олишда имтиёзлар берилган. Банк орқали уларга қарз беришда ва солик тўлашда ҳам маълум бир имтиёзлар яратилган. Хўжалик субъектларининг мулкий ҳуқуклари бузилганда қонунга мувофиқ ҳимоя қилинади. Жумладан, хўжалик субъектининг мулкига зарар етказилганда, шу зарар тўла ҳажмда зарар етказган шахсадан ундириб олинади. Агар мулк эгасининг хоҳишидан ташқари, қонунга зид ҳолда бошқа шахсга ўтказилса, бу мулкка даъво қўзғатилиб, эгасига (хўжаликка) қайтарилади (Фуқаролик кодексининг 228–233 моддалари). Агар тўсқинлик қилинса, ундей тўсқинликлар бартараф этилади. Мулк эгасининг ҳуқуклари Фуқаролик кодексининг 231-моддасида белгиланганидек ҳимоя қилинади.

Бундан ташқари, ФКнинг 232-моддасида белгиланганидек, хўжалик субъекти мулкдор бўлмаса ҳам лекин мол мулкка мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш, хўжалик юритиш, оператив бошқариш ҳуқуки асосида ёки қонун ёхуд шартномада назарда тутилган бошқа асосга кўра эгалик қилаётган бўлса ҳам унинг шу мол-мулкка бўлган ҳуқуклари ФКнинг 228–231-моддалари қоидаларига мувофиқ ҳимоя қилинади.

Хўжалик субъектининг иқтисодий манфаатлари, ҳуқуки ҳам қонун билан ҳимоя қилинади. Жумладан, хўжаликлар бошқа шахслар билан шартнома муносабатларига киришганида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда монополиядан ҳимоялаш тамойили муҳим аҳамиятга эга бўлади. Бу тамойилнинг мазмуни товар ишлаб чиқарувчиларнинг ва хизмат кўрсатувчиларнинг бозорларда эркин ҳаракат қилишини таъминлаш мақсадида монополистик фаoliyatни чеклашга, носоғлом рақобатнинг келиб чиқишига йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар олиб борилишида намоён

бўлади. Бу соҳада Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январда қабул қилинган «Рақобат тўғрисида»ги Қонуни муҳим аҳамиятига эга.

Ана шу қонун орқали айрим шахслар томонидан бозорни монополлаштириб, ўз шахсий манфаатига хизмат қиласиган жойга айлантиришига қарши кураш олиб бориляпти. Эркин бозорнинг тобора кенг ривож топишига шарт-шароит яратилиб, бозорнинг эшиги ҳамма учун очик бўлиши, нарх-наво талаб билан таклиф натижасида белгиланиши таъминланмоқда.

Учинчидан, хўжалик муносабатларига иқтисодий услубларни қўллаш асосида давлатнинг таъсир этиш тамойили. Бу тамойил мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланишига директива, буйруқ орқали таъсир этиш усулининг иқтисодий усулга, яъни меҳнат жамоасининг, якка шахснинг товар ишлаб чиқариш, иш ва хизмат кўрсатиш, унинг ассортиментини кенгайтириш ва сифатини оширишда манбаатларини ҳисобга олишга қаратилгани билан изоҳланади. Бунга мисол сифатида солик ундиришни олайлик. Муқаддам соликлар ҳамма ташкилотлардан олинган даромаддан бир хилда ушлаб қолинмасдан, балки илгор корхонанинг маблағидан самараси паст корхона учун ҳам олиб қолинар эди. Ҳозир эса, соликлар тизимининг аниқ қўйилиши ҳар бир корхона ва ташкилотларнинг ўз ривожидан манбаатдорлиги таъминланиши, кашфиёт, ихтиро ва такомиллаштириш таклифлари қилиб фойдаланишларига имконият яратилган. Давлатнинг корхона ва ташкилотларга таъсир этиши бериладиган буйруққа ва кўрсатмага эмас, балки иқтисодий усулга асосланади.

Иқтисод сиёсатдан ҳоли бўлган ҳолда ривожланади. Бу сиёсат мутлақо иқтисодга алокаси йўқ экан, деган, хулоса эмас, албатта. Иқтисод билан сиёсат бир-бири билан боғланмаган ҳолда, бири иккинчисига таъсир этган ҳолда бўлади. Шу нуқтаи назардан, аввал иқтисод ривожланиб боради, сўнгра сиёсат шунга яраша шаклланади.

Тўртинчидан, республикамизнинг мустақил тараққиётини белгиловчи асосий тамойилларидан бири нархларни эркинлаштириш ва бозор инфраструктурасини шакллантиришдир. Бу, энг аввало, бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга қаратилган иқти-

содий омиллардан биридир. Шу сабабли давлатимиз нархларни бирданига ўз ҳолича қўйиб юбормасдан аста секинлик билан эркин нархга ўтиб боришни таъминлади. Нарх-наво талаб билан таклиф ўртасида белгилана бошлади. Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларнинг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят мухим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларни ўзаро жипс таъсирини таъминлайди. Аммо давлатнинг бозор баҳосига таъсир этиши, маълум бир иқтисодий усуслар орқали олиб борилади, албатта.

Давлатнинг, энг аввало, бозор ва баҳога таъсири уни кузатиш ва назорат қилиш орқали амалга оширилади. Давлат хўжалик муносабатларига нисбатан баҳони назорат қилиш стандарт хизмати, солик хизмати, санитария ва экология хизмати каби усуслар орқали фаолият кўрсатади.

Бозор инфраструктураси – бу бевосита транспорт хизматини йўлга қўйиш, юк ташиш, тушириш, сақлаш ва товарларни сотиш билан боғлиқ хизмат турларининг сифатини ошириш, бозорни ўрганиш, бозордаги нарх-наво ҳақида маълумот олиб туриш каби хизматларни ўрнига қўйиш ва шунга ўхшаш бозор ривожига кўмак берувчи бошқа хизмат турларини самарали ташкил этиш билан боғлиқ муносабатлардир.

Бешинчидан, хўжалик ҳуқуқининг асосий тамойилларидан яна бири – бу товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи субъектларнинг ўзаро ракобатидир. Бу тамойилнинг асосий мазмуни ва моҳияти шундан иборатки, бозор иқтисодиёти шароитида ким кам меҳнат ва харажат сарф қилиб, кўп ва юқори сифатли маҳсулот (иш ва хизмат) ишлаб чиқара олса, у ижтимоий ҳамда иқтисодий тараккиётда имтиёзга эга була олади. Маълумки, бу тамойил иқтисодиётнинг ривожида энг биринчи ва ҳал қилувчи восита хисобланади. Чунки, у ракобатбардошликни чинқтиради, ёмон ишловчи корхонани самарадорликка олиб чиқади ёки узоқ муддат давомида товарларига талаб йўқлиги сабабли зарар кўриб келаётган, тўловга қобилиятсиз корхоналарни қайта ташкил этиш ёки касодга учрагани сабабли Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 24 апрелдаги «Банкротлик тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ мутлақо тугатиб юборишга олиб келади.

Олтингидан, қонунийлик тамойили барча ҳуқук соҳаларига доир бўлган умумий тамойил бўлса-да, хўжалик ҳуқуқида у бозор муносабатларига ўтиш шароитида ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу тамойил мазмунида хўжалик субъектларининг қонун ман этмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланишлари мумкинлиги коидаси ётади. Демак, корхона ҳамда ташкилотлар давлат ва жамиятга фойдали бўлган, қонун билан тақиқланмаган фаолият билан шуғулланиш устуворлигини таъминлаши шарт. Бу эса, бозор муносабатларига ўтиб боришимиз билан боғлик ҳолда иқтисодни ташкил этиш, самарадорликка эришиш, давлатимиз ва ҳалқимизнинг буюк келажагини таъминлашимизнинг асосий во-ситаларидан бири бўлади.

Олдинги мавзулардан маълумки, Ўзбекистон Республикаси ҳуқук тизимининг манбаи – бу ваколатли давлат органлари томонидан белгиланган тартибда қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлардир. **Хўжалик ҳуқуқи манбаи деб**, хўжалик субъектлари ўртасида келиб чиқадиган хўжалик фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга со-лувчи қонунчилик нормаларининг йиғиндисига айтилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси – хўжалик ҳуқуқининг асосий манбаидир. Энг аввало, Конституциянинг 12-боби жамиятнинг иқтисодий негизлари хусусида белгиланган коидалари хўжалик ҳуқуқининг манбаи бўлиб хисобланади. Жумладан, Конституциянинг ана шу боби 53-моддасида «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини хисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди», – деб белгиланган.

Шунингдек, Конституциянинг хусусий мулкнинг давлат ҳимоясида булиши, мулкдорнинг мулкига ўз хоҳишича эгалик қилиши, ундан фойдаланиши ва уни тасарруф этиши (Конституциянинг 54-моддаси), ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва бошқа табиий захираларнинг умуммиллий бойлик бўли-

ши (Конституциянинг 55-моддаси) каби моддалари хўжалик ҳуқуқига бевосита манба бўлиб ҳисобланади.

Хўжалик ҳуқуқининг муҳим манбаларига Ўзбекистон Республикасининг кодекслари ва қонунларини киритиш мумкин. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг қабул қилиниши ва амалга киритилиши бу борада муҳим воеа бўлди. Фуқаролик кодексининг мулк ҳуқуки, мажбурият ҳуқуки, мулкнинг бир шахс эгалигидан иккинчи шахс эгалигига ўтишига қаратилган шартномалар хусусидаги қоидалари бевосита бозорни ташкил этишга, уни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга, хўжалик субъектининг бозор муносабатларида эркин иштирок этишини таъминлашга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво кодекси, Хўжалик процессуал кодекслари ҳам хўжалик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Ҳаво кодексида аэропортлар, ҳаво транспорти орқали ташиш, корхона, ташкилот, муассаса ва фуқароларга бир марталик буюртма асосида шартномага мувофиқ хизмат кўрсатишга доир қоидалар белгиланган. Хўжалик процессуал кодекси эса, бевосита хўжалик субъектлари ўртасида ва тадбиркорлар иштирокидаги мулкий низоларни хўжалик судлари томонидан ҳал қилишда қўлланилади.

Ўзбекистон Республикаси парламенти томонидан қабул қилинган бир катор қонунлар хўжалик ҳуқуқининг манбаи ҳисобланади. Бу қонунларнинг аксарияти бозор муносабатларини шакллантиришга хизмат қиласи. Масалан, бозор иқтисодиёти муносабатларини қонуний кафолатлашга қаратилган мулкчилик тўғрисидағи қуйидаги қонунларни кўрсатиб ўтиш мумкин: «Давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири) қонунлар. Хўжалик ҳуқуқининг янги шароитларда бозор иқтисодиёти муносабатлари билан бирга ривожланишида Президентимиз томонидан қабул қилинган фармонлар ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 94-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Конституция ва қонунларга асосланиб, уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун худудида мажбурий кучга эга бўлган

Фармонлар, қарорлар ва фармойишлар чиқаради, деб белгиланган. Бунга мисол 1999 йил 28 июндаги «Молия-хўжалик фаолиятини амалга оширмаётган ва қонунчиликда белгиланган муддатларда ўзларининг устав жамғармаларини шакллантирган корхоналарни тугатиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1999 йил 23 июндаги «Корхоналар банкротлиги ва санация механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги, 2005 йил 14 июндаги «Бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 14 июндаги «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2005 йил 24 июндаги «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги, 2012 йил 13 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонларини кўрсатиш мумкин.

Хўжалик ҳуқуқининг манбаларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси чиқарадиган норматив хужжатлардир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасида белгиланганидек, Вазирлар Маҳкамаси амалдаги қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан бажарилиши мажбурий бўлган қарорлар ва фармойишлар чиқаради. Ушбу қарорларда хўжалик ҳуқуки субъектларининг ҳуқуқий ҳолати, уларнинг мулк ҳуқуки ва бозорни ташкил этиш, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлик фаолиятларни ташкил этиш, ривожлантиришнинг чора-тадбирлари белгиланади. Бунга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 20 августдаги «Лицензиялашни бекор қилиш ҳамда истеъмол товарларини олиб ке-

лиш ва Ўзбекистон Республикасининг ички бозорида сотишни та-комиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини мисол қилишимиз мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва давлат қўмиталари ўз ваколатлари доирасида қабул қиласанда ҳукуқий хужжатлари ҳам ҳўжалик ҳукуки манбаси сифатида кўрилади. Айниқса, маҳаллий ҳокимият ва идора этиш органлари ўз худуди доирасида кучда бўладиган ҳукуқий хужжатлар ҳам бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 111-моддасида мулкчиликнинг тури шаклларига асосланган корхоналар, муасаса, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек табдиркорлар ўртасидаги иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган ҳўжалик низоларини ҳал этиш Олий ҳўжалик суди ва ҳўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади, деб кўрсатилган. Ҳўжалик судларида кўрилган ишларнинг тўғри ва аниқ ҳал этилиши юзасидан суд амалиётини умумлаштириб Олий ҳўжалик суди пленумида қарорлар қабул қилинади. Бундай қарорлар ҳўжалик ҳукуки учун манба бўлмасада, қонунларни ҳўжалик судлари томонидан тўғри татбиқ этиб, ҳўжалик низоларини тез ва тўғри ҳал этишда муҳим қўлланма вазифасини ўтайди.

Юкоридагилардан келиб чиқкан ҳолда, ҳўжалик соҳасида норматив хужжатларни қабул қилиш ваколати берилган органларнинг жуда кўплигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Бу органлар ҳўжалик соҳасида ҳозирги кунда қабул қилинаётган норматив хужжатлар муайян тизимиға эга эмас. Шу билан бирга қабул қилинаётган норматив хужжатларда такрорланиш, бирини иккинчисига нисбатан зид коидаларини ҳам учратиш мумкин.

2. Тадбиркорлик ҳукуки субъектлари

Ҳўжалик (тадбиркорлик) ҳукуқининг субъектлари – бу ҳўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширишга ваколатли бўлган шахслардир. Ҳўжалик (тадбиркорлик) фаолияти субъектлари тушунчаси ва мақомини аниқлаш учун олдинги мавзуларда ёритилган «ҳукуқ субъекти» ва «фуқаролик ҳукуки субъек-

ти» тушунчаларини эсга олиш керак бўлади. Хукуқ субъектининг таркибига амалдаги қонун ҳужжатларига биноан хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлган ижтимоий муносабатларнинг барча иштирокчилари киради. Ўз навбатида, ҳар бир хукуқ тармоғининг ўз субъектлари бўлганидек, хўжалик хуқуқининг ҳам ўз субъектлари бор.

Маълумки, фуқаролик хуқуқининг барча субъектлари фуқаролик ҳуқуқи фанида ягона «шахслар» деган умумий ном билан ифодаланади. «Шахслар» ҳам, ўз навбатида, уч гурухга бўлинади: биринчиси, фуқаролар (жисмоний шахслар) бўлиб, у ўз ичига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахсларни олади; иккинчиси, юридик шахслар бўлиб, у ўз ичига фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган (тижоратчи ташкилот) ёки фойда олишни ана шундай мақсад қилиб олмаган ташкилот (тижоратчи бўлмаган ташкилот)ларни олади ва бундай ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси, чет эл ёки аралаш (қўшма) корхоналар шаклида бўлиши мумкин; учинчиси, давлат бўлиб, у алоҳида субъект сифатида бевосита ўз номидан, шунингдек унинг номидан маъмурий ҳудудий тузилмалар ёки давлат органлари иштирок этишлари мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда тадбиркор сифатида, шунингдек бундай мақомга эга бўлмасдан ҳам иштирок этишлари мумкин. Шунинг учун фуқаролик ҳуқуқи субъектлари бир вақтнинг ўзида ҳам хўжалик ҳуқуқи, ҳам тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари ҳисобланиши мумкин, аммо хўжалик ва тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари бир-биридан фарқ қиласди. Фарқ шундаки, тадбиркорлик ҳуқуқий муносабатларда субъект ҳар доим таваккал қилиб, ўз жавобгарлигини з иммасига олиб, фойда олишни мақсад қилган ҳолда фаолият юритади, хўжалик ҳуқуқи субъектлари эса хўжалик юритиш, хўжаликни бошқариш билан боғлиқ ва иқтисодиётнинг давлат бошқаруви соҳасидаги муносабатларини тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгунга қадар хўжалик ҳуқуқининг субъекти факатгина социалистик ташкилотлар ва уларнинг бўлинмаларигина бўлиши мумкин эди, аммо фу-

қароларнинг хусусий хўжалик фаолият юритишлари ман қилинган эди.

Хўжалик фаолияти кенг жабҳалари ҳозирда тадбиркорлик фаолиятига айлантирилиши билан турли мулк шаклларига эга бўлган корхоналар хўжалик муносабатларининг иштирокчилари бўлиб қолмай, балки якка тадбиркорлар ҳам бўлиши мумкин. Чунки, ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари таркибини шу муносабатларнинг характеристи белгилайди. Ҳозирги шароитда эса, ушбу муносабатларнинг асосий характеристи – фойда олиш мақсадида хўжалик фаолиятини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А. Каримов иккинчи чакириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида «Биз кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорликнинг янги ички маҳсулот ишлаб чиқаришда нафакат ҳал қилувчи мавқе эгаллаши, айни вактда унинг ахоли фаровонлиги ва даромадларини орттиришда, ишсизлик муаммосини ечишда ҳам мухим омилга айлантиришга эришмоимиз лозим»¹, деб таъкидланган эди.

Ҳақиқатан, амалдаги қонун хужжатларимизга мувофиқ ҳолда хусусий секторнинг ривожланишига кенг йўл очиб берилмоқда, бунинг натижасида эса, хўжалик фаолиятида тадбиркорлик кенг қанот ёмокда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг хўжалик муносабатларининг субъектлари деб тан олинишига олиб келди, аммо бу ҳар қандай фуқаро ҳам хўжалик ҳуқуқининг субъекти бўлиши мумкин, деган сўз эмас, балки бу ерда гап фақат хўжалик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркор фуқаролар устидагина бормоқда, холос.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, хўжалик ҳуқуқининг субъектига қуйидагича таъриф бериш мумкин: **хўжалик ҳуқуқининг субъекти** – бу хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга оширувчи, ўзининг мулкига, хўжалик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлган, ўз фаолияти юзасидан мустакил даъвогар ва жавобгар була оладиган ва ўзининг ҳуқуқларини химоя қилиш учун судга

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – Б.280.

мурожаат қила оладиган (юридик шахс мақомини олган) турли мулк шаклларига мансуб корхоналар ва уларнинг тузилмалари ҳамда якка тадбиркор мақомига эга бўлган фуқаролар ҳисобланади.

Хўжалик хукуқининг субъектларига хос бўлган қўйидаги белгиларни ажратиб кўрсатиш мумкин.

1. Хўжалик хукуқи субъектининг энг асосий белгиси – бу унинг ўз мол-мулкига эга бўлишидир. Ўз мол-мулкига эга бўлиш нинг хукуқий шакли мулк хукуқидир. Лекин, баъзи хўжалик юритувчи субъектлар (масалан, унитар корхоналар, давлат корхоналари) ўз мол-мулкига эга бўлмасдан ашёвий хукуқ асосида (хўжалик юритиш, оператив бошқариш хукуки) ўзига бириктириб қўйилган мол-мулкка эга бўлишлари мумкин. Мулк хукуки унинг соҳибига тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, шунингдек, ташкил этилган корхонага раҳбарлик қилиш, уларнинг фаолиятини амалга ошириш шартларини аниқлаш имкониятини беради.

2. Хўжалик хукуқи субъектларининг муҳим белгиси – бу уларнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳамда қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда муайян фаолият турлари билан шуғулланишлари учун, албатта, рухсатнома (лицензия)га эга бўлишидир.

3. Хўжалик хукуқи субъектларини яна бир белгиси билан бошқа субъектлардан ажратиши мумкин, бу уларнинг хўжалик хукуқ ва мажбуриятларига эга бўлишидир. Бундай хукуқ ва мажбуриятларнинг доираси Ўзбекистон Республикаси қонунлари билан ҳамда уларга мувофиқ қабул қилинган мазкур хўжалик юритувчи субъектларининг таъсис хужжатлари билан аниқланади.

4. Хўжалик хукуқи субъектларининг навбатдаги белгиси шуки, улар ўз фаолиятлари учун мустақил жавобгар ҳисобланадилар. Жавобгарлик унинг ўз мол-мулки доирасида амалга оширилади. Хўжалик хукуқи субъектлари ўз фаолиятларига ўзларига тегишли мол-мулк доирасида жавобгар бўлишлари билан бирга, ўзларининг бузилган хукукларини ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятига эга эканликлари тўғрисидаги қоидалар қонун хужжатларида мустаҳкамланган.

Мулк шакларининг хилма-хиллигидан келиб чиқиб, хўжалик ҳуқуқининг субъектларини қўйидағи турларга бўлиш мумкин:

1. Фуқароларнинг хусусий мулкига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар;

2. Жамоа мулки кўринишидаги хусусий мулкка асосланган хўжалик юритувчи субъектлар (жамоа, оила, маҳалла, ишлаб чиқариш кооперативлари, акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган жамиятлар, ширкатлар) ва бошқалар;

3. Давлат мулкига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар (республика мулкига, маъмурий-территориал тузилмаларнинг мулкига асосланган);

4. Тўла ёки улуш қўшиб иштирок этишга асосланган (қўшма корхоналар) хўжалик юритувчи субъектлар;

5. Мулкичиликнинг аралаш шаклига асосланган хўжалик юритувчи субъектлар.

Хўжалик ҳуқуки субъектларини ваколатларига кўра қўйидағи турларга:

1) факат хўжалик фаолиятини амалга оширувчи корхоналар (фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар ва бошқалар);

2) бошқарувни амалга оширувчи субъектлар (ҳокимият, вазирликлар, давлат органлари);

3) ҳар иккаласини қўшиб олиб борувчи субъектлар (концерн, корпорация)га бўлиш мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектларни фаолият мақсадига (турига) қараб икки турга:

1) тижоратчи ташкилот;

2) тижоратчи бўлмаган ташкилотга бўлиш мумкин.

Тижоратчи ташкилот – бу фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб қўйган субъект бўлиб (хусусий корхоналар, хўжалик жамиятлари), тижоратчи ташкилотларнинг ҳуқукий ҳолатлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошка қонун хужжатларида белгилаб қўйилган. Тижоратчи бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар ўз олдига муайян мақсадни кўзлаган ҳолда харакат қилиб, фойда кўришни кўзламайди.

3. Тадбиркорлик фаолиятининг турлари

Хўжалик хукукий муносабатларни бозор иқтисодиёти шароитидаги мазмуни, объектига қараб бир неча **турларга** ажратиш мумкин. Жумладан:

- мутлақ ашёвий-хукукий муносабатлар;
- мутлақ нисбий ашёвий-хукукий муносабатлар (хўжалик юритиш, оператив бошқариш);
- ўз хўжалик фаолиятини юритиш бўйича мутлақ-хукукий муносабатлар;
- номулкий-хукукий муносабатлар;
- нисбий-хукукий муносабатлар.

Мутлақ ашёвий хукукий муносабатнинг обьекти ашё ҳисобланиб, бу тарздаги муносабатлар учун характерли ҳусусият шундан иборатки, субъект қонун йўл кўйган асосларда ўзининг мулкка бўлган хукукини, яъни эгалик, фойдаланиш ва тасарруф этиш бўйича хулқ-атворини белгиловчи ҳаракатни амалга оширади.

Хўжалик хукуки билан тартибга солинадиган ашёвий муносабатлар ишлаб чиқариш, товар айирбошлиш, таксимот ва ишлаб чиқариш истеъмол билан чамбарчас боғлиқдир. Ишлаб чиқаришдан ташқаридаги, шахсий эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилалигидан предметлар хўжалик-хукукий ашёвий муносабатлар обьекти бўла олмайди. Масалан, савдо ташкилотлари томонидан аҳолига сотиш учун олинган товарлар мулк хукуки обьекти ҳисобланади. Бу тарздаги мол-мулк фуқаро эгалигига ўтиши билан фуқаролик хукуки қоидалари билан тартибга солинадиган фуқаро мол-мулки обьектига айланади.

Мутлақ нисбий ашёвий-хукукий муносабатлар жумласига хўжалик юритиш ва оператив бошқаришни киритиш мумкин. Бундан ташқари, умрбод мерос қилиб колдириладиган мулк, хўжалик фаолиятини юритиш учун ижара ва бошқа тартибда мулкка эга бўлиш муносабатларини киритиш мумкин. Бундай мулкдорлар муносабати мутлақ нисбийдир. Чунки, бу муносабат субъектлари ўзларининг мулкий хукуқларини ўзгаларнинг эркисиз амалга ошира олмайди, улар мулк эгаси билан нисбий хукукий муносабатда бўлиб, ушбу мулкларни эгаллайди, фойдаланади ва тасарруф этади.

Ўз хўжалик фаолиятини юритишдаги мутлақ хукукий муносабатлар субъект ўз фаолиятини эркин юритишда вужудга келиб, мазкур фаолият муносабат обьекти сифатида майдонга чиқади. Бунда хўжалик юритишни қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширадиган шахс учун мажбур шахс бўлмайди. Бошқа барча шахслар хўжалик (тадбиркорлик) фаолиятини амалга ошираётган субъект фаолиятига тўсқинлик қилмасликлари лозим бўлади. Бунга мисол қилиб, ўз хўжалик фаолиятини юритаётган хўжалик юритувчи субъект томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг баҳосини белгилаши, таннархини шакллантириши, белгиланган норматив ҳужжатларга биноан санитария, гигиена, экологик, ёнфинга қарши талаблар бўйича ва ўзга фаолиятларни амалга оширишда вужудга келадиган мутлақ хукукий муносабатларни келтириш мумкин. Мабодо, хўжалик юритувчи субъект белгиланган тартибга хилоф иш тутса, ваколатли давлат органи йўл қўйилган хукуқбузарликни бартараф этиш билан боғлиқ хатти-харакатни амалга ошириши, жумладан, заарларни ундиришни талаб қилиши мумкин. Бундай ҳолда вужудга келадиган муносабатлар, албатта, нисбий характерда бўлади.

Номулкий хукукий муносабатлар хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятларида фойдаланадиган номоддий неъматлар, хусусан, фирма номи, товар белгиси, хизмат қўрсатиш белгиси, товар ишлаб чиқарилган жой номи, тижорат сиридан фойдаланишда, шунингдек ишчанлик обрусини ҳимоя қилиш каби жараёнларда вужудга келадиган муносабатлар ҳисобланади. Булар каби номулкий хукукларни амалга ошириш жараёнида вужудга келадиган хукукий муносабатлар мутлақ ҳисобланади, чунки бундай неъматларга нисбатан хўжалик юритувчи субъектнинг мутлақ хукуқи қонун билан эътироф этилган ва бу каби мутлақ хукуқ обьекти бўлган интеллектуал фаолият натижалари ва узига хос воситаларидан учинчи шахслар хукуқ эгасининг розилиги билан-гина фойдаланишлари мумкин, холос.

Нисбий хукукий муносабатлар, аввало, мажбуриятда намоён бўлиб, бунда икки ёки ундан ортиқ шахслар ўзаро хукуқ ва мажбурият сохиблари бўлади. Бу ерда биз кредитор ва қарздор ўртасидаги мажбуриятда нисбий муносабатларни кўрамиз, аммо ҳар

доим ҳам нисбий-хуқуқий муносабатлар мажбурият-хуқуқий муносабатлари шаклида бұлмаслиги мүмкін. Масалан, бир неча шахслар иштирокидаги биргаликта хұжалик фаолияти юритиш тұғрисидаги келишув, ширкатта бирлашиш, чет әл инвестори билан құшма корхона түзиш ва капитални сарфлаш тұғрисидаги битимларда кредитор ва қарздор иштирок этмаслиги мүмкін ёки иштирокчиларни мажбурият-хуқуқий муносабатларга киришган дейиш қийин. Бу ерда биз шахсларнинг үзаро күч ва маблағларни сарф қилиш асосида умумий хұжалик юритиш мақсадида бирикиш муносабатларини күришимиз мүмкін. Шунинг учун нисбий хұжалик-хуқуқий муносабатлар нафакат мажбурият хуқуқий муносабатлар хисобланади, балки ундан ҳам кенгрөк муносабатларни үз ичига қамраб олади. Шартномага асосланған барча муносабатлар нисбий хуқуқлар жумласига киради.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатлар хұжалик-хуқуқий, тадбиркорлик-хуқуқий муносабатлардан бирмунча кенгрөкдір. Хұжалик хуқуқи ва тадбиркорлик хуқуқи тартибга соладиган мулкий ва номулкий муносабатлар доираси фуқаролик хуқуқи тартибга соладиган мулкий ва номулкий муносабатлар доираси ичиде туради. Хұжалик ва тадбиркорлик хуқуқи субъектлари бир вақтнинг үзіда фуқаролик хуқуқининг субъекти булиши мүмкін, аммо фуқаролик хуқуқининг субъекти хұжалик хуқуқининг ёки тадбиркорлик хуқуқининг субъекти хисобланмаслиги мүмкін. Масалан, жисмоний шахс үз әхтиёжларини қондириш учун ашे харид қилиш жараёнида фуқаролик-хуқуқий муносабатта киришар экан, у на хұжалик-хуқуқий муносабат иштирокчиси, на тадбиркорлик-хуқуқий муносабат иштирокчиси бұлади, аммо у тадбиркор шахс мақомини олган ҳолда тадбиркорлик фаолияти юритиш мақсадида товар сотиб олар экан, бир вақтнинг үзіда ҳам фуқаролик, ҳам тадбиркорлик, ҳам хұжалик-хуқуқий муносабат иштирокчиси хисобланади. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, хұжалик-хуқуқий муносабатлар доираси тадбиркорлик-хуқуқий муносабатлар доирасидан анчайин кенгрөкдір. Шу боис, ҳар қандай тадбиркорлик-хуқуқий муносабат иштирокчиси хұжалик-хуқуқий муносабат иштирокчиси хисобланса-да, аммо аксинча бұлмаслиги мүмкін, чунки тадбиркорлик муносабатларыда субъект

ҳар доим таваккал қилиб, ўз мулкий жавобгарлиги асосида фойда олишни ўз олдига мақсад қилиб иш юритади. Хўжалик-хукуқий муносабатлари иштирокчилари фаолияти эса, ҳар доим ҳам фойда олишга қаратилган бўлмаслиги мумкин ва х.к. Қолаверса, иқтисодиётни давлат йўли билан тартибга солиш жараёнида вужудга келадиган муносабатларни ҳам хўжалик-хукуқий муносабатлар ва бир вактнинг ўзида тадбиркорлик-хукуқий муносабатлар дейиш мумкин.

Хўжалик-хукуқий муносабатларда субъект сифатида давлат, маъмурий-худудий тузилмалар, корхоналар ва уларнинг бўлинмалари, юридик шахс тузмасдан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тадбиркор фуқаролар иштирок этишлари мумкин. Улар барча иқтисодий ишлаб чиқариш жараёнларида, жумладан, моддий ишлаб чиқариш, айирбошлаш, ишлаб чиқариш, тақсимот жараёнларида фаол иштирок этиб, муносабатга киришадилар.

Хўжалик мажбуриятлари тўғрисида сўз кетар экан, хўжалик субъектлари қайси жабҳада фаолият юритишларидан қатъи назар уларни қўйидагича турларга ажратиш мумкин:

оператив хўжалик мажбуриятлари;
хўжалик бошқарув мажбуриятлари;
ички хўжалик мажбуриятлари.

Оператив хўжалик мажбуриятлари хўжалик хукуки субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар бажариш, хизмат кўрсатиш соҳасида ўзаро шартномавий муносабатлари туфайли вужудга келади. Тадбиркор фуқаролар ҳам мазкур хукуқий муносабатнинг субъекти ҳисобланадилар. Хўжалик хукуки субъектлари хўжалик фаолиятини амалга оширишда оператив хўжалик мажбуриятларининг мукаммал бўлиши учун ўз фаолиятларини режалаштирадилар.

Хўжалик хукукининг субъектлари ичida корхона мухим ўрин тутиб, ўз фаолиятини мустақил режалаштиради ва ҳом ашё ресурслари ҳамда материалларнинг мавжудлигини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга белгилайди, шу билан бир қаторда, у давлат эҳтиёжлари учун шартнома асосида маҳсулот ишлаб чиқаради, ишларни бажаради ва хизмат кўрсатади.

Хўжалик ҳуқуки субъектлари барча жабҳаларда ўз хўжалик фаолиятларини амалга оширишда бошқа субъектлар билан муносабатларини шартномавий мажбурият негизида қурадилар. Ҳатто, субъект давлат эҳтиёжлари учун ишларни бажараётган ва маҳсулотни етказиб берәётган тақдирда ҳам, давлат (унинг органлари) билан хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатлар шартнома асосида ўрнатилади ва унга мувофиқ маҳсулотни ишлаб чиқариш, ишларни бажариш юзасидан иккинчи тарафни давлат ҳом ашё ёки техника воситалари билан таъминлаш мажбуриятларини олиши мумкин.

Хўжалик бошқарув мажбуриятлари тўғрисида сўз кетар экан, бу турдаги мажбуриятларни, аввало, давлат органлари ҳужжатлари, шунингдек давлатлараро битимлар, ҳудудлар ва корхона (бirlашма)лар ўртасидаги шартномалар асосида келиб чиқишини таъкидлаш жоиз. Масалан, давлат эҳтиёжлари учун капитал қурилишни молиялаштириш мақсадида давлат бюджетини тасдиқлаш тўғрисидаги ҳужжат тегишли мажбурият келтириб чиқаради. Мазкур ҳужжатга асосан давлат ёки ҳужжатда кўзда тутилган маъмурий-ҳудудий тузилма (маҳаллий бюджет) молиялаштирувчи хисобланса, ишни бажарувчи маблагни қабул қилувчи хисобланади. Шунингдек, бундай мажбурият монополияга қарши қурушувчи орган томонидан чиқарилган ҳужжат асосида ҳам келиб чиқиши мумкин. Бунга асосан корхона ишлаб чиқаришни ҳужжатда кўзда тутилган тарзда ташкил қилишга масъул бўлади ва ҳ.к.

Давлат идоралари ва мансабдор шахслар ўзларининг қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ваколатларига мувофиқ тарздагина корхонага кўрсатма беришлари мумкин.

Давлат идоралари ёки ўзга идоралар ўз ваколатларига кирмайдиган ёки бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларига хилоф ҳужжатларни қабул қилган тақдирда корхона бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топишни талаб қилиб, ариза билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

Корхона ҳуқуқини бузган давлат идораси ёхуд уларнинг мансабдор шахслари кўрсатмаларини бажариш натижасида, шунингдек, бундай идоралар ёки уларнинг мансабдор шахслари корхонага

нисбатан қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни тегишлича амалга оширганиклари оқибатида корхонага етказилган зарарни тўлайдилар. Заарни тўлаш тўғрисидаги низоларни суд ёки хўжалик суди ўз ваколатларига мувофиқ ҳал қиласди.

4. Тадбиркорлар иштирокида тузиладиган шартномалар

Мустақил республикамида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар, маъмурий буйруқбозлиқ тузимидан воз кечиш ижтимоий ҳайётимизнинг барча соҳаларида туб ўзгаришларни амалга оширишни ва биринчи навбатда, ишлаб чиқариш-хўжалик алоқалари ўрнатишнинг бозор муносабатларига мос шакл ва услубларини яратишни тақозо қиласди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, илгари «Бир корхонанинг иккинчи корхонага маҳсулот етказиб бериши, уларни қайси ҳудудда жойлашганлигидан қатъи назар марказлаштирилган тарзда амалга оширилар ва бунинг учун маблағлар ва фондлар ажратилар эди. Бошқача қилиб айтганда, маҳсулот керакми ёки керак эмасми, унга талаб борми ёки йўқми, бундан қатъи назар, у бутун Иттифок бўйича мол етказиб берувчилар ва истеъмолчиларга тақсимланиб чиқилар эди. Бириктирилган истеъмолчи эса бу маҳсулотни олиши ва ўз навбатида, ўз маҳсулотини бошқа корхоналарга етказиб бериши шарт эди¹. Яъни, корхоналар ўртасидаги хўжалик муносабатлари ажратилган лимитлар, фондлар, нарядлар ва буюртмаларга асосланган бўлиб, шартномалар тузилмас, тузилса ҳам иккинчи дарожали аҳамиятга эга бўлган хужжат сифатида қаралар эди.

Бозор муносабатлари шароитида эса, шартномалар – барча мулк шаклидаги корхоналар, шунингдек тадбиркорлар ҳамда бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий муносабатларни ўрнатувчи асосий хукуқий хужжат ҳисобланади.

Шартномаларнинг етакчилик роли ва иқтисодий муносабатларни ўрнатишнинг янги тамойиллари хукуқий жиҳатдан Ўзбе-

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чукурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон. 1995. – Б.209–210.

кистон Республикасининг Фуқаролик кодекси; мулк; кооперация; ижара; тадбиркорлик; деҳқон, фермер, ширкат хўжаликлари; акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш; банклар ва банк фаолияти; чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторларнинг кафолатлари; хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисидаги ва бошка қонунларда белгилаб қўйилган.

Шартнома деб, икки ёки бир неча (жисмоний ёки юридик) шахснинг хуқуqlар ва бурчларни вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишувига айтилади.

Шартнома тарафларнинг битими (келишуви) сифатида қуйидаги белгилар билан характерланади:

а) тарафлар эркининг эркин ифодаланиши;

б) унинг мазмунини ташкил этувчи барча муҳим шартлар бўйича тарафларнинг келишганлиги;

в) тарафларнинг ўз мажбуриятлари бўйича ҳаракатларини (коида тариқасида) ҳақ эвазига бажариши;

г) шартнома муносабатларида тарафларнинг тенглиги;

д) шартномани ижро қилишнинг юридик кафолати;

ж) шартнома мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида юзага келадиган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуни ва бошка қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Хўжалик шартномаси деб, тарафлардан бири шартлашилган муддатда тадбиркорлик фаолияти соҳасида товарларни бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар курсатиш мажбуриятини оладиган, иккинчи тараф эса, товарларни, ишларни, хизматларни қабул қилиб олиш ва уларнинг ҳақини тўлаш мажбуриятини оладиган келишувга айтилади.

Юридик шахслар, шунингдек юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган жисмоний шахслар хўжалик шартномаларининг субъектлари (тарафлари) бўлади.

Хўжалик шартномаси тарафлари белгиланган тартибда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

хўжалик шартномаларини тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш билан боғлиқ масалалар юзасидан экспертларнинг ёзма хulosаларини сўраш ва олиш, мутахассислар билан маслаҳатлашиш;

давлат органлари ва бошқа органларга, мансабдор шахсларга илтимосномалар билан мурожаат этиш ҳамда шикоятлар бериш ва улардан асослантирилган ёзма жавоблар олиш;

бошқа тарафнинг иктисодий ахволи, нуфузи ва ишчанлик жиҳатлари хусусидаги маълумотларни тўплаш;

хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуклари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг қонунда назарда тутилган во-ситалари ва усулларини қўллаш.

Хўжалик шартномасининг тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳуқукларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Хўжалик шартномаси тарафлари:

хўжалик шартномалари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига риоя этишлари;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда хўжалик шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаши;

тузилган хўжалик шартномалари бўйича зиммаларига олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажаришлари шарт.

Хўжалик шартномаси тарафлари қонун ҳужжатларида ва шартномада назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлади.

Хўжалик шартномаси – фуқаролик-ҳуқуқий шартнома хисобланиб, унга нисбатан Фуқаролик кодексининг битимлар ва шартномаларга тегишли барча нормалари татбиқ қилинади.

Шу билан бир қаторда, *хўжалик шартномаси* ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар қўйидагилардир:

биринчидан, шартнома факат тадбиркорлик фаолияти соҳасида, яъни фойда олиш мақсадида;

иккинчидан, шартнома юридик шахслар ва якка тартибда фаолият юритувчи тадбиркорлар ўртасида;

учинчидан, шартнома товарлар бериш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш тўғрисида;

тўртингчидан, шартнома факат ёзма тарзда тузилади.

Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги шартномавий муносабатларнинг асосий тамоилилари қўйидагилардан иборат: хўжалик шартномалари тузишнинг эркинлиги; тарафларнинг ўзаро манфаатдорлиги; шартнома интизомига риоя этиш; тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлиги.

Хўжалик шартномалари фуқаролик-хуқуқий шартноманинг бир кўриниши бўлганлиги сабабли шартнома тузиш эркинлиги таомили ҳам Фуқаролик кодексида белгиланган қоидаларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1-моддасида фуқаролик-хуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги билан бир қаторда шартнома эркинлиги ҳам фуқаролик хуқуқининг асоси сифатида таърифланади. Шартнома эркинлигининг моҳияти ва маъноси кодекснинг 354-моддасида очиб берилган. Бу моддада барча фуқаролар ва юридик шахслар шартнома тузишда эркин деб эътироф этилганлар.

Шартнома тузишга мажбур қилишга йўл қўйилмайди, шартнома тузиш бурчи Фуқаролик кодексида, бошқа қонун ёки олинган мажбуриятда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Масалан, агар тегишли маҳсулот турига давлат бурютмаси берилган бўлса, давлат эҳтиёжлари учун маҳсулот етказиб бериш шартномасини тузиш мажбурийdir.

Тарафлар қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномаларни, шунингдек турли шартномаларнинг элементларини ўз ичига оладиган аралаш шартномани ҳам тузишлари мумкин.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг хоҳиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатлари императив нормаларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Мисол учун, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари контрактация шартномасида бошқа шартлар билан бир қаторда хўжаликка белгиланган фоиздан кам бўлмаган миқдорда аванс тўлаш назарда тутилиши лозим.

Шундай қилиб, барча хўжалик юритувчи субъектлар шартнома тузишда эркиндиrlар, яъни улар нима ҳақда, ким билан шартнома тузишни танлашлари, мажбуриятларни, ўзаро хўжалик муносабатларининг амалдаги конунларга зид бўлмаган бошқа ҳар қандай шартларини мустақил аниқлашлари мумкин.

Демак, **хўжалик шартномаси** – тарафлар ўртасидаги мажбуриятлар келиб чиқишининг асоси хисобланади; хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий фаолиятини режалаштиришга асос бўлади; тарафлар ўртасидаги мулкий муносабатларнинг ҳукуқий шакли хисобланади.

5. Тадбиркорлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида»ги Конуни 25–32-моддаларида хўжалик шартномаларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарлик чоралари назарда тутилган.

Жумладан қонунда қўйидаги холатлар бўйича жавобгарлик белгиланган:

- товарларни етказиб бериш муддатларини кечикириб юборганлик, тўлиқ етказиб бермаганлик учун;
- сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун;
- бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик учун;
- товарларни марка белгисисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун;
- аккредитивдан фойдаланмаганлик учун;
- тўлов, товар-транспорт хужжатларини юборишни кечиктирганлик учун;
- товарларни танлаб олмаслик ёки уни рад этганлик учун;

– товарлар ҳақини тұламаганлик ёки үз вақтида тұламаганлик учун;

– маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқарғанлик учун.

Шу үринде, күрсатиб үтилған жавобгарликнинг ҳар бирига алохіда тұхталиш лозим, чунки қонунда белгиланған жавобгарлик чоралари ҳозирги вақтда суд амалиётида кенг құлланылмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-хуқуқий базаси тұғрисида»ги Конуни 25-моддаси товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юборғанлик, тұлық етказиб бермаганлик, ишларни бажармаганлик ёки хизмат күрсатмаганлик учун товар етказиб берувчи (пудратчи)нинг сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилған ҳар бир күн учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тұлаш тарзидә жавобгарлигини белгилайди, лекин бунда пеняning умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки күрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тұлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафны товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тұлық етказиб бермаслик ёки хизматларни күрсатмаслик оқибатида етказилған заарни коплашдан озод этмайди. Мазкур модда хўжалик алоқаларининг деярли барча соҳаларида (олди-сотди, маҳсулот етказиб бериш, контрактация, пудрат, ҳақ эвазига хизмат күрсатиши ва ҳоказо) юзага келадиган шартномавий мұносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарликни белгилайди.

Конун жавобгарлик чорасини белгилашда пеня миқдорини 0,5 фоиз деб белгилаган бұлса-да, унинг энг юқори миқдорини 50 фоиздан ошиб кетмайдиган миқдорда чегаралаган, бирок тарафлар шартномада бундан ҳам юқори ёки кам миқдордаги жавобгарлик чораларини белгилашлари мүмкін. Конуннинг 26-моддаси сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бұлмаган товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берғанлик учун жавобгарликни белгилайди.

Бунда етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга), қонун ҳужжатларида ёки ҳўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаган тақдирда сотиб оловчи (буюртмачи) куйидаги хукукларга эга бўлади:

- товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматларни қабул қилишдан бош тортишга;
- уларнинг ҳакини тўлашни рад этишга;
- етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20% микдорида жаримани ундириб олишга;
- агар товарлар (ишлар, хизматлар) ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришини талаб қилишга.

Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси етказиб берувчи (пудратчи)га хизмат кўрсатувчи банк муассасасига лозим даражада эмаслиги тўғрисида далолатнома тузилгандан кейин 10 кундан кечиктирмай тақдим этилиши лозим.

Жаримани ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган 10 кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади. Бут бўлмаган товарлар етказиб берилган тақдирда сотиб оловчи (буюртмачи) товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб оловчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, 15 кунлик муддат ичida товарларни бутлаб бериши шарт;

бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳакини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳаки тўлаб кўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга;

етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20% микдорида жарима ундиришга;

товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, бут бўлмаган товарларни қайтариб бериш ҳамда бут бўлмаган товарларни бутланган товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақли.

Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик қайсиdir жиҳатдан товарларни тўлиқ етказиб бермаганликка үхшаб кетади. Шунинг учун ҳам улар ўртасидаги тафовутни аниқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Тўлиқ етказиб бермаганлик – шартноманинг амал қилиш муддати давомида унинг товарларни тўлиқ етказиб бериш ҳақидаги шартларининг бажарилмаслигиdir.

Бут бўлмаган товарларни етказиб берганлик эса шартнома, давлат стандартлари, техник шартлар ва бошқа меъёрий-техник хужжатлар билан назарда тутилган ашёлар, эҳтиёт қисмлар ва бошқа элементларсиз тайёрланган (ишлаб чиқарилган) ёки улар бўлган тақдирда ҳам асосий белгиланишдаги товарга қўшиб бермаган ҳолда товарларни етказиб беришdir.

Конунда товарларни марка белгисисиз, шунингдек товарни идишсиз ёки ўралмаган ҳолда етказиб берганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, жавобгарлик етказиб берувчи томонидан қуидаги шартлар: марка белгиси қўйилмаган; лозим даражада маркировкаланмаган; идишсиз ёки ўралмаган; тегишли идишга жойланмаган; лозим даражада ўралмаган ҳолда товарлар етказиб берилган тақдирда келиб чиқади.

Етказиб берувчи томонидан ушбу шартлар бажарилмаган тақдирда сотиб оловчи (буюртмачи) қуидаги хукуқларга эга бўлади: бундай товарлар қийматининг 5% микдорида жаримани ундиришга; товар қабул қилингандан кейин яна жўнатилиши ёки сақланиши керак бўлган ҳолларда, жарима ундиришдан ташқари ўз кучи билан ва етказиб берувчи ҳисобидан товарларни ўраш ва идишларга жойлашга; сотиб оловчи (буюртмачи) билан етказиб берувчи бир шаҳарда жойлашган бўлса, ундан товарларни ўраб беришни ёки идишларга жойлаб беришни талаб қилишга.

Маркировка – бу товарнинг узи ёки у жойлаштирилган идишга тушириладиган ёзувлар, шартли белгилар ва расмлар бўлиб, товар сифатининг ўзига хос гувоҳномасидир, чунки маркировкага қараб товарнинг сифати учун жавоб берадиган ишлаб чиқарув-

чини (тайёрловчини) аниклаш мумкин. Лозим даражада маркировка ламаслик – стандартлар, техник шартлар ёки шартнома шартларини бузган ҳолда товарларни маркировкалашдир, жумладан: маркировкада кўрсатилиши мажбурий бўлган бир ёки бир неча реквизитларнинг кўрсатилмаганлиги; маркировка ёзувининг ёки белгисининг ноаник туширилганлиги ва уларни ўқиш имкониятини бермаслиги.

Товарларнинг идиши ёки ўраш воситаси (упаковка) – товарларни ташки муҳит таъсиридан, шикастланишдан, камайиб кетишидан сакланишини таъминлайдиган ҳамда уни ташиш, саклаш ва реализация қилиш жараёнини енгиллаштирадиган восита ёки воситалар йигиндисидир.

Аkkредитивдан фойдаланмаганлик учун қонунда товар етказиб берувчининг (пудратчининг) жавобгарлиги белгиланган.

Аkkредитив – нақд пулсиз ҳисоб-китобларда қўлланиладиган шакллардан бири бўлиб, бунда аккредитив очган банк (банк эмитент) мижоз-тўловчининг (харидорнинг, буюртмачининг) топшириғи билан маблағларни олувчига (етказиб берувчига, пудратчига) аккредитивда назарда тутилган барча шартлар бажарилган тақдирда тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

Фуқаролик кодексининг 797-моддаси талабларига кўра, аккредитивнинг амал қилиш муддати ва у бўйича ҳисоб-китоб қилиш тартиби пул маблағларини тўловчи билан олувчи ўтрасидаги шартномада белгилаб қўйилади. Шартномада яна кўйидагилар кўрсатилган бўлиши керак: банк-эмитентнинг (аккредитив очган банкнинг) номи; аккредитивнинг тури ва уни бажариш усули; маблағларни олувчини аккредитив очилганлиги хақида хабардор қилиш усули; аккредитив бўйича маблағлар олиш учун олувчи томонидан тақдим этиладиган ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхати ва аниқ тавсифи; товарлар жўнатилганидан (хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилганидан) кейин ҳужжатларни тақдим этиш муддатлари, уларни расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар.

Қонуннинг 29-моддасига мувофиқ, товар етказиб берувчи (пудратчи) талабига биноан қўйилган аккредитив у амал қиладиган муддат ичига фойдаланилмаса, етказиб берувчи (пудратчи) сотиб

олувчига (буюртмачига) аккредитивнинг фойдаланилмаган суммасининг 5 фоизи микдорида жарима тўлади. Конуннинг 30-моддаси тўлов, товар-транспорт хужжатларини юборишни кечиктирганлик учун етказиб берувчининг (пудратчининг) жавобгарлигини белгилайди.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам тўлов ёки товар-транспорт хужжатларининг нусхасини юбориш ва бошқа ахборотни тақдим этиш тартиби тарафлар ўртасида тузилган шартномада белгиланиши ва унда қўйидаги шартлар кўрсатилган бўлиши лозим:

- қайси тўлов хужжатлари юборилиши шартлиги;
- қайси товар-транспорт хужжатлари юборилиши шартлиги;
- бу хужжатларни юбориш муддати (товар жўнатилгандан кейин неча кун ичida юборилиши лозимлиги);
- товарлар жўнатилганилиги тўғрисидаги ахборотга нималар кириши ва ахборот қандай тартибда (телефонограмма, факс, хат, телеграмма ва х.к.) ва неча кун ичida берилиши лозимлиги;
- тарафлар ўртасидаги алоқа шартлари ва алоқа воситаларининг рақамлари билан коди.

Тўлов ёки товар-транспорт хужжатларининг нусхасини юбориш ва бошқа ахборотни тақдим этиш тартиби тарафлар учун бажарилиши мажбурий бўлган бошқа меъёрий хужжатлар (қарор, йўриқнома, давлат стандарти ёки техник шартлар)да белгиланган бўлиши мумкин. Мазкур хужжатларни вақтида юбормаганлик ёки бошқа ахборотни тақдим этмаганлик тарафлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг издан чиқишига, сотиб оловчининг (буюртмачининг) қабул қилиб олинган товарларни вақтида кирим қилмаслигига, етказиб берилаётган товарларни жойлаштириш учун тайёр гарлик кўрилиши лозимлиги сабабли хабарномасиз келган товарларни жойлаштиришда муаммолар туғилишига сабаб бўлиши мумкин.

Хўжалик низолари деганда, ҳар қандай юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар – хўжалик юритувчи субъектларнинг хукуклари ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатларининг бузилиши натижасида улар ўртасида юзага келадиган келишмовчиликлар тушиунилади.

Бу низолар иктисодиёт соҳасидаги юридик шахслар, юридик шахс тузмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган ва якка тартибдаги тадбиркор мақомини қонунда белгиланган тарзда олган фуқаролар ўртасидаги фуқаровий, маъмурий ва бошқа хуқукий муносабатлардан келиб чиқади.

Хўжалик низоларини қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

тузилиши қонунда назарда тутилган шартнома юзасидан келиб чиқсан келишмовчиликлар ёки шартнома юзасидан келиб чиқсан бўлиб, ҳал этиш учун хўжалик судига топшириш ҳақида тарафлар ўзаро келишган ихтилофлар;

шартнома шартларини ўзгартириш ёки шартномани бекор қилиш ҳақидаги низолар;

мулк хуқуқини тан олиш тўғрисидаги низолар;

мажбуриятлар бажарилмаганлиги ёки тегишли даражада бажарилмаганлиги тўғрисидаги низолар;

мулкдор ёки мулкнинг бошқа қонуний эгаси томонидан мол-мулкни бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олиш тўғрисидаги низолар;

мулкдорнинг ёки мол-мулкнинг бошқа қонуний эгасининг хуқуқлари эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда бузилганлиги тўғрисидаги низолар;

етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар. Бу турдаги низолар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг файриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида етказилган зарар билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин;

шаън, кадр-киммат ва ишчанлик обрусини ҳимоя қилиш тўғрисидаги низолар;

давлат органлари ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган, ташкилотлар ва фуқароларнинг хуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган ман-

фаатларини бузадиган хужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб топиш түгрисидаги низолар;

ундириш сұзсиз (акцептсиз) тартибда амалга ошириладиган ижро хужжатини ёки бошқа хужжатни ижро этилиши мүмкін эмас деб топиш түгрисидаги низолар;

давлат рүйхатига олишни рад этганлик ёки белгиланған муддатда давлат рүйхатига олишдан бош тортганлик устидан берилген шикоятлар билан боғлиқ низолар;

агар қонунда сұзсиз (акцептсиз) тартибда жарима ундирилиши назарда тутилмаган бұлса, текширув вазифаларини амалга оширувчи давлат органлари томонидан ташкилотлар ва фуқаролардан жарималар ундириш түгрисидаги низолар;

текширув вазифаларини амалга оширувчи органлар томонидан қонун хужжатларининг талабларини бузган ҳолда сұзсиз (акцептсиз) тартибда хисобдан чикарған пул маблағларини бюджетдан қайтариш түгрисидаги низолардир.

Назорат учун саволлар

1. Тадбиркорлик хукуқига таъриф беринг.
2. Тадбиркорлик хукуқининг тамойилларини санаб үтинг, уларға тавсиф беринг.
3. Тадбиркорлик хукуқи қандай манбаларга асосланади?
4. Тадбиркорлик хукуқининг субъектларини санаб, уларға қисқача тавсиф беринг.
5. Юридик шахс тұзмасдан туриб якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш деганда нимани тушунасиз?
6. Тадбиркорлик фаолияти деганда нимани тушунасиз?
7. Тадбиркорлар иштирокида тузиладиган қандай шартномаларни биласиз?
8. Тадбиркорлар үртасида тузиладиган шартномаларнинг үзига хос жиҳатларини ёритиб беринг.
9. Тадбиркорлик қоidalари бузилғанда қайси турдаги жавобгарлық келиб чиқади?

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 912 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т.2. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 912 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳ: Илмий шарҳлар. Т. 3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Baktria press, 2013. – 800 б.
4. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи кисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 1997. – 322 б.
5. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуки. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 614 б.
6. Ибратов Б.И. Тадбиркорлик ҳуқуки. – Тошкент: Молия, 2001. – 218 б.
7. Тадбиркорлик ҳуқуки. Дарслик. 1–2-том. Ш.Н. Рӯзиназаров ва бошқалар. – Тошкент: Консаудитинформ, 2002.
8. Хўжалик (тадбиркорлик) ҳуқуки (лотин алифбосида). Муаллифлар жамоаси. Ф.Х. Отаконовнинг умумий таҳрири остида. – Тошкент: Адолат, 2007. – 466 б.
9. Хозяйственное (предпринимательское) право. Учебник. // под ред. Окюлова О. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 560 с.
10. Оқюлов О., Отаконов Ф. Тадбиркорлик субъектларини ҳуқукий ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш муаммолари. – Тошкент, ТДЮИ, 2010. – 200 б.

6-мавзу. МЕҲНАТ ҲУҚУҚИНИНГ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва аҳамияти.
2. Меҳнат шартномаси ва уни тузишга доир талаблар.
3. Иш вакти, дам олиш вақти ва меҳнат ҳақи миқдори.
4. Интизомий жавобгарлик.
5. Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси ва унинг аҳамияти.
6. Меҳнат низолари тушунчаси ва унинг классификацияси.

1. Меҳнат ҳуқуқи тушунчаси ва аҳамияти

Бозор муносабатлари тизими нафақат мулкий, иқтисодий муносабатлар, шунингдек, мулк билан боғлиқ бўлмаган бошқа хил ижтимоий муносабатлар асосида унинг субъектларининг фаол иштирокини қонун асосида тартибга солиш замирида юзага келади. Бозор муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишда бошқа ҳуқуқ соҳалари каби меҳнат ҳуқуқи ҳам алоҳида ўринга эга.

Меҳнат ҳуқуқи – бу меҳнат муносабатларининг юзага келиши, амал қилиши ва бекор бўлишини тартибга солувчи ҳуқуқ нормалари йигиндиси бўлиб, мазкур нормалар ходимларнинг ўзаро биргаликда меҳнат қилиш тартибини, меҳнат меъёларини, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат низоларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти ривожланиб бораётган ҳозирги пайтда тадбиркорлик ва ишбилармонлик фаолияти кенг тарқалиб, аҳоли даромад манбаларининг анъанавий шакллари юзага келаётган бўлса-да, фуқароларнинг корхона ва ташкилотларда ёлланиб ишлашлари орқали миллий даромад яратилишида қатнашаётганлари, иш ҳақи сифатида даромад олиш йўли билан эса, ушбу миллий даромаддан ўз улушларини олаётганлари жамият иқтисодий ҳаётида салмоқли ўринга эга бўлиб бормоқда. Ана шундай шароитда фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларини рӯёбга чиқаришнинг ҳуқуқий механизмини чуқур англаб етиш, бу механизмнинг самарали ишлашини таъминлаш катта аҳамиятга эга.

Маълумки, меҳнат қилиш ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим ижтимоий-иктисодий ҳуқуқларидан саналади ва шу сабабли бу

соҳадаги ҳуқуқларнинг таъмин этилиши шахснинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Мулкий мустақил бўлган шахсина тўла мустақилдир.

Ҳар кандай давлат бозор муносабатларига ўтар экан, сўзсиз бу борада ҳал этиши керак бўлган энг муҳим ҳам моддий, ҳам ижтимоий вазифалардан бири, бу меҳнат қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш ҳамда уларни муҳофаза қилишдан иборатdir. Мамлакатимизнинг бозор иқтисодиётiga юз тутиши, турли мулк шаклидаги корхоналарнинг ташкил этилиши, ўз навбатида, меҳнат бозорининг кенгайиши ва ўсишига замин яратди. Бугунги кунда бозор муносабатларининг узлуксиз чуқурлашиб ва такомиллашиб бораётганлиги, бозорнинг мустақил сектори сифатида мамлакатимизда меҳнат бозорининг шаклланаётганлиги, ишчи кучининг тобора кўпроқ товар сифатидаги хусусиятлари намоён бўлаётганлиги ҳам меҳнаттага, меҳнат ҳуқуқларига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда.

Ҳуқуқшунослик фанлари орасида инсон ҳуқуқлари, уларнинг кенгайтирилиши, таъминланиши муаммолари билан шуғулланувчи фан тармоқларидан бири бўлган меҳнат ҳуқуқи фани ўзига хос ўринни эгаллайди.

Зеро, меҳнат қилиш ҳуқуқи инсоннинг энг муҳим ижтимоий-иктисодий-табиий ҳуқуқларидан бири сифатида ҳалқаро ҳуқуқий хужжатлардан ҳам, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунчилик хужжатларида ҳам тўла эътироф этилган.

Мамлакатимиз иқтисодий фаол аҳолиси асосий қисмининг ёллануб, меҳнат шартномаси асосида меҳнат қилиши ва шу орқали ўзи ҳамда оила аъзолари учун тириклик ўtkазиш манбаига эга эканлиги меҳнат ҳуқуқи фанининг жамиятдаги мавқеи ортишига сабаб бўлмоқда.

Бозор муносабатлари тамойиллари таянувчи қатъий талаб ҳамда шартлар тобора кучайиб бораётганлиги «ходим – иш бे-рувчи» муносабатларида ходим ҳуқуқларини давлат йўли билан химоялаш ва кафолатлаш эҳтиёжини кучайтиromoқда. Буларнинг барчаси меҳнат ҳуқуқи билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш, улар хусусида чукур илмий мушоҳада қилиш, ечимларини топиш ус-

тида илмий тадқиқотлар олиб борилишини изчил йўлга қўйиши талаб қилмоқда.

Инсон, давлат, жамият ҳаётида меҳнатнинг аҳамиятини янгидан англаб етилаётганлиги, меҳнат билан боғлиқ муносабатлар, шу жумладан унинг хуқуқий масалалари, «ходим – иш берувчи – давлат – жамият» тарзидаги алоқаларда уларнинг ҳар бири эгаллайдиган мавқеини меҳнат хуқуки нуқтаи назаридан илмий ўрганиш зарурлигига эътибор қаратилаётганлиги тараққиётимизнинг катта аҳамиятга эга бўлган ижобий ҳодисаси сифатида баҳоланмоғи лозим.

Жаҳон тажрибасида ҳамда дунёнинг бозор иқтисодиёти асосида ривожланган етакчи мамлакатларининг миллий қонунчилик тизимида меҳнат қилиш хуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоялашнинг самарали усул ҳамда йиллар давомида синовдан ўтган воситалари ўзининг хуқуқий ифодасини топган. Уларни ўрганиш ҳамда бу соҳадаги миллий қонунчилигимизнинг янада такомиллаштирилишида уларнинг ижобий хусусиятларидан унумли фойдаланиш фақатгина фуқароларимизнинг меҳнат қилиш хуқуқларини кафолатлаш ҳамда уларни муҳофаза қилишда эмас, айни пайтда давлатимиз ва жамиятимизнинг иқтисодий манфаатларини таъминлаш борасида ҳам муҳим хуқуқий аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, меҳнат хуқуқининг аҳамияти қўйида гиларда намоён бўлади: ходимларни ижтимоий-хуқуқий муҳофазалаш; фуқароларнинг меҳнат фаолиятлари учун нормал шартшароитларни яратиш; иш берувчиларнинг қонуний хуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш; ижтимоий-меҳнат муносабатларида ходимлар, иш берувчилар ва давлатнинг ўзаро манфаатларини мувофиқлаштириш.

2. Меҳнат шартномаси ва уни тузишга доир талаблар

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси билан фуқароларга берилган меҳнат қилиш хуқуқларини амалга ошириш, ёлланма меҳнат қилиш хуқуқининг асосий ташкилий-хуқуқий шакли – фуқаро билан иш берувчи ўртасида тузиладиган меҳнат шартномаси бўлиб, Меҳнат кодексининг 72-моддасида

келтирилган расмий таърифга кўра: «**Меҳнат шартномаси** – ходим билан иш берувчи ўртасида муайян мутахассислик, малақа, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафлар келишуви, шунингдек меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосида ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги келишувдир».

Бироқ, ушбу расмий тариф меҳнат шартномасига хос барча жиҳатларни қамраб ололмайди. Чунки, меҳнат ҳуқуқи назарияси меҳнат шартномасига фуқаролар меҳнат қилиш ҳуқукларининг рўёбга чиқарилиш шакли, меҳнат муносабатлари юзага келиши ва амалга ошиши асоси ҳамда меҳнат ҳуқуқи фани институтларидан бири сифатидагина эмас, балки ходим билан иш берувчи ўртасида юз берган юридик факт, ушбу фактни ўзида қайд этувчи ёзма ҳужжат ҳамда меҳнат муносабати тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашнинг юридик воситаси сифатида ҳам қарайди.

Меҳнат шартномаси тузилиши воситасида ходим ва иш берувчининг ўзаро муносабатлари индивидуаллаштирилади ҳамда ҳуқукий тартибга солинади. Фақат меҳнат шартномаси тузилиши ўюли билангина фуқаро ходим мақомини олади, меҳнат жамоасига қўшилади, корхона локал меъёрий ҳужжатлари, ички меҳнат тартиби қоидалари, меҳнат қонунлари тўла ҳажмда унга татбик этила бошланади.

Меҳнат қонунлари ишга қабул қилишни ҳуқукий жиҳатдан тартибга солар экан, иш тури, жойи ва касб-корини танлаш эркинлиги, меҳнат ҳуқукларининг амалга оширилишида барча фуқароларнинг ўзаро тенг эканликлари, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли табакаларини давлат қўллаб-қувватлашининг амалга оширилиши каби қоидаларга асосланади.

Меҳнат шартномаси юридик аҳамиятга эга ҳужжат сифатида қуйидаги вазифаларини бажаради:

- ходим ва иш берувчи ўртасида юзага келган меҳнат-ҳуқукий муносабатни қонуний тарзда қайд этади;
- ходимни иш берувчига нисбатан ва иш берувчининг ўз ходимига нисбатан ҳуқуqlари ва мажбуриятларини мустаҳкамлайди;

- ходимнинг хукуклари бузилган тақдирда хукукни тиклаш ва ҳимоя қилишда далил-хужжат бўлиб хизмат қиласи;
- ходимнинг хизмат вазифалари доирасини белгилаб беради;
- ходимнинг корхонага ишга қабул қилинишини расмийлаштиришга асос бўлади ва шу асосга кўра ходим корхона меҳнат жамоаси таркибига қўшилади ҳамда жамоа аъзосига хос хукуклар ва мажбуриятларни қўлга киритади.

Меҳнат шартномаси унинг тарафлари хукуқ ва мажбуриятларини белгиловчи юридик ҳужжат сифатида муайян ҳолатларни ўзида ифодалайди ва бу ҳолатлар унинг мазмунини ташкил этади.

Меҳнат шартномасининг мазмуни тарафлар келишуви бўйича, шунингдек меҳнат туғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланади.

Ходимлар ва иш берувчилар хукуқ ҳамда манфаатларини тўла ҳимоя қилиш учун меҳнат қонунчилиги меҳнат шартномасига қўйиладиган асосий талабларни, унинг тузилиши, ўзгартирилиши ва бекор қилиниши тартибларини белгилаб беради, меҳнат шартномасини тузиш билан боғлик кафолатларни назарда тутади. Меҳнат шартномаси тузиш воситасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабат предмети, доираси, шартнома томонларининг бир-бирларига нисбатан ҳақ-хукуклари аниқлаб олинади. Меҳнат шартномаси келгусида ходим ва иш берувчи ўртасидаги ўзаро муносабатларни давом эттириш ва янада ривожлантириш учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қиласи.

Меҳнат шартномаси унда иштирок этаётган тарафларнинг, биринчи навбатда, ходимнинг манфаатларини реал ва самарали тарзда таъминлаш мақсадида фақат ёзма равища тузилиши лозим. Меҳнат кодексининг 74-моддасида белгиланганидек, меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Меҳнат шартномаси бир хил кучга эга бўлган икки нусхада, одатда, давлат тилида, зарур ҳолларда эса, ходим тушунадиган бошқа тилда ҳам тузилади ва томонлар имзолаганларидан сунг кучга киради, уларнинг ҳар бирига саклаш учун берилади. Меҳнат шартномаси ишга қабул қилиш ваколатига эга бўлган раҳбар томонидан имзоланиб, унинг имзоси корхона мухри билан (мухр мавжуд бўлган

такдирда) тасдиқланади. Шартномада томонларнинг манзиллари, бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Мехнат кодексида (73-модда) ҳамда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати қарори билан тасдиқланган тавсияларда кўрсатилганидек, меҳнат шартномаси (контракт) зарур шартлар ва қўшимча шартларни ўз ичига олади.

Куйидагилар меҳнат шартномаси (контракт)нинг зарур шартлари хисобланади:

1) иш жойи – ходим ишга қабул қилинаётган корхона, муасаса, ташкилот (унинг таркибий бўлинмаси)нинг номи;

2) меҳнат функцияси – мазмуни лавозим йўриқномалари, малака мажбуриятлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган муайян мутахассислик, малака ёхуд лавозим бўйича иш (раҳбарлар, мутахассислар ва хизматчиларнинг ҳамда бошқаларнинг ягона тариф – малака маълумотномаси, малака маълумотномаларига мувофиқ);

3) иш бошланадиган кун – қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилган меҳнат шартномаси имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради, агар ишнинг бошланиши санаси қайд этилмаган бўлса, ходим шартнома имзоланган кундан кейинги иш кунидан (сменадан) кечикмай ишга тушиши шарт;

4) меҳнатга ҳақ тўлаш микдори ва бошқа шартлар. Мехнатга ҳақ тўлаш микдори томонларнинг келишувига кўра белгиланади ва қонун ҳужжатлари билан белгиланган энг кам иш ҳақи микдоридан кам бўлиши ва энг кўп микдор билан чегараланиши мумкин эмас.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда айrim меҳнат шартномалари (контракт)ни тузишда зарур шартлар рўйхати кенгайтирилиши мумкин. Масалан, муддатли меҳнат шартномаси (контракт) тузишда ишнинг бошланиши санасигина эмас, балки унинг тамом бўлиш санаси ҳам қайд этилади. Ходимни муайян ишни бажариш даврига ишга қабул қилишда ходим амалга ошириши учун қабул қилинаётган аниқ иш кўрсатилади. Ўриндошлар билан меҳнат шартномаси (контракт) тузишда қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган энг кўп муддат доирасида кундалик ишнинг аниқ муддати белгиланади.

Томонларнинг келишувига кўра меҳнат шартномаси (контракт)-да қўшимча шартлар назарда тутилиши мумкин. Улар томонларнинг мажбуриятларини аниқлаш, уларни тўлдириш, ходимга қўшимча имтиёз ва афзалликлар берилишини назарда тутиши мумкин.

Кўшимча шартларга қўйидагилар киритилиши мумкин:

ходимга меҳнат шароитлари белгиланган ҳолда ЯТММ ва ММДа назарда тутилган қўшимча меҳнат мажбуриятлари юклаш;

бир неча касбда ишлаш тартиби ва шартлари кўрсатилган ҳолда меҳнат шартномаси (контракт)нинг мустакил шарти сифатида бир неча касб (лавозим)да ишлаш;

агар ходим синов муддати билан ишга қабул қилинаётган бўлса, синовнинг аник муддати (қачондан қачонгача);

ходимнинг юкори малакаси, агар бу амалдаги қонун хужжатларида, жамоа шартномасида (барча даражадаги битимларда) ёки корхона, ташкилот, муассасада амал қилувчи бошқа норматив ҳужжатларда назарда тутилган ҳолларда мураккаброк ишларни бажариш билан боғлиқ бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш (тариф ставкалари, лавозим маошлари, қўшимча ҳақлар, устамалар, мукофотлар ва бошқа хилдаги тақдирлашлар)нинг юқорироқ микдорларини якка тартибда белгилаш;

ходим учун белгиланган иш вақти режими (тўлиқсиз иш куни, тўлиқсиз иш ҳафтаси, қисқартирилган иш вақти, соатбай иш, иш кунининг бошланиши ва тамом бўлиши ва бошқалар);

қўшимча (ҳақ тўланадиган ва ҳақ тўланмайдиган) дам олиш кунлари, таътиллар бериш;

ижтимоий-маиший тусдаги шароитлар (болалар боғчасида ўрин, санатория-курортда даволанишга йўлланма таъминланиши, транспорт хизмати, марказлаштирилган тартибда озиқ-овқат масулотлари билан таъминлаш, уй-жой бериш ва бошқалар);

муддатли меҳнат шартномаси қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда муддатидан олдин бекор килинганда неустойка тўлаш.

Ходимларнинг алоҳида тоифалари учун шартноманинг қўшимча шартлари: пул ёки товар бойликларга хизмат кўрсатувчи шахслар учун тўлиқ моддий жавобгарлик шарти; корхона рабарлари учун меҳнат шартномасини тұхтатишнинг қонунчиликда назарда тутилмаган қўшимча асослари ва бошқалар.

Меҳнат шартномалари:

номуайян муддатга;

беш йилдан ортиқ бўлмаган муайян муддатга;

муайян ишни бажариш вактига мўлжаллаб тузилиши мумкин.

Номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг розилигисиз муайян муддатга, шунингдек муайян ишни бажариш вактига мўлжаллаб қайта тузилиши мумкин эмас.

Муддатли меҳнат шартномалари:

бажарилажак ишнинг хусусияти, уни бажариш шартлари ёки ходимнинг манфаатларини ҳисобга олган тарзда, номуайян муддатга мўлжалланган меҳнат шартномаларини тузиш мумкин бўлмаган ҳолларда;

корхона раҳбари, унинг ўринbosарлари, бош бухгалтер билан, корхонада бош бухгалтер лавозими бўлмаган тақдирда эса, бош бухгалтер вазифасини бажарувчи ходим билан;

конунда назарда тутилган бошқа ҳолларда тузилиши мумкин.

Иш берувчи томонидан қонунда назарда тутилмаган асос билан, шунингдек зарурат мавжуд бўлмаган ҳолларда муддатли меҳнат шартномаси тузилиши ғайриқонуний бўлиб, тегишли жавобгарликни келтириб чиқаради.

Корхона раҳбари мулкдор унга берган ваколатлар доирасида ходимлар билан меҳнат шартномалари тузади.

Ишга қабул қилиш ҳакидаги буйруқ тузилган меҳнат шартномасининг мазмунига тўла мувофиқ равишда чиқарилади.

Ишга қабул қилиш хуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг ижозати билан ходимга ҳақиқатда ишлашга рухсат этилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равищда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганигидан қатъи назар, иш бошланган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланади.

3. Иш вакти, дам олиш вакти ва меҳнат ҳақи миқдори

Иш вақтининг нормаланиши ёлланиб ишловчи ходимлар ҳаёти ва саломатлигининг муҳофаза этилиши, уларга зарур қулай ҳаётин шарт-шароитлар яратиб берилишида ҳамда шахс сифатида камол топишларини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, иш вак-

тининг чекланганлиги айни пайтда дам олиш ҳуқуқлари кафолат-ланганлигини англатади. Бундан ташқари, иш вақтининг чекланиши ишлаб чиқаришда юз бериши мумкин бўлган турли баҳтсиз ҳодисаларнинг олди олинишига, касб касалликлари юз беришига йўл қўйилмаслигига сабаб бўлади.

Иш вақти ва дам олиш вақти ижтимоий-иктисодий ва ҳуқуқий тушунча бўлиб, жамиятдаги муносабатларнинг муҳим соҳасини ўзида акс эттиради. Иш вақтини ҳуқуқий тартибга со-лиш орқали меҳнат меъёри билан истеъмол меъёри ўртасидаги ўзаро мутаносиблик таъминланади.

Иш вақти ва дам олиш вақти инсоннинг энг муҳим манфаатла-рига дахлдор бўлганлиги туфайли уни оқилона нормалаш ва ин-соннинг жисмоний, психофизиологик ва интеллектуал имконият-ларини ҳисобга олган ҳолда белгилаш жамият тараққиёти учун катта аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Шу сабабли халкаро гуманитар масалаларга оид халкаро ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу масалаларга катта эътибор қаратил-гандир. Жумладан, Халкаро меҳнат ташкилотининг 47-сонли «Қирқ соатлик иш ҳафтаси тўғрисида»ги Конвенциясида барча турдаги ишлар, иктисодиётнинг барча тармокларида банд бўлган ходим-лар учун ҳафтасига **қирқ соатдан кўп бўлмаган** иш вақти белгиланиши жорий этилди ва ушбу Конвенция аъзоси бўлган давлатлар ўз миллий қонунчилигини мазкур Конвенция талабла-рига мослаштирилар.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигини қўлга ки-ритганидан сўнг ўз тараққиётининг дастлабки йилларидаёқ ХМТнинг ушбу 47-сонли Конвенциясини ратификация килди ва ўз миллий меҳнат қонунчилигини унга мувофиқлаштириди.

Иш вақти – ходим меҳнатини ўлчаш воситаси бўлиб, унинг ёрдамида ишлаб чиқаришга сарфлаган ресурсларининг ҳажми аниқланади. Иш вақти, яъни муайян ишлаб чиқариш натижаси-га эришиш учун сарфланган вақтни аниқлаш орқали меҳнатнинг самарадорлиги белгиланади ва ходимнинг қўшган ҳиссаси аниқланади.

Меҳнат кодексининг 114-моддасига кўра, ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз

мехнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади.

Юридик адабиётларда иш вақтига бирмунча кенгроқ таъриф берилади ва унинг таркибиға ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақтгина эмас, балки корхона худудидаги ёхуд иш берувчи томонидан белгилаб берилган бошқа ердаги иш жойида бўлган, ўз хизмат вазифаларини ёки иш берувчининг бошқа қонуний топширикларини бажариш билан машғул бўлган вақт назарда тутилади. Муайян ҳолларда ходим хизмат вазифаларини бажармаётган вақт ҳам (иш тўхтаб турганида, давлат ёки жамоат ишларига жалб этилганида, иш куни давомидаги қисқа муддатли танаффуслардан фойдаланаётганида ва бошқ.) иш вақти саналади ва бунда ходимнинг иш жойи ва иш ҳақи сақланади.

Иш вақтини ҳуқуқий тартибга солиш қўйидаги мақсадларни кўзлайди:

- 1) ходим томонидан ижтимоий зарур меҳнат меъёри бажарилишини таъминлаш;
- 2) ходимнинг меҳнатини муҳофаза қилиш ва меҳнат шароитини енгиллаштириш;
- 3) ходимнинг дам олиши ва камол топиши учун бўш вақтни таъминлаш;
- 4) ходим сарфлаган меҳнатни ҳисоблаш ва шунга мутаносиб ҳақ тўланишини таъминлаш.

Иш вақтининг давлат томонидан ҳуқуқий тартибга солиниши ва нормаланиши ходимларга қонун билан назарда тутилган кафолатлардан саналади. Иш вақтининг энг кўп муддатини чеклаб қўйиш орқали давлат фукаролар хаёти ва саломатлигини ишлаб чиқаришнинг заарали омиллари таъсиридан ҳимоялаш чораларини кўради, уларга шахсан ва оиласвий камол топишлари учун имконият ва шароит түғдиради.

Иш вақти иш куни, иш ҳафтаси, иш ойи ва иш йили нормалари билан нормаланади. Бу нормаларга риоя қилиш иш берувчининг ҳам, ходимнинг ҳам мажбурияти саналади. Иш вақтининг қонун билан белгилаб қўйилган нормалари тарафлар келишуви билан узайтирилиши мумкин эмас.

Иш вақтинг давлат томонидан нормаланишида, одатда, үзига хос ўлчов бирлиги воситасини ҳафталик иш вақти нормаси бажарди ва иш куни, иш ойи, иш йили нормаларининг белгиланишида айнан ҳафталик вақт нормаси асос қилиб олинади.

Иш вақтинг қуийидаги уч тури мавжуд:

а) нормал иш вақти – меҳнат шароити одатдагича бўлган ходимлар учун белгиланган бўлиб, унинг давомийлиги ҳафтасига қирқ соатдан иборат;

б) қисқартирилган иш вақти – меҳнат шароити ноқулай ва зарарли бўлган, үзига хос хусусиятга эга ишлар, касблар, корхоналарда, шунингдек, ходимларнинг ёши, саломатлиги аҳволи ва бошқа индивидуал жиҳатлари эътиборга олинган ҳолда белгиланади. Қисқартирилган иш вақти иш ҳақи миқдори қисқартирилишига олиб келмайди. Ҳафталик иш вақти нормасининг қисқартирилганлиги тегишли тарзда иш куни соатларининг ҳам қисқаршига сабаб бўлади. Қисқартирилган иш вақти нормаси ҳақидаги қонун нормаси барча турдаги иш берувчилар учун мажбурий бўлиб, унинг ходим ва иш берувчининг ўзаро келишуви орқали қисқартирилишига йўл қўйилмайди.

Қисқартирилган иш вақтими белгилаш ходимлар меҳнатини юқори даражада муҳофаза қилиш, ўсмир ходимларни ишлаб чиқаришга кўникутириш, ёш болали оналарга бола тарбияси учун қулай шароит яратиб бериш имконини беради.

Иш вақти:

1) қонун билан ёхуд унга мувофиқ равишда бир кун, бир ҳафта ва бошқа календарь даврга белгиланиб, ходим корхонада ишлаши лозим бўлган соатлар сони (масалан, кунига 7–8 соат, ҳафтасига 40 соат);

2) календарь вақтнинг бир қисми (муайян кунлар ва соатлар). Бу вақт ичида ходим ўз иш жойида бўлиб, топширилган ишни белгиланган график ёхуд тартибга мувофиқ ёки улардан ташқари (иш вақтидан ортиқ вақт, дам олиш кунлари ишлаш) вақтда бажариши лозим;

3) ҳақиқатда ишланган вақт. Бу вақт ичида ходим мавжуд график ёки тартибга мувофиқ равишда, шунингдек иш берувчининг

буйруғи ёки рухсати бўлган тақдирда мавжуд график, тартибдан ташқари ўз иш жойида ҳакиқатда ҳам бўлиб, меҳнат вазифалари ни бажаради. Мехнат қонунчилигига кўра, ҳакиқатда иш бажа-рилмаган даврлар (масалан, бекор туриб қолинган вақт, ҳақ тўла-надиган танаффуслар) ҳам иш вақтига қўшилади.

Иш вақтига оид ҳуқуқий нормалар меҳнат ҳуқуқида алоҳида институтда жамланган. Иш вақтини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишдан мақсад ходимларнинг меҳнат шароитларини ва уни му-хофаза қилишни юксак даражага кутариш ва шу билан бирга, иш вақтидан тўлик ва унумли фойдаланиш, уни тежашдир. Иш вақти ҳақидаги қонунлар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини оширишга ёрдам беради, меҳнаткашлар дам олиш ҳуқуқининг кафолати бўлиб хизмат қиласди. Қонунчиликда иш вақти нормаси деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, бу ходимлар ўзига топширилган ишни корхона, муассаса, ташкилотда ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан кун, ҳафта ва бошқа бир давр мобайнида бажариши лозим бўлган, қонун билан ёки қонунга мувофиқ белгилаб қўйилган муайян соатлар микдори қонунларда, одатда, барча ходимлар учун ҳафтасига 40 соатлик иш вақти муддати нормаси, муайян тоифадаги ходимлар учун ёки муайян меҳнат шароитла-рида ишлаётган ходимлар учун белгилаб қўйилган, қискартирилган нормалар назарда тутилган. Меҳнат ҳақидаги қонунчиликда иш вақти муддати нормаси белгилаб қўйилганки (масалан, ойлик соатлар нормаси, йиллик соатлар нормаси), бу нормалардан иш вақтини жамлаб ҳисобга олиш учун фойдаланилади. Қонунларда белгиланган иш вақти муддати нормасини иш берувчи билан ка-саба уюшмаси ўртасидаги жамоа шартномаси билан ҳам, буйруқ орқали расмийлаштириш йўли билан ҳам, бир тарафлама ёки хо-дим билан келишиб ҳам ўзгартириш мумкин эмас. Бу нормаларнинг мажбурийлиги уларга риоя қилиш Конституциянинг 38-мод-дасида белгиланган муҳим ҳуқуқий кафолатдир.

Корхоналарда иш вақти ички меҳнат тартиби қоидалари, сме-налар графиги, шунингдек меҳнат шартномаси ва жамоа шартно-маларида белгилаб қўйилади.

Ўзбекистон давлати демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаро-лик жамияти барпо қиласди, ўз фуқароларига барча инсоний

хукуқларни таъминлаб беради, уларга ижтимоий, иқтисодий, сиёсий хукуқларнинг халқаро стандартларда назарда тутилган мажмуидан тўла фойдаланиш имкониятини яратади. Ана шундай муҳим ижтимоий хукуқлардан бири – дам олиш хукуки бўлиб, Конституциямизнинг 36-моддасига кўра, ёлланиб ишлаётган барча фуқаролар дам олиш хукуқига эгадирлар. Иш вақти ва ҳақ тўланадиган меҳнат таътилиниң муддати қонун билан белгиланади.

Дам олиш хукуки фуқароларнинг энг муҳим иқтисодий-ижтимоий хукуқларидан бўлиб, унга доир қоидалар халқаро хукуқий хужжатлар билан белгилаб қўйилган. Жумладан, ХМТнинг 47-сонли «Қирқ соатлик иш хафтаси тўғрисида»ги, 52-сонли «Ҳақ тўланадиган таътиллар тўғрисида»ги Конвенцияларида, энг умумий ва принципиал қоидалар эса, БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий хукуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактида назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси халқаро хукуқнинг суверен аъзоси сифатида ушбу халқаро хукуқий хужжатларнинг аксарият қисмини тан олди. Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фуқароларининг дам олиш хукуқларини энг муҳим ижтимоий-иқтисодий хукуқлардан бири сифатида эълон қиласди ва ўз қонуларида бу хукуқни реал таъминлашга оид бўлган чора-тадбирларни белгилайди.

Дам олиш хукуки ва бу хукуқнинг амалда таъминланиши айрим шахс, оила, давлат ва жамият равнақи, унинг баркамоллиги ва тараққий топиши учун хизмат қиласди. Шу сабабли меҳнатга оид қонун хужжатларида ходимлар дам олиш хукуқларига катта аҳамият берилади, дам олиш вақтини бериш, ундан самарали фойдаланишга кўмаклашиш мажбуриятини иш берувчи зиммасига юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, Меҳнат кодексида ва бошқа меҳнатга оид қонун хужжатларимизда назарда тутилган дам олиш вақтига доир қоидалар ва нормалар корхона ва ташкилотларда, якка фуқароларда меҳнат шартномасига кўра ёлланиб ишлаётганларга тааллуқли бўлиб, бошқа асосларга кўра меҳнат қилаётган фуқаролар (масалан, тадбиркорлар, жамоат бир-

лашмаларининг аъзолари, ўзини ўзи иш билан таъмин этаётгандар, фуқаролик хукуқий шартномаларга кўра иш бажараётгандар ва бошқалар) ўзларининг иш ва дам олиш вактларини мустақил ташкил этадилар ва улар учун дам олиш вактининг муайян муддатлари қонун билан белгиланмайди ва кафолатланмайди.

Дам олиш вақти ёлланиб ишловчи ходимларга улар сарфлаган жисмоний ва аклий куч-кувват ўрнини тұлдириш, ўз касбий ва аклий салохиятини мунтазам ошириб бориш, шахс ва инсон сифатида маданий-маънавий камол топиши учун берилади.

Дам олиш вактининг қонун билан белгиланганлиги ва унинг муайян муддатлардан иборат қилиб кафолатланганлиги, аслида, ёлланиб ишловчи ходимларнинг иш берувчи томонидан ҳаддан ташқари эксплуатация қилинишига йўл қўймаслик, иш берувчининг жисмоний зўрлигидан муҳофаза қилишга қаратилгандир.

Дам олиш вақти тўғрисидаги қонун талабларини бажариш фуқароларни ишга ёллаётган ва улар билан меҳнат шартномаси тузәётган барча турдаги корхона, муассасаса, ташкилотлар учун, шу жумладан, ўзга фуқаролар ёлланма меҳнатидан фойдаланаётган айрим фуқаролар учун ҳам мажбурий бўлиб, бу нормаларга риоя қилмаслик, дам олиш вақтига оид меҳнат қонунчилиги талабларини бузиш тегишли хукуқий жавобгарликка сабаб бўлади.

Меҳнат кодексининг 126-моддасига кўра, дам олиш вақти деғанда ходим меҳнат вазифаларини бажаришдан ҳоли бўлган ва бундан у ўз ихтиёрига кўра фойдаланиши мумкин бўлган вақт тушунилади. Ходимнинг дам олишга оид субъектив хукуқи иш берувчининг қонунда белгиланган вақтда ходимни ишдан озод қилиш мажбуриятига мос келади.

Дам олиш вактининг қўйидаги турлари мавжуд:

- а) иш куни (смена) давомидаги танаффуслар;
- б) кундалик дам олиш вақти;
- в) дам олиш кунлари;
- г) байрам кунлар;
- д) йиллик меҳнат таътиллари.

Меҳнат кодексининг 127-моддасига кўра, ходимга иш куни (смена) давомида дам олиш ва овқатланиш учун танаффус берилиши керак, бу танаффус иш вақтига кирмайди. Бундай танафф

фус миқдори, берилиш вақти ва унинг аниқ муддати корхона ички меҳнат тартиби қоидаларида, смена графикларида ёки ходим билан иш берувчи ўртасидаги келишувга биноан белгилаб қўйилади. Ишнинг хусусиятига кўра бундай танаффус бериб бўлмайдиган ишларда иш берувчи ходимга иш вақтида овқатланиб олиш имкониятини таъминлаши лозим. Бундай ишларнинг рўйхати, овқатланиш тартиби ва жойи ички меҳнат тартиби қоидаларида белгилаб қўйилади.

Кундалик дам олиш вақти (иш кунлари орасидаги дам олиш вақти)нинг муддати ўн икки соатдан кам бўлиши мумкин эмас. Дам олиш куни (яъни, иш ҳафталари, иш сменалари ўртасидаги дам олиш вақти) беш кунлик иш ҳафтасида икки кун, олти кунлик иш ҳафтасида бир кун миқдорида берилади. Ходимларнинг дам олиш кунлари ишга жалб этишга, қоида тариқасида, йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда қонунларда белгиланган чеклашлар ҳисобга олинган ҳолда дам олиш кунлари ишга жалб этишга йўл қўйилиши мумкин.

Қўйидаги кунлар байрам (ишланмайдиган) кунларидир:

1 январь – Янги йил;

8 март – Хотин-қизлар куни;

21 март – Наврӯз байрами;

9 май – Хотира ва қадрлаш куни;

1 сентябрь – Мустақиллик куни;

1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни;

8 декабрь – Конституция куни;

Рўза ҳайит (Ийд ал-Фитр) диний байрамининг биринчи куни;

Курбон ҳайит (Ийд ал-Адҳа) диний байрамининг биринчи куни.

Меҳнат қонунчилиги фуқароларга дам олиш вақтини белгилаб, уларга бу ҳуқуқни кафолатлар экан, масалага табақалашган ҳолда ёндашади ва турли социал ва ишлаб чиқариш омилларини эътиборга олган ҳолда ходимларнинг турли табақаларига дам олиш соҳасида қўшимча имтиёз ва енгилликларини назарда тулади. Ходимларнинг айрим табақалари учун қонунчиликда белгиланган қисқартирилган иш вақти айни пайтда уларга бошқа ходимларга нисбатан узайтирилган дам олиш вақти берилганлигини анлатади.

Мехнат шароитларининг нокулай, заарли ёки ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда ходимнинг ёши эътиборга олиниб, ҳомиладор ёки ўш боласи борлиги назарда тутилиб, ногиронлиги ва бошқа омиллар эътиборга олинган ҳолда қисартирилган иш вакти белгилангани уларга узайтирилган дам олиш вакти берилишини ҳам англатиши ўз-ўзидан маълум.

Дам олиш хукуки ёлланиб ишловчи ходимларнинг энг муҳим хукукларидан бири сифатида ҳар бир иш берувчи томонидан тўлик тамиллаб берилиши ва уларнинг бу мажбурияти қандай бажарилаётганини назорат қилувчи самарали хукукий ва ижтимоий механизmlар ишлаб туриши керак.

Ўзбекистон Республикаси бозор муносабатларига ўтиш жаённида миллий қонунчилик орқали меҳнат шартномаси асосида ишловчи ходимларга ҳеч қандай камситишларсиз меҳнатига яраша ва қонунда белгилangan миқдордан кам бўлмаган иш ҳаки тўлашни кафолатлаб қўйган. Жумладан, ҳалқаро хукукий хужжатлар (1948 йил 10 декабрдаги БМТнинг Инсон хукуклари Умумжахон Декларацияси 23-моддаси, 1966 йил 16 декабрдаги БМТнинг Иктисолий, ижтимоий ва маданий хукуклар тўғрисидаги ҳалқаро Пактнинг 7-моддаси ва б.к.)да мустаҳкамланган ходимларнинг иш ҳаки олишга бўлган хукуки ҳамда мазкур хукуқни амалга оширишдаги тенг меҳнат учун тенг ҳақ олиш, меҳнатга ҳақ тўлашда камситишларга йўл қўймаслик, меҳнат ҳаки юқори миқдорининг чекланмаслиги каби тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида ўз ифодасини топган. Иш ҳаки олишга бўлган хукуқнинг қонун хужжатлари билан кафолатланиши ходимларнинг амалда ўз меҳнатларидан моддий манфаатдор бўлишини таъминлаб, рафбатлантирувчи омил сифатида уларнинг ўз меҳнатлари миқдори ва сифатини мунтазам равишда ошириб боришга ундейди.

Маълумки, иш ҳаки аҳолининг асосий даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Иш ҳаки корхона ходимига олдиндан ўрнатилган нормалар бўйича меҳнатнинг миқдори ва сифатига мувофиқ ҳолдаги тўловдир. Мазкур мезонлар билан меҳнатни тақдирлаш шакли сифатидаги иш ҳақининг асосий фарқловчи белгилари кўрсатилган. Бу

белгилар қўйидагилар: корхона, ташкилот, муассаса ходимларига иш ҳақини тўлаш мажбурияти ва шунга мувофиқ топширилган иш, меҳнат мажбуриятлари бажарилганда ходим ўзига ҳақ тўлашни талаб қилиш хукуки; ҳақ тўлаш ҳажмини меҳнатнинг микдори ва сифатига мувофиқ ҳолда белгилаш; иш ҳақини олдиндан ўрнатилган нормалар бўйича тўлаш.

Ишлаб чиқариш корхоналарида олинган соф даромад, давлат муассасаларида эса, давлат бюджети хисобидан ажратиладиган маблағлар иш ҳақининг манбай хисобланади. Иш ҳақи таркиби жиҳатидан икки қисмдан иборат: асосий ва қўшимча қисмлардан ташкил топади. Тариф разряди ёки мансаб маоши иш ҳақининг асосий қисмини, мукофотлар, устамалар, район коэффициентлигига қараб тўланадиган тўловлар иш ҳақининг қўшимча қисмини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «1993 йил 1 январдан бошлаб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. Шу асосда Республикада меҳнатга ҳақ тўлашнинг разряди жорий этилган. Ушбу ягона тариф сеткасини кўллаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 1996 йил 28 марта тавсияномалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 июлдаги «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 206-сонли қарорига асосан ягона тариф сеткаси такомиллаштирилди.

Ягона тариф сеткаси негизига энг кам иш ҳақи микдори ҳамда меҳнатнинг мураккаблиги ва ходимлар малакасини хисобга олувчи табақалаштирилган коэффициентлар асос қилиб олинган. Уни халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш ходимларига кўлланиш соҳасидан катъи назар, бу коэффициентлар меҳнатга ҳақ тўлашга объектив ёндошишни таъминлайди. Ягона тариф сеткасини жорий этиш, энг аввало, иш ҳақининг рағбатлантирувчи роли, принципларини тиклашни назарда тутади. Меҳнатга ҳақ тўлаш разрядлари тариф ставкаларининг энг паст разрядларидан энг юкори разрядга томон муттасил ортиб боришни

таъминлайди. Ягона тариф сеткаси ҳар бир ходимга ўзи бажараётган ишнинг мураккаблиги ва малакасига боғлик ҳолда ўз меҳнати учун оладиган иш ҳақини аниқ белгилаб олиш имконини беради. Ягона тариф сеткасида бажариладиган ишларнинг ҳажми ва мураккаблигига қараб ҳар бир лавозим бўйича аниқ маошлар белгилашга имкон берувчи муайян разрядлар диапазони назарда тутилади. Таъкидлаш лозимки, янгидан белгиланган ставкалар ва маошлар асосида тариф сеткасининг жорий этилиши билан бирга илгари амалда бўлган барча қўшимча ҳақлар, устамалар, шу жумладан, район коэффициентлари бўйича белгиланган тўловлар ҳам сақланиб қолган. Бошқача айтганда, ҳар бир ходим эгаллаган лавозими ва малакасига қараб меҳнатга ҳақ тўлашнинг ўсишида ўз келажагини кўради. Ягона тариф ставкасини жорий этишда ходимнинг бугунги кунда оладиган иш ҳақи янги тариф сеткаси жорий этилиши натижасида ҳисобланадиган иш ҳақидан кам бўлган ҳолларда ходимлар меҳнатига тўланадиган ҳақ ўзгаришсиз қолади. Ягона тариф сеткасининг жорий этилиши иш ҳақи, энг аввало, корхона фаолиятининг пировард натижаларига боғлик бўлган ишлаб чиқариш соҳаси ходимлари манфаатларига мутлақо зиён етказмайди. Ягона тариф сеткаси асосида меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил этиш иш ҳақининг асосий тариф қисмини шакллантиришда умумийликни яратиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг бошқа элементларини (устама, мукофотлар ва бошқаларни) ривожлантириш билан биргаликда эса иш ҳақи микдорларини лавозим, малака ва ходимларнинг ўз меҳнати пировард натижаларига бўлган муносабатига кўра бошқарип боришни таъминлаш имконини беради.

Меҳнат шартномасининг тарафлари келишуви билан белгиланган меҳнат ҳақи микдори жамоа шартномаси ёки келишувида урнатилган микдордан кам бўлиши мумкин эмас. Таъкидлаш жоизки, меҳнат ҳақининг энг кам микдорига қўшимча тўловлар, устамалар, рафбатлантириш тарзидаги тўловлар, нормал иш вақтидан четга чиққан ҳолда бажарилган ишлар учун оширилган микдорда тўланадиган ҳақлар, шунингдек район коэффициентлари қўшилмайди. Конунга биноан меҳнат ҳақи шартларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Истисно тариқасида, технологияда, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишда ўзгаришлар юз берган

такдирда, агар меҳнатга ҳақ тўлашнинг аввалги шартларини сақлаб қолиш имконияти бўлмаса, шунингдек қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда йўл қўйилиши мумкин.

4. Интизомий жавобгарлик

Маълумки, конституциявий меъёрлар ва қонунларнинг устуворлиги, улар инсон манфаатини кўзлаб иш тутишга ва шу доирада ижтимоий ўзаро муносабатларни мақбул ҳолга келтиришга йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омилидир¹.

Маълумки, ҳуқук назариясига кўра, ҳуқуқбузарлик ижтимоий маънода жамият, фуқаролик ва жамоа бирлашмаларининг ҳуқук ва манфаатларига хавф туғдиришга қодир бўлган хулқ бўлиб, у ижтимоий муносабатларнинг ривожланишини қийинлаштиради ва уларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Ҳуқуқбузарлик – бу ҳуқук ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқук нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавфли килмишdir.

Ўз меҳнат бурчларини қонунга мувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигига интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга хилоф ножӯя хатти-ҳаракат асос бўлади.

Интизомга хилоф ножӯя ҳаракат – ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмайдиган даражада қонунга номувофиқ равишда ўз айби билан бажармаслик ёки нобоп бажарилишини англатади. Ходимнинг номувофиқ хатти-ҳаракати, одатда, унинг зиммасига меҳнат шартномаси ёки корхонадаги ички меҳнат тартибини белгиловчи норматив актлар (масалан, ички меҳнат тартиби қоидалари, техника

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, баркарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – Б.218.

хавфсизлиги қоидалари, мансабга оид йўрикномалар, низомлар ва бошқалар) билан юкланган меҳнат вазифаларини бузишида ифодаланади. Интизомга хилоф ножӯя хатти-харакат ходимнинг ўз айби билан, яъни қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли килган ҳаракати (ҳаракатсизлиги). Ходимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан (малакаси ёки меҳнат лаёқати етарли эмаслиги, тегишли иш шароити таъминланмаганлиги ва бошқа сабаблар) меҳнат вазифасини бажармаслик ёки нобоп бажариш меҳнат интизомини бузиш деб қаралиши мумкин эмас. Интизомга хилоф ножӯя хатти-харакати учун ходим, одатда, иш берувчи томонидан интизомий жавобгарликка тортилади. Бундай хатти-харакат содир қилиш интизомий жазо беришга ёки бошқа таъсир чораларини қўллашга сабаб бўлади; агарда корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказилган бўлса, ходим меҳнат хуқуки нормалари бўйича моддий жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун ходим интизомий жазога тортилиши ёки тортилмаслигидан қатъи назар, зарар ундириб олинади¹.

Қонунчиликда интизомий жавобгарликнинг иккитури: умумий интизомий жавобгарлик ва маҳсус интизомий жавобгарлик кўзда тутилган. Умумий интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланган бўлса, маҳсус интизомий жавобгарлик интизом тўғрисидаги устав ва низомлар, алоҳида қоида ва қонунлар билан белгиланган.

Маҳсус интизомий жавобгарлик ўзи татбиқ этиладиган шахсларнинг доираси ҳамда ихтиёрига интизомга чакирувчи ваколат берилган шахслар ва органларнинг умумий доираси, қўшимча жазо чорасининг мавжудлиги, шунингдек берилган жазо устидан шикоят қилиш тартиби жихатидан умумий интизомий жавобгарликдан фарқ қиласи.

Интизомий жавобгарликнинг барча турлари қўйидаги белгилар билан ажралиб туради: ходимга факат қонунларда ва интизом уставларида, низомларда кўрсатилган жазолар-

¹ Иноятов А.А. Узбекистон Республикасининг Меҳнат хуқуки. – Т.: Иктисолидёт ва хукук дунёси, 2002 й. – Б.174.

ни бериш мумкин; меҳнат интизоми бузилган ҳар бир ҳолат учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилади; жазо беришда содир этилган ножӯя харакатнинг оғир-енгиллиги, у содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-автори эътиборга олиниши керак; интизомий жазо бевосита ножӯя хатти-харакат содир килингани маълум бўлгандан кейин қўлланилади.

Кўйидагилар асоссиз равишда интизомий жазо берилишига қарши ҳукуқий кафолатлардир: меҳнат интизомини бузувчидан ёзма равишда баёнот талаб қилиниши; буйруқ ҳакида ходимни хабардор қилиш ва бу ҳақда тилхат олиш; берилган жазо устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳукуқи; умумий интизомий жавобгарликка тортилганда меҳнат низолари комиссиясига, судга, маҳсус интизомий жавобгарликка тортилганда эса, бўйсуниш тартибида юкори органларга шикоят қилиш мумкин.

Интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг аксарият қисмига татбиқ этилади. Маҳсус интизомий жавобгарлик белгиланган ходимлар тоифаси бундан мустаснодир. Умумий интизомий жавобгарликда меҳнат интизомини бузганлик учун жазо чоралари, уларнинг қўлланиш тартиби, улар устидан шикоят қилиш ва жазони олиб ташлаш тартиби Мехнат кодексида («Мехнат интизоми» боби) ҳамда Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган. Интизомий жазо ишга қабул қилиш ҳукуқи берилган шахслар (орган) томонидан берилади.

Мехнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ, иш берувчи меҳнат интизомини бузгани учун ходимга қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳакидан жаримани ушлаб қолиш Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Муҳими шундаки, қонунда назарда тутилмаган интизомий жазо чораларининг қўлланиши қатъяян тақиқланади.

Меҳнат кодексининг 182-моддасида белгиланган интизомий жазо чоралари бундай жазо қабул қилиш ҳуқуқи берилган шахслар (органлар) томонидан қўлланилади.

Юқорида таъкидланганидек, ҳалқ хўжалигининг айрим тармоқлари ходимларининг интизомий жавобгарлиги интизом ҳақида ги уставлар билан тартибга солинади ва бу уставлар қўлланиладиган шахслар доираси аниқ белгилангани, қаттиқроқ интизомий жазо чоралари қўлланилиши, чоралар меҳнат функциясининг мазмуни ва содир этилган ножӯя хатти-харакатнинг оғир-енгиллигига қараб дифференциялангани билан, турли мансабдор шахсларнинг интизомий жазо беришга оид ваколати белгилаб қўйилгани билан ажralиб туради.

5. Меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчаси ва унинг аҳамияти

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгач, бозор муносабатларига асосланган демократик ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда. Ислоҳотлар ўз мазмун-моҳиятига кўра, инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларига хизмат қилиб, пировардида аҳолининг турмуш даражасини оширишга, унга муносиб ижтимоий-иктисодий шарт-шароитларни яратиб беришга йўналтирилган.

Жумладан, амалдаги меҳнат қонунчилиги Ўзбекистон Республикасида ходимларга адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнат соҳасидаги ҳуқуқ ва имтиёзлардан эркин фойдаланиш, зарур ҳолларда эса, ўз ҳуқуқларига нисбатан қилиниши мумкин бўлган ноконуний ҳаракатлардан самарали ҳимояланиш имконини кафолатлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бизнинг мамлакатимизда меҳнатга қобилиятли аҳолини, жумладан, ёшларни ўз вақтида ва ташкилий равишда ишлаб чиқаришга жалб этишни таъминловчи

ташкилий-хукуқий чоралар тизими мавжуд бўлиб, бундан кўзланган мақсад фуқароларга ишга киришга ёрдам бериш, меҳнат резервларидан оқилона фойдаланишга кўмаклашишдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси ҳар бир фуқаронинг адолатли меҳнат шароитларида ишлаш хукуқини кафолатлайди. Бунда «адолатли меҳнат шароити» тушунчasi, энг аввало, ходим ҳаёти ва саломатлиги учун хавф-хатарсиз ва соғлом меҳнат шароитларини, ишлаб чиқариш жараёнида катнашувчи ҳар бир шахснинг касб касаллигига чалиниши хавф-хатарининг олди олинишини назарда тутади.

Ишлаб чиқариш жараёнида ходимлар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш фаолияти, яъни меҳнат муҳофазасининг хукуқий асослари Конституциядан ташқари, Меҳнат кодексида (XIII боб, 211–223-моддалар), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)¹, бошқа қонун ва қонуности меъёрий ҳужжатларда белгиланган.

Мазкур норматив-хукукий ҳужжатларда меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланиб, меҳнатнинг хавфсиз ва санитария-гигиена талабларига мос келувчи меҳнат шароитларига бўлган ҳуқук ва унинг кафолатлари, меҳнат муҳофазаси бўйича меъёрий қоидалар назарда тутилган.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид норматив-хукукий ҳужжатлар каторида меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ходимлар учун қўшимча кафолатларни назарда тутувчи жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Яъни, меҳнат муҳофазаси бўйича хукуқий нормалар марказлашган тартиб билан бирга локал тартибда ҳам қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 22 сентябрдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ-410-сонли Қонунининг 4-моддасига кўра, **меҳнатни муҳофаза қилиш** – меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиги, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳукуқий, ижтимоий-иктисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 йил, 38-сон, 411-модда.

Мехнат муҳофазасининг мазкур умумий таърифи уни давлат идоралари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, иш берувчилар ва ходимларнинг ўzlари томонидан амалга ошириладиган меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини ташкил этишга қаратилган турли даражадаги тадбирлар тизими сифатида тушунишга олиб келади. Бундан ташқари, юкорида берилган таъриф меҳнатни муҳофаза қилишнинг турли жиҳатлари: тиббий, техник, ижтимоий, иқтисодий ва ниҳоят ҳуқуқий меҳнатни муҳофаза қилишни шакллантирувчи ҳуқуқий жиҳатларни назарда тутади.

Юридик адабиётларда эса, меҳнат муҳофазаси кенг ва тор маънода тушунилади.

Меҳнат муҳофазаси тушунчаси *кенг маънода* – меҳнат фаолияти жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлигини саклашга қаратилган ҳуқуқий, ижтимоий-иктисодий, даволаш-профилактика, соғломлаштириш ва бошқа тадбирлар тизимидан иборат.

Мазкур тизимда меҳнат жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлигини таъминлашнинг ҳуқуқий воситалари мухим аҳамиятга эга бўлиб, корхона ва ташкилотларнинг хўжалик фаолияти ва бўйсунув тартибидан қатъи назар амалда бўлади. Меҳнатни муҳофаза қилиш кенг маънода корхонада иш даврида (жумладан, суд ҳукми бўйича жазони ўташ жараёнида ҳам) доимо зарурдир.

Меҳнат муҳофазасини кенг маънода тушунишгина меҳнат фаолияти жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлигини саклашни таъминлайди.

Агар унинг бирон-бир қисми (ҳуқуқий, тиббий, техник ёки иқтисодий ва бошқа) етарли таъминланмаса, у ҳолда бутун меҳнатни муҳофаза қилиш таъминланмаган ҳисобланади. Масалан, ифлос ишларда ювениш, санитария-гигиена хоналари ташкил этилмаганлиги ёки ишлаб чиқаришнинг заарали меъёрлари бир неча маротаба оширилганлиги ва бошқалар.

Меҳнатни муҳофаза қилишнинг барча жиҳатларига бир вактда риоя қилингандагина, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳар томонлама таъминланган ҳисобланади.

Меҳнат ҳуқуқида меҳнатни муҳофаза қилиш *тор маънода* – меҳнат ҳуқуки тамойилларидан бири бўлиб, ходимнинг муайян меҳнат муносабатларида хавфсиз ва санитария-гигиена қоидала-

рига мос келувчи меҳнат шароитларига бўлган субъектив ҳукуки тушунилади.

Меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муайян муносабатларни тартибга солувчи нормалар йиғиндиси меҳнатни муҳофаза қилиш мустақил институтини шакллантиради. Меҳнат фаолияти жараёнида ходимлар ҳаёти ва соғлигини саклаш меҳнат қонунчилигининг бошқа нормалари: меҳнатга бўлган ҳукуқ ва унинг кафолати, иш вақти ва дам олиш вақти, меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқалар билан ҳам таъминланади.

Шундай қилиб, **меҳнатни муҳофаза қилиш** – меҳнат ҳукуки институти сифатида иш берувчи ва бошқа мансабдор шахслар учун бажарилиши мажбурий бўлган, ходимлар ҳаёти ва соғлиги учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлашга қаратилган нормалар йиғиндисидир.

Меҳнатни муҳофаза қилишга оид йўриқномаларни намунавий (асосий касбдаги ходимлар учун давлат органлари томонидан ишлаб чиқилган) хамда локал (корхона ва ташкилотнинг ўзида ишлаб чиқилган) турларга бўлиш мумкин¹.

Юридик адабиётларда меҳнатни муҳофаза қилишга оид қуидаги нормалар назарда тутилади:

меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қоидалар ва йўриқномалар;

ноқулай, заарли ёки хавфли меҳнат шароитларида банд бўлган ходимларни муҳофаза қилишнинг маҳсус қоидалари;

айрим тоифаларга (аёллар, вояга етмаганлар) ва меҳнат қилиш қобилияти чекланган шахслар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича имтиёзлар, маҳсус нормалар;

ходимлари учун маҳсус кийим, маҳсус пойабзал ва якка тартибда ҳимояланишнинг бошқа воситаларини бепул беришнинг нормалари;

меҳнатни муҳофаза қилишни бошқариш тизимини ташкил этиш, меҳнатни муҳофаза қилишни режалаштириш ва молиялаштириш бўйича тадбирлар тўғрисидаги нормалар;

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шархлар. – Т.: ТДЮИ. 2008 й. – Б.710.

мехнат қонунчилигига риоя қилиш устидан назорат қилувчи органлар фаолиятини тартибга солувчи ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича қонунчиликни бузганлик учун иш берувчилар ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги⁴⁸.

Маълумки, меҳнатни ташкил қилишнинг ҳозирги замон дараҷаси, техника ва технологиянинг тараққиёти саноатда, қишлоқ хўжалигига, курилишда, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида барча ходимлар учун ноқулай омиллар ва зааралар салбий таъсирининг тўлиқ олдини оладиган меҳнат шароити яратиш мураккаб вазифа хисобланади. Шундай экан, мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир корхона, муассаса ва ташкилотларда, айникса иқтисодиётимизда нисбатан кўпчиликни ташкил этувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда ходимлар ҳаёти ва соғлигини саклаш, соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш масаласи долзарблигини йўқотмайди.

6. Меҳнат низолари тушунчаси ва унинг классификацияси

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда ишлаётган ходимлар меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, айрим иш берувчилар томонидан йўл қўйилиши мумкин бўлган ўзбошимчаликлар, қонунбузарликларни бартараф этиш, шу жумладан, баъзи ходимларнинг ўз ҳуқуқларини суистеъмол қилишларига йўл қўймаслик меҳнат муносабатларида қонунчилик ва адолатни таъминлашнинг муҳим шартидир.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида ходим ва иш берувчи ҳуқуқлари тенг эътироф этилади, уларга бир хил иқтисодий ҳамда ҳукукий шароит яратиб берилади, шу орқали улар ўртасида келишириб бўлмайдиган зиддиятлар юз беришининг олди олиниади.

Аммо тараққиёт диалектикаси ва ҳаёт қонунларига кўра ходим билан иш берувчи ўртасида турли ихтилофлар юз бериши

⁴⁸ Российское трудовое право: Учебник / Под ред. А.Д. Зайкина. – М.: Изд. «ПИТЕР», 2000. – С.322.

учун ҳар доим сабаблар етарли бўлади ҳамда меҳнат қонунчилигининг вазифаларидан бири ушбу ихтилофлар юз бериш шартшароитларини бартараф эта бориш, юз берганда эса, уларни адолат ва қонунчилик тамойилларига қатъий амал қилган ҳолда ҳал этилишини таъминлашдан иборат.

Корхоналарда ходим ва иш берувчи ўртасида меҳнат низоси юз беришига бир қатор объектив ҳамда субъектив омиллар сабаб бўлади. Объектив омиллар қаторига хукукий онг ва хукукий маданиятнинг етарли эмаслиги, ишлаб чиқаришни ташкил этишда йўл қўйиладиган камчиликлар, меҳнат муносабатларида иштирок этувчи шахслар манфаатлари ўртасида зиддиятлар юзага келиши ва бошқалар киради.

Айрим ходим ва иш берувчининг ўз хукуқларини суистельмол қилиши, корхона меҳнат жамоасида носоғлом маънавий-психологик мухитнинг юзага келиши каби ҳолатлар меҳнат низолари юз беришининг субъектив омиллари бўлиши мумкин.

Меҳнат соҳасида ходим ва иш берувчи ўртасидаги якка меҳнат ихтилофлари, қоидага кўра, ҳар икки тарафнинг музокаралиари, ўзаро келишувлари орқали тинч йўл билан ҳал этилиши лозим. Аммо бундай келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилмаса, у ҳолда меҳнат низоси қонунда белгиланган тартибда махсус органлар томонидан кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозим бўлади.

Меҳнат низолари деганда, иш берувчи билан ходим ўртасида меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ҳамда меҳнатга оид бошқа шартномаларни қўллаш, шунингдек янги меҳнат шартларини белгилаш ёки мавжуд шартларини ўзгартириш масалалари юзасидан келиб чиқадиган келишмовчиликлар тушунилади.

Меҳнат низолари Меҳнат кодексининг «Меҳнат низолари» деб аталувчи 15-бобидаги моддалар асосида ҳал этилади. Бундан ташқари, меҳнат низоларини кўришда судлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси нормаларини қўллаш баробарида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Судлар томонидан меҳнат шартномаси (контракти)ни бекор қилишни

тартибга солувчи қонунларнинг қўлланилиши ҳақида»ги 1998 йил 17 апрелдаги 12-сонли қарори кўрсатмаларига ҳам амал килади.

Мехнат низолари турли сабаблар оқибатида келиб чиқади. Жумладан, низонинг юзага келишига қўйидагилар сабаб бўлади:

1) айрим мансабдор шахслар, шунингдек баъзи ходимлар онгода сақланиб келаётган ўтмиш қолдиклари;

2) айрим мансабдор шахсларнинг, шунингдек баъзи ходимларнинг меҳнат қонунчилигини билмаслиги;

3) корхоналарда ташкилий-хўжалик ва тарбиявий ишларда учрайдиган камчиликлар (масалан, ходимлар меҳнат шароити, уларнинг оила аъзоларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш билан боғлик низолар);

4) ташкилий-техникавий характердаги камчиликлар (масалан, корхонада меҳнатнинг тўғри ташкил этилмагани, илмий жиҳатдан асосланган маҳсулот ишлаб чиқариш нормасининг йўклиги ва ҳоказолар);

5) айрим ҳуқуқий нормаларнинг бозор иқтисодиёти шароитда тобора тараққий этиб бораётган ишлаб чиқариш шаклларидан орқада колиши (масалан, корхонада янги технология жорий қилиниши натижасида пайдо бўлган янги касб, таъриф-малака маълумтономасида кўрсатилмаган малакага оид тавсифномалар йўклиги ва ҳоказолар);

6) меҳнат бозорини ташкил қилиш борасидаги камчиликлар.

Мехнат низолари предметига қараб икки гурӯхга ажратилади:

1) меҳнат ҳуқуқи нормаларининг муайян ижтимоий муносабатларга татбиқ этилиши билан боғлик низолар (масалан, ходим билан меҳнат шартномасини бекор қилиш, бошқа ишга ўтказиш, асосий иш вақтидан ташқари бажарилган иш учун ҳақ тўлашга доир низолар);

2) конунлар ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинмаган янги меҳнат шартларини ўрнатиш билан боғлик низолар (масалан, маҳсулот ишлаб чиқариш нормасини қайтадан кўриб чиқиш, жамоа шартномаси, келишувини тузиш билан боғлик низолар).

Меҳнат низолари мазмунига қараб икки турга бўлинади: даъволи ва даъвосиз низолар. Даъволи низоларнинг предметини

ходимларнинг меҳнат хуқуқларини тан олиш ёки уни тиклаш ташкил этади. Ходимнинг бундай меҳнат хуқуқи аввал бошдан қонун ёки бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар, шунингдек жамоа шартномаси ёки келишуви ва меҳнат шартномаси билан белгиланган бўлади. Бундай ҳолларда ходим ўз меҳнат хуқуқларини ёки қонун билан мустаҳкамланган қонуний манфаатларини қайта тиклашни талаб этади (масалан, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ходимни қайта ишга тиклаш ёки фойдаланилмаган меҳнат таътиллари учун компенсация тўлаш ва ҳоказо).

Даъвосиз меҳнат низолари иш берувчи билан корхонадаги касаба уюшмаси кўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органлари ўртасида меҳнат шартларини ўрнатиш ёки ўзгартириш каби масалаларда намоён бўлади. Одатда, бу туркумдаги низолар тегишли қонунлар ёки бошқа айрим норматив-хуқуқий хужжатлар билан ҳал этилмаган масалалар юзасидан келиб чиқади. Бундай вақтда низо бевосита корхонада иш берувчи билан касаба уюшмаси ўртасида келишиш йўли билан ҳал этилади (масалан, корхонада янги ишлаб чиқариш нормасини белгилаш ҳақидаги низолар). Ушбу низоларнинг предмети муайян ходимга тегишли бўлмаслиги, балки корхона ходимларининг барчасига тааллуқли бўлиши мумкин.

Меҳнат низолари субъектига қараб якка тартибдаги ва жамоаларга доир низоларга бўлинади.

Меҳнат низолари обьектига кўра мулкий характердаги ва мулкий характерга эга бўлмаган низолар деб аталади.

Судлар томонидан кўриладиган меҳнат низолари икки тоифага бўлинади:

а) меҳнат низолари комиссиясида кўрилиши мумкин бўлган ва турли сабабларга кўра судга етиб келган низолар;

б) бевосита суднинг ўзи томонидан кўриб, ҳал этилиши белгилаб кўйилган низолар.

Биринчи тоифага мансуб меҳнат низолари ходимнинг хоҳишига кўра бевосита судга тақдим этилган бўлиши ёхуд комиссия чиқарган қарордан ходим ёки иш берувчи норози бўлгани туфайли судга мурожаат қилинган бўлиши ёхуд корхонада меҳнат ни-

золари комиссияси ташкил этилмаганлиги натижасида судга мурожаат қилинаётган бўлиши мумкин.

Мехнат низоларининг иккинчи тоифаси юзасидан манфаатдор шахс факат судгагина мурожаат қилиши мумкинлиги кўзда тутилган. Мехнат кодексининг 269-моддасига кўра, қўйидаги меҳнат низолари бевосита судда кўрилади:

1) агар ходимнинг иш жойида меҳнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;

2) улар меҳнат шартномасини бекор қилиш асосларидан қатъи назар ишга тиклаш тўғрисида, меҳнат шартномасини бекор қилиш вақти ва асослари таърифини ўзgartириш тўғрисида, мажбурий прогул ёки кам ҳақ тўланадиган ишни бажарган вақт учун ҳақ тўлашга доир бўлса;

3) улар ходим томонидан иш берувчига етказилган заарнинг тўланиши ҳақида бўлса;

4) улар меҳнат вазифаларини бажараётганда ходимнинг соғлиғига шикаст етказилгани оқибатидаги зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) ёки унинг мол-мулкига етказилган зарарни иш берувчи томонидан тўланиши ҳақида бўлса;

5) улар Мехнат кодексининг 78-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда ишга қабул қилиш рад этилганлиги ҳақида бўлса;

6) улар иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ёхуд ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан олдиндан келишиб ҳал этилган масалалар юзасидан келиб чиқсан бўлса.

Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади.

Мехнат низоси меҳнат низолари комиссиясида кўрилмаган деган важ билан ходимнинг аризасини кўриб чиқишини рад этишга йўл қўйилмайди. Мехнат кодексининг 268-моддасига кўра, қўйидаги шахслар меҳнат низосини судда кўриб, ҳал этишни сўраб мурожаат этишга ҳақли бўладилар:

1) ходим, касаба уюшмаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи;

2) меҳнатнинг хуқук бўйича инспектори;

3) иш берувчи, меҳнат низолари комиссиясининг қарорига рози бўлмаган тақдирда, шунингдек унга ходим томонидан етказилган зарарни қоплаш ҳақидаги низолар бўйича;

4) прокурор.

Меҳнат низоси юзасидан даъво қўзғаётган шахс ўз аризасини, қоида бўйича, жавобгар турган ердаги судга тақдим этиши керак. Даъво қўзғаш хуқукига меҳнат шартномаси тузган барча ходимлар эгадирлар. Даъво аризасига талабни асословчи хужжатлар (буйруқ нусхаси, далолатнома, маълумотнома ва бошқалар) илова қилинади.

Назорат учун саволлар

1. Меҳнат хуқуки қандай муносабатларни тартибга солади?

2. Меҳнат хуқуқининг аҳамияти нимада намоён бўлади?

3. Меҳнат шартномаси тушунчасига таъриф беринг.

4. Меҳнат шартномасини тузишда унга қандай талаблар қўйилади?

5. Иш вақти, дам олиш вақти ва меҳнат ҳақи миқдори қандай белгиланади?

6. Интизомий жавобгарлик деганда нимани тушунасиз? Унинг қандай турлари бор?

7. Меҳнатни муҳофаза қилиш билан ким шуғулланади?

8. Меҳнат низолари деганда нимани тушунасиз ва унинг қандай турларини биласиз?

Мавзууни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Иноятов А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат хукуки. Дарслик. – Т.: «Иктисолиёт ва хукуқ дунёси» нашриёти, 2002. – 384 б.

2. Турсунов Й. Меҳнат хукуки. Дарслик. – Т.: «Молия», 2002. – 280 б.

3. Усманова М.А., Турсунов Й. Меҳнат хукуки. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2006.

4. Й. Турсунов. Халқаро меҳнат хукуки. Дарслик. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 492 б.

5. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистон Республикасида меҳнат шартномалари (контракт). Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1–2-томлар. 1996. – 528 б.
6. Ш. Исмоилов, Б. Исрайлов. Меҳнат ҳукуки. Ўқув-услубий мажмуа. – Т.: ТДЮИ, 2010. – 168 б.
7. Б. Исрайлов, Д. Атажанова. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва уни ҳукуқий тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2012. – 98 б.
8. Гасанов М.Ю., Соколов Е.А. Ўзбекистоннинг янги меҳнат қонунчилиги. Меҳнат шартномаси (контракт). Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўқитувчи», 1999. – 512 б.
9. Турсунов Ю., Усманова М. Меҳнат ҳукуки. Услубий тавсиялар ва вазиятли масалалар тўплами. – Т.: Молия, 2001. – 228 б.
10. Й. Турсунов, Д. Мухаммедов, Ж. Оллонов. Меҳнат шартномаси ва меҳнат қилиш ҳукуқининг конституциявий кафолатлари. Рисола. – Т.: ТДЮИ, 2011. – 40 б.

7-мавзу. ОИЛА ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети.
2. Никоҳ тушунчаси ва никоҳ тузиш шартлари.
3. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбурияти.
4. Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
5. Фарзандликка олиш.

1. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети

Оила жамиятнинг асосий ҳужайраси ва ижтимоий таянчидир. Ҳар бир оиланинг бахтиёрги ва фаровонлиги пировард натижада жамиятнинг барқарорлиги, гуллаб-яшнаши ҳамда фаровонлигига олиб келади. Инсон шахсини шакллантиришда оила, шубҳасиз, дастлабки босқич вазифасини ўтайди, яъни оилада одамларнинг бир-бiri билан, жамият ва давлатга нисбатан муносабатига асос солинади. Шу билан бирга, оила жамият аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни миллий истиқбол foяси асосида тарбиялаш маскани сифатида катта аҳамиятга моликдир.

Оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ахлоқ-одоб ва ҳуқуқий қоидалар билан тартибга солинади. Оила ҳуқуқи ҳуқуқнинг мустақил соҳаси бўлиб, никоҳ, қон-қариндошлиқ, болаларнинг насл-насабини белгилаш, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан келиб чиқадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солади.

Батафсил айтганда, **оила ҳуқуқи** никоҳ тузиш тартиби ва шартлари, никоҳнинг тугатилиши, никоҳнинг ҳақиқий эмаслиги, оилада эр ва хотин ўртасида, ота-она билан болалар ўртасида, оиланинг бошқа аъзолари ўртасида келиб чиқадиган шахсий ва мулкий муносабатларни, фарзандликка олиш, васийлик ва ҳомийлик, болаларни оиласа тарбияга олиш туфайли келиб чиқадиган муносабатларни, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тартибларини белгилайдиган ҳуқуқий нормалар йи-финдисидан иборат.

Оила ҳуқуқи моҳиятини очиб беришда унинг тушунчаси, предметининг ўзига хос хусусияти ва унинг энг муҳим тамойилларини

инобатга олиш лозим, шу орқали оила хуқукининг ўзига хос хусусиятлари намоён бўлади.

Оиланинг жамиятнинг асосий бўғини эканлиги, аввало, унинг жамият манфаатлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигида ҳамда ижтимоий вазифаларида яққол акс этади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хуқуқига эга», деб ёзилган.

Маълумки, оила ҳаётнинг абадийлигини таъминлайди, ворислар ота-она бошлаган ишни давом эттиришни амалга оширувчи муқаддас даргоҳ. Бу даргоҳ миллатнинг урф-одатларини сақлашга кўмаклашади. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов: «Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат баркарордир», деб оиласа юксак баҳо берган эди.

Ёшларга оила хуқуқини ўргатишдан асосий мақсад уларни келажакка, турмушга тайёрлаш, ўз касбларига олган билимини жорий этиш кўнкимасини ҳосил қилиш. Уларда оила қонунчилиги ҳақида чуқур билимни шакллантириш, қонуннинг тамойилларини ўргатиш ва оилавий-хуқукий муносабатлар доирасидан келиб чиқадиган муаммоларни ечишда олинган билим билан ҳал қила олишни ўргатишдан иборат.

Ҳар бир фаннинг ўз предмети бўлгани каби оила қонунчилиги ҳам ўз предметига эга. Оилавий хуқук нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар – оила хуқукининг предметини ташкил қиласи. Оила хуқуки муносабатига кирадиган унинг предмети Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 5-моддасида берилган. Унга кура, оила тўғрисидаги қонун хужжатлари никоҳ тузиш, никоҳнинг тугатилиши ва уни ҳақиқий эмас деб топиш шартлари ва тартибини белгилайди. Оила аъзолари: эр-хотин, ота-она ва болалар (фарзандликка олувчилар ва фарзандликка олингандар) уртасидаги, оила тўғрисидаги қонун хужжатларларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада эса, қариндошлар ҳамда ўзга шахслар уртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни, шунингдек ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни оиласа олиш каби масалаларни тартибга солади.

Оила ҳуқуқи оила аъзолари ўртасидаги шахсий номулкий ва мулкий муносабатларни тартибга солади. Шахсий номулкий муносабатларга эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулот тури, касб ва турар-жой танлаш ҳуқуқлари киради.

Мулкий муносабатларга эса, эр ва хотиннинг никоҳ давомида ортирган умумий мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Мулкий муносабатларга ота-она ҳамда болаларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оила аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг алимент мажбуриятлари киради.

Оила қонунчилиги оила ҳуқуқи предметини ташкил қиласидан муносабатларни ифодалашда икки мезон, ўлчовдан фойдаланган. Биринчидан, қонун оила ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ҳуқуқий муносабат иштирокчилари доирасини белгилайди: булар оила аъзолари, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва доирада бошқа қариндошлар ва шахслар. Аммо бу кўрсатилган мезон-ўлчовлар етарли ҳисобланмайди. Оила аъзолари ўртасида ўзининг юридик табиатига кўра жуда кўп ва ҳар хил муносабатлар вужудга келиши мумкин. Бу муносабатлар маъмурий-ҳуқуқий, меҳнат-ҳуқуқий ва бошқа ҳуқуқий муносабатлар бўлиши мумкин. Бу муносабатларнинг қонуний биринчи мезон-ўлчовидан фойдаланиш билан бир вақтда иккинчи мезон-ўлчови ҳам белгиланган, яъни оила ҳуқуқи қонунчилиги факат оила аъзолари ўртасида вужудга келадиган шахсий номулкий ва мулкий характердаги муносабатларнигина тартибга солади.

Аммо оила ҳуқуқи предметини белгилаш учун бу мезон етарли ҳисобланмайди. Масалан, бир оилада яшаб турган опа-сингил, ака-укалар ўртасидаги қарз шартномаси тузилишида оила аъзолари ўртасида мулкий муносабатлар вужудга келади. Бу ҳуқуқий муносабатлар оила қонунчилиги билан эмас, балки фукаролик қонунчилигининг шартнома муносабатларини тартибга солиш асосида ҳал қилинади.

Амалдаги қонунчилик оиласвий-хуқуқий муносабатларни хуқуқий муносабатларнинг маҳсус, алоҳида тури деб хисоблаб, уни фуқаролик-хуқуқий муносабатлардан фарқ қилишини кўрсатади.

Бу фикрнинг исботи сифатида мамлакатимизда никоҳ-оила қонунчилиги совет давлати вужудга келган кунлардан бошлаб мустақил равишда ривожланганлигини келтириш мумкин.

Иқтисодий бозор муносабатларида бўлган давлатларда оиласвий-хуқуқий муносабатлар маҳсус никоҳ-оила қонунлари билан тартибга солинмасдан, балки фуқаролик қонунлари билан тартибга солинган. Бозор муносабатлари мавжуд бўлган жамиятда оиласвий муносабатлар мулкий муносабатлар доирасига киритилиб, фуқаролик хуқуки билан тартибга солинган. Бунинг асосий сабаби мулкий манфаатларнинг шахсий манфаатлардан устун туришидир.

Оиласвий-хуқуқий муносабатлар ўзининг баъзи бир белгилари билан фуқаролик-хуқуқий муносабатларга ўхшаб кетади. Бирок, бу ўхшашлик фақат ташқи кўринишдадир. Мазмунан оиласвий ва фуқаролик-хуқуқий муносабатлар ўртасида муҳим сифат фарқлари бор.

Фуқаролик-хуқуқий муносабатларнинг асосини мулкий муносабатлар, оиласвий-хуқуқий муносабатларнинг асосини эса, аксинча, мулкий бўлмаган номулкий шахсий муносабатлар ташкил этади. Шунга мувофик, фуқаролик хуқуқининг ҳамма нормалари, барча институтлари ўзининг белгиланган мақсади, аввало, мулкий муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлса, оила хуқуки эса, биринчи навбатда, шахсий муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Фуқаролик хуқуқида мулкий муносабатлар, асосан, муайян эквивалент баробарида белгиланадиган киймат, баҳо билан ифодаланадиган характерга эга. Бу белгилар оиласвий-хуқуқий муносабатларга тааллукли эмас.

Оила хуқуқининг предметига қариндошларнинг бир-бирiga нисбатан муносабатлари, масалан, қуда-андачилик, уларнинг ўзаро хуқуқ ва мажбуриятлари ҳам киради. Оила хуқуқининг предметига яна оила аъзоларининг иштирок этиши билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар ҳам киради. Улар ўртасида-

ги никоҳ, қариндошлиқ, фарзандликка олиш, ҳомийлик ва васийлик муносабатлари ҳам оила ҳуқуқи билан тартибга солинади. Масалан, Оила кодексининг 73-моддаси болани тарбиялаш, унга таълим беришга бўлган ҳуқуқи ота-онанинг бошқа шахслар ўртасида вужудга келадиган мутлақ муносабатдан, яъни ҳеч ким томонидан болага берилаётган тарбияга аралашмаслик, унга халақит бермаслик каби шахсий ҳуқуқини амалга оширишга ижозат беради.

2. Никоҳ тушунчаси ва никоҳ тузиш шартлари

Никоҳ оиланинг вужудга келишида бирдан-бир асос бўлгани боис у фақат ахлоқ нормалари билан эмас, балки маҳсус қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддаси иккинчи кисмига кўра, никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади. Никоҳ орқали шаърий йўл билан жуфт бўлиб яшашнинг бир қанча фойдаси бор. Никоҳ ахлоқий ва жисмоний по-кликини талаб қиласди. Никоҳ аҳди инсонларга масъулият юклайди. Чунки, оиласда эрнинг ҳам, аёлнинг ҳам ўз вазифалари бор, улардан ҳар бири ўз вазифасини тўла адо этишга масъулдир. Никоҳ туфайли ота-она ўзидан сўнг зурриёд қолдириб, инсон насли давом этишига сабаб бўлади.

Никоҳ деганда бу никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган эркак билан аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланган, қонуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ва мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оиласвий турмушда туғилган болаларни миллий истиқлол мафкураси тоялари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиласдиган, умуминсоний қадриятлар ва шарқона анъаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган иттифоқ тушунилади¹.

Оила қуришга асос бўлган омиллардан бири никоҳ мотивларидир.

¹ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.164.

Хўш, ёшлар қандай мотивлар асосида оила қурадилар? Улар: севги асосида, яъни ёшлар оила куришдан аввал бир-бирларини севиб, маълум бир муддат севиб-севилиб юрганларидан сўнг шу ўзаро севгининг маҳсули сифатида бир-бирларининг висолига тўй килиб, оила куриб етишадилар. Мотивларнинг иккинчи классификацияси – моддий ёки ўзга манфаатдорлик туфайли оила қуриш. Бунда ёшлар оила қуарар эканлар, ниманидир хисобга олган ҳолда, маълум бир мақсадни кўзлаб оила қуришлари мумкин.

Никоҳ мотивлари классификациясидан яна бири – стереотип бўйича оила қуриш деб аталади. Бу тоифа ёшларда олдинги мотивларнинг иккаласи ҳам кузатилмаслиги мумкин. Улар оила қуарар эканлар, стереотипларга қарайдилар. Бундай ёшлардан нима учун оила қурганликлари сўралса, одатда, «Ҳамма тенгдошларим уйла-наётганди, мен ҳам уйландим!» ёки «Ҳамма дугоналарим турмушга чиқишаётганди, мен ҳам турмушга чиқдим!» қабилида жавоб берадилар.

Никоҳ тўғрисидаги қоидалар Оила кодексида атрофлича ифодаланган. Никоҳ тушунчалиси амалдаги оила қонунчилигига эмас, фактат ҳукуқий адабиётларда берилган. Никоҳ тушунчалиси мусулмон ҳукуқ илмида ҳар тарафлама ишланган. Ҳукуқ илмининг вакиллари никоҳга ҳар хил тушунчалар берадилар. Аммо бу тушунчалар шаклан фарқланиб, мазмунан ўз маъносини саклаб қолади¹. Бу таърифларда уни юридик далолатнома деб ҳисоблаб, биринчи навбатда, оиласинг табиий-биологик томонига эътибор берилиб, асосий моддий-иктисодий вазифаси четлаб ўтилади. Махсус ҳукуқий адабиётларда ҳукуқшунос олимлар томонидан никоҳга таъриф берилган.

Бу таъриф асосида ўша даврда мавжуд бўлган тузум ва мафкура ғоялари ётади. Республикаизда бозор иктисодиётига ўтилаётган даврда ва мустақиллик ҳамда миллий истиқлол мафкураси ғояларига асосланиб биз ҳам никоҳга янгича таъриф беришга ҳаракат қилдик: бу тушунча, никоҳ ёшига етган, бир-бирини севадиган ва қонунга мувофиқ оила қуришни истаган эркак билан

¹ Хидоя. Комментарии мусульманского права. Т., «Узбекистан», I-том, 1994. – С.121. Торнау Н. Мусульманское право, СПБ., 1950. – С.147.

аёлнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хукуклилигига асосланган, конуний расмийлаштирилган, ўзаро шахсий ва мулкий хукуқ ва мажбуриятларни вужудга келтирадиган, оиласи турмушда туфилган болаларни миллий истиқлол мафкураси фоялари асосида муносиб тарбиялашга хизмат қиладиган, умуминсоний қадриятлар ва шаркона анъаналарга асосланган мустаҳкам, бир умрга тузилган иттифокни англатади¹.

Никоҳга шариат илмида ўзига хос ёндашув мавжуд. Шариат бўйича никоҳ шартномага ўхшаб кетса-да, ундан фарқ қилган. У умрбодга тузилади. Шариат муддатли шартларга йўл қўймаган. Агар никоҳ аҳдида муддатли шартларда маълум хафта, ой ёки йилга йўл қўйилган бўлса, бундай никоҳ ҳакиқий эмас, деб саналган.

Шариат бўйича никоҳдан ўтиш учун никоҳдан ўтувчилардан бир қатор шартларга риоя килиш талаб этилган. Улар:

биринчидан, никоҳдан ўтувчиларнинг ўзаро розилиги;
иккинчидан, никоҳ ёшига тўлиш;
учинчидан, никоҳни гувоҳлар иштирокида тузиш;
тўртинчидан, келин учун қалин ва маҳр тўлаш;
бешинчидан, диний эътиқод бирлиги;
олтинчидан, никоҳдан ўтадиганлар яқин қон-қариндош бўлмаслиги;
еттинчидан, табақа бўйича тенглик;
саккизинчидан, никоҳдан ўтивчиларнинг руҳий жихатдан соғлом бўлиши.

Никоҳдан ўтаётган эркак ва аёл оила куришга тайёр бўлишлари керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчилар фарзандларини соғлом, одобли, мард, иродали, фурурли, эркаклик масъулиятини сезадиган, меҳнатсевар қилиб тарбиялашлари лозим. Ўғил болалар аёллар ҳақида кенг ва чуқур тасавурга эга бўлишлари керак.

Йигитлар уй-рўзгор ишларини, бозор-ўчар қилишни билишлари, оиласи тарбиялашлари етадиган вафодор, аёлманд, болажон

¹ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг хукукий тартибга солиниши. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – Б.164.

бўлишлари мақсадга мувофиқ. Кизларни оилавий ҳаётга тайёрлаб, уларни соғлом, одобли, катталарни ҳурмат қиласиган, ифратли, номусли, ҳаё-иболи, меҳнатсевар, уй-рўзгор ишларини олиб борадиган, меҳмондўст уй бекаси даражасига етказиш баҳтли турмушнинг кафолатидир.

Ўзбекистон Республикасида никоҳни унинг ижтимоий моҳияти ва мақсадига кўра ҳамда оилани мустаҳкамлаш эҳтиёжини, ёш авлоднинг ахлоқи ва сиҳат-саломатлигини ҳисобга олиб, бир қатор шартларга риоя қилган ҳолда тузиш зарурлиги белгиланди. Бу талаблар никоҳдан ўтиш шартлари деб юритилади. Улар қўйида-гилардан иборат:

— никоҳ тузиш ихтиёрийдир. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси 14-моддасида никоҳ тузиш учун бўлажак эр-хотин ўз розилигини эркин ифода этиш қобилиятига эга бўлиши кераклиги, никоҳ тузишга мажбур қилиш тақиқланиши қайд этилган.

— бизнинг жамиятимизда аёл билан эркакнинг оилавий муносабатларда тенг хукуқлилиги белгиланган. Унга кўра, никоҳ эр-как билан аёл ўртасидаги тенглик ва ўзаро ҳоҳиш асосида тузилган эркин иттифоқ бўлиб, мақсади оила қуриш, фарзанд кўриш, уларни жамиятнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашдан иборат. Барча хукуқий муносабатларда эр-хотин хукуқнинг тенг субъекти ҳисобланиб, уларга баб-баравар хукуқлар берилади ва тегишли мажбуриятлар ҳам юкланади. Ўзбекистонда эр ва хотин расмий жиҳатдангина эмас, балки оиласда ҳам тенг хукуққа эгадир. Оила хукуқига асосан эр-хотин умумий хўжалик ишларини биргаликда, ўзаро ҳамжиҳатлик асосида олиб борадилар.

Никоҳланувчиларнинг ўзаро розилиги никоҳ тузишнинг муҳим шартларидан биридир. Никоҳни ўзаро розилик асосида тузиш шарти унинг ихтиёрийлик ва тенглик тамойили асосида вужудга келганлигини таъминлаш билан бирга, оиласнинг барқарор ва мустаҳкам бўлишига ҳам имконият яратади. Никоҳнинг эркин тузилиши учун берилган розилик чинакам бўлиши, у қўрқитиш, зўрлаш, алдаш ёки никоҳланувчиларнинг бири ёхуд ҳар иккисига рухан таъсир этилган ҳолатда берилган бўлмаслиги лозим.

Никоҳга кирувчиларнинг, кўп ҳолларда, қизларнинг розилиги ни олмай, олдиндан фотиха қилиш, қалин олиш ҳоллари, ёшлар-

ни севмаган кишиларига турмушга мажбур қилиб, уларнинг бахтига зомин бўлиш бунинг мисолидир. Бундай хатти-ҳарақатлар кўпинча мулоҳазалари тор, турли хил салбий қарашлар онгидаги чуқур ўрнашиб қолган шахслар орасида учрайди. Зўрлаш, қўркитиш, алдаш ким томонидан содир этилган бўлмасин, барibir никоҳнинг ҳақиқий эмас, деб топилишига сабаб бўлади.

Никоҳга киришнинг ўзаро розилик асосида бўлиши шарти нинг бузилиши унинг ҳақиқий эмас, деб топилишигагина эмас, балки файриконуний хатти-ҳаракат содир этиб, никоҳга киришга зўрлаган, алдаган ва қўркитган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга ҳам асос бўлади. Яъни, бундай қилмиш учун жавобгарлик Узбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 136-моддасида белгиланган.

— амалдаги қонунда никоҳ ёшининг белгиланганлиги. Никоҳ ёши эркаклар учун ўн саккиз ёш, аёллар учун ўн етти ёш этиб белгиланади. Лекин, Оила кодексида, алоҳида холларда, никоҳга киришни хоҳловчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан бир йилга камайтириши мумкинлиги назарда тутилган.

Қонунда никоҳ ёшининг эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш этиб белгиланган. Неча ёшдан никоҳга ўтишни уларнинг ўzlари ҳал қиласидар. Никоҳ хуқуқий муносабати табиий жараён бўлганлиги учун янги қонун илгари амалда бўлган никоҳ ёшини, яъни эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёшни саклаб қолди. Оила кодексида факат неча ёшдан бошлаб никоҳга кириш мумкинлиги белгиланган, аммо неча ёшдан бошлаб никоҳ тузиш мумкин эмаслиги белгиланмаган. Шунга кўра, никоҳдан ўтувчилярнинг ёшларидаги катта фарқ никоҳ тузишга монелик қилмайди. Бизнинг мамлакатимизда никоҳдан ўтувчилярнинг ёшлари ўтрасидаги катта фарқ камайиб бораётгани сезилмокда.

Айрим ҳолатларда оила қонунларнинг бир қанча шартларини бузиб ҳам тузилиши мумкин, бундай ҳолларда у ҳақиқий эмас, деб топилади.

Куйидаги ҳолларда қайд этилган никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилади:

а) никоҳ тузишнинг ихтиёрийлиги бузилиши;

- б) никоҳ ёшига қўйилган шартга риоя қиласли; в) якка никоҳлилик тамойилининг бузилиши;
- г) никоҳ насл-насаб шажараси бўйича тўғри туташган қариндошлар ўртасида, тувишган ва ўгай ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида тузилган бўлса;
- д) муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс билан тузилган никоҳ;
- е) никоҳга ўтиш вақтида оила қуриш мақсадининг сохталиги;
- ж) фарзандликка олган билан фарзандликка олинган шахслар ўртасида тузилган никоҳ;
- з) никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки ортирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС) ёки (ВИЧ инфекция) борлигини бошқасидан яширган бўлса, шу шахс никоҳни ҳақиқий эмас деб топишни талаб этишга ҳақлидир.

Демак, **никоҳ** – бу эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқ ва бу иттифоқнинг жамият, давлат томонидан тан олиниши ва маъқулланишининг тарихий шакли бўлиб, жамият никоҳ воситаси билан эркак ва аёл ўртасидаги табиий муносабатларни тартибга солиб туради, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар орасида ахлоқий, хукуқий мажбуриятлар ўрнатади.

3. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбурияти

Никоҳ фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органдарида рўйхатга олингандан бошлаб никоҳ тузганлар эр-хотин деб ҳисобланадилар ва шу пайтдан эътиборан улар ўртасида эр-хотинлик ҳуқуқ ва мажбуриятлари вужудга келади. Эр ва хотин ўртасида мулкий ва номулкий муносабатлар ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинади. Мулкий муносабатларда эрнинг ўз мулки, хотиннинг ўз мулки, умумий мулк, болаларга тегишли мулк ва бошқа мулклар вужудга келади.

Оила аъзолари ўртасидаги шахсий ва мулкий муносабатлар аҳамияти юқоридир.

Шахсий муносабатларга эр-хотиннинг фамилияси, болалар тарбияси, оила турмуши масалаларини ҳал қилиши, машғулот тури, касб ва турар-жой танлаш ҳуқуқлари киради.

Ҳукуқий-демократик давлат, эркин адолатли фуқаролик жамиятида мулкий бўлмаган номулкий шахсий муносабатлар асо-

сий белгиловчи, мулкий муносабатлар эса, бўйсунувчи ҳосила характерга эга. Оилавий муносабатлар йифиндисида мулкий бўлмаган шахсий муносабатлар устун булишининг сабаби, аввало, наслни давом эттириш ва болаларни тарбиялаш билан боғлиқдир.

Эр ва хотиннинг оилавий муносабатларда тенг хукуклилиги ва баб-баравар мажбуриятларга эга эканлиги мулкий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топган.

Эр-хотиннинг мулкий ҳукуқ ва мажбуриятларига иқтисодий мазмундаги масалалар киради. Оила кодексининг 23-моддасига биноан, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек никоҳ қайд этилгунга қадар, бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳол кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисбланади.

Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолиятидан, тадбиркорлик фаолиятидан ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек маҳсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қофозлар, пайлар, омонатлар, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлар ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисбланади.

Никоҳни тегишли тартибда қайд эттирмасдан туриб эр-хотин бўлиб яшаш уларнинг мулкини биргаликдаги умумий мулк деб топиш учун асос бўлмайди. Никоҳни қайд эттирмаган ҳолда бир

оила бўлиб яшаган шахсларнинг мулкий муносабатлари фуқаро-лик конунлари нормалари билан тартибга солинади.

Эр ёки хотиндан фақат биттасига тегишли бўлган ва у томонидан тасарруф этиладиган мулк хусусий мулк хисобланади.

Хусусий мулкка қўйидагилар киради:

эр ёки хотиннинг никоҳга қадар ўзларига тегишли бўлган мулки (масалан: уй, уй жиҳозлари, омонат кассасига қўйилган пул, қимматбаҳо қофозлар ва бошқалар);

никоҳ давомида ҳадя ёки мерос тариқасида олган мулклари;

тўй совғалари, агар улар эр ёки хотиндан бирининг шахсий фойдаланиши учун мўлжалланган бўлса (қимматбаҳо ва серҳашам буюмлар бундан мустасно);

эр ёки хотин томонидан олинган Давлат мукофотлари ва совғалар (масалан, олтин соат, мотоцикл, машина ва бошқалар);

эр-хотиннинг никоҳ тузишга қадар олган ҳадялари (келиннинг сепи ва ҳоказолар), бу буюмлардан турмушда биргаликда фойдаланишдан қатъи назар, уларнинг биргаликдаги умумий мулки таркибиға кирмайди;

эр-хотиннинг бирига никоҳга қадар тегишли бўлган ёки у никоҳ давомида ҳадя ёхуд мерос тарзида олган кўчмас мол-мулк, жумладан, уй-жой никоҳ давомида эр-хотиндан бирининг ёки иккаласининг маблағлари хисобига капитал равишда таъмирланганлиги ёки қайта курилганлиги суд томонидан аниқланган такдирдагина эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки деб хисобланиши мумкин.

Эр-хотиндан бирининг қарзи учун ҳақ унинг ўз хусусий мулкидан, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлганида эса, унга тегишли бўлган ҳиссадан ундирилиши мумкин.

Умумий қарз эр-хотиннинг иккаласи ёки улардан биттаси (иккичи томон билан келишилмаган бўлса-да), ёки бутун оила манфаатига қаратилган бўлади.

Шахсий қарзлар эса, бундай белгиларга эга бўлмайди. Қарзлар бўйича жавобгарлик эр-хотиннинг умумий мулкини бўлишда, ундан ташқари ҳам бўлиши мумкин.

Эр-хотиннинг вояга етмаган болалари харакатлари туфайли зарар кўрган томоннинг талаби эр-хотиннинг мулкидан ҳақ ундиришнинг алоҳида тури хисобланади. Ота-оналарнинг моддий жа-

вобгарлик масаласи фукаролик қонун ҳужжатлари нормалари асосида ҳал қилинади¹.

Келтирилган зарарни эр-хотиндан биттасининг хусусий мулкидан, шунингдек уларнинг биргаликдаги умумий мулкидан ундириш мумкин. Масалан, агар эр-хотин қайд этилган никоҳда бўлиб, алоҳида яшаётган бўлсалар, уларнинг вояга етмаган болалари моддий зарар келтирса, бу ҳолат улардан бирининг айби билан бевосита боғлиқ бўлса, унинг хусусий мулкидан ёки унга тегишли умумий мулкидан ҳақ ундириш мумкин. Бирок эр-хотиннинг никоҳдан ажралиб, алоҳида яшаши ёки ота-оналарнинг болалардан алоҳида яшаши эр-хотиннинг ёки улардан бирининг вояга етмаган ўз болалари келтирган зарарни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлмайди.

Эр-хотиннинг қонуний тартибдаги мулки уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган императив нормалар билан тартибга солинган мулкидир.

Эндиликда қонуний мулк тартибини сақлаб қолиш билан бир каторда мулкни шартномавий тартибга солиш мумкинлиги қонунлаштирилди. Эр ва хотин никоҳ шартномасига биноан ихтиёрий ва келишган ҳолда никоҳда бўлган даврида ёки улар никоҳдан ажратилган пайтларида ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқлаб олишлари мумкин.

Оила кодексининг 29–36-моддаларида эр-хотинларнинг қонуний мулкидан ташқари эр ва хотин мол-мулкининг шартномавий тартиби ҳам белгиланди. Бунинг сабаби бозор иқтисодиётини янада чукурлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва хусусий мулкчилик мавжудлиги билан боғлиқ.

Никоҳ шартномаси деб, никоҳланувчи шахсларнинг ёки эр ва хотиннинг никоҳда бўлган даврида ва (ёки) эр ва хотин никоҳдан ажратилган тақдирда уларнинг мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи келишувига айтилади.

Никоҳ шартномаси фукаролик шартномасининг алоҳида тури сифатида кўрилиши лозим, чунки унда эр-хотиннинг мол-мулки

¹ Кузнецова Л.Г., Шевченко Я.Н. Гражданко-правовое положение несовершеннолетних, «Юридическая литература». – М.: 1969. – С.109, 122–125.

хуқуқий табиатини белгилаш ва ўзгартиришни назарда тутади. Никоҳ шартномасининг ўзига хос хусусияти шундаки, у комплекс характерга эга эканлиги, ўзида нафақат эр-хотиннинг мол-мулкини вужудга келтириш ёки унинг хуқуқий тартибини ўзгартириш, шу билан бирга, эр-хотиннинг бир-бирига моддий таъминот берини ҳам тартибга солишини белгилаб бериши мумкин.

Никоҳ шартномасининг предмети эр-хотиннинг мулкий муносабатлари дидир. Никоҳ тугатилгандаги мулкий муносабатлар бундан мустасно. Шахсий номулкий муносабатлар шартнома предмети бўлолмайди.

Никоҳ шартномасининг обьекти эр-хотиннинг никоҳгача ва никоҳ даврида орттирган мулклари ҳамда уларнинг хуқуқий тартибга солинишини ўз ичига олади. Эр-хотиннинг мулкий муносабатлари Оила кодекси нормалари билан тартибга солинади.

Никоҳ шартномасининг афзаллиги шундаки, у мулкий муносабатларни тартибга солиш орқали оилани мустаҳкамлайди, эр-хотинни бир-бирига тегишли мулқдан тўғри фойдаланишга ва уни яхши сақлашга, мулкий мажбуриятларини ўз вақтида бажаришга ундайди.

Эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мол-мулкига шартномавий муносабатлар татбиқ этилиши умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 216-моддаси 1-бандида белгиланган. Оила хуқуқининг нормалари эса, уларни ҳар тарафлама кенгайтириб берган: никоҳ шартномасининг хуқуқий табиати; уни тузиш шакли; никоҳ шартномасининг мазмуни; уни ўзгартириш, тасарруф этиш, ҳақиқий эмас деб топиш асосларидан иборат.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномаси ўз мазмунига кўйидагиларни киритади: эр ва хотин никоҳ шартномасига кўра биргаликдаги умумий мулкининг конунда белгиланган тартибини ўзгартиришга; эр ва хотиннинг барча мол-мулкига, унинг айрим турларига ёхуд эр ва хотиндан ҳар бирининг мол-мулкига нисбатан биргаликдаги улушли ёки алоҳида эгалик қилиш тартибини ўрнатишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномаси эр ва хотиннинг мавжуд мол-мулкига нисбатан ҳам, бўлғуси мол-мулкига нисбатан ҳам тузилиши мумкин.

Никоҳ шартномасига асосан эр-хотин қонунда йўл қўйиладиган барча мулкий шартномавий муносабатларга ўзаро киришишга ҳақлидир.

Никоҳ шартномасининг шаклига тегишли ҳисобланган ўзаро боғланган икки тараф ҳам: ўз ҳуқуқидан ўз хоҳиши бўйича эркин тасарруф этиш ҳуқуки; эр ва хотиннинг ҳар бирининг мулкий ҳуқуқларининг бузилишини бартараф этиш; меҳнатга лаёқатсиз, муҳтож эр ёки хотиннинг мулкий ҳуқуки бузилишини бартараф этиш; эр-хотиннинг мулкий ҳуқуқини таъминлаб, маълум барқарорликни сақлаб қолиш; нафақат жисмоний шахснинг, хатто, давлатнинг ҳам мулкий манфаати кафолатланишига риоя қилишига имкон беради.

Хулоса қилиб айтганда, миллий қонунчилигимизга никоҳ шартномасининг кириб келиши, эр ва хотин мулкининг шартномавий асоси бўлиб, аввало, оиласарнинг барқарорлигини таъминлаш, оиласий муносабатларни яхшилаш, оиласада ўзаро низолар келиб чиқкан тақдирда, уларни қонунан ҳал этишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

4. Ота-она ва болаларнинг ҳуқук ва мажбуриятлари

Оила институтини янада такомиллаштириш, ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар иштирокчиларининг барча ҳуқук ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини ривожлантириш кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Мулкка нисбатан бўлган муносабат шахснинг жамиятдаги мавқеини, эркинлигини, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий ва сиёсий тизимини белгилайди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси барча мулклар қатори хусусий мулкни ҳимоя қилинишига муҳим ўрин ажратган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси 13-бобининг 90–95-моддалари оиласадаги мулкий муносабатларни тартибга солган. Оила кодексининг 90-моддасига биноан, ота-она ҳаётлигига болалар уларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқукига эга эмас. Ота-она ҳам вояга етмаган болаларнинг мол-мулкига нисбатан мулкдор бўлиш ҳуқукига эга эмас. Ота-она ва

болаларнинг улар ўртасидаги умумий мол-мулкка бўлган мулк хукуқи Фуқаролик кодекси 18-бобининг 216–227-моддалари билан тартибга солинади.

Оила кодекси 90-моддасининг 2-қисмига мувофиқ, вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган микдорда ва тартибда таъминот олиш хукуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфидан бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун хужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади.

Оила кодексининг 91-моддасига биноан, ота-она ва болаларнинг алоҳида-алоҳида мулки бўлиши мумкин ва бирга яшаб турганда улар бир-бирларининг розилиги билан бундай мулкка эгаллик қилишлари ва ундан фойдаланишлари мумкин.

Болалар мулкдорлик хукуқига эга. Бу ҳолат болага бўлган эътиборни, хукуқнинг мустақил субъекти эканлигини англатади. Вояга етмаган болаларнинг мулкка бўлган хукуклари йиғма характерга эга бўлган хукуклар бўлиб, уларнинг ҳар бирига Оила кодексида алоҳида эътибор берилади. Буларнинг ичиди, биринчи навбатда, ҳар бир вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган микдорда ва тартибда таъминот олиш хукуқига эга эканлиги ётади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 64-моддасига биноан, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар.

Бундай хукуклар, энг аввало, болаларнинг муҳим ҳаётий эҳтиёжлари (озиқ-овқат, кийим-кечак, турар-жой ва бошқалар) биринчи навбатда ота-оналари, оиласи ёки уларнинг ўринини босувчи оила аъзолари томонидан амалга оширилади.

Оилада болаларга таъминот беришнинг бир қанча манбалари мавжуд. Вояга етмаган болаларнинг нормал ҳаётий эҳтиёжини қондириш учун ота-онаси, фарзандликка олувчилар иш ҳақининг маълум қисми жалб этилади; болаларга тегишли бўлган алиментлар, агар ота-оналар (улардан бири) уларнинг моддий таъминотидан ха-

бар олмаса, конун йўли билан болаларга тегишли бўлган пенсиялар, ҳар хил нафақалар ундирилади. Юкорида таъкидланганидек, вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, нафақа унинг отаси ёки онаси тасарруфида бўлади ҳамда боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланади.

Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиқадиган мулкий низолар суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади. Ўн тўрт ёшга тўлмаган кичик ёшдаги вояга етмаган болалар ўз ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш муомаласига эга эмаслар. Уларнинг ота-оналари эса, низо муносабати билан ишда тараф сифатида иштирок этганликлари сабабли вояга етмаган болаларнинг қонуний вакили сифатида иштирок эта олмайдилар. Шу сабабдан кичик ёшдаги болаларнинг мулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваййлик ва хомийлик органлари томонидан қонуний вакил сифатида амалга оширилади.

Оилада ота-она ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, табиийки, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, бир-бирини қўллаб-кувватлаш, ҳамжиҳатлик ҳамда ихтиёрийликка асосланган бўлишини тақозо этади. Акс ҳолда, конун чиқарувчи вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ўз ота-онаси тўғрисида ғамхўрлик қилиш, шунингдек, ёрдамга муҳтоҷ меҳнатга лаёқатсиз ота-оналарига моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан озод қилмайди.

Ота-онанинг фарзанд олдидағи бурчлари: фарзандга чиройли исм қўйиш; инсоний хислат ва фазилатларни таркиб топтириш; саводини чиқариш; иқтидорига қараб ривожлантириш; касб-хунар ўргатиш; уйлантириш, турмушга чиқариш; уй-жой билан таъминлаш; фарзандлар орасидаги мерос таксимотида адолатли бўлиш.

Фарзанднинг ота-она олдидағи бурчлари: ота-онанинг насиҳатларига қулоқ солиш, меҳрибон, ғамхўр бўлиш, ота-онага ва оила ишларига ҳам маънавий, ҳам иктиносий ёрдам бериш; одобахлоқда, ишда, илм-хунар ўрганишда ўrnak бўлиш; ота-оналарнинг нимага муҳтоҷ эканликларини қалбан ҳис қилиш, уларнинг орзу-ниятларини амалга ошишида ёрдам бериш; оила аъзоларига иззат-хурмат билан қараш, ўз бурчларини масъулият билан баражиши.

Оилавий тарбия мураккаб, у ўзига хос хусусиятларга эга. Ҳар бир ота-она фарзандларини тарбиялаш борасидаги бурч ва масъулиятларини англашларига боғлиқ. Бунда нормал, соғлом оилавий мухит, ота-онанинг обрўси, тўғри кундалик режим, фарзандни ўз вақтида билим олишга, ўқишга, китобларга, меҳнат қилишга жалб қилишлари ҳам аҳамиятли хисобланади. Аввал ҳам, ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам таъкидланганидек, ақлли, фаросатли, тафаккургага бой, фазилатли инсоннинг тарбияси оиласдан бошланади. Оилада тарбия ишларини тўғри амалга ошириш учун, энг аввало, ота-онанинг ўзи тарбияланган бўлиши лозим. Ота-онанинг дид-фаросати, қизиқиши, эҳтиёжлари, интилишлари, мақсад ва вазифалари, биргаликда билим олиши, ишлаши, дам олиши, зиддиятларни, муаммоларни ўзаро тушуниб, ҳал эта олишлари, фарзандларни болалигидан бошлаб мустақилликка, одамлар билан ижобий муносабатга ўргатиб борилиши мустахкам, соғлом оила мухитини вужудга келтиради.

Оилада эркак ва аёл қонунан тенг ҳуқуқли, лекин уларнинг биологик, жисмоний ва руҳий тузилиши нуқтаи-назаридан бундай тенглик йўқ. Шунинг учун эркак ва аёлнинг вазифалари, фарзандларни тарбиялаш, оила меҳнати ва юмушлари тақсимоти мосалаларида бир мунча тафовутлар мавжуд.

Ота-онанинг болалар ёрдамига мухтоҷлиги уларнинг маблағлари (иш ҳаки, пенсия ва шу кабилар) ўзларининг моддий шароитларини тирикчилик минимуми даражасида саклашлари учун етмаган вақтда юзага келади. Ёрдамга мухтоҷ, меҳнатга лаёқатсиз ота-онага алимент тўлаш тўғрисидаги келишув ота ёки онанинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида ёки ҳар иккаласи билан бирга тузилиши мумкин. Башарти, меҳнатга лаёқатсиз ота (она) муомала лаёқатига эга бўлмаса, тегишли келишувни унинг номидан қонуйи вакили тузади.

Ҳар бир меҳнатга лаёқатли бола ўз ота-онасига, шунингдек, фарзандликка олувчига ихтиёрий равишда моддий ёрдам бериши лозим. Агар улар бу ёрдамни сураб, судга мурожаат қилсалар, суд ота-онанинг ҳамма вояга етган, муомалага лаёқатли болаларидан алимент ундириб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси оила қонунчилигига вояга етмаган болаларнинг қўйидаги шахсий номулкий ҳукуқлари кўрсатилган: боланинг оиласда яшаш ва тарбияланиш ҳукуки; ота-онаси ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳукуки; ҳимояланиш ҳукуки; исм, ота исми ва фамилия олиш ҳукуки; исми ва фамилиясини ўзгартириш ҳукуки.

Ҳар бир бола оиласда яшаш ва тарбияланиш, ўз ота-онасини билиш, уларнинг ғамхўрлигидан фойдаланиш, улар билан бирга яшаш ҳукуқига эга, бола манфаатларига зид бўлган ҳолатлар бундан мустаснодир. Бола ўз ота-онаси томонидан тарбияланиши, ўз манфаатлари таъминланиши, ҳар тарафлама камол топиши, инсоний қадр-кимматлари хурмат қилиниши ҳукуқига эга. Боланинг ота-онаси бўлмагандан ёки улар ота-оналик ҳукуқидан маҳрум қилинганда ва бола ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бошқа ҳолларда унинг оиласда тарбияланиш ҳукуки васийлик ва ҳомийлик органи томонидан таъминланади.

Оила қонунчилигига биноан ҳар бир бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, ака-укалари, опа-сингиллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш ҳукуқига эга. Ота-онанинг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг бекор қилиниши ёки ҳақиқий эмас деб топилиши боланинг ҳукуқларига таъсир қилмайди.

Айрим ажрим оиласарда ота ёки она болани уларнинг бири билан кўришишга тўсқинлик қилади. Қонун эса, бола манфаатини ҳимоя қилиб, унга отаси-онаси билан кўришиш ҳукуқидан ҳеч ким ман қилишга ҳаққи йўқлигини билдиради.

Бола ўз ҳукуки ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳукуқига эга. Бола ҳукуқини ҳимоя қилиш деганда, боланинг бузилган ҳукуқини тиклаш, унинг ҳукуқларини амалга оширишда мавжуд бўлган тўсиқларнинг олдини олиш, бартараф қилиш тушунилади. Мисол учун, агар ота-она фарзандларини тўғри тарбия қилмаса, таълим-тарбия беришда қонун билан юклатилган вазифаларини бажармаса, ота-оналик ҳукуқларини суиистеъмол қилса, болаларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган деб хисобланади. Бундай ҳолатлардан хабардор бўлган васийлик ва ҳомийлик органлари болаларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш чораларини кўради. Бола исм, ота исми ва фамилиясини олиш

хуқуқига эга. Бу хуқук болага унинг туғилиши билан берилади. Ота-онага болага исм танлашда эркинлик берилган бўлиб, улар ўзлари хоҳлаган исмни беришлари мумкин.

Эр-хотиндан бирининг аризасига биноан боланинг исмини рўйхатдан ўтказишда иккинчисининг розилиги бўлганлиги фараз қилинади. Боланинг исмга, ота исмига ва фамилиясига бўлган хуқуки қонун билан кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгashi 1992 йил 9 декабрда «Бола хуқуқлари тўғрисидаги Конвенция»га кўшилиш ҳақида қарор қабул қилди. Бу қарорда болалар алоҳида ғамхўрлик ва ҳимоя хуқуқига эга эканлиги эътироф этилди.

Оила кодексининг 65-моддасида белгиланганидек, боланинг яشاши ва тарбияланиш хуқуки, аввало, бола ўз ота-онаси билан бирга яшаши мумкинлигини англаатади.

Фуқаролик кодексининг 21-моддасига биноан, ўн тўрт ёшга тулмаган вояга етмаганларнинг (кичик ёшдаги болаларнинг) ёки васийликда бўлган фуқароларнинг қонуний вакиллари, ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшайдиган жой вояга етмаганлар ёки васийликда бўлган фуқароларнинг яашаш жойи хисобланади. Табиийки, улардан катта бўлган ёшдаги вояга етмаган болалар ҳам улар билан бирга яшайдилар. Боланинг оиласида яашаш ва тарбияланиш хуқуки ўз ота-онасини билиш хуқуки билан мустахкам боғлиқдир. Бу ҳақда «Бола хуқуқлари тўғрисида»ги Конвенциянинг 7-моддасида тўғридан-тўғри белгилаб қўйилган. Бундай ҳолат вояга етмаган боланинг хуқуки суд тартибида оталик белгиланаётган вақтда (қўшимча шарт билан) инобатга олиниши мумкин.

Оила кодекси 66-моддасининг биринчи қисмига биноан, бола отаси, онаси, бобоси, бувиси, aka-укалари, опа-сингилллари ва бошқа қариндошлари билан кўришиш хуқуқига эга, ота-онасининг никоҳдан ажралиши, никоҳнинг хақиқий эмас деб топилиши ёки ота-онанинг бошқа-бошқа яшаши бунга таъсир этмайди. Отава она алоҳида яшаётган бўлсалар, у холда болаларнинг ҳар бири билан кўришиш хуқуқига эга. Ота-она турли давлатларда яшаётган бўлсаларда, бола улар билан кўришиш хуқуқига эга.

Оила кодексининг 67-моддасига биноан, бола ўз хуқуки ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш хуқуқига эга. Боланинг

хуқуқи ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш унинг ота-онаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар), амалдаги қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, васийлик ва ҳомийлик органи, прокурор ва суд томонидан амалга оширилади.

Вояга етмаган бола қонунга мувофик тўла муомала лаёқатига эга деб эътироф этилса, у ўз хуқуқ ва мажбуриятларини, шу жумладан, ҳимояга бўлган хуқукини мустақил амалга оширишга ҳақлидир.

Оила кодекси боланинг ҳимояга бўлган хуқукини белгилаб, янада кенгрок янгилик олиб кирди. Эндиликда вояга етмаган бола ота-она (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) томонидан килинадиган суиистеъмолликлардан ҳимояланиш хуқуқига эга.

Маълумки, ҳар қандай фуқаронинг хуқуки, шу билан бирга, вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқи суд тартибида ҳимоя қилинади. Оила кодексининг 68-моддаси боланинг ўз фикрини ифода этиш хуқукини белгилайди, бу ҳуқуқнинг ҳаракат доирасини аниқлайди, қандай ҳолатларда вояга етмаганларнинг фикри хисобга олиннишини ифода этади.

Оила кодексининг 69-моддасига биноан, бола исм, ота исми ва фамилия олиш хуқуқига эга. Болага исм ота-онанинг келишувига биноан, ота исми эса, отасининг исми бўйича берилади. Боланинг фамилияси ота-онанинг фамилиясига кўра белгиланади. Ота-она турли фамилияларда бўлсалар, ота-онанинг келишувига биноан болага отасининг ёки онасининг фамилияси берилади. Ота-она нинг ҳоҳишига кўра болага ота ёки она томонидан миллий анъана наларга биноан бобонинг исми бўйича фамилия берилиши мумкин. Ота-она ўртасида боланинг исми ва (ёки) фамилияси бўйича келишув бўлмаганди, келиб чиққан низо висийлик ва ҳомийлик органи томонидан ҳал этилади.

Оила ҳуқуқий муносабатларида ота-онанинг ўз болаларига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари муҳим ўрин тутади. Ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Ота-оналик ҳуқуқлари болалар 18 ёшга тўлганларида, шунингдек вояга етмаган болалар никоҳга кирғанларида ҳамда қонун билан белгиланган бошқа ҳолларда болалар вояга етмасдан тўла муомала лаёқатига эга бўлганларида тугайди.

Ота-онанинг бола олдидағи тенг хуқуқлилиги унга ғамхұрлық қилиш, таълим-тарбия бериш, уни парвариш қилиш ва ҳ.к. иборат-дир. Боланинг олдида ўз хуқуқларини бажариш ота-она учун фақат ахлоқий қоида бўлиб қолмай, балки конституциявий хуқуқ ва бурчдан биридир. Ота-она ўртасидаги ҳар қандай келишмовчилик уларнинг ҳар иккалалари ёки улардан бирининг талаби билан ваяйлик ва ҳомийлик ёки суд тартибида ҳал қилинади.

Оила қонунчилиги алоҳида вояга етмаган ота-онанинг хуқуқларини кўрсатган. Вояга етмаганлар оила қуришса, оиласда ўзлари ота-оналиқ хуқуқларини амалга оширишлари мумкин. Улар ўз болалари билан бирга яшаш ва унинг тарбиясида иштирок этиш хуқуқига эгадирлар.

Ота-она ўз болаларининг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишлари шарт. Ўн саккиз ёшга тўлмаган вояга етмаган болалар тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлмаганлари сабабли уларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш қонуний вакиллари бўлган ота-оналари ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар зиммасига юкланди.

Фуқаролик қонуни бўйича ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг муомала лаёқатига эга бўлмаслигини ва ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларнинг эса, қисман муомала лаёқатига эга эканликларини эътироф этиш керак. Демак, ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ваяйлар ўн тўрт ёшга тўлмаган болаларнинг хуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб, уларнинг вакили сифатида улар номидан ҳар қандай битимлар тузиш хуқуқига эгадирлар. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган болаларга тегишли фуқаролик-хуқуқий муносабатларда ота-оналар ўз болаларнинг ҳомийси сифатида иштирок этиб, болалар номидан битимлар тузмайдилар, аммо уларга битим тузишлари учун розилик берадилар.

Ота-оналиқ хуқуки болалар манфаатларига зид тарзда амалга оширилиши мумкин эмас. Шу билан бир қаторда, ҳар бир ота-она ўз боласини қонунга асосланмасдан ушлаб турган ҳар қандай шахсадан унинг қайтарилишини талаб қилишга ҳақли.

Оила тўғрисидаги қонунчиликда вояга етмаган болаларнинг мулкий хуқуқларини тўпловчи тушунча характеристига эга эканлигини инобатга олиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор берилган.

Оила кодексининг 90-моддасига биноан, вояга етмаган болалар ўз ота-онасидан ва бошқа шахслардан қонунда назарда тутилган миқдорда ва тартибда таъминот олиш ҳуқуқига эга. Вояга етмаган болалар таъминоти учун олинган маблағ, пенсия, алимент унинг отаси ёки онаси тасарруфидан бўлиб, боланинг таъминоти, тарбияси ва таълим олиши учун сарфланиши керак.

Вояга етмаган болаларнинг мол-мулкини тасарруф этишга доир ваколатлар амалга оширилаётганда фуқаролик қонун хужжатларида белгиланган қоидалар қўлланилади. Булардан ташқари, болалар мулк ҳуқуқига эга. Бу мулк совфа тарикасида олинадиган мулклар сирасига киради. Совфа, ворислик ҳуқуки асосида болалар ўз мулкларига эга бўлиши кенг тарқалган. Бундай мулк нафакат кариндошлардан, балки бошқа жисмоний шахслар, хатто, юридик шахслардан ҳам олинадиган мулк бўлиши мумкин.

Давлат ҳар бир шахсга, шу билан бирга, вояга етмаган болаларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга кўмаклашади. Оила кодекси 67-моддасининг иккинчи қисмига биноан, боланинг ҳуқуки ва қонуний манбаатларини ҳимоя қилишни унинг отонаси (уларнинг ўрнини босувчи шахслар) амалга оширадилар.

Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш деганда, боланинг бузилган ҳуқуқини тиклаш, унинг ҳуқуқларини амалга оширишда мавжуд бўлган тўсқинликларнинг олдини олиш, бартараф қилишлар тушунилади. Оила қонун хужжатлари томонидан ҳимоя қилинадиган обьект сифатида Оила кодексининг 65–70-моддаларида кўрсатилган вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқлари назарда тутилади. Бола ҳуқуқини, жамият аъзоси сифатида, ҳимоя қилиш маъмурий, фуқаролик, жиноят, меҳнат ва бошқа ҳуқуқ соҳалари нормалари билан ҳам амалга оширилади. Бола ўз ҳуқуқлари билан бир каторда ўзига тегишли бўлган қонуний манбаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқларига ҳам эгадир.

Ҳар бир фуқаро ўзининг ҳуқуқ ва манбаатларини ўзи ҳимоя қиласди. Аммо вояга етмаган ўн саккиз ёшга тўлмаган болаларнинг ҳуқуқлари ва манбаатларини уларнинг қонуний вакиллари бўлган ота-оналари, фарзандликка олганлар, васий ва хомийлар ҳимоя қиладилар, агар улар бу бурчларини бажармаса, давлат томонидан тегишли чора кўрилади. Ота-она оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин.

5. Фарзандликка олиш

Мустақиллик даврида давлатимизда ёшларга бўлган эътибор ва муносабат йил сайин кучайиб бормоқда. Чунки, улар юрт ишончи, келажак пойдевори, давлатимизнинг келгуси тақдирини белгиловчи шахслар саналади.

Вояга етмаган болаларнинг ҳуқук ва манфаатларини таъминлаш учун уларни фарзандликка олишга йўл қўйилади. Оила қонунчилигида мавжуд бўлган фарзандликка олиш институти ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шаклларидан бири хисобланади. Шу маънода фарзандликка олиш болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида вужудга келадиган муносабат саналади. Мазкур муносабат вояга етмаган, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан ихтиёрийлик асосида пайдо бўлиб, бевосита қонунга биноан биологик ота-оналийк ҳуқуқий мақомига тенглаштирилган.

Фарзандликка олиш Оила кодексининг 20-боби 151–172-моддалари билан тартибга солинади. Фарзандликка олиш муносабатларини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар ота-онаси бўлмаган ёки ҳар хил сабабларга кўра улар тарбиясидан маҳрум бўлиб қолган болаларга оиласи тарбияни таъминлаб, болалар ҳуқук ва манфаатларини қуриқлашга қаратилгандир.

Оила кодекси 151-моддаси биринчи қисмига биноан, фарзандликка олишга факат вояга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларинигина кўзлаб йўл қўйилади, яъни болаларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш фарзандликка олишнинг асосий шартидир. «Бола манфаатлари» дейилганда, биринчи навбатда, унинг жисмоний, руҳий ва маънавий ривожланиши учун тўлақонли шароит яратиш тушунилади. Фарзандликка олиш мутлак ихтиёрийдир.

Юридик адабиётларда фарзандликка олишнинг фарзандликка оловчи билан фарзандликка олинувчи ўртасидаги шартнома сифатида қаралиши мумкин эмаслиги ҳақида фикр билдирилади¹.

¹ Антокольская М.В. Семейное право. Учебник. – М.: Юристъ, 2003. – С.291.

Фарзандликка олишга оид муносабат шартномага ўхшаб кўринсада, аслида бу шартнома бўлмай, қонунда кўрсатилганидек, васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига асосан чиқариладиган ҳокимнинг қарорига кўра вужудга келади ва Низом¹ га кўра, фарзандликка олинган боланинг туғилганлиги тўғрисидаги ёзувлар дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти хисобланади.

Фарзандликка олиш – бу ўзганинг фарзандини ўз фарзандига тенглаштириб олишdir. Фарзандликка оловчилар билан фарзандликка олинганлар ўртасида туқкан ота-она билан болалар ўртасидаги каби ҳукукий муносабатлар вужудга келади. Фарзандликка олиш фарзандликка оловчи (ва унинг қариндошлари) ҳамда фарзандликка олинганлар (ва уларнинг бўлғуси авлодлари) ўртасида қонунда ота-она ва болаларга нисбатан белгиланган қонун ҳужжатларида маҳсус кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлигидан катъи назар, барча шахсий ва мулкий ҳукук ҳамда мажбуриятларни вужудга келтиради.

Фарзандликка олиш бу ҳукукий муносабатни вужудга келтирувчи ва бекор қилувчи акт хисобланади. Ўзининг белгиланган мақсади бўйича фарзандликка олиш институти жуда инсонпарвар институтдир. У ўз ота-оналаридан маҳрум бўлган ёки айrim сабабларга кўра ота-она тарбиясини ололмайдиган болаларга нормал оиласи тарбияни таъминлашга қаратилгандир.

Фарзандликка олиш шартларига, аввало, фарзандликка олиш учун қонун билан белгиланган шахсларнинг розиликларини киритиш мумкин. Бунда боланинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босадиган шахсларнинг розилиги, ўн ёшга тўлган болани ўзининг розилиги, агар эр-хотиндан биттаси томонидан фарзандликка олинаётган бўлса, фарзандликка олаётганинг эри ёки хотинининг розилиги тушунилади. Фарзандликка олишда боланинг розилиги васийлик ва ҳомийлик органлари ёки суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганда аникланади. Оила

¹ «Ўзбекистон Республикасида васийлик ва ҳомийлик тўғрисида»ги Низом. Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сонли қарорига илова.

кодексининг 159-моддасига кўра, болани фарзандликка олиш учун фарзандликка олинаётган бола ота-онасининг розилиги талаб этилди. Ота-онанинг боланинг фарзандликка олинишига розилиги нотариал тасдиқланган ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган бола жойлашган муассаса раҳбари томонидан ёки фарзандликка олиш амалга оширилаётган жойдаги ёхуд ота-она яшаб турган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органи томонидан тасдиқланган аризада баён этилган бўлиши керак, шунингдек фарзандликка олиш тўғрисида иш юритилаётганда бевосита судда баён этилиши мумкин.

Шунингдек, суд томонидан фарзандликка олиш тўғрисидаги ҳал қилув карори чиқарилгунига қадар ота-она боланинг фарзандликка олинишига берган розилигини қайтариб олиши мумкинлиги белгиланган.

Фарзандликка оловчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ ўн беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўгай ота ва ўгай она томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексида назарда тутилган қоидалар бўйича алоҳида иш юритиш тартибида, фарзандликка оловчилар (оловчи), васийлик ва ҳомийлик органлари вакиллари, шунингдек прокурор иштирокида суд томонидан кўриб чиқилади.

Фарзандликка олиш тўғрисидаги биринчи қарор суд тартибида бекор қилингандан кейингина боланинг такроран фарзандликка олинишига йўл қўйилади.

Фарзандликка олинган боланинг туғилишини қайд этиш дафтарига зарур ўзгартиришлар киритилган кун фарзандликка олишнинг вужудга келган вақти ҳисобланади.

Фарзандликка олинувчининг хулк-атвори фарзандликка оловчиларнинг шаъни ва қадр-кимматига путур етказаётган, уларнинг хаёти ва соғлиғига хавф солаётган бўлса, фарзандликка олинувчи вояга етганидан кейин фарзандликка олиш бекор қилинишига йўл қўйилади.

Фарзандликка олишни бекор қилишга факат суд тартибида йўл қўйилади. Фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги

ишлиарни ҳал қилишда ўн ёшга тўлган боланинг фикри ҳисобга олинади.

Суднинг фарзандликка олишни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган кундан бошлаб суд уч кун ичида ушбу ҳал қилув қароридан кўчирмани фарзандликка олинаётган боланинг туғилганлиги рўйхатга олинган жойдаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органига юборади.

Фарзандликка олиш бекор қилинганда фарзандликка олинувчи бола билан фарзандликка олувчиларнинг (фарзандликка олувчиларнинг қариндошлари) ўзаро хуқуқ ва мажбуриятлари тугатилади ҳамда бола билан унинг ота-онаси (ота-онанинг қариндошлари) ўртасидаги хуқуқ ва мажбуриятлар тикланади.

Назорат учун саволлар

1. Оила хукуқининг предметини айтиб беринг.
2. «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш хукуқига эга» деган жумлани изоҳланг.
3. Фарзандликка олиш тушунчаси ва унинг моҳиятини тушуниринг.
4. Оиласада эр ва хотиннинг teng хукуқлилиги нимада ифодаланади?
5. Умумий мулк нима?
6. Ота-онанинг шахсий номулкий хуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборат?
7. Боланинг оиласадаги хукуқий ҳолатини аниқланг.
8. Ота-оналар билан болаларнинг мулкий хуқуқ ва мажбуриятларини айтиб беринг.

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Отахўжаев Ф.М., Юлдашева Ш.Р. Оила хукуки. – Тошкент: ТДЮИ, 2007. – 280 б.
2. Топилдиев Б.Р. Оила хукуки. Ўкув-услубий қўлланма. – Тошкент: 2009.
3. Юлдашева Ш.Р., Шорахметова У.Ш., Топилдиев Б.Р. Оила хукуқидан ўкув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ, 2011.

4. Каражодаева Д.М., Шарахметова У.Ш., Кочергина Т.В. Семейное право. – Тошкент: ТДЮИ, 2010. – 388 б.
5. Каражодаева Д.М. Семейное право. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 280 б.
6. Юлдашева Ш.Р. Ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш. Рисола. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
7. Раҳмонкулова Н.Х. Ҳалқаро ҳусусий ҳуқуқда никоҳ муносабатларининг тартибга солиниши. – Тошкент: ТДЮИ, 2011.
8. Каражодаева Д.М., Имомов Н.Ф., Мехмонов Қ.М. Оила – жамият ва давлат таянчи. – Тошкент: ТДЮИ, 2012.
9. Каражодаева Д.М., Имомов Н.Ф., Юлдашева Ш.Р., Ашуррова Н.А. Оилани мустаҳкамлашда фуқаролик жамияти институтлари, маҳалланинг ўрни ва аҳамияти. – Тошкент: ТДЮИ, 2012.
10. Отакўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Т.: «Ўзбекистон», 1995. – 164 б.
11. Хидоя. Комментарии мусульманского права. Т.: «Ўзбекистон», 1-том, 1994. – 120 б.
12. Торнау Н. Мусульманское право, СПБ., 1950, – 148 б.

8-мавзу. ЭКОЛОГИЯ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, манбалари, та-
мойиллари ва тизими.
2. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати.
3. Алоҳида табиат объектларининг ҳуқуқий мақоми.
4. Экология назорати, унинг турлари ва амалга оширувчи орган-
лар.
5. Экологик экспертиза.
6. Атроф-мухитни муҳофаза қилишнинг иқтисодий-ҳуқуқий
механизмлари.
7. Экологик жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва турлари.

1. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, манбалари, тамойиллари ва тизими

Экология ҳуқуқи бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси-
нинг мустакил ҳуқук тизимида ўз ўрни ва салоҳиятига, алоҳида
йўналиш ва хусусиятларга эга бўлган ҳуқуқ соҳаси ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг
моҳияти тартибга солинаётган ижтимоий муносабатлар доираси
ва даражасига боғлиқ бўлади. Шу жумладан, экология ҳуқуки
ҳуқуқ тизимининг соҳаси сифатида тартибга солаётган ижтимоий
муносабатларнинг кенглиги, мураккаблиги, хилма-хиллиги ва ўзига
хос хусусиятлари билан бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ажралиб ту-
ради. Шу нуқтаи назардан ҳам бугунги кунда энг тез ривожланиб
бораётган фан соҳаларидан бири саналади.

Чунки, экология ҳуқуки томонидан ҳал қилинадиган муаммо
ва вазифаларнинг кўлами кенглиги, мураккаб ва аҳамиятлилиги
сабабли фақатгина жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, иқти-
садий, маънавий-маданий жабхаларида мавжуд бўлган барча во-
сита, чора-тадбирларни сафарбар қилиш орқалигиниа экологик
муносабатларни тартибга солиш мумкин. Буни бугунги кундаги
глобал ва минтақавий экологик муаммолар ҳам кўрсатиб бер-
моқда.

Демак, **экология ҳуқуқи** – табиат ва жамият тизимида пайдо бўладиган экологик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган кенг қамровли ва кўп тармоқли ҳуқук соҳаларидан бири бўлиб, табиат билан жамият ўртасида пайдо бўладиган ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий томондан тартибга солишни ўрганивчи фандир¹.

Кўриб турибмизки, экологик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда табиий қонуниятларнинг устуворлиги, ўз наебатида, экология ҳуқуқининг бошқа ҳуқук соҳаларидан фарқ қилувчи, ажralиб турувчи хусусиятлари мавжудлигини билдиради.

Ушбу хусусиятлар, **биринчидан**, экологик муносабатларни тартибга солишда табиат қонуниятларининг устунлигини таъминлаш; **иккинчидан**, жамият ҳаётида шаклланган экологик умуммажбурий тамойил, қоида-талабларни ижтимоий муносабатларни тартибга солишда қўллаш; **учинчидан**, экологик муносабатларни тартибга солиш механизмида конституциявий, маъмурий, меҳнат, жиноий, фуқаролик, хўжалик-ҳуқуқий чора-тадбирлардан фойдаланиш ва **тўртинчидан**, экологик муаммоларни ҳал қилишда жамият ҳаётида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий жабхаларнинг чора-тадбирларини кенг сафарбар қилиш билан белгиланади².

Экологик муносабатлар тизимида табиий ресурслар, яъни ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан фойдаланиш кенг ва муҳим ўринни эгаллайди. Чунки, жуда қадимдан инсон табиатдан фойдаланиб келмоқда ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг микдори, муддати ва тартиби ҳар бир давлатда ривожланиб, катта эътибор бўлиб келмоқда. Чунки, табиий ресурслардан фойдаланиш асосида табиатдаги турли экологик муаммолар пайдо бўлиши экологик инқирознинг кескинлашишига олиб келиши мумкин.

¹ Узбекистон Республикасининг Экология ҳуқуқи. Нигматов Асқар. Ҳуқуқшунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бакалаврлари учун дарслик. – Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.320.

² Ўша жойда.

Хар бир фан, ҳуқук соҳаси ўз манбаларига эга бўлиб, ушбу манбалар асосида ривожланади. Худди шу каби, **экология ҳуқуқи ҳам ӯзининг манбаларига эга**.

Табиат билан жамият ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солишда ёрдам берадиган, қатнашадиган ҳуқукий хужжатларга экология ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралиши мумкин. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар қандай ҳуқукий хужжат манба бўлиб хизмат қилмайди.

Экология ҳуқуқининг манбаси сифатида қаралаётган ҳуқукий хужжат қуидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. Ваколатли давлат органлари томонидан қабул қилинганлиги;
2. Белгиланган доирада мажбурий аҳамият касб этиши;
3. Экологик қоида-талабларни белгилаши;
4. Расмий шакл, тузилиш, амал қилиш муддатлари ва бошқа атрибутларга эга бўлиши, ҳоказо.

Демак, **экология ҳуқуқининг манбалари** деганда, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш билан боғлик ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қиладиган қонунчилик хужжатлари тушунилади¹.

Экологик муносабатларни тартибга солувчи қонун хужжатлари ўз ичига конституциявий қоидалар, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Махкамасининг фармон ва қарорлари, маҳсус ваколатли давлат бошқарув органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг меъёрий хужжатлари йиғиндисини қамраб олади.

Демак, экология ҳуқуқининг манбалари экологик муносабатларни табиий қонунлар ва жамият қонунчилик хужжатларини мужассамлаштирган ҳолда тартибга солади. Бу эса, ўз навбатида, экологик қонунчилик хужжатлари ҳажмининг кўпайишига олиб келади.

Энди бевосита экология соҳасини тартибга солишга қаратилган конституциявий нормаларнинг таҳлилига ўтсак. Асосий қону-

¹ Ekologiya huquqi. Darslik Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B. Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B.361.

нимизда атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби экологик муносабатлар тартибга солинган.

Конституциямизнинг 50, 54, 55 ва 100-моддаларида табиатни муҳофаза қилиш, табиий бойликларимиздан оқилона фойдаланиш билан боғлиқ экологик ҳуқуқий қоидалар мустаҳкамланган.

Конституциянинг 50-моддасида: «Фуқаролар атроф табиий мухитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбурдирлар», деб белгиланиб, фуқароларнинг экологик мажбуриятлари кўрсатиб ўтилган.

Конституциянинг 55-моддасига кўра, «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захирапар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир». Ушбу конституциявий қоиданинг аҳамияти шундаки, биринчидан, мустақиллигимизнинг моддий асосини ташкил этувчи табиий бойликларнинг ҳалқимизнинг бойлиги, мулки эканлиги, иккинчидан, табиий ресурслардан фаяқат оқилона фойдаланиш зарурлиги, учинчидан, республикамиз табиати давлат муҳофазасига олинганлиги, яъни экологик-ҳуқуқий муносабатларнинг давлат томонидан кафолатланиши каби муҳим тамойилларни мустаҳкамлайди.

Мустақил Конституциямизнинг яна бир экологик жиҳатдан афзал томони шундан иборатки, маҳаллий ҳокимият органлари ва Қорақалпоғистон Республикасига ўз ваколат доирасида ва ҳудудида экологик муносабатларни тартибга солиш имкониятини беради. Ушбу ваколат Конституциянинг 100-моддасида белгиланган.

Конституциядаги қоидалар экологик-ҳуқуқий муносабатлар тизимидағи асосий тамойилларни мустаҳкамлайди.

Ушбу конституциявий тамойиллар асосида атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва ахолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга картилган қонун, фармон, қарор, низомлар каби меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилинади.

Конституция асосида бугунги кунда Ўзбекистоннинг атроф-муҳитни асрашга йўналтирилган 80 га яқин қонунчилик хужжатлари қабул қилинган. Уларда табиий ресурслардан фойдаланиш

ва хўжалик фаолиятининг атроф-мухитга таъсирини назорат қилиш мезонлари белгиланган.

Ўзбекистонда атроф-мухитни муҳофаза қилиш бўйича қўйи-даги қонунлар мавжудлигини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун (1992);
- «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги Қонун (2004);
- «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун (1993);
- «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Қонун (2002);
- «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун (1996);
- «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)(2016);
- «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун (янги таҳрири)(2016);
- Ер кодекси (1998);
- «Ўрмон тўғрисида»ги Қонун (1999);
- «Аҳолини ва худудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонун (1999)
- «Экологик экспертиза тўғрисида»ги Қонун (2000);
- «Радиациявий ҳавфсизлик тўғрисида»ги Қонун (2000);
- «Чиқиндилар тўғрисида»ги Қонун (2002);
- «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун (2013 йил).

Экологик қонунларни тартибга солиш мазмунига кўра уму-мий аҳамиятга эга (умумлаштирилган) ва маҳсус аҳамиятга эга (ихтисослаштирилган) қонунларга ажратиш мумкин. Умумлаштирилган экологик қонунлар муайян давлатдаги бир катор ижти-моий муносабатларни тартибга солиш билан бирга экологик му-носабатларни ҳам тартибга солувчи қонунлардир. Уларга Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Мехнат, Жиноят, Жиноят-процес-суал, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Солик, Шаҳарсозлик каби кодекслар; хусусий корхоналар, давлат санитария назорати, маҳаллий давлат ҳокимияти, Вазирлар Махкамаси тўғрисидаги қонунлар киради. Масалан, Жиноят кодекси предмети сифатида экологик қонунбузарлик ҳам тан олинади. Фуқаролик кодексида

шахсга етказилган мулкий ва номулкий экологик зарар қопланиши ҳам кўзда тутилган. Фуқаролик процессуал хуқуқи ушбу экологик зарарни қоплаш нуқтаи назаридан юзага келадиган низоларни ҳал қилиш жараёнини кўрсатиб беради.

Ихтисослаштирилган экологик қонунларга Конституциямизнинг 55-моддасида кўрсатилган ва «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддасида кенгайтирилган тарзда ифода этилган табиий обьектлар ҳамда аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлашга оид конунлар киради. Уларга «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Муҳофаза этиладиган табиий худудлар тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Ўрмон тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, Ер кодекси ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ушбу қонунларда табиатни муҳофаза қилиш, табиий обьектлардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик ҳавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг мақсади, вазифаси, обьект ва субъектлари, табиий ресурсларнинг хуқуқий холати, ушбу соҳада юридик ва жисмоний шахсларнинг хуқуқлари, мажбуриятлари, эркинликлари, кафолатлари ва ваколатлари, табиий ресурслардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш тартиби, муддати ва талаблари, экологик қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик жавобгарлик чора-тадбирлари каби экологик-хуқуқий қоида талаблари белгилангандир.

Шунинг учун ҳам юқорида таъкидланган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари экологик муносабатларни тартибга солиш учун қабул қилинган бўлиб, экология хуқуқининг маҳсус манбаси сифатида эътироф этилади.

Экологик хуқуқий механизмни таъминлашда турли хуқуқ соҳаларининг қуидаги меъёрий хужжатлари ҳам экология хуқуқининг манбаси сифатида эътироф этилиши мумкин:

- Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;

- Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ва бошқалар.

Ушбу қонун ҳужжатлари ҳам экологик қоида талабларини белгилаган ҳолда экология ҳуқуқидаги маҳсус қоида-талаблар билан боғлиқ равишда экологик қонунчиликни бузганлик учун интизомий, маъмурий, жиноий, фуқаролик жавобгарликни қўллаш, табиатдан фойдаланганлик учун солик ва турли тўловларни тўлаш билан боғлиқ жараёнларни тартибга солади.

Экология ҳуқуқининг манбалари тизимида қонуности меъёрий ҳужжатларнинг тутган ўрни бекиёсdir. Экология соҳасидағи Ўзбекистон Республикасининг қонунлари давлат экологик-хуқуқий механизмини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қонуности меъёрий ҳужжатлар билан ўзаро боғлиқ равишда экологик муносабатларни тартибга солади.

Қонунларда белгиланган экологик меъёр ва қоидаларнинг амалда қўлланишини таъминлаш, маҳаллий ижтимоий-иктисодий, табиий шароитларни инобатга олиш, экологик бошқарувнинг турли хил жиҳатларига ойдинлик киритиш, уларни замон талабига мослаштириш каби вазифаларни бажариш учун ваколатли давлат органдари, мансабдор шахслар ва идоралар томонидан норматив-хуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб борилади. Уларни экологик қонуности норматив-хуқуқий ҳужжатлар деб аташ мумкин.

Демак, қонуности меъёрий ҳужжатларимизнинг асосий мақсади ва вазифаси, конституциявий тамойиллар, қонунларда белгиланган маҳсус қоида-талабларнинг амалда қўлланишини осонлаштириш, маъмурий ҳудудларнинг табиий ҳолати асосида меъёрий қоида-талабларни белгилаш, уларнинг ҳаётийлигини таъминлаш ва асосий қоида-талабларни барча юридик ва жисмоний шахсларга етказишдан иборат бўлади.

Экология соҳасида маҳсус ваколатли давлат бошқаруви органдари ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг Ер ресурс-

лари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси каби органлари ўз ваколатлари доирасида меъёрий ҳужжатларни қабул қилиб, маълум табиат обьекти соҳасидаги экологик қоидаталабларни белгилайди.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ер, ер ости бойликлари, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайдиган экологик норматив, стандартларни тасдиқлайди, низомлар ва йўрикномаларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, барча юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажарилиши шарт бўлган қарорлар қабул қиласи ва ҳоказо.

Демак, қонуности меъёрий ҳужжатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, конституциявий тамойиллар ва қонун ҳужжатларининг кўлланилишини ва уларнинг хаётийлигини таъминлаб, экология хуқуки манбаларини янада такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Экология хуқуқининг тамойиллари – табиат-жамият тизимидағи ўзаро муносабатлар йўналиши, чегараларини белгилаб беришда экологик-хуқуқий механизмининг барқарорлигини кафолатлашда ва қонунчилик қоидаталабларининг экологик муносабатларини тартибга солиш тартибини белгилашда муҳим аҳамиятга эгадир¹.

Илмий адабиётларда табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро муносабатлар жуда хилма-хил ва мураккаб бўлганлиги учун ҳам экология хуқуқининг тамойилларини қуидаги тизимга бўлишади:

1. Давлат ва хукукнинг умумий тамойиллари;
2. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилишга оид тамойиллар;
3. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга қаратилган тамойиллар.

Экология хуқуки хукуқ тизимининг соҳаси сифатида экологик муносабатларни тартибга солишда давлат ва хукукнинг қуидаги тамойилларидан фойдаланади: қонунийлик, ижтимоий адолат, ошкоралик, ишонтириш ва мажбуровлор чораларининг ҳамкорлиги, шахслар хукуқ ва бурчларининг бирлиги ва бошқалар.

¹ Ekologiya huquqi. Darslik Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B. Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B.361.

Экология ҳуқуқининг тизими – экологик муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти ва мазмунига кўра асосий институт, тоифа ва назарий-ҳуқуқий масалаларнинг маълум тартибда жойлашишидир.

Биз мураккаб экологик-ҳуқуқий муносабатлар йўналишлари ни таҳлил қилиш ва ўрганишни енгиллаштириш мақсадида экология ҳуқуқи тизимини икки қисм, яъни умумий ва маҳсус қисмга бўлиб ўрганамиз.

Экология ҳуқуқининг умумий қисми:

табиат ва жамият ўртасидаги ўзаро боғлиқлик;

экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети ва тизими;

табиий ресурсларга нисбатан мулк ҳуқуқи;

экология соҳасида давлат бошқаруви;

экология назорати ва экология экспертизасининг ҳуқуқий ҳолати;

экологик қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик каби мавзуларни ўз ичига олиб, табиатни муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланишнинг илмий-назарий жиҳатлари, ҳуқуқий асослари, экологик-ҳуқуқий механизми ва унинг элементларининг умумий экологик-ҳуқуқий қоидаларини белгилайди.

Маҳсус қисми эса, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва муҳофaza қилиш билан боғлиқ қуйидаги:

ерларни муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;

сув ресурсларини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;

ер ости бойликларининг ҳуқуқий ҳолати;

усимлик дунёсидан фойдаланиш ва муҳофaza қилишнинг ҳуқуқий ҳолати;

хайвонот дунёсини муҳофaza қилиш ва улардан фойдаланишнинг ҳуқуқий ҳолати;

атмосфера ҳавосини муҳофaza қилишнинг ҳуқуқий ҳолати;

муҳофaza этиладиган табиий худудларнинг ҳуқуқий ҳолати;

атроф табиий мухитни ҳалқаро-ҳуқуқий муҳофaza қилиш каби ҳар бир табиат обьектининг ҳуқуқий ҳолатини қамраб олувчи маҳсус аҳамиятдаги экологик-ҳуқуқий қоидаларни ўз ичига олади.

2. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин ўтган қисқа, лекин ижтимоий-иқтисодий юксалиш жиҳатидан энг сермаҳсул йилларда мамлакат экологик муносабатларининг иқтисодий шаклидан иқтисодий-экологик шаклига ўтиб олишга муваффақ бўлди. Ҳозирги кунда экология борасидаги қонунлар ҳамма дифференциал ва интеграл объектлар бўйича қабул қилинди, давлатнинг бошқарув органлари, айниқса, ҳуқукни муҳофаза қилиш тизимларида экологик бўлинмалар фаолият курсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси факатгина мустақиллик туфайли қўлга киритилган экологик муносабатлар борасидаги муваффақиятлардир.

Ўзбекистон Республикаси экологик сиёсатининг асосий мақсади – кишиларнинг ҳаётий зарур бўлган экологик хавфсиз муҳитини таъминлаш учун табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан самарали фойдаланиш, яъни табиат билан жамият ўтасидаги иқтисодий – экологик муносабат шаклини уйғунлаштириш масалалари долзарб саналмоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз, экологик масалаларни иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ислоҳотлар билан уйғунлаштирган ҳолда олиб боришни лозим деб топди¹.

Республикамиз экологик сиёсатининг асосий мақсадини бажармок учун органик ривожланиш билан бир қаторда муҳофаза қилиш ва ривожланиш концепциясини қўллашни маъқул деб топган. Бу шахс, жамият ва давлатнинг экологик талабларини минтақалар бўйича иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш талабларига мослаштириш кераклигини билдиради.

И.А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида Ўзбекистон экологик сиёсатининг мақсад ва концепцияларини амалга оширишнинг асосий чора-тадбирлари қўйидагилардан иборат деб белгилаб берганлар:

– экологик технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, ҳалқ ҳўжалик тармокларидаги табиий жараёнларнинг кескин бу-

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.109.

зилишига олиб келадиган барча захарли кимёвий моддаларни кўллаш устидан каттиқ назорат ўрнатиш. Атмосфера ҳавоси ва сувларни инсоннинг ҳаётий фаолияти учун зарарли ёки салбий таъсир этадиган моддалар билан ифлослантиришни тұхтатиш;

– қишлоқ хўжалиги экинларини, энг аввало, ғўзани суғоришда сувни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш. Коллектор-зовур сувларини дарёлар ва сув омборларига ташлашни тартибга солиш ва оқава сувларни чиқариб юборишни батамом тұхтатиш зарур;

– саноат корхоналарида атмосфера ҳавосига, сув ҳавзаларига ва тупрокқа ифлослантирувчи ҳамда зарарли моддаларни ташлаганлик учун солинадиган маҳсус соликдан кенг фойдаланган ҳолда масъулиятни ошириш даркор. Уларда замонавий, самарали тозалаш қурилмалари тизимини жорий этиш керак. Бошлангич хом ашёдан тайёр, пировард маҳсулот олгунга қадар комплекс фойдаланишга имкон берадиган янги, замонавий, экологик жиҳатдан самарали ускуналарни ўрнатиш лозим;

– қайта тикланадиган захираларни қайта ишлаб чиқаришнинг табиий равишда кенгайишини таъминлаган ҳамда қайта тикланмайдиган захираларни қатъий мезон асосида истеъмол қилган ҳолда табиий захираларнинг ҳамма турларидан оқилона фойдаланиш даркор;

– жаҳон жамоатчилиги эътиборини минтақанинг экологик муаммоларига қаратиш лозим. Орол муаммоси бугунги кунда чина-кам кенг кўламли, бутун сайёрамизга дахлдор муаммо бўлиб колганилигини, унинг таъсири ҳозирнинг ўзидаёқ биологик мувознатни бузайтганлигини, бепоён ҳудудларда ахолининг генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатаётганлигини назарда тутиш лозим;

– ҳалқаро тузилмаларнинг захиралари, имкониятлари ва инвестицияларини ана шу муаммоларни ҳал қилишга жалб этиш – биринчи даражали вазифадир¹.

Экологик ҳавфсизликни таъминлаш ва юқорида айтиб ўтилған тадбирларни амалга ошириш учун «Табиатни муҳофаза қилиш

¹ Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. Т.6. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б.109.

нинг Миллий Дастири»да кўйидаги принципларга амал қилиш тавсия этилган:

- давлат экологик ислоҳотларнинг йўлбошловчиси бўлмоғи даркор;
- экологик харажатларни молиялаш ва унинг янги схемаларини жалб қилиш;
- макроиқтисодий ва соҳавий экологик сиёсатни такомиллаштириш;
- қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини экологиялаштириш;
- атроф табиий мухит сифатини яхшилаш мақсадини қўйиш ва стандартлаштириш;
- ишлаб чиқаришнинг экологик талабларини чуқурлаштириш ва ҳ.к.

Давлатимиз томонидан орол денгизи дунё миқёсида юз берган энг йирик экологик инқирозлардан бири эканлигини эътироф этган ҳолда унинг олдини олиш ва унинг атрофида яшовчи аҳолини иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан муҳофаза қилиш масалаларига мустақилликнинг дастлабки даврларидан эътибор қаратилмоқда.

Тарихга назар ташласак, 1911–1962 йилларда Орол денгизидаги сатҳи энг юқори нуктада бўлиб, чуқурлиги 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10–11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорти, балик хўжалиги, иклим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қўйиларди.

1994 йилга келиб Орол денгизидаги сувнинг сатҳи – 32,5 метрга, сув ҳажми – 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса, 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди¹.

Оролнинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида у энди яхлит дengiz эмас, балки иккита қолдик кўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60–80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарё-

¹ Ekologiya huquqi. Darslik Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B.Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B.361.

нинг делталари тез бузилиб бормокда. Денгизнинг сув қочган туви 4 миллион гектардан ортикроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта «қўлбола» қумли шўрхок саҳрода эга бўлдик. Шамол Орол дengизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учирив кетмоқда.

Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда иқтисодий тикланишни экологик барқарорлик билан мутаносиб ҳолда олиб бориш давлатнинг экология соҳасидаги бошқарув ваколатининг кенгайтирилиши ва маъмурӣ-хукукий йўл билан амалга оширилишини тақозо этади. Аммо пайсалга солиш экологик хавфсизликка катта зарап етказиши эҳтимолдан холи эмас.

Экологик хавфсизликни хукукий жиҳатдан бошқариш, маълум бир экологик қонуниятларга таянган хукукий институтлар йиғиндисини, яъни хукукий бошқарув тизимини шакллантиришдан иборат бўлиши лозим.

Бу тизим ёки хукукий бошқарув механизми қўйидагиларни ўзи чига олади: табиат ва жамият уртасидаги муносабатлар шаклини аниқлаш, давлат ва жамиятнинг экологик концепциясини муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан фойдаланиш принциплари кўзда тутилган хукукий нормалар; ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф табиий муҳит ифлосланишининг олдини олишга қаратилган норматив хужжатлар.

1972 йилда БМТга аъзо бўлган мамлакатларнинг нуфузли Стокгольм конференциясида қабул қилинган Декларациянинг 26 та принципида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 деқабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунида тўлиқ ўз аксини топган.

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида экологик шартлар тўртта моддада ўз аксини топган бўлиб, 40 дан зиёд қонунларда улар кенгайтирилган ва инобатга олинган. Бу ҳам, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасида экологик муҳитни муҳофаза қилиш ва келажак авлодга уни асраб-авайлаган ҳолда етказиш каби давлат сиёсатининг бир белгисидир.

Шундай қилиб, экологик хавфсизликни таъминлаш жамиятдаги экологик муносабатларни илмий асосда, умуминсоний хукук ва бурчларни инобатга олган ҳолда хукукий бошқаришнинг яго-

на тизими орқали олиб борилишини тақозо қилади. Буларнинг барчаси Ўзбекистонда экологик сиёсатнинг қандай йўналишда олиб борилаётганлигини кўрсатиб бериши табиий.

3. Алоҳида табиат объектларининг ҳукукий мақоми

Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсини ҳамда давлат миллий табиат боғлари, давлат табиат ва тарихий ёдгорликларини сақлаб қолишга, айниқса, муҳофаза этиладиган алоҳида табиат объектларини сақлаш ва уларни кенгайтириш масалалари доимий равишда дикқат марказида бўлиб келган.

Ўзбекистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар ер, сув, ўрмон тўғрисидаги қонунлар, ер ости бойликларидан фойдаланиш тўғрисидаги, атмосфера хавосини муҳофаза этиш тўғрисидаги ҳамда атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунлардан иборат алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун хужжатлари билан тартибга солинади.

Хусусан, 2004 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган бўлиб, ушбу Қонуннинг мақсади муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш этиб белгилаб берилди.

Ушбу қонуннинг 2-моддасида унинг асосий вазифалари типик, ноёб, қимматли табиий объектлар ва мажмуаларни, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ирсий фондини сақлаб қолишидан, инсон фаолиятининг табиатга салбий таъсир кўрсатиши олдини олишдан, табиий жараёнларни ўрганишдан, атроф табиий мухит мониторингини олиб боришдан, экологик маърифат ва тарбияни такомиллаштиришдан иборатлиги каби муҳим масалалар этиб белгилаб олинди.

Ҳозирги пайтда республикамида қўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортик, алоҳида қўриқлан-

диган 11 табиий худудий объект, жумладан 9 қўриқхона, 400 дан ортиқ табиат ёдгорликлари мавжуд¹.

Қорақалпоғистон Республикасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикаси қонунлари билан ҳам тартибга солиб турилади.

«Муҳофаза этиладиган табиий худудлар түғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасида қандай обьектларни муҳофаза этиладиган табиий худудлар деб ҳисоблашимиз лозимлиги мустаҳкамланган. Хусусан, ернинг ва (ёки) сув кенгилкларининг (акваторияларнинг) устувор экологик, илмий, маданий, эстетик, рекреация ва санитария-соғломлаштириш аҳамиятига молик бўлган, хўжалик мақсадидаги доимий ёки вактинча фойдаланишдан тулиқ ёки қисман чиқарилган участкалари муҳофаза этиладиган табиий худудлар ҳисобланади.

Табиий обьектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий худудларда муҳофаза қилиш ва фойдаланиш режими үрнатилиши мумкин.

Муҳофаза этиладиган табиий худудлар биологик, ландшафт ранг-баранглигини таъминлаш ва экологик мувозанатни сақлаб туриш учун мўлжалланган яхлит экологик тизимни ташкил этади.

Муҳофаза этиладиган табиий худудлар белгиланган мақсади ва режимига қараб қўйидаги тоифаларга бўлинади:

- давлат қўриқхоналари;
- мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари;
- табиат боғлари;
- давлат табиат ёдгорликлари;
- айрим табиий обьектлар ва мажмуаларни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш учун мўлжалланган худудлар;
- муҳофаза этиладиган ландшафтлар;

¹ Экология ҳукуки: Олий ўқув юртларининг ҳукуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик /Муаллифлар таркиби: Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Ҳолмуминов Ж.Т. ва бошк. Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – Б.328.

— айрим табиий ресурсларни бошқариш учун мұлжалланған худудлар.

Қонун хужжатларида давлат биосфера резерватлари, миллий бөгелар, давлатлараро муҳофаза этиладиган табиий худудлар ва бошқа муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этиш на-зарда тутилиши мүмкін. (Қонуннинг 5-моддаси).

Сувни муҳофаза қилиш минтақалари (тегралари), курорт ва рекреация тегралари, ер усти ва ер ости сувлари ҳосил бўладиган тегралар (дарё увалари, оқизикли адирлар, тоғ ёнбағирларининг этаклари), нодир ва қимматбаҳо минерал конлари, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг қуриқланма (оралиқ) тегралари, балиқ ҳужжалиги тегралари, үрмонларнинг тақиқланган минтақалари, тарихий-табиий ва ёдгорий бөгелар, ботаника ва ҳайвонот бөгелари, дендрарийлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва ҳалқаро шартномалар билан белгилаб қўйиладиган тартиб асосидаги бошқа худудлар ҳам муҳофаза этиладиган табиий худудларга киради.

Амалдаги қонунларимизда фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий худудларга кириш эркинлиги масалалари ҳам алоҳида белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, муҳофаза этиладиган табиий худудлар фуқаролар кириб-чиқиши учун очиқдир.

Шунингдек, ўсимликлар ва ҳайвонларнинг ноёб ҳамда йўқолиб кетиш хавфи остида бўлган турларини, бундай ўсимликлар ўсадиган ва бундай ҳайвонлар яшайдиган мухитни муҳофаза қилиш мақсадида муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг айрим қисмларига фуқароларнинг кириши мазкур худудлар қайси давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар тасарруфида бўлса, шу давлат органи, юридик ва жисмоний шахслар томонидан чекланиши ёки ман этилиши мүмкін.

Фуқароларнинг муҳофаза этиладиган табиий худудларга кириб чиқиши шу худудларда бўлишнинг маҳсус ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланадиган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Фуқароларнинг айрим муҳофаза этиладиган табиий худудларга кириб-чиқиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда пуллик асосда амалга оширилиши мүмкін.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларнинг қарорлари билан муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг бошқа тоифалари ҳам назарда тутилиши мумкин. Муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этиш, улардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат бошқарувини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идоралари амалга оширадилар.

Муҳофаза этиладиган табиий худудлардан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси амалга оширади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар муҳофаза этиладиган табиий худудларни ташкил этиш, муҳофаза қилиш ҳамда улардан фойдаланиш тадбирларини амалга оширишда давлат органларига кўмаклашадилар. Давлат органлари ана шу тадбирларни амалга ошираётганда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг таклифларини инобатга оладилар (Қонуннинг 10-моддаси).

Умуман олганда, муҳофаза этиладиган табиий худудлар ҳукукий ҳолатининг қўйидаги хусусиятлари мавжуд:

1) у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қўйган талабга мослиги, конституциявий устиворликка эга эканлиги ҳамда давлат томонидан муҳофаза этилиши билан;

2) муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг ҳукукий ҳолатини ўрганиш ва у тўғрисидаги қонун давлат қўриқхоналари, давлат миллий табиат боғлари, давлат буюртма қўриқхоналари ва давлат табиат ёдгорликлари, муҳофаза этиладиган ўзга табиий худудлар ва бошқа масалаларни ҳамда у билан боғлиқ барча муносабатларни ҳукукий жиҳатдан тартибга солиши билан;

3) у янги ижтимоий тузум, бозор муносабатларини мустаҳкамлаш ва экологик сиёсатни барқарорлаштириш учун янги ҳукукий экологик замин бўлиб, муҳофаза этиладиган табиий худудларни муҳофаза қилиш ҳамда уларни ҳукукий тартибга солишини ўз олдига мақсад қилиб қўшиши билан;

4) мазкур соҳани ҳуқуқий тартибга солиш бозор иқтисодиётида қабул қилинган экологик қонунларни кўллаш ва улар билан биргаликда экологик муҳитни яхшилашга, табиат объектларидан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишга, айниқса, муҳофаза этиладиган табиий худудларни сақлаши билан;

5) ушбу соҳа фуқароларимиздан шу кунги ҳаёт талаби асосида экологик-ҳуқуқий маънавият ва маданиятли бўлишни ҳамда ушбу йўналишда доим юксалиш бўлишини тақозо қилиши ва бошқа хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради.

Энди бевосита муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг асосий турларининг ҳар бирiga алоҳида тўхталиб ўтсак:

1. Давлат қўриқхоналари ва уларнинг ҳуқуқий тартиби.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда қўриқхона, заказник ва ҳалқ хиёбонларининг аҳамияти каттадир. «Жайрон» экологик маркази фаолият кўрсатмоқда. Кўриқланадиган ерларнинг умумий майдони 2 миллион гектардан ортиқ. Республикаизда алоҳида қўриқланадиган 11 табиий-худудий обьект, шу жумладан, 9 қўриқхона бўлиб, 3 таси тоғда, 3 таси дарё қайридаги тўқайда ва 3 таси чўл ландшафтларида жойлашган. Булар Чатқол тог-ўрмон, Пайғамбаророл, Қизилкум, Бодайтўқай, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Варданзи, Кўхитангтоғ, Китоб қўриқхоналариdir. Бу қўриқхоналарда биоэкологик тадқиқотлар олиб борилади¹.

2. Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари.

Алоҳида экологик қимматга эга бўлган табиий обьектлар ва мажмуналарни асл ҳолатида сақлаш учун мўлжалланган муҳофаза этиладиган табиий худудлар мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари ҳисобланади.

Мажмуа (ландшафт) буюртма қўриқхоналари маҳсус ваколатли давлат органининг тақдимномаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этилади.

¹ Умаров Д.М. Заповедники Республики Узбекистан: правовое регулирование. Учебное пособие / Отв. ред. Н.К. Скрипников. – Ташкент: ТГЮИ, 2010. – С.110.

3. Табиат боғлари.

Республикамизда бугунги кунда иккита табиий боғлар мавжуд. Булар Угом-Чатқол табиат боғи ва Зомин табиат боғлариидир. Зомин табиат боғи 1977 йилда ташкил этилган бўлиб, майдони 24110 га ни ташкил қиласди. Угом-Чатқол Давлат Миллий Табиат боғи 1990 йили ташкил этилган бўлиб, майдони 574590 га.

Табиат боғлари – маҳсус ваколатли давлат органининг тақдимномасига биноан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қарорлари билан давлат табиатни муҳофаза қилиш муассасаси шаклида ташкил этиладиган миллий табиат боғлари ва маҳаллий аҳамиятга молик табиат боғларига бўлинади.

4. Давлат табиат ёдгорликлари.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси республика ҳудудида 400 дан ортиқ табиат ёдгорлигини хисобга олган. Булардан атиги 80 га яқини жонсиз табиат ёдгорликлариидир. Жонсиз табиат ёдгорликлари орасида хилма-хил карст рельефи шакллари, шу жумладан, археологик аҳамиятга эга бўлган форлар ва унгурлар, шунингдек нодир булоклар, шаршаралар, илмий жиҳатдан катта аҳамиятга эга бўлган қоялар ва геологик очилмаларни муҳофаза қилиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Айниқса, ер ости ландшафтлари, уларнинг бетакрор, сехрли ва мафтункор манзаралари жиддий муҳофазага муҳтождир¹.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда қабул қилинган «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Конунининг 6-бўлим 26–28-моддалари айнан ана шу масала, яъни давлат табиат ёдгорликларининг ҳуқуқий-экологик аҳамияти ва уларни муҳофаза қилиш масаласига бағишланган.

Мазкур қонун қабул қилиниши муносабати билан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар халқаро нормалардан келиб чиқиб таснифланади, белгиланган мақсади ва режимига қараб тоифа-

¹ Экология ҳуқуқи: Олий ўқув юртларининг ҳукукшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик /Муаллифлар таркиби: Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмўминов Ж.Т. ва бошк. Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмаси адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – Б.328.

ларга бўлинади, бу, ўз навбатида, мамлакатимизда алоҳида табиат объектларига берилаётган эътибордан дарак беради.

4. Экология назорати, унинг турлари ва амалга оширувчи органлар

Экология назорати давлат экологик сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида табиат-жамият тизимидағи экологик муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Бу масала, айниқса, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, кучли фуқаролик жамиятини қуриш жараёнида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида атроф-муҳитни ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ролини белгилаб берадиган «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиши таклифи киритилди. Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати депутатлари гурухи ташаббуси билан «Экологик назорат тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда у 2013 йил 27 декабрда қабул қилиниб, матбуотда эълон қилинди.

Қонуннинг З-моддасида экологик назорат тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра **экологик назорат бу** – атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек кўйишга, табиатни муҳофаза қилиш фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган давлат ва жамоатчилик чора-тадбирлари тизимири.

Ҳаммамизга маълумки, экологик-хуқуқий муносабатларни тартиба солиш жараёнида **экологик назорат муҳим вазифаларни** амалга оширади.

Жумладан,

– атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек кўйиш;

– атроф-муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

– мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик фаолияти ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлиги ни аниқлаш;

– юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф-муҳитни муҳофиза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

– атроф-муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

– табиатни муҳофиза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш (Қонуннинг 4-моддаси).

Экология назоратининг **асосий мақсади** атроф табиий муҳит барқарорлигини сақлашдан иборат бўлиб, давлат органлари ва жамоат ташкилотлари фаолиятининг мувофиқлаштирган ҳолда олиб борилишини тақозо этади.

Қонуннинг 9-моддасида экологик назоратнинг асосий турлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра экологик назоратнинг турлари куйидагилардан иборат:

- 1) давлат экологик назорати;
- 2) идоравий экологик назорат;
- 3) ишлаб чиқариш экологик назорати;
- 4) жамоатчилик экологик назорати.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофиза қилиш давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилиши-

ни назорат қилиш давлат инспекцияси, Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хужалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси экологик назоратни амалга оширувчи **махсус ваколатли давлат органлари**.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқа маҳсус ваколатли давлат органларининг давлат экологик назорати соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради.

Махсус ваколатли давлат органлари:

экологик назорат соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этади;

давлат экологик назоратини амалга оширади;

давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни, шу жумладан атроф-мухитнинг давлат мониторинги дастурини ишлаб чиқишда иштирок этади ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

белгиланган тартибда экологик назорат соҳасидаги норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади, шунингдек экологик назорат соҳасидаги норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан давлат экологик назорати масалалари бўйича ҳамкорлик қиласи;

идоравий, ишлаб чиқариш экологик хизматларини давлат экологик назоратида иштирок этиш учун жалб қиласи;

идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратини амалга оширишда услубий ёрдам кўрсатади ҳамда кўмаклашади.

Махсус ваколатли давлат органлари қўйидаги соҳаларда давлат экологик назоратини амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси – атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасида;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги – атроф-мухитнинг радиоактив, кимёвий, биологик моддалар билан

ифлосланиши, ичимлик суви таъминоти, атмосфера ҳавосига физик омилларнинг заарли таъсир кўрсатиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси – саноат ҳавфсизлигига ва радиациявий ҳавфсизликка риоя этилиши, ер қаърини геологик ўрганиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал ҳом ашёни қайта ишлашда ер қаъридан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, шунингдек кончилик ишларини геологик-маркшайдерлик жиҳатидан таъминлаш юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги – автомототранспорт воситаларининг ишлатилишида атмосфера ҳавосигинг ифлосланиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги – сунъий сув объектларининг сувидан фойдаланилиши ва искеъмол қилиниши, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ҳимоя қилиш бўйича давлат карантин коидаларининг бажарилиши юзасидан;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси – ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан, ерларнинг ишлаб чиқариш чиқиндилари ҳамда бошқа чиқиндилар, радиоактив, кимёвий, биологик моддалар ва оқова сувлар билан ифлосланиши бундан мустасно.

Қонуннинг 12-моддасида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг экологик назорат соҳасидаги ваколатлари аниқ белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида иштирок этади;

худудий экологик дастурларни тасдиқлайди ва уларнинг амалга оширилишини таъминлайди;

тегишли худудда давлат экологик назоратини амалга оширади;

экологик назоратнинг бошқа субъектлари ва оммавий ахборот воситалари билан давлат экологик назорати масалалари бўйича ўзаро ҳамкорлик қиласи ва бошқалар.

Демак, экология назорати билан боғлик мураккаб фаолиятни олиб боришда экология назорати субъектлари томонидан кўйидаги асосий ташкилий-хуқуқий усуллар қўлланилади:

1. Кузатиш – атроф табиий муҳитда бўладиган ўзгаришларни ўрганиш ва маълумотларни тўплаш;

2. Умумлаштириш – атроф табиий муҳит ҳолатига заарли ва хавфли таъсирларни аниқлаш, таҳлил қилиш асосида маълумотларни таснифлаш.

3. Баҳолаш – антропоген фаолият ишларининг заарли, хавфли ва ноқонунийлигини аниқлаш.

4. Рухсатнома бериш – юридик ва жисмоний шахсларга ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, ер ости бойликлари ва атмосфера ҳавосидан фойдаланиш учун лицензия бериш;

5. Огоҳлантириш, чеклаш ва тўхтатиш – экологик хавфли ва заарли хўжалик ва бошқа фаолиятни чеклаш, вақтинча тўхтатиб қўйиш ва бекор қилиш;

6. Жавобгарликка тортиш – экологик қоида-талабларни бузган, юридик ва жисмоний шахларга нисбатан маъмурий-хуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш.

«Экологик назорат тўғрисида»ги қонуннинг ўзига хос хусусиятларидан бири сифатида нафакат давлат органларининг, балки фуқаролар, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг экологик назорат соҳасидаги хукуқлари ва мажбуриятлари аник белгилаб берилганлигини таъкидлаш мумкин.

Қонуннинг 17-моддасида фуқароларнинг экологик назорат соҳасидаги хукуқлари ва мажбуриятлари сифатида қўйидагилар белгилаб берилган:

атроф-муҳитни муҳофаза қилишни, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминлаш масалалари бўйича карорлар тайёрлаш ва қабул қилишда, шунингдек давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига юридик ва жисмоний шахслар томонидан риоя этилишини кузатиб боришини амалга ошириш;

экологик назорат соҳасидаги норматив-хуқуқий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун хужжатлари бузилишининг ўзи томонидан аниқланган факти тӯғрисида маҳсус ваколатли давлат органларини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, давлат ва хўжалик бошқаруви органларини, хўжалик юритувчи субъектларни, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини хабардор қилиш;

атроф-муҳитнинг холати, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, мазкур соҳадаги қонун хужжатлари бузилиши юзасидан аниқланган фактни бартараф этиш бўйича кўрилаётган чоратадбиrlар тӯғрисида тегишли давлат органларига мурожаат қилиш ва ахборот олиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш, жамоатчилик экологик экспертизасини ўтказишида иштирок этиш;

тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, худуднинг санитария холати, ободонлаштирилиши ҳамда кўкаламзорлаштирилиши масалаларига доир ахбороти ҳамда ҳисботларини эшлишида иштирок этиш.

Фуқаролар қўйидагиларни бажариши шарт:

экологик назорат тӯғрисидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этиш;

экологик назоратни амалга оширишида экологик назоратнинг бошқа субъектларига кўмаклашиш.

Фуқаролар қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва уларнинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, экологик назорат масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, экологик назоратни амалга ошириш шакл ва услублари қонун хужжатларида қатъий белгилаб берилган.

5. Экологик экспертиза

Экологик экспертиза – экологик-хуқуқий механизмнинг таркибий қисми сифатида атроф табиий мухитнинг барқарорлигини сақлаш, табиий бойликлардан унумли ва самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашда мухим аҳамиятга эгадир.

Амалдаги қонунчилик хужжатлариға асосан **экологик экспертиза** деганда, режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза объектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

Экологик экспертизанинг хуқуқий ҳолати конституциявий қоидаларда, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик экспертиза тўғрисида»ги қонунларда, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қумитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг экологик экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги меъёрий хужжатларида белгиланган.

«Экологик экспертиза тўғрисида»ги Конуннинг З-моддасига асосан **экологик экспертиза қўйидаги мақсадларда** ўтказилиади:

- мўлжалланаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятни амалга ошириш тўғрисида карор кабул қилинишидан олдинги босқичларда бундай фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

- режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолият атроф табиий мухит ҳолатига ва фуқаролар соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлса, бундай фаолиятнинг экологик хавфлилик даражасини аниқлаш;

- атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича назарда тутилаётган тадбирларнинг етарлилиги ва асослилигини аниқлаш.

Экологик экспертизанинг энг асосий вазифаси атроф табиий мухит ва аҳолининг ҳаёти ва соғлиғига хавфли ва заарли ишлаб чиқариш ва хўжалик объектларининг таъсирларини олдини олиш, бартараф этиш билан боғлиқ превентив чора-тадбирларни амалга оширишдан иборатdir.

Экологик экспертиза муҳим ва мураккаб фаолият тури сифатида қуидаги умумий ва ўзига хос тамойиллар асосида амалга оширилади:

- қонунийлик;
- экологик экспертизанинг мустақиллиги;
- ошкоралиги;
- илмий-техникавий асослилиги;
- экологик хавфсизлик талабларини хисобга олишнинг мажбурийлиги;
- ҳар қандай режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг эҳтимол тутилган экологик хавфлилик презумпцияси;
- хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг атроф табиий мухитга ва аҳолининг соғлиғига таъсирини баҳолашнинг кенг кўламли ва кенг камровлилиги
- экологик экспертизани ўтказишда жамоатчиликнинг қатнашиши ва бошқалар.

Ушбу тамойиллар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, экологик экспертиза ўтказишнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Экологик экспертиза давлат ва жамоат экологик экспертизаси, шунингдек экологик аудит тарзида амалга оширилиши мумкин.

Экологик экспертиза жараёнида турли шаклдаги қуидаги усуллардан фойдаланган ҳолда кўзда тутилган мақсадга эришилади:

- маълумотлар тўплаш – экспертизадан ўтаётган муайян объектга тегишли бўлган барча ахборот, маълумотларни йиғиш ва тўплаш;
- умумлаштириш – объект хақидаги тўпланган иқтисодий, технологик, экологик, гидрологик, кимёвий ва бошқа маълумотларни ўз йўналишлари бўйича маълум тизимга келтириш;
- таҳлил қилиш – умумлашган маълумотлар банкини ўз йўналиши ва хусусиятлари бўйича алоҳида ўрганиш, таснифлаш;
- баҳолаш – экспертиза ўтказилаётган объект йўналишлари, бўлимлари, ташкил этувчи қисмлари бўйича хавфли ва зарарлилар даражасини аниқлаш;
- хулоса бериш – экспертиза ўтказилаётган объектнинг экологик жиҳатдан зарарли ёки зарарсиз, хавфли ёки хавфсиз, эко-

логик қоида-талабларга мос келади ёки ушбу қоидаларга зид эканлиги ҳақида якуний, адолатли, объектив хulosага келиш.

Экологик экспертизанинг **бир неча турлари** мавжуд. Булар ижтимоий-иктисодий экспертиза, сиёсий-хукукий экспертиза, илмий-техникавий экспертиза, санитария-экологик экспертиза, жамоатчилик экологик экспертизаларирид¹.

Давлат экологик экспертизасини Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси олиб боради ва қуидаги асосий ваколатларга эга ҳисобланади:

- давлат экологик экспертизасини тайинлайди ва ўтказади;
- экологик экспертизага тегишли бўлган меъёрий-техник, хукуқий-услубий хужжатларни ишлаб чиқади ва тасдиқлади;
- экологик экспертиза комиссияси, унинг аъзолари ва экспертлар гурӯхини тузади;
- давлат экологик экспертизаси хulosалари талабларининг бажарилишини назорат қилади ва ҳ.к.

Давлат экологик экспертизасининг субъектлари, одатда, буюртмачи, пурратчи, истеъмолчи ҳисобланади. Буюртмачи – экспертизани тайинлаш, ташкил этиш хукуқига эга бўлган маҳсус ваколатли орғандир. Пурратчи – муайян обьектни экспертиза қиласиган ташкилот, булар қаторида илмий тадқиқот институтлари, корхона ёки маҳсус комиссия, экспертлар гурӯхи булиши мумкин. Истеъмолчи – экологик экспертиза обьекти ҳисобланган корхона, ташкилот, муассаса.

Экологик экспертиза тизимида **жамоатчилик экспертиза-си** алоҳида аҳамият касб этади.

Жамоат экологик экспертизаси нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар томонидан амалга оширилиб, режалаштирилаётган, амал қилаётган турли обьектлар юзасидан ўтказилиши мумкин.

Жамоат экологик экспертизаси давлат экологик экспертизаси ўтказилганлигидан қатъи назар амалга оширилади.

¹ Ekologiya huquqi. Darslik. Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B. Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B. 361.

Жамоат экологик экспертизасининг хulosаси тавсиявий аҳамиятга эга бўлади, давлат ҳокимияти ва хукуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилиши мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, ривожланган хорижий давлатларда жамоатчилик экспертизасининг тараққий этганилигини, аҳоли кенг қатламларининг экологик маданияти савияси даражасининг юқорилигини кўришимиз мумкин.

Экологик экспертиза тизимида экологик аудит ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Экологик аудит – экологик аудиторлар томонидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва шартларда ўтказиладиган, атроф табиий муҳит ҳолатига салбий таъсир кўрсатаётган, ишлаб турган корхоналар ва бошқа обьектларни мустақил экологик экспертиза қилишдир¹.

Экологик аудит давлат экологик экспертизасидан фарқли равиша хўжалик ва ишлаб чиқариш обьекти мулкдорининг қарорига биноан ўтказилади.

Экологик экспертиза муҳим ва мураккаб жараён булиб, атроф табиий муҳитнинг барқарорлигини саклаш, табиатдан самарали фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-хукукий чора-тадбирлардан иборатdir

6. Экология ва халқаро хукуқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги

Атроф табиий муҳитни халқаро хукуқ нормалари билан муҳофаза қилиш жараёни халқаро хукуқнинг нисбатан янги, аммо ниҳоятда тез ривожланиб бораётган қисмидир.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.А. Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 50-сессиясидаги маърузасида Орол муаммосини халқаро миқёсда хал қилишни таклиф этди ва унинг салбий оқибатлари на-

¹ Экология хукуки: Олий ўкув юртларининг хукуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик / Муаллифлар таркиби: Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмўминов Ж.Т. ва бошқ. Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – Б. 328.

фақат Ўзбекистон, балки бутун дунё ҳамжамияти учун таҳдид солаётган долзарб масала эканлигини кўрсатган эди.

Экология ҳуқуқи манбаларининг бошқа ҳуқуқ соҳасидаги манбалардан фарқи ёки ўзига хос томони – миллий экологик қонуларда халқаро-хуқуқий меъёрларнинг кўпроқ акс этганлигидадир.

Атроф табиий муҳитни халқаро муҳофаза қилиш деб, инсонларнинг экологик хавфсиз муҳити ва давлатларнинг бир меъёрда ривожланишини таъминловчи халқаро ҳуқуқ принциплари, нормалари ва муносабатлари йифиндисига айтилади.

Табиатни асрashingга тааллукли дастлабки халқаро шартномалар XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида вужудга келди. Улар асосан ҳайвонот дунёсининг айрим турларини химоя қилиш ва овлашни тартибга солишга қаратилган эди (масалан, 1897 йилги Денгиз мушукларини муҳофаза қилиш тўғрисидаги битим). Кейинги ўн йилликларда сайёрамиз табиатини муҳофаза қилиш масаласини халқаро ҳуқуқ нормалари билан тартибга солища жиддий сифат ўзгаришлари юз берди, давлатларнинг бу соҳада олиб бораётган ишлари жадаллашди.

Атроф табиий муҳит муаммоларига бунчалик катта эътибор берилиши тасодифий ҳол бўлмай, фан-техника ва жамият ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши инсон ҳўжалик фаoliyatinинг табиатга таъсирини кескин кучайтирди, табиий жараёнларга унинг аралашуви анча кенгайди. Табиат бойликларидан ҳўжасизларча фойдаланиш сайёрамиз биосферасини жиддий экологик инқироз ёқасига олиб бориб қўйди. Шунинг учун ҳам атроф табиий муҳитни халқаро миқёсда муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш ҳозирги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб қолди.

Ҳозирги вактда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланишнинг хилма-хил жиҳатларини тартибга солувчи турли-туман халқаро шартномалар мавжуд. Бу битимларнинг мавзулари қўйидагилардан иборатdir:

1) дengiz ва кўл сувларининг ифлосланишига йўл қўймаслик, дengизларнинг жонли бойликларини саклаш ва улардан оқилона фойдаланиш;

- 2) халқаро (күп давлатларга тегишли) дарёларнинг суви ва бойликларини муҳофаза қилиш;
- 3) ер атмосфераси ва яқин космик фазони ифлосланиш ва бошқа салбий таъсиrlардан асраш;
- 4) қуруқликни жонли ва космик ифлосланишдан муҳофаза қилиш ва ундан оқилона фойдаланиш;
- 5) ноёб табиий объектлар ва комплексларни, айрим экологик тизимларни муҳофаза қилиш;
- 6) ер таркибини радиоактив заҳарланишдан ҳимоя қилиш.

Атроф табиий мухитнинг халқаро-хуқуқий муҳофазаси халқаро хуқуқнинг юксак ривожланиш жараёни доирасида шаклланмоқда. Шунинг учун ҳам давлатнинг табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини халқаро хуқук билан тартибга солиш, табиат муҳофазасига оид мухим қоидаларни ифодаловчи, сайёрамиз мухитини соғломлаштиришга тўғридан-тўғри ёки бевосита хизмат қилувчи кўпгина универсал халқаро шартномалар таъсирида таркиб топди.

Табиийки, халқаро хуқуқнинг асосий принциплари давлатнинг атроф табиий мухит ва унинг бойликларини саклаш ҳамда улардан фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорлигига нисбатан ҳам қўлланилади.

Халқаро хуқуқнинг асосий принципларидан бири бўлган атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш принципи аста-секин шаклланиб бормоқда. Унга биноан давлатлар атроф-муҳитни муҳофаза қилишлари ҳамда инсониятнинг ҳозирги ва келгуси авлодларининг фаровонлигини кўзлаб, тадбирларни ҳамкорликда амалга оширишлари лозим.

Давлатлар атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш масалаларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар. Бундай ҳамкорлик тенг хуқуқли ва ўзаро манфаатли асосдаги шартномаларга мувофик амалга оширилади.

Ернинг бутун сайёра мухити, биринчи навбатда, инсониятнинг ҳаёт кечиришига бевосита боғлиқ бўлган асосий қоидалари атроф табиий мухитни халқаро-хуқуқий муҳофаза қилишнинг ягона обьекти ҳисобланади. Жаҳон уммони ва унинг табиий бойликлари, атмосфера ҳавоси, Ер атрофи фазоси, ўсимлик ва ҳайвонот

дунёсининг вакиллари, шунингдек чучук сув бойликларининг бир қисми, ернинг генетик фонди ва бошқалар ҳам мана шу объектлар таркибиға киради.

Ҳозирги замон ҳалқаро экологик ҳамкорлиги уч йўналишда амалга оширилмоқда:

1) атроф табиий мухитни муҳофаза қилишнинг давлатлараро ва миллатлараро ҳамкорлиги ва улардаги ижобий тажрибаларни кенг тарғиб қилиш;

2) маълум бир географик минтака (регионда) ёки чекланган теграларда табиатни регионал муҳоза қилишнинг илмий асосланган чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалий татбиқ қилиш;

3) глобал экологик муаммоларнинг ечимини топишда БМТнинг идоралари, давлат ва нодавлат ташкилотлар орқали универсал йўлларни ишлатиш.

Ҳозирги пайтда атроф табиий мухитнинг хилма-хил муаммоли жиҳатлари билан шуфулланувчи кўпчилик ҳалқаро (давлатлараро ва нодавлат) ташкилотлар мавжуд.

Хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти давлатлар ва ҳалқаро ташкилотларнинг табиатни қўриқлаш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришда етакчи ўрин тутади. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари БМТнинг асосий органлари: Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш, шунингдек минтақавий иқтисодий комиссиялар, ЮНКТАД, ЭКОСОС, ИМО, ФАО, ЮНИДО, БМТ тараккӣёт дастури (ПРООН)нинг доимий дикқат марказида туради. 1972 йилда Стокгольмда БМТнинг инсонни куршаб турган мухит муаммолари бўйича конференцияси ўтказилганлиги катта аҳамиятга эга бўлди. Унинг қарорлари ва резолюциясига биноан, БМТ доирасида янги маҳсус орган – БМТнинг атроф-табиий мухит дастури (ЮНЕП, ВСОП, ВФОДЖ, МИОС, МЕПУ) ташкил этилди. ЮНЕП, ўзининг юридик мавқеига кўра, БМТнинг ёрдамчи органлари қаторига киради¹.

¹ Экология хукуки: Олий ўкув юртларининг хукукшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик /Муаллифлар таркиби: Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмуминов Ж.Т. ва бошк. Масъул мұҳаррір: М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – Б.328.

Нодавлат ташкилотлар орасида 1948 йилда ташкил этилган Табиат ва табиий бойликларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (МСОП) марказий үрин эгаллайди. Унга давлатлар, миллий ва халқаро ташкилотлар ҳамда уюшмалар аъзо бўлишлари мумкин. Иттифоқ ҳукуматлар, миллий ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш учун тузилган. Шунингдек, у атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий бойликларни сақлаш масалалари билан шуғулланувчи айрим шахслар ўртасидаги ҳамкорликка ҳам кўмаклашади. Шу мақсадда МСОП миллий ва халқаро тадбирлар ўтказади.

МСОП табиатни муҳофаза қилиш бўйича халқаро конвенциялар ва битимлар ишлаб чиқишига алоҳида эътибор беради. Хусусан, унинг фаол иштирокида 1976 йилда Тинч океанининг жанубий қисмида табиатни муҳофаза қилиш конвенцияси, 1970 йилда йўқ бўлиб кетиш хавфи остида қолган ҳайвонот ва ўсимлик дунёсининг турлари билан халқаро савдо қилиш тўғрисидаги конвенция қабул қилинди.

Айтиш керакки, табиатни асраш соҳасида республикамиз бир қатор халқаро-хуқуқий ҳужжатларга қўшилган, улар қаторидан 1992 йилги «Биологик хилма-хиллик тўғрисида»ги Рио-де-Жанейро Конвенцияси, 1972 йилги «Дунёнинг маданий ва табиий меросини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Конвенция, 1995 йил 6 июндаги «Осиё ва Африка ботқоқликларида яшовчи ва кўчиб юрувчи қушларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги шартнома, 1973 йил 3 мартағи «Йўколиш арафасидаги ёввойи флора ва фауна турлари билан халқаро савдо-сотик қилиш тўғрисида»ги Конвенция, 1992 йил 28 ноябрдаги Атроф-муҳитга нисбатан ҳарбий ёки бошқа заар етказувчи воситалар ишлатилишининг олдини олишга доир Конвенция, 1992 йил 9 майдаги «Иқлим ўзгариши тўғрисида»ги Доиравий конвенция, 1985 йил 22 мартағи «Озон қатламини сақлаш тўғрисида»ги Конвенция, «Озон қатламини бузувчи моддалар тўғрисида»ги Монреал протоколи, ЕХХТнинг 1994 йил 17 декабрдаги «Энергетик хартияси», 1994 йил 15 апрелдаги «Сахролар микдорининг ортиши ва қурғоқчиликка қарши» Конвенция ва бошқалар үрин олган.

Ҳамдўстлик мамлакатлари – Украина, Қозогистон, Беларусь, Кирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Грузия Республикалар-

ри билан ҳам Ўзбекистон Республикаси икки томонлама экологик масалалар бўйича келишувларга эга. Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон республикалари ўртасида кўп томонлама атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш борасида келишув мавжуд.

Юқоридагилардан хулоса қилиш мумкинки, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш бўйича давлат функциясини ривожлантиришда ҳалқаро ташкилотлар ҳамда ушбу ташкилотлар қабул қиласан норматив-хуқуқий хужжатлар муҳим ўрин тутади. Қабул қилинган норматив ҳужжатлардаги талаблар, қоидалар давлатларни экология соҳасида маълум вазифаларни бажаришга ундаиди ва бунга ёрдам беради.

7. Экологик жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва турлари

Табиатни муҳофаза қилиш ва атроф табиий мухитнинг бузилиши ва ифлосланишининг олдини олишда экологик-хуқуқий жавобгарлик муҳим аҳамият касб этади. Чунки, экологияни муҳофаза қилишнинг хуқуқий механизми давлат ҳокимиятининг иродаси ва ёрдамига таяниши табиий.

Экологик-хуқуқий жавобгарлик ҳақида гапиришдан олдин, умуман, экологик жавобгарлик деганда нимани тушуниш лозимлиги ҳақида тұхталиб үтсак, мақсадға мувофиқ бўлар эди. Экология хуқуки бўйича ёзилган дарслікларда экологик жавобгарлик қўйидагича таърифланади: «Ахлоқий қадриятлар, миллий ва ҳалқаро хуқуқ нормалари томонидан атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш мақсадида ўрнатилган қоида ва меъёрларнинг бирон-бир давлат, юридик ёки жисмоний шахслар томонидан бузилиши оқибатида уларга нисбатан қўлланиладиган нокулай кечинмалар».

Экологик жавобгарлик мазмун ва моҳиятига кўра уч кўришида намоён бўлади:

- 1) экологик-ижтимоий жавобгарлик;
- 2) экологик-иктисодий жавобгарлик;
- 3) экологик-хуқуқий жавобгарлик.

Экологик-ижтимоий жавобгарлик ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у ҳозирги замон миллий ёки ҳалқаро

хукуқ нормаларида белгиланмаган, лекин миллат ёки халқларнинг азалий урф-одатлари, анъаналари орқали авлоддан-авлодга ўтиб келаётган қоида ва меъёрлардир. Экологик-ижтимоий жавобгарлик кишиларнинг жамоатчилик олдидағи жавобгарлигидир.

Экологик-иктисодий жавобгарлик эса иқтисодий-хукуқий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, у миллий ёки халқаро хукуқ нормаларида белгиланган, лекин уларга нисбатан фақатгина жавобгарлик санкциялари сифатида иқтисодий тўлов турини кўллаш борасидаги қоида ва меъёрлардир. Иқтисодий тўлов сифатида табиий ресурслардан фойдаланиш ва атроф-мухитни ифлослантириш учун тўловлар кўлланилади.

Экологик-хукуқий жавобгарликка келадиган бўлсак, ижтимоий жавобгарликнинг бир тури бўлиб ҳисобланишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Экологик-хукуқий жавобгарлик миллий ва халқаро хукуқ нормаларида белгиланган экологик талабларни бузганлар учун юридик тусдаги жазо санкциялари ўрнатилган ҳамда экологик муносабат қатнашчилари учун мажбурий кучга эга бўлган қоида ва меъёрлар йиғиндисидир.

Экологик-хукуқий жавобгарлик миллий хукуқда шахсларнинг давлат олдидағи бурчи ва мажбуриятидир. У давлат томонидан ўрнатилган экологик-хукуқий меъёр ва қоидаларни бузганлиги натижасида экологик зарар етказилгандан сўнг вужудга келади. Аникрофи, атроф табиий мухитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доир конун хужжатларида ўрнатилган нормаларни бузувчи айбли харакат ёки ҳаракатсизликлар учун қўлланилади.

Экологик зарар икки кўринишида намоён бўлади. Юзага келган оқибатлар характерига кўра:

- атроф-мухитнинг ифлосланиши ва булғаниши;
 - табиий ресурсларнинг камайиши;
 - табиий объектларнинг йўқ қилиниши, бузилиши ва шикастланиши;
 - экологик мувозанатнинг йўқотилиши ва экологик тизимдаги табиий объектларнинг боғланиш алоқаларининг бузилиши.
- Объектларга етказилган зарарига кўра:
- атроф табиий муҳит ва алоҳида табиий унсурларга;

- инсон саломатлигига;
- юридик ва жисмоний шахслар ҳамда давлатга.

Экологик ҳуқуқбузарлик айбли экологик қилмиш (маъмурий, фуқаровий, интизомий) ва экологик жиноят тариқасида таснифланади. Шундай қилиб, экологик-хуқуқий жавобгарлик, бошқа барча ижтимоий муносабатларда бўлгани каби, **тўртта юридик жавобгарлик турини инобатга олади: интизомий, маъмурий, фуқаровий, жиноий**¹.

Экологик ҳуқуқбузарликларнинг объектига табиатни мухофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик тартибот ва ахолининг экологик хавфсизлигига доир экологик муносабатлар киради.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг предмети табиий мухит ёки унинг алоҳида бир объекти ҳамда инсон саломатлиги бўлиши мумкин. Бунда инсон саломатлигига етказилган зарар атроф-муҳитнинг ёмонлашуви орқали юзага келади, яъни билвосита таъсир қилиши инобатга олинади².

Экологик ҳуқуқбузарларга юридик жавобгарликни қўллаш учун тўрт жавобгарлик элементи бўлиши керак, яъни:

1. Экологик ҳуқуқбузарлик объекти – кишиларнинг айбли ноконуний ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги табиий объект, табиий ресурс, табиий комплекс ёки табиий-антропоген ҳудудларнинг экологик талабларига қаратилганилиги.

2. Экологик ҳуқуқбузарликнинг объектив томони – кишилар хатти-ҳаракатларининг ноконунийлиги, экологик зарар етказилганилиги ёки етказиш хавфининг борлиги.

3. Экологик ҳуқуқбузарлик субъекти – ноконуний хатти-ҳаракатларнинг ким томонидан содир этилганлиги. Улар юридик шахс (корхона, ташкилот, муассаса, фирма, жамият...) ёки жисмоний шахс (фуқаро, фуқаролиги бўлмаган шахс, чет эл фуқароси, рапбар)лар бўлиши мумкин.

¹ М.М. Нурматов. Экологик-хуқуқий жавобгарлик. Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Ш.Х. Файзиев. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.191.

² Ekologiya huquqi. Darslik Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B. Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B.361.

4. Экологик ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони – ноконундий хатти-ҳаракат килган шахснинг айби. Ушбу айбнинг қасддан ёки эҳтиётсизликлар орқали содир этилиши.

Экологик жавобгарликда ҳуқуқбузарларга нисбатан, одатда, юридик жазолар қўлланилади. Жазо турлари ҳам, албатта, қонуларда акс эттирилган бўлиши шарт. Акс ҳолда у юридик тус олмайди. Хоҳлаган шахс ёки давлат органи қонунда белгиланган хоҳлаган жазо турини қўллашга ҳам ҳакли эмас. Уларнинг ваколат доираси (чегараси) белгилаб қўйилгандир.

«Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 4-моддасига кўра, кўйидаги ҳуқуқбузарликларни экологик ҳуқуқбузарликларга киритиш мумкин:

– табиатни муҳофаза қилишнинг стандартлари, нормалари, қоидалари ва бошқа норматив-техник талабларини бузиш, шу жумладан, корхоналар, иншоотлар, транспорт воситалари ва бошқа обьектларни режалаштириш, қуриш, реконструкциялаш, улардан фойдаланиш ёки уларни тугатиш чоғида, экология нуқтаиназаридан хавфли маҳсулотларни чет элларга чиқариш ва чет эллардан олиб келишда ҳудуднинг белгилаб қўйилган экология сифимини, экология нормалари, қоидаларини бузиш;

– табиий бойликлардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш, давлат экологик экспертизаси талабларини бажармаслик;

– табиий ресурслардан фойдаланганлик учун, атроф табиий муҳитга заарли моддалар чиқарганлик ва оқизганлик, қаттиқ чиқиндилар жойлаштирганлик, бу муҳитни ифлослантирганлик ва унга заарли таъсир кўрсатишнинг бошқа турлари учун белгиланган ҳақни тўлашдан бош тортиш;

– табиатни муҳофаза қилиш обьектларини қуриш режаларини, табиатни муҳофаза қилишга доир бошқа тадбирларни бажармаслик;

– атроф табиий муҳитни тиклаш, унга бўладиган заарли таъсир оқибатларини бартараф этиш ва табиий ресурсларни такрор ишлаб чиқариш чораларини кўрмаслик;

– табиатни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошираётган идораларнинг кўрсатмаларини бажармаслик;

- алохид мухофаза қилинадиган ҳудудлар ва объектларнинг хукукий тартиботини бузиш;
- атроф табиий мухитга зарарли таъсирни ҳисобга олиш қоидаларини бузиш;
- ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларини, кимёлаштириш воситаларини, шунингдек, радиоактив ва зарарли кимёвий моддаларни сақлаш, ташиш, улардан фойдаланиш, уларни зарарсизлантириш ва кўмиб юбориш вактида табиатни мухофаза қилиш талабларини бузиш;
- атроф табиий мухитни мухофаза қилиш соҳасидаги давлат назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг объектларга боришига, айрим шахслар ва табиатни мухофаза қилиш жамоат ташкилотларига эса ўз хукуқ ва вазифаларини рӯёбга чиқаришларига тўсқинлик қилиш;
- атроф табиий мухитнинг ҳолати ва унинг ресурсларидан фойдаланиш тўғрисида ўз вактида ва тўғри ахборот беришдан бош тортиш.

Юқорида санаб ўтилган экологик хукуқбузарликлар учун тўртта юридик жавобгарлик тури қўлланилиши мумкин:

1. Интизомий жавобгарлик. Мехнат муносабатлари юзага келган корхона, ташкилот ва муассасаларда шахснинг ўз хизмат доирасида ноқонуний хатти-харакатлари туфайли атроф табиий мухитга зарар етказиш ёки унга хавф туғдириш. Ушбу жазо тури қачонки ходимнинг вазифасига табиий ресурслардан фойдаланиш ёки уни мухофаза қилиш мажбурияти юклатилган бўлсагина иш берувчи томонидан қўлланилади. Акс ҳолда у бошқа турдаги, яъни маъмурий, фуқаровий, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Интизомий жазони меҳнат қонунчилиги (Мехнат кодексининг 181-моддасида кўзда тутилган жазо турлари) бўйича амалга оширилади. Экологик хукуқбузарлик содир этган шахсга нисбатан қуйидаги интизомий жазо қўлланилади:

- ёзма равишда ҳайфсан бериш;
- ўртача ойлик иш ҳақининг 30%, айрим ҳолларда 50% дан ортиқ бўлмаган миқдорида жарима солиш;

— меҳнат шартномасини бекор килиш, яъни ишдан бўшатиш.

Меҳнат конунчилигини бузган шахс атроф-мухитга етказилган зарарни қоплаши керак бўлади. Агарда зарар юридик шахс томонидан етказилган бўлса, зарарни юридик шахс қоплайди ва у ўз ходимини моддий жавобгарликка тортиши мумкин. Моддий жавобгарлик мулкий жавобгарлик эмас, чунки унда ундириладиган зарарнинг микдори белгиланиши ва зарарнинг фақат ходимнинг меҳнат муносабатлари натижасида вужудга келиши билан фарқ қиласди.

2. Маъмурий жавобгарлик. Экологик жавобгарликда энг кўп кўлланиладиган юридик жавобгарлик тури бу маъмурий жавобгарлиkdir. У давлат (маъмурий бошқарув органлари) томонидан ўрнатилган экологик тартиб-коидаларни бузганлик учун кўлланилади. Экология соҳасида маъмурий жавобгарлик деб, атроф табиий муҳит ҳолатига тажовуз қилувчи файриҳукуқий (хукуқка қарши), айбли (қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликларга айтилади.

Маъмурий жавобгарлик масалалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексида белгиланган тартибда амалга оширилади. Маъмурий жазо маъмурият томонидан мансабдор шахсга алоҳида ва фуқароларга алоҳида жазо санкцияларини белгилайди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг махсус **VIII бобида 32 хил турдаги табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланишга доир ҳукуқбузарликлар учун маъмурий жазо белгиланган**. Экологик-хукуқий муносабат объектларига қараб, ушбу маъмурий хукуқбузарликларни қўйидагича таснифлаш мумкин:

- ерга оид маъмурий хукуқбузарликлар учун жавобгарлик (65–69-моддалар);
- ер ости бойликларига оид (70–71-моддалар);
- сувга оид (72–76-моддалар);
- ўрмонга оид (77–80, 83–84-моддалар);
- Қизил китобга киритилган ноёб ва камёб ўсимлик ҳамда ҳайвот дунёсига оид (81, 93, 94-моддалар);

- мухофаза этиладиган табиий худудларга оид (82-модда);
- ҳайвонот дунёсига оид (90, 92-моддалар);
- атмосфера ҳавосига оид (85–88-моддалар);
- атроф-мухитга зарар етказишга оид (89, 89¹, 91, 95-моддалар);
- экологик экспертизага оид (96-модда).

Экологик хуқуқбузарларга нисбатан маъмурий жазо санкциясининг асосан жарима тури (энг кам ойлик иш ҳақининг 1/3 қисмидан беш баробаригача мансабдор шахсларга, бир баробаридан етти баробаригача фуқароларга) қўлланилади. Кодекснинг 90, 94-моддаларидагина маҳсус хуқуқдан маҳрум этиш ва овқуролини олиб қўйиш жазосини қўллаш назарда тутилган.

3. Фуқаровий жавобгарлик. Бозор иқтисодиёти ва демократик давлат қурилиши Ўзбекистонда фуқаровий-хуқукий жавобгарликнинг ролини аста-секин ошириб бормоқда. Фуқаровий ёки мулкий ва шахсий номулкий характерга эга бўлган жавобгарлик Фуқаролик кодексида қўйидаги экологик хуқуқбузарликка оид ҳолатларни инобатга олади. Авваламбор, Фуқаролик кодексининг 116-моддасига мувофиқ, агарда битимлар экологик қонун талаба-рига жавоб бермаса, улар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилади. Масалан, мулкдор ёки ердан фойдаланувчи ўз ер участкасини ноэ-кологик мақсадларда ижарага бериши, ижара шартномасини бекор қилишга ва ерга етказилган зарарни «Табиатни мухофаза қилиш тўғрисида»ги қонуннинг 51-моддасига кўра қоплашга мажбурдир.

Мулкий жавобгарликда асосий ўринни шартномаларда курсатилмаган фаолиятни олиб бориш натижасида табиатга зарар етказиш эгаллайди. Ушбу зарар натура ёки пул билан тўлиқ ҳажмада ФК 985-моддасига мувофиқ қопланиши лозим. Лекин табиатга, яъни давлат ва шахсларнинг мулкига етказилган зарарни аниқ хисоблаш кийин. Бундай ҳолатда таксалар бўйича жавобгарлик юзага келади.

Атроф табиий мухитга етказилган зарар охир-оқибатда инсонларнинг мулки билан бир қаторда шахсий номулкий характерга, яъни саломатлигига ҳам зиён келтириши мумкин. Шунинг учун хам Фуқаролик кодекси жисмоний ва юридик шахсларнинг инсонларни тоза атроф-мухитга эга бўлиш хуқуқини ҳам инобатга олади.

4. Жиноят жавобгарлик. Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбели ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлик) учун жазо құллаш таҳди迪 жиноят деб айтилади. ЖК билан құриқланадиган объектлар, жумладан, экологик мұносабат объектларыға зарап етказадиган ёки шундай зарап етказиш реал хавфини келтириб чиқарадиган қилмиш ижтимоий хавфли деб топилади (ЖК 14-модда).

ЖКнинг IV бўлим XIV бобининг 12 та моддаси экологик соҳадаги жиноятлар дея эътироф этилади. Уларга:

193-модда. Экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш;

194-модда. Атроф табиий мухитнинг ифлосланганлиги түғрисидаги маълумотларни касдан яшириш ёки бузиб кўрсатиш;

195-модда. Атроф табиий мухитнинг ифлосланиши оқибатларини бартараф қилиш чораларини кўрмаслик;

196-модда. Атроф табиий мухитни ифлослантириш;

197-модда. Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш;

198-модда. Экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дараҳатларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш;

199-модда. Ўсимликлар касалликлари ёки зааркунандалари билан кураш талабларини бузиш;

200-модда. Ветеринария, ветеринария-санитария қоидалари ва нормаларини бузиш;

201-модда. Заарли кимёвий моддалар билан мұомалада бўлиш қоидаларини бузиш;

202-модда. Ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш;

203-модда. Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш;

204-модда. Муҳофаза этиладиган табиий худудларнинг режимини бузиш киради.

Куриниб турибдики, амалдаги қонун ҳужжатларида экология соҳасидаги жавобгарликнинг турлари ва уларни амалга оширувчи органлар, амалга ошириш шакллари аниқ белгилаб берилган.

Назорат учун саволлар

1. Экология хукуки деганда нимани тушунасиз?
2. Экология хукуқининг предметини аниқлаб беринг.
3. Экология хукуқининг манбаларини санаб беринг, уларни тавсифланг.
4. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган экологик сиёсатнинг мазмун-моҳиятини очиб беринг.
5. Мухофаза этиладиган табиий ҳудудлар деганда нимани тушунасиз? Унинг турларини санаб беринг.
6. Экологик назорат нима? Унинг турлари ва амалга оширувчи органлар ҳақида маълумот беринг.
7. Экологик экспертиза нима? Уни амалга ошириш шакллари ни тушунтириб беринг.
8. Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг қандай механизмлари ни биласиз?
9. Экологик жавобгарлик тушунчаси ва турларини гапириб беринг.

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Экология хукуки: Олий ўқув юртларининг хукуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик /Муаллифлар таркиби: Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Х., Холмўминов Ж.Т. ва бошқ. – Тошкент: «Ўзбекистон ёзувчилар ўюшмаси адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001. – Б.328.
2. Ekologiya huquqi. Darslik Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrig: M.B. Usmonov. – Toshkent: TDYI, 2006. – B.361.
3. Ўзбекистон Республикасининг Экология хукуки. Нурматов Асқар. Ҳукуқшунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бакалаврлари учун дарслик. – Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2004. – Б.320.
4. М.М. Нурматов. Экологик-хукукий жавобгарлик. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. Ш.Х. Файзиев. – Тошкент: ТДЮИ, 2009. – Б.191.

5. Холмуминов Ж.Т. Экологическое право (на основе экологического законодательства Республики Узбекистан) Альбом схем. Учебное пособие. – Ташкент: «ТАFAKKUR», 2010. – 272 с.
6. Холмұминов Ж.Т. Экология ва қонун. – Тошкент: «Адолат», 2000. – 352 б.
7. Умаров Д.М. Заповедники Республики Узбекистан: правовое регулирование. Учебное пособие / Отв. ред. Н.К. Скрипников. – Ташкент: ТДЮИ, 2010. – 110 с.
8. Жумаев Т.Ж. Экологик экспертиза (Ўкув қўлланма). – Т.: ТДИУ, 2004. – 128 б.
9. Скрипников Н.К., Умаров Д.М. Учебно-методический комплекс по предмету «Экологическое право». Общая часть. – Ташкент: ТДЮИ, 2009. – С.214.
10. М.М. Нурматов. Экология хуқуқи (умумий қисм). Ўкув-услубий қўлланма. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2011. – 116 бет.
11. Усмонов М.Б. Қишлоқ хўжалигида ижара (хуқуқий масалалар). – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 184 б.
12. Холмұминов Ж.Т. Табиий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг экологик-хуқуқий муаммолари. – Тошкент: «Фалсафа ва хуқук институти» нашриёти, 2009. – 240 б.
13. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар / Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2007. – 477 б.
14. «Экология қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2004. – Б.305.

9-мавзу. ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти.
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турлари ва уларнинг ҳуқуқий холати.
3. Қишлоқ хўжалигига шартнома муносабатлари.
4. Қишлоқ хўжалигининг давлат бошқаруви.
5. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ва уларни бузганлик учун юридик жавобгарлик.

1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи мустақил ҳуқук тармоғи сифатида бир-бири билан узвий боғланган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга қаратилган ер, мулкий, меҳнат ва ташкилий-бошқарув соҳаларидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ соҳасидир.

Айтиш лозимки, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга соладиган ижтимоий муносабатлар ўзига хослиги, турли-туманлиги, кенг доирада эканлиги билан характерланади. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши жараёнида вужудга келадиган ер, мулкий, меҳнат, ташкилий-бошқарув билан боғлик бўлган муносабатларни қамраб олади. Демак, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи комплекс аграр муносабатларни тартибга солишга қаратилган бўлиб, ўз мазмунига кўра қишлоқ хўжалиги соҳасидаги турли-туман муносабатларни тартибга солади.

Аграр муносабатларнинг турли-туманлиги бу муносабатларнинг ҳар бири мустақил қонунлар билан тартибга солиниши билан изоҳланади. Ҳусусан, ер муносабатларини Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи йирик товар ишлаб чиқариш субъектлари фаолиятини «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонун, фермер хўжалиги фаолиятини «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонун, шахсий ёрдамчи хўжаликлар фаолиятини «Деҳқон хўжалиги тўғрисида»ги Қонун тартибга солади.

Кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг жуда кенглиги, турли-туманлиги, ушбу муносабатларнинг ҳар бири (ер, мулкий, меҳнат, бошқарув) мураккаб, ўзига хос, мустакил муносабатлар эканлигини, бу муносабатларни битта қонунга жамлаш қийинлиги билан асослаш мумкин.

Юкоридагилардан келиб чиқсан ҳолда **кишлоқ хўжалик ҳуқуқининг предмети**, биринчидан, мулкий-ҳуқуқий муносабатлар; иккинчидан, меҳнат-ҳуқуқий муносабатлар; учинчидан, ер-ҳуқуқий муносабатлар; тўртинчидан, фермер хўжалик-ҳуқуқий муносабатлар ташкил этади.

Баъзи олимлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқи фақат қишлоқ хўжалиги корхоналаридаги ички хўжалик муносабатларини тартибга солиши керак, деган фикрни айтиб, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ташки иқтисодий муносабатларини тартибга солмайди, деган фикрни илгари сурадилар.

Кишлоқ хўжалик ҳуқуқининг ўзига хос хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб утиш мумкин:

биринчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи комплекс ҳуқук тармоғи сифатида ўзида ер, сув, ўрмон, меҳнат, маъмурий, фуқаролик ва бошқа ҳуқук соҳаларини ўз ичига олган мураккаб ҳуқук соҳасидир;

иккинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта етиштириш билан боғлиқ бўлган ер, мулкий, меҳнат, ташкилий-бошқарув муносабатларини тартибга солиши билан ажралиб туради;

учинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи хўжалик юритиш ва мулк шаклидан қатъи назар барча турдаги хўжалик тузилмаларининг teng ҳуқуқлилигини таъминлайди;

тўртинчидан, қишлоқ хўжалик ҳуқуқи қишлоқ шароитининг табиий-иқлимий шароитларини эътиборга олган ҳолда тартибга солишга қаратилган¹.

¹ Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи: Олий ўкув юртларининг ҳуқуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талabalari учун дарслик // Раҳмонқулов Ҳ.Р., Усмонов М.Б., Рузиназаров Ш.Н. ва бошк. Масъул мухаррирлар Ҳ.Р. Раҳмонқулов, М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқук дунёси» нашриёт уйи, 2000. – Б.368.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тартибга солишга қаратилган ижтимоий муносабатлар қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этади. Ушбу ижтимоий муносабатлар доираси жуда кенг бўлиб, турли йўналишлардаги муносабатларни қамраб олади. Бу муносабатлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларининг хўжалик фаолиятлари билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигига меҳнатни ташкил қилиш билан боғлиқ муносабатлардир. Бу турдаги муносабатлар қишлоқ хўжалигига меҳнатни ташкил қилиш шакллари, меҳнатни муҳофаза қилиш, меҳнат интизоми, меҳнат низолари, иш вақти, иш ҳақи кабилар билан боғлиқ бўлади. Меҳнатни ташкил қилиш муносабатларини тартибга солишга бағишиланган қоидалар Ўзбекистон Республикасининг Мехнат кодекси, «Қишлоқ кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Қишлоқ хўжалик кооперативи (ширкат хўжалиги)нинг наъмунавий устави», «Фермер хўжалигининг наъмунавий устави» каби норматив-ҳуқукий хужжатларда ўз ифодасини топган. Демак, қишлоқ хўжалигига меҳнат муносабатлари қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг объектини ташкил этадиган асосий ижтимоий муносабатлар хисобланади.

Қишлоқ хўжалиги муносабатларини тартибга солувчи ва унинг ривожланиши учун ҳуқукий замин бўлиб хизмат қилувчи қонунлар тариқасида кўйидагилар намоён бўлади:

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси;
- Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги, «Кооперация тўғрисида»ги, «Ижара тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Гаров тўғрисида»ги қонунлар.

Ушбу қонунлар қишлоқ хўжалиги тармоқлари хусусиятларини қамраб олган холда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнини тартибга солиш мақсадида маҳсус қабул қилинган бўлиб, мухим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалик ҳуқуқининг субъектлари сифатида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган муносабатлар-

да катнашувчи юридик ва жисмоний шахслар тушунилади. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи субъектларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда умумийлиги уларнинг бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи шахслар эканлиги билан характерланади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи тузилмалар турли-туманлиги билан ажралиб туради. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари, ижара жамоалари, ёрдамчи хўжаликлар ва бошқалар шуғулланмокдалар¹.

Бозор иқтисодиёти шароитида ахолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришда, қишлоқ ахолисининг моддий турмуш тарзини яхшилашда, уларнинг даромадларини юксалтиришда дехқон ва фермер хўжаликларининг роли алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги ва «Фермер хўжаликлари тўғрисида»ги қонунлари қабул қилинди.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъектлар доираси Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Хусусий корхоналар тўғрисида»ги қонунлари билан белгилаб берилган. Ушбу қонунларда белгиланишича, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари), давлат хўжаликлари, фермер хўжаликлари, дехқон хўжаликлари шуғулланишлари мумкин.

Бу қонунлар билан фермер ва дехқон хўжаликлари юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ёки шундай мақомга эга бўлмасдан ҳам қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи субъект бўлиши мумкинлиги ўрнатилди.

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B.264.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан шуфулланувчи тузилмалар (субъектлар) шаклини топиш доимо мураккаб бўлиб келган. Бу муаммонинг асосий сабаби қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг мураккаблиги билан характерланади.

Юкорида қайд этиб ўтилган масалаларни умумлаштирган ҳолда қишлоқ хўжалик ҳуқуқига қўйидагича таъриф бериш мумкин. **Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи** – бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, уларни қайта етиштириш ва реализация қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий-хўжалик, мулкий ва но-мулкий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар йи-финдисидир.

2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати

Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати бошқа юридик шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати сингари Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39–72-моддаларида юридик шахсларнинг ҳуқуқий макомига тааллуқли қоидаларга мувофиқ белгиланади. Бундан ташқари, корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати, фаолиятининг асосий йўналишлари, унинг мақоми ва баошқарувига оид нормалар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг ка-фолатлари тўғрисида»ги, «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги, «Дех-кон хўжалиги тўғрисида»ги қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 39-модда-сига мувофиқ, ўз мулкида, хўжалик юритишида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар була оладиган ташкилот юридик шахс хисобланади. Барча корхоналарнинг, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ҳуқуқий ҳолати шу талабдан келиб чиқсан ҳолда белгиланади.

Юридик шахслар, Фуқаролик кодексининг 40-моддасига мувофик тијоратчи ёки тијоратчи бўлмаган ташкилотларга бўлинади. Фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган ташкилот тијоратчи, деб хисобланади. Барча қишлоқ хўжалиги корхоналарини Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхона тўғрисида»ги Конуни 1-моддасига, «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Конуни 1-моддасига, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конуни 1-моддасига ва бошқа конун хужжатларига мувофик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини товор ишлаб чиқиш ва уларни сотиш натижасида фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилгандари учун тијоратчи ташкилотлар қаторига киритиш мумкин.

Конун хужжатларида ва илмий адабиётларда белгиланганидек, корхоналарнинг куйидаги белгилари ва ўзига хос жиҳатларини баён қилиш мумкин:

– мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тијоратчи ташкилот корхона деб эътироф этилади. Корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-хукуқий шаклидир;

– корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўзномидан мулкий ва шахсий номулкий хукуқларга эга бўлиши ҳамда уларни амалга ошириши, мажбуриятларни бажариши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин;

– корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради;

– ишлаб чиқариш жараёнида хукуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Корхоналарнинг хукуқ ва мажбуриятлари, энг аввало, конун хужжатларида белгиланади, масалан, маҳсулотни сотиш ёки ўзига зарур бўлган мол-мулкни сотиб олиш хукуқи, тегишли давлат органларига статистика ва бошқа ахборотларни тақдим этиш ёки солик тўлаш мажбурияти;

– корхоналар ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва уни амалга оширишда қишлоқ хўжалиги корхоналари бошқа юридик ва жисмоний шахслар билан шартномавий муносабатларга киришадилар. Қишлоқ хўжалиги корхоналари шу жараёнда ўғитлар, уруғлар, чорва моллари ва ҳоказоларни олиш мақсадида ёки етиши-

рилган махсулотларни сотиш учун бошқа корхона, муассаса ва ташкилотлар билан тегишли шартномалар тузадилар ҳамда тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўладилар;

– судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиши. Корхона мулкий ва номулкий ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлиб, ўз ҳуқуқ ва манфаатларини қонун асосида судда ҳимоя қила олади. Корхонанинг қонунда ёки шартномада белгиланган ҳуқуқлари бузилган тақдирда у судда уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқига эгадир ва аксинча ҳолларда эса, у ўзга корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқларини бузганида корхона судда жавобгар сифатида қатнашиши мумкин. Корхона мулкдори корхонанинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда хусусий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади¹.

Корхоналарнинг ҳуқукий ҳолатини ўрганиш ва аниқлашнинг ўзига хос мезонлари мавжуд бўлиб, булар корхонани тузиш тартиби ва унинг давлат руйхатидан ўtkазилиши; корхонанинг муассасалари; корхонанинг мол-мулки; корхонанинг бошқарув идоралари; ишлаб чиқаришни ташкил қилиш; меҳнат муносабатларини тартибга солиш; корхонада даромадни тақсимлаш; корхона ва давлат орасидаги муносабатлар; корхонани тугатиш ёки қайта ташкил этиш, корхонанинг жавобгарлиги ва бошқалар.

Фуқаролик кодексининг 42-моддасида юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида ташкил этилиши кўзда тутилган. Корхона мулкдор томонидан тузилади, мулкдор унга тегишли мол-мулк беради ва унинг уставини тасдиқлайди.

Корхона, агар унинг уставида бошқача қоида белгиланган бўлмаса, номуайян муддатга тузилади. Корхонани ташкил этиш учун муассис (муассислар)нинг қароридан ташқари юридик шахслар таъсис ҳужжатларини расмийлаштириши лозим. Қишлоқ ҳужжалиги корхонаси давлат органи ёки жисмоний шахс томонидан

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik / Mas'ul muharrirlar: M.B. Usmonov, J.T. Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009. – B.259; Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B. 264.

ташкил этилаётган бўлса, унда давлат органи ёки жисмоний шахснинг ушбу корхонани тузиш тўғрисида қарори бўлиши лозим. Агар корхона бир неча мулкдор (шахс) томонидан тузилаётган бўлса, унда таъсис шартномаси тузилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 43-моддасига кўра, юридик шахснинг, шу жумладан, корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи асосий хужжатлардан бири унинг устави хисобланади. «Хусусий корхона тўғрисида»ги Конуннинг 10-моддаси, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конуннинг 8-моддаси, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Конуннинг 15-моддаси корхоналар уставига киритилиши лозим бўлган маълумотлар руйхатини белгилайди ва шунга мувофиқ қўйидаги ҳолатлар корхона уставида акс эттирилиши лозим: корхонанинг номи, унинг жойлашган жойи, фаолият мақсади ва предмети (турлари), унинг бошқарув ва назорат органлари, уларнинг ваколатлари, мол-мулкни шакллантириш ва фойда (даромад)ни тақсимлаш тартиби, кархонани қайта ташкил этиш ва тугатиш шартлари. Корхонанинг турига мувофиқ унинг уставида бошқа ҳолатлар ҳам белгиланиши мумкин. Масалан, ширкат хўжалигининг уставида ширкатга аъзо бўлиш ва аъзоликдан чиқиши тартиби, ширкатнинг пай, бўлинмас ва бошқа жамғармаларининг микдори ва шакллантириш тартиби, фермер хўжалигининг уставида эса, фермер хўжалиги ерларидан фойдаланиш тартиби кўзда тутилиши лозим.

Корхонани юридик шахс сифатида ташкил этишда асосий талаблардан бири уни давлат руйхатидан ўтказиш хисобланади. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига мувофиқ юридик шахс қонун хужжатларида белгиланган тартибда давлат руйхатидан ўтказилиши лозим. Аксарият ҳолларда юридик шахслар улар жойлашган жойдаги туман (шахар) ҳокимиётининг тегишли бўлимларида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 12 июлдаги 159-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган корхоналарни давлат руйхатидан ўтказиш тўғрисида»ги Низомга (ҚТ 1991 й., № 6, 19-модда) асосан руйхатга олинадилар. Бунга истисно акциядорлик жамиятлари, қўшма корхона-

ларнинг тегишли адлия органларида руйхатга олиниши хисобланади.

Фуқаролар, агар улар муомалага лаёқатли бўлсалар, юридик шахсни ташкил этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 22-моддасига мувофик, фуқаролар вояга етгач, яъни 18 ёшга тўлгач, тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўладилар. Фуқаролик кодексининг 28-моддасига мувофик, 16 ёшга тўлган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси бўйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси фарзандликка олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тўла муомалага лаёқатли, деб эълон қилиниши мумкин.

Юридик шахслар факат қонун ёки таъсис ҳужжатларида кўзда тутилган бўлсагина, улар корхонанинг муассислари бўлиши мумкин. Муассис (муассислар) корхонанинг мол-мулки сифатида унга пул маблағлари, бино ва иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни ажратиб бериши мумкин.

Унитар корхоналарда эса, аксинча, мол-мулк унинг таъсисчи-сига тааллуқлидир. Унитар корхона битта таъсисчиси бўлган корхона хисобланади ва унинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан, корхона ходимлари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас. Унитар корхона-нинг мол-мулки унга хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш хуқуқи асосида тегишлидир (Фуқаролик кодексининг 70-моддаси).

Корхоналарнинг турларидан бири саналган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги)да ижроия ширкат бошқаруви ташкил этилади. Бошқа биргаликдаги мулкка асосланган корхоналарда ижроия органи сифатида бошқарув ёки дирекция ёхуд директор лавозими муассисларнинг қарорига биноан корхонанинг уставида белгиланади.

Тафтиш органи корхонанинг молиявий хўжалик фаолияти устидан назорат қилиш мақсадида ташкил этилади. Тафтиш органи коллегиал орган – тафтиш комиссияси сифатида ёки якка шахс – тафтишчи сифатида ташкил этилиши корхонанинг уставида белгиланади.

Фермер хўжаликларида бошқарув органлари Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конунига муво-

фик, ўзгача ҳолда ташкил этилади. Ушбу Конун фермер хўжалигини бошқаришни асосан хўжалик бошлиғи орқали амалга оширилишини белгилайди (4, 10, 17–24-моддалар).

Аммо ушбу Конуннинг 20-моддасида фермер хўжалигининг молмулки унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида тегишилигини белгилайди. Демак, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Конунда фермер хўжалиги аъзоларини уни бошқаришда қатнашиши қатъий белгиланмаган бўлса ҳам, юқорида қайд этилганга асосан, улар хўжаликни бошқаришда қатнашиши лозимdir.

Амалдаги қонун ҳужжатларида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги юридик шахсларнинг мазмуни ва хусусиятидан келиб чикқан ҳолда қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўйидаги турларга бўлиш мумкин:

- қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги);
- фермер хўжаликлари;
- қишлоқ хўжалигидаги акциядорлик жамиятлари;
- давлат қишлоқ хўжалиги корхоналари;
- дехқон хўжаликлари;
- қишлоқ хўжалиги хусусий корхоналари;
- қишлоқ хўжалигидаги бошқа корхоналари¹.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларини қўйидагиларга бўлиш мумкин: йирик товар ишлаб чиқарувчилар – қишлоқ хўжалиги ширкатлари ва бошқа йирик корхоналар, ўрта товар ишлаб чиқарувчилар – фермер хўжаликлари ва майда товар ишлаб чиқарувчи – дехқон хўжаликлари.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтиослашган корхоналар акциядорлик жамияти шаклида ҳам ташкил этилиши мумкин. Акциядорлик жамияти деганда, устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект тушунилади.

Акциядорлик жамиятларининг ҳуқуқий ҳолати Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Акциядорлик жамиятла-

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik / Mas'ul muharrirlar: M.B.Ulmonov, J.T.Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009. – B. 259.; Qishloq xo'jalik huquqi. Ulmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B.264.

ри ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тұғрисида»ги Конуни ва бошқа конун ҳужжатлари билан белгиланади.

Қишлоқ хұжалиги давлат корхонаси тижоратчи ташкилот – унитар корхона ҳисобланади. Давлат қишлоқ хұжалиги корхонасинаң ҳуқуқий ҳолатининг хусусиятлари, унинг давлат органдың монидан ташкил этилиши ёки тугатилиши, мол-мулки хұжалик юритиш ҳуқуки ёки оператив бошқарув ҳуқуқига асосланғанлығи ва корхонани бошқарыш ҳисобланади.

Қишлоқ хұжалигидаги хусусий корхоналарнинг ҳуқуқий ҳолати Узбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Хусусий корхона тұғрисида»ги Конуни билан тартибга солинади.

Хусусий корхонанинг мол-мулки унинг мулкдори, яғни жисмоний шахс томонидан хұжалик юритиш ҳуқуки асосида ажратылади. Қишлоқ хұжалиги хусусий корхонасинаң мол-мулкини асосий ва айланма маблағтар, шунингдек, қыймати корхонанинг балансида акс эттирилган бошқа маблағтар ташкил этади. Хусусий корхона әгаси ўз мол-мулкига нисбатан қонун ҳужжатларига зид булмайдыган ҳар қандай ҳаракатларни амалға оширади.

Хусусий корхона унга мулкдор томонидан бириктириб қўйилган кўчмас мол-мулкнинг мулкдори розилигисиз сотишга, ижара-га беришга, гаровга қўйишга ёки бу мол-мулки ўзгача тассаруф этишга ҳақли эмас.

Корхоналарнинг яна бир тури сифатида масъулияти чекланган жамиятларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Масъулияти чекланган жамиятнинг аъзолари жамият қарзлари бўйича фақат уларнинг устав фондидағи улушларига мутаносиб равишда жавобгар бўладилар. Қўшимча масъулияти жамият қатнашчилари эса, унинг мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан қўшган хиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил бўлган жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали микдорда жавобгар бўладилар.

Қишлоқ хұжалигига бошқа турдаги хұжалик жамиятлари ва ширкатлари тузилиши мумкин. Иштирокчилар ўртасида тузилган шартномага мувофиқ ширкат номидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган ҳамда унинг мажбуриятлари бўйича ўзларига карашли бутун мол-мулк билан жавоб берадиган ширкат тўлиқ ширкат ҳисобланади.

Ширкат номидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган ҳамда ширкатнинг мажбуриятлари бўйича ўзларининг бутун мол-мулклари билан жавоб берадиган иштирокчилар (тўлиқ шериклар) билан бир қаторда ширкат фаолияти билан боғлик зарар учун ўзлари қўшган ҳиссалар доирасида жавобгар бўладиган ҳамда ширкат томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда қатнашмайдиган бир ёки бир неча иштирокчи (хисса қўшувчи, коммандитчи) мавжуд бўлса, бундай ширкат коммандит ширкат хисобланади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги корхоналар ўзининг ташкилий шакли ва мазмунига, ҳукукий мақоми, ташкилий шакллари ва иштирокчиларининг ҳукуқ ва мажбуриятларига кўра бир-биридан фарқланади.

3. Қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг катта қисми иқтисодий-ижтимоий ва хўжалик муносабатларида шартномавий муносабатларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ушбу соҳага доимий равишда алоҳида эътибор бераб келинган.

Ушбу қонунлар хусусий мулкчилик ва ер тўғрисидаги, фуқаролик-ҳукукий масалалар, Ер кодекси, тадбиркорлик, корхоналар, кооперативлар, юридик шахслар ва бошқа мухим масалаларга қаратилди.

Ушбу қонун ҳужжатлари, ўз навбатида, фуқароларга, корхоналарга, ташкилотларга жамиятнинг барча жабҳаларида тенг ҳукукли равишда шартномавий муносабатларга киришишга, мулький, ишлаб чиқариш, хўжалик-тадбиркорлик муносабатларида ташаббускорлик кўрсатиш ва эркин қатнашиш учун кенг имкониятлар яратиб бермоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитидаги шартномавий муносабатларининг моҳияти ва мазмuni ҳам айнан шу шаклда ривожланишни талаб киласди.

Қишлоқ хўжалиги қатнашчиларининг қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган шартномани ҳам тузишлари эркинлиги, ушбу соҳанинг кенглиги билан ифодаланади.

Шартноманинг шартлари тарафларнинг ҳохиши билан белгиланади, тегишли шартнинг мазмуни қонун ҳужжатларида кўрсатиб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Қонунда үрнатилган тартиб шуни кўрсатадики, тарафлар шартнома тузишда эркиндиirlар, уларни ҳеч ким мажбур қилолмайди, тузилган шартномада факат уларнинг ҳақиқий ҳохиш – эрклари ўз ифодасини топади. Демак, тарафларнинг хатти-харакатлари шартномада назарда тутилган қоидалар билан тартибга солиниши, ушбу қоидаларга риоя қилинмаган такдирда айборд тонинг жавобгарлик юклатиши мумкин. Лекин, бундай хуносага асосан шартномани норматив характерга эга бўлган юридик ҳужжат деб булмайди, унда назарда тутилган тартиб-коидалар, шартлар унинг тарафлари томонидан белгиланган ва факат уларга тегишли бўлиб, ушбу шартнома бўйича улар томонидан ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажарилишини таъминлашга қаратилади.

Шартнома тушунчаси Фуқаролик кодексининг 353-моддасида белгилаб берилган. Унга кўра шартнома – бу икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳукуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор килиш хакидаги келишувидир. Демак, шартнома тарафларнинг келишувидан иборат бўлиб, ушбу келишувга якун ясовчи ва тегишли шаклда расмийлаштирувчи ҳужжатdir.

Шартнома ҳам битимнинг турларидан иборат. Лекин, улар бирбиридан фарқ қиласди. Битим бир тарафлама бўлиши мумкин. Бундай битимда бир тарафнинг ҳохиши бўлиши зарур. Шартномани тузишда икки ёки ундан ортиқ шахс қатнашади. Шунинг учун ҳам шартномаларга икки ёки кўп тарафли битимлар тўғрисидаги қоидалар кўлланилади. Лекин, шуни уқтириб ўтиш керакки, агар битимнинг турлари, яъни унинг бир ёки кўп тарафлама бўлиши битта ёки кўпчилик шахснинг ўз ҳохишини ифода этиши билан белгиланса, шартнома тушунчаси унда қатнашуви шахсларнинг сони билан ҳам белгиланади.

Бугунги кунда иқтисодиётнинг ривожланиши натижасида шартнома ҳақиқатан ҳам унда қатнашувчи тарафларнинг ҳохиш иродасини ўзида мажбурий эмас, эркин равишда ифода этувчи асо-

сий ҳуқуқий ҳужжат мақоми даражасига эришди. Шартноманинг келишув сифатида том маънога эга бўлиши унда иштирок этувчи тарафларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли кафолатлар ҳосил қиласди.

Қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги шартномалар мазмуни ва тузилишининг моҳиятига кўра иқтисодий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи юридик шакл сифатида тегишли гурухларга бўлиниди ва маълум тизимни ташкил қиласди, чунончи:

- а) мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлик шартномалар.
- б) мол-мулкка нисбатан фойдаланиш ҳуқуқини топшириш бўйича вужудга келган муносабатлар билан боғлик шартномалар;
- в) муайян ишни бажариш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлик шартномалар;
- г) хизмат кўрсатиш бўйича вужудга келадиган муносабатлар билан боғлик шартномалар¹.

Ушбу шартнома турлари, асосан, қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги шартномалар саналиб, шартномаларнинг турлари юқоридагилар билан чекланмайди. Масалан, суурита шартномаси, биргаликдаги фаолият шартномаси, асар ихтироси ва бошқа ижодий меҳнат натижалари билан боғлик, яъни интеллектуал мулк юзасидан тузилган шартномалар, нашриёт шартномаси ва бошқалар мавжуд.

Шартномалар орасида контрактация шартномаси қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги энг кенг тарқалган шартнома турларидан бири саналади.

Контрактация шартномаси республикамизнинг қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи ҳўжаликлари билан бу маҳсулотларни харид қилувчилар, истеъмолчилар ўртасида тузилади. Шунга кўра контрактация шартномаси таърифи Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 465-моддасида ифода этилади. Контрактация шартномасига мувофик қишлоқ ҳўжалиги маҳ-

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik / Mas'ul muharrirlar: M.B. Usmonov, J.T. Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009. – B. 259.; Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B.264.

сулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга-тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш) унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тұлаш (тұлаб туриш) мажбуриятини олади.

Мана шу таърифдан маълумки, контрактация шартномаси субъектлари сифатида – бир тарафдан маҳсулот етиштирувчи хұжалик, жамоа хұжалиги, фермер, дәхқон хұжаликлари ва бошқа хұжаликлар иштирок этса, иккинчи томонда маҳсулот тайёрловчи ташкилотлар катнашадилар.

Қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини етказиб бериш бүйича контрактация шартномасини тузишдан мақсад фукароларнинг шу маҳсулотларға бұлған, саноат корхоналарининг хом ашёға бұлған әхтиёжларини таъминлашдан иборатdir.

Контрактация шартномаси айрим шартномаларга, масалан, маҳсулот етказиб бериш, олди-сотди шартномаларига үхшаб кетседа, үзига хос хусусиятлари билан улардан фарқланади. Контрактация шартномаси хам маҳсулот етказиб бериш шартномаси сингари тузилади, аммо ундан үзига хос хусусиятлари орқали фарқ қиласы.

Контрактация шартномасининг үзига хос хусусиятларидан яна бири шундан иборатки, бу шартнома бүйича бир тарафда тегишли тайёрлов ташкилотлари иштирок этса, иккинчи тарафда эса факат қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштирувчи хұжаликлар иштирок этадилар.

Контрактация шартномасининг иштирокчилари мулкчилик шаклларидан ва идоравий буйсунишидан катын назар, қишлоқ хұжалиги маҳсулотларини харид қилишни амалга оширувчи ташкилотлар, корхоналар (тайёрлов, савдо, қайта ишловчи ва бошқалар) билан қишлоқ хұжалиги корхоналари ва қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари етиштирувчи дәхқон, фермер хұжаликлари ҳисобланадилар.

Хұжалик субъектлари уртасида тузиладиган контрактация шартномасига оид муносабатлар тегишли қонунлар ва қонунларға мувофик чиқарылған бошқа хуқуқий хужжатлар билан тар-

тибга солинади. Булар жумласига Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, «Дехқон хўжалиги тўғрисида»ги, «Кооперация (ширкат) тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини санация қилиш тўғрисида»ги қонунлар ва «Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий начорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида»ги Президент Фармони ва Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар билан тайёрлов, хизмат кўрсатиш ташкилотлари ўртасида шартномалар тузиш, уларни рўйхатдан ўтказиш, бажариш, шунингдек уларнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш тартиби тўғрисида»ги Низомни киритиш мумкин.

Шартномалар бевосита хўжаликларда тузилади. Тайёрловчи хўжаликка ваколатли вакилини юборади. Шу юборилган вакил билан шартнома шартлари хусусида келишиб олинади. Шартномалар тарафларнинг келишувига кўра бир йилдан беш йилгача муддатга тузилади.

Тайёрловчи хўжаликларга вакилни юбормасдан шартнома лойиҳаларини тузиб, уларга жўнатиши мумкин. Агар хўжаликлар турли вилоятларда жойлашган бўлса, шартнома лойиҳаси уларга почта орқали жўнатилади. Шартнома лойиҳаси олинган кундан бошлаб хўжалик ўттиз кун давомида уни кўриб чиқиши ва имзолаб, тайёрловчига қайтариши шарт. Агар шартнома шартлари тўғрисида хўжаликнинг эътирози бўлса, шартнома лойиҳаси олинган кундан ёки тайёрловчининг вакили келган кундан бошлаб ўттиз кун муддатда бу ҳакда келишмовчиликлар баёнини тузиб, уни шартнома лойиҳаси билан бирга тайёрловчи ташкилотга жўнатади. Бу эса, ўз навбатида, янги таклиф ҳисобланади¹.

Шартномада хўжаликни идиш ва ўраш материаллари билан таъминлаш тайёрловчи зиммасига юклатилган булса-да, тегишли

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik / Mas'ul muharrirlar: M.B. Usmonov, J.T. Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009. – B.259.; Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B.264.

идиш билан таъминламаганлик учун жавобгарлик белгиланади. Жумладан, тайёрловчи хўжаликни тегишли идиш ва ўраш-чирмаш билан боғлиқ материаллар билан таъминламаган бўлса, шу вақтда амалда бўлган кийматнинг икки баравари микдорида жарима тулади.

Қурилиш пудрати шартномаси энг муҳим фуқаролик-хуқуқий шартномалардан бири бўлиб, у қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам кенг қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қурилиш пудрати шартнома муносабатларини хуқукий тартибга солувчи асосий норматив-хуқуқий хужжат ҳисобланади.

Қурилиш пудрати шартномаси корхонани, бинони, иншоотни ёки бошқа обьектни куриш ёки қайта куриш ҳакида, шунингдек монтаж, созлаш, ишга тушириш ва қурилаётган обьект билан бевосита боғлиқ бўлган бошқа ишларни бажариш ҳакида тузилади. Қурилиш пудрати шартномаси тўғрисидаги қоидалар, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, бино ва иншоотларни капитал таъмирлаш ишларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.

Пудратчи (буортмачининг розилиги ёки унингсиз, агар бу контрактда акс этган бўлса) бош пудратчи ролини бажаради ва ишларнинг бир қисмини ёки турини бажариш учун бошқа ташкилотларни (субпудратчиларни) улар билан субпудрат контрактлари тузган ҳолда жалб этиши мумкин. Ушбу контракт контрактларнинг тўғридан-тўғри турларига киради.

Қурилиш пудрати шартномасида лойиха-смета хужжатларининг таркиби ва мазмуни аниқланган, шунингдек қайси тараф ва қанча муддатда тегишли хужжатларни тақдим қилиши лозимлиги назарда тутилган бўлиши керак.

Пудратчи қурилиш давомида лойиха-смета хужжатларида ҳисобга олинмаган ишларни ва шу муносабат билан қўшимча ишларни бажариш ва қурилишнинг смета қийматини ошириш зарурлигини аниқласа, бу тўғрида буортмачига хабар бериши шарт.

Хулоса қилиб айтганда, бозор муносабатлари шароитида шартнома муносабатлари иштирокчилари томонидан ўз зиммаларига олинган хукуқ ва мажбуриятларнинг лозим даражада оқилона бажарилиши қишлоқ хўжалигига ишлаб чиқариш, маҳсулотлар этиштириш, уй-жой ва маданий-маиший ҳамда бошқа обьектлар

курилишини амалга оширишнинг самарадорлигини таъминлаш учун шароит яратади.

4. Қишлоқ хўжалигининг давлат бошқаруви

Қишлоқ хўжалиги республикамиз иқтисодиётининг етакчи соҳаси сифатида эътироф этилар экан, агросаноат секторида амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш бозор иқтисодиёти қоида ва талабларини жорий этиш, хилмажил мулк шаклларини ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-кувватлаш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш жарайенини таъминлашда давлат бошқаруви муҳим аҳамиятга эгадир.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солиш деганда, агросаноат секторида ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан давлат бошқаруви органларининг фаолияти, уларнинг иштироки тушунилади¹.

Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади аҳолини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, мамлакатимизни иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантиришда давлат назоратини ўрнатиш ва аҳолининг ижтимоий ҳолатини яхшилашдан иборатдир. Ушбу мақсадларни муваффақиятли ҳал этиш давлат бошқаруви органлари зиммасига масъулият, вазифаларни ва иқтисодий чора ва усусларни қўллашни юклайди.

Қишлоқ хўжалигига давлат бошқарувини таъминлаш бўйича қонунчилик хужжатларида давлат бошқаруви органларининг қўйидаги йўналишларда фаолияти белгилаб берилган:

қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий соҳалардаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик хужжатларини қабул қилиш;

қишлоқ хўжалигига мулкчилик шаклларини такомиллаштириш, хусусий мулк манфаатларини химоя қилиш, тадбиркорлик фаолиятни қўллаб-кувватлаш;

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik / Mas'ul muharrirlar: M.B. Usmonov, J.T. Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009. – B.259.; Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B.264.

қишлоқ хўжалик инфраструктурасини яратиш ва ривожлантириш;

ерларни муҳофаза қилиш, улардан оқилона фойдаланиш, дехқонларда ерга эгалик хиссини ўйғотиш, дехқонларнинг ўз меҳнати натижаларидан фойдаланиш хуқуқига тўла эга бўлишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигида мулкий пайларни жорий этишини ўйлга қўйишида давлат назоратини ўрнатиш;

қишлоқ хўжалиги корхоналарининг хуқукини ва иқтисодий мустақиллигини кенгайтириш, турли қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш шаклларини, қишлоқ хўжалик ширкати, фермер хўжалиги ва дехқон хўжалигини ташкил қилиш ва ривожлантириш;

қишлоқ хўжалиги тармокларида ишлаб чиқариш учун зарур моддий-техника таъминотини йўлга қўйиш.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувининг хусусиятлари, асосан, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши жараёнининг табиий омилларга боғлиқлиги, яъни ер, сув, ўсимлик, ҳайвонот дунёси ва атмосфера ҳавосининг ҳолати билан боғлиқдир.

Қишлоқ хўжалигида давлат бошқарувининг шакллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонун ва агросаноат мажмуини ислоҳ қилишга қаратилган дастурлар асосида белгиланган бўлиб, уч қисмга бўлинади:

1) қишлоқ хўжалиги муносабатларини тартибга солишга қаратилган қоида ва талабларни белгилаш;

2) қишлоқ хўжалиги қонунчилиги ҳужжатлари ижросини таъминлаш;

3) Қонунчилик ҳужжатлари, дастурларда белгиланган қоидаталаблар ҳамда чора-тадбирларнинг бажарилишини назорат қилиш, тегишли чораларни белгилаш.

Қишлоқ хўжалигига оид қонун, фармон, қарор ва бошқа меъёрий ҳужжатлар давлат ҳокимияти ва ижро ҳокимияти органлари томонидан қабул қилиниб, барча вазирликлар, давлат қўмиталири, идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамиятга эга хисобланади. Бу ҳам, ўз навбатида, давлат бошқаруви органларининг ушбу соҳадаги энг муҳим иштирокларидан бири саналади.

Кишлоқ хўжалигининг давлат томонидан бошқарилиши барча соҳа ва тармоқлар каби муҳим аҳамиятга эга бўлиб, қўйидаги тамойиллар асосида олиб борилади: қонунийлик; ошкоралик; давлатнинг бош ислоҳотчилиги; ижтимоий адолат ва ҳимоянинг устиворлиги ва бошқалар.

Ушбу тамойиллар кишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартиба солишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, биринчидан, давлат аграр сиёсатининг демократик ғояларга асосланишини белгилайди, иккинчидан, аграр ижтимоий муносабатлар қонунчилик хужжатлари қоида-талаблари асосида барча субъектлар томонидан амалга оширилишини таъминлайди, учинчидан, агросаноат мажмуида бозор муносабатларини йўлга қўйишда давлатнинг асосий ислоҳотчи, ташкилотчи бўлиши асосида барча ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш субъектлари учун етарли шарт-шароитлар ва бозор механизмини шакллантиришга хизмат килади, тўртинчидан, қишлоқда ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, ижтимоий адолатни тиклаш қишлоқ инфраструктурасини яратишга, хизмат килади.

Кишлоқ хўжалигида умумий ваколатли давлат органлари қўйидагилардан иборат:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси;
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти;
3. Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси;
4. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Республика Парламентининг агросаноат мажмуини тартиба солишга қаратилган фаолияти қўйидаги асосий йўналишлардан иборатdir:

1. Аграр муносабатларни ҳукуқий жиҳатдан тартиба солишга қаратилган қонун хужжатларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
2. Кишлоқ хўжалик қонун хужжатлари қоида-талабларининг вазирликлар, давлат қўмиталари, идораларнинг вилоят, туманларда амалга оширилиши юзасидан парламент назоратини олиб бориш;
3. Кишлоқ хўжалигини ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга қаратилган давлат Дастур ва концепцияларини тасдиклаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси фаолияти билан боғлик бошқа ваколатлар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ваколатлари қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, юридик ва жисмоний шахслар учун умуммажбурий аҳамиятли қоида-талабларни белгилаб, агросаноат мажмуининг хуқуқий пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат киласди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу соҳада ижро ҳокимияти марказий органларининг фаолият йўналишлари хилма-хил бўлиб, агросаноат мажмуида ислоҳотларни ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан аҳолининг эҳтиёжларини қондириш, ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини олиб борувчи субъектларни зарур шарт-шароитлар билан таъминлашга хизмат киласди.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги давлат бошқаруви билан шуғулланувчи маҳсус ваколатли орган саналиб, фаолиятининг асосий йўналишлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

- қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қаратилган комплекс дастурларни ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

- мулкий муносабатларни такомиллаштириш, давлат тасаррӯфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, меҳнатни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш;

- қишлоқ хўжалиги, ширкат хўжалиги, дехқон фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

- қишлоқ хўжалигига юқори сифатли технология ва бошқа инвестиция воситаларини жалб қилиш, аграр соҳада илмий-техникавий ютуқларнинг жаҳон тажрибасини жорий этиш;

- қишлоқ хўжалигида ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан оқилона фойдаланишни ташкил этиш, уларни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- қишлоқ хўжалиги соҳасининг чорвачилик, пахтачилик, ғаллачилик, пиллачилик каби асосий тармоқларида маҳсулот етиштириш, ўйғиб-териб олиш, қайта ишлаш, ички ва ташқи бозорга олиб чиқиш жараёнларига умумий раҳбарлик қилиш ва бошқалар.

Юқорида қайд этиб ўтилган омиллар, вазифалар қишлоқ хўжалигини давлат томонидан тартибга солишга қаратилган давлат филиятига ўз таъсирини кўрсатади ва давлат бошқаруви органлари олдида янгидан-янги йўналишларни белгилайди.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётимизнинг муҳим соҳаларидан бири бўлиб, босқичма-босқич олиб борилаётган ислоҳотларни таъминлашда давлат бошқаруви органларининг ислоҳотчи, ташкилотчи бўлишини белгилайди.

5. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ва уларни бузганлик учун юридик жавобгарлик

Қишлоқ хўжалиги қонунларини бузганлик учун жавобгарлик ҳукуқий жавобгарлик турлари ичидаги муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг мазмунини аниқлаш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам ҳукуқий адабиётларда қишлоқ хўжалик-ҳукуқий жавобгарлик масаласига алоҳида эътибор берилган.

Қишлоқ хўжалиги қонунларини бузганлик учун юридик жавобгарликка тортиш учун асос қишлоқ хўжалиги тизимида содир этилган ҳукуқбузарлик ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалиги ҳукуқбузарлиги – бу айборнинг қонунга хилоф хатти-харакати ёки харакатсизлиги оқибатида Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалик тизими ёки (аграп) соҳасига етказилган заар, ривожлантиришга тажовуз қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги тизимида олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришга путур етказиш, қишлоқ хўжалиги (аграп) соҳасидаги қонун ва талабларни бузишда намоён бўлади¹.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, қишлоқ хўжалиги тизимида содир этиладиган ҳукуқбузарлик субъектнинг ҳукуқий нормаларга қарши қилган хатти-харакати билан қасддан ёки эҳтиёtsизликдан қишлоқ хўжалиги тизими ҳамда жамоатчилик учун хавфли бўлган харакати оқибатидир.

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik / Mas'ul muharrirlar: M.B. Usmonov, J.T. Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009. – B.259.; Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – B.264.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасидаги ҳуқуқбузарліктарнинг узига хос белгилари унинг қишлоқ хұжалиғи қонунларига хилофлиги, яни ҳуқуқта хилофлиги, айбнинг мавжудлиғи, жамоат учун ҳамда қишлоқ хұжалиғи тизимини ривожлантириш учун хавфлилиғи ҳамда етказилған зарап оқибати билан белгиланади.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлік тар-кибига: субъект, субъектив томон, объект, объектив томонлар, ҳуқуқбузарлік оқибатида қишлоқ хұжалиғи тизимига етказил-ған зарап ҳамда у билан бөглиқ бүлған ҳолатлар киради.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлік-нинг субъекти фуқаролар, дәхқон хұжаликлари, фермер хұжа-ликлари, қишлоқ хұжалиғи кооперативлари (ширкат хұжаликли-ри), ижарачилар, тадбиркорлар, корхона, муассаса, ташкилотлар, жамоат ташкилотлари, үзаро ҳамкорликдаги құшма корхоналар ҳамда хусусий корхоналар ҳисобланади.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлік-нинг субъектив томони қасддан ёки әхтиётсизликдан содир этил-ған айб оқибатида етказилған зарап, яни айбнинг мавжудлиғи ҳисобланади.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлікда субъект үзининг билиб қилаётған хатти-харакатининг оқибатини сезиши, қишлоқ хұжалиғи соҳадаги қонун-қоидалар ва талаба-ларни бузиши ҳамда қишлоқ хұжалиғи тизимига маълум миқдор-да зарап етказиши күз олдига келтирмөғи лозим.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасидаги ҳуқуқбузарлік баъзи ҳоллар-да әхтиётсизлик оқибатида ҳам содир этилади. Ушбу ҳолатлар үз бурчига совуққонлик билан қарашда, бефарқлик оқибатида ҳамда айрим ҳолларда бевосита харакатсизлик жараёнида ву-жудга келади. Бунда айбдор билиши лозимки, у үз ҳаракати билан масалан, қишлоқ хұжалиғи тизимиде кимёвий моддалар-ни ишлатиш, ердан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш ҳамда эрозиядан сақлаш, сув ресурсларини ифлослантириш қоидаларини бузиши оқибатида тегишли иқтисодий ёки эколо-гик зарап етказади.

Қишлоқ хұжалиғи соҳасидаги интизомий жавобгарлікка тор-тиш учун асос интизомий ҳуқуқбузарлікни содир этиш ҳисоб-

ланади. Интизомий жавобгарликка тортиш учун асос давлат томонидан белгиланган режа ва тадбирларни бажармаслик ҳамда амалга оширмаслик, ўз бурчига масъулият билан ёндашмаслик оқибатида қишлоқ хўжалиги қонунларининг бузилиши ва оқибатда қишлоқ хўжалиги тизимиға зарар етказилишининг ўзи кифоядир¹.

Интизомий жавобгарликни субъектида қишлоқ хўжалиги тизимида ишлайдиган фуқаро ва мансабдор шахслар, ижарачилар, фермер, дехқон хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари), хусусий ва давлат чорвачилик фермерлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган хўжаликлар ва бошқалар эътироф этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, интизомий жавобгарликка тортиш, асосан, меҳнат қонунлари билан тартибга солинади.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида аниқ интизомий жазолар тури курсатилган.

Ходимга меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қўйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- 1) ҳайфсан;
- 2) ўртacha ойлик иш ҳақининг ўттиз фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима.

Ички меҳнат тартиби қоидаларида ходимга ўртacha ойлик иш ҳақининг 40 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жарима ушлаб қолиш ушбу Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилинган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

- 3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модда иккинчи қисмининг 3 ва 4-бандлари).

Қишлоқ хўжалиги корхоналари ва ташкилотлари маъмурияти томонидан ишлаб чиқариш жараёнига виждонсизларча муносабатда бўлиб, ўз бурчини бажармаган меҳнат иштирокчисига нисбатан жазо чораларининг қўлланиши ушбу ташкилотга маълум

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. (Qayta ishlangan va to'ldirilgan 2-nashri). – Toshkent: «ILM ZIYO», 2010. – B.264.

ижобий ҳолат келтириши ва меҳнат интизомини мустаҳкамлашга ёрдам бериши мумкин.

Интизомий жазо чораси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 82-моддасига асосан, иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 23-моддасига асосан маъмурий хукуқбузарликни содир этганлик учун куйидаги маъмурий жазо турлари қўлланилади:

1. Жарима;
2. Маъмурий хукуқбузарликни содир этиш куроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни олиб қўйиш;
3. Маъмурий хукуқбузарликни содир этиш куроли ҳисобланган ёки бевосита шундай нарса бўлган ашёни мусодара килиш;
4. Муайян шахсни унга берилган маҳсус ҳукуқдан (транспорт воситасини бошқариш ҳукуқидан, ов қилиш ҳукуқидан) маҳрум этиш;
5. Маъмурий қамоққа олиш.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда куйидаги ер билан боғлиқ содир этилган ҳукуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган: ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш; ер бериш тартибини бузиш; вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик; хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш; чегара ва чеклов белгиларини ўйқ қилиш ва шикастлантириш.

Ушбу қонунга мувофиқ содир этилган юқоридаги ҳукуқбузарликлар учун фуқароларга энг кам иш ҳакининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солинади.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда сув билан боғлиқ бўлган ҳукуқбузарлик турлари ва улар учун жавобгарлик ҳам аниқ кўrsatilgan.

Сув захираларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш (72-модда), сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли қоидаларини бузиш (74-модда), сувларнинг давлат ҳисобини юритиш қоидала-

рини бузиш (75-модда), сув хўжалиги иншоотлари ва қурилмаларини шикастлантириш, улардан фойдаланиш қоидаларини бузиш (76-модда) фуқароларга энг кам иш ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса – уч бараваридан етти бараваригача микдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги жиноят деганда, шахснинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан жиноят қонунларида ўрнатилган қоидаларни бузишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари тушунилади¹.

Ушбу жиноий хукуқбузарликлар давлатнинг қишлоқ хўжалигига оид сиёсатига, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига, аҳолининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабларини қондиришга, қишлоқ хўжалигига қонунчиликни таъминлашга жиддий путур етказади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунларни бузганлик учун жиноий жавобгарликни қўллашдан асосий мақсад ушбу хукуқбузарликларнинг олдини олиш, унга қарши курашиб ҳамда содир этилган жиноятлар учун тегишли жазо тайинлашдан иборатdir.

Шуни таъкидлаш керакки, жиноий жавобгарликка тортиш учун қонунда кўрсатилган шарт-шароитлар вужудга келган бўлиши керак. Бу шарт-шароитлар жиноий хукуқбузарликтин таркиби-ни ташкил этиб, шу хилдаги жавобгарликка тортиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Булар: хукуқбузарлик, айбнинг мавжудлиги, ижтимоий ҳавфлилик даражасининг борлиги, хукуқка хилофлиги ҳамда жазога сазоворлигидир. Ушбу элементлар бўлгандагина жиноий жавобгарликка тортиш учун тўла асос бўлади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг субъекти юридик ва жисмоний шахслар, чет эл юридик ва жисмоний шахслари ҳисобланадилар.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг обьекти эса Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги тизими, ер, сув муносабатлари, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг си-

¹ Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. (Qayta ishlangan va to'ldirilgan 2-nashri). – Toshkent: «ILM ZIYO», 2010. – B.264.

фат ва самарадорлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари ҳамда қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи фуқароларнинг қонуний манфаатлари хисобланади.

Кишлоқ хўжалиги соҳасида содир этилган жиноятларнинг субъектив томони деганда, субъектнинг қасдан ёки эҳтиётсизликдан, яъни ҳуқуқбузарликдан келиб чиқсан оқибатга нисбатан бўлган руҳий муносабати тушунилади.

Аграр соҳада содир этилган жиноятларнинг субъектив томонини хусусияти уларни бевосита содир этган жиноий хатти-харакатларнинг мотив ва мақсади билан ҳам ҳар доим боғлиқ бўлади.

Содир этилган қишлоқ хўжалиги тизимидағи жиноий хатти-харакатлар оқибатида мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимига етказилган моддий, маънавий ҳамда иқтисодий заарар ушбу жиноятларнинг объектив томони хисобланади.

Жиноят кодексининг 167, 172, 179, 181, 184, 193–202-моддаларида қишлоқ хўжалиги юритиш билан боғлиқ равишда содир этиладиган жиноятлар ва улар учун жавобгарлик масалалари белгилаб берилган.

Юкорида санаб ўтилган қишлоқ хўжалигига оид қонунларни бузганлик учун жиноий жазо чоралари сифатида жарима, қамоқ, озодликдан маҳрум қилиш кабилар қўлланилади.

Хуллас, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунчилик ва ҳуқуқий тартиботни мустаҳкамлаш, хўжалик фаолияти, унинг мулки ва қишлоқ хўжалигида маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳуқуқларни ҳимоя қилиш, тузилган барча шартнома мажбуриятларининг бажарилишини ўз вактида таъминлаш ва унинг ҳуқуқий кафолатини ҳимоялаш, қишлоқ хўжалиги ходимларининг ижтимоий ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларни ўз вактида қонун билан ҳимоя қилиш, нафақат қишлоқ хўжалик ҳуқуқи билан, балки маъмурий, фуқаролик (мулкий) ва жиноят қонунлари билан ҳам тартибга солиниши қишлоқ хўжалиги тизимида қонунларнинг ўз вактида амалга оширилишини таъминлайди.

Назорат учун саволлар

1. Кишлoқ хўжалик ҳуқуки тушунчасига таъриф беринг.
2. Қандай қишлоқ хўжалиги корхоналарини биласиз? Уларнинг ҳуқукий ҳолати ҳақида гапириб беринг.
3. Кишлoқ хўжалигидаги шартнома муносабатларининг ўзига хос жиҳатларини гапириб беринг.
4. Кишлoқ хўжалигининг давлат бошқаруви деганда нимани тушунасиз? Бу соҳадаги давлат бошқаруви органларини санаб беринг.
5. Кишлoқ хўжалиги соҳасидаги қонунларни бузганлик учун қандай жавобгарлик назарда тутилган?

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодексига шарҳлар /Ўзбекистонда хизмат курсатган юрист, ю.ф.д., проф. М.Х. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида. Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2007.
2. Усмонов М.Б. Тадбиркорларнинг ердан фойдаланиш ҳуқуки. – Тошкент: «Адолат», 2001.
3. Мирзаабдуллаева М.Р. Фермер бўлишни биласизми? Рисола. Масъул мухаррир ю.ф.д., проф. М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2005. – 32 б.
4. Кишлoқ хўжалик ҳуқуки: Олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослиқ мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслик // Раҳмонкулов Ҳ.Р., Усмонов М.Б., Рўзиназаров Ш.Н. ва бошқ. Масъул мухаррирлар Ҳ.Р. Раҳмонкулов, М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2000. – 368 б.
5. Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – Toshkent: «ILM ZIYO» 2006. – 264 b.
6. Кишлoқ хўжалик ҳуқуки. Дарслик / Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов, Ж.Т. Холмўминов. – Тошкент: ТДЮИ нашриёти, 2009.

7. Qishloq xo'jalik huquqi. Darslik/Mas'ul muharrirlar: M.B. Usmonov, J.T. Xolmo'minov. – Toshkent: TDYI nashriyoti, 2009.
8. Экология хукуки: Олий ўқув юртларининг хукуқшунослик мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабалари учун дарслік /Муаллифлар таркиби: Усмонов М.Б., Рустамбоев М.Ҳ., Холмўминов Ж.Т. ва бошқ. Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: «Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси» нашриёти, 2001.
9. Ekologiya huquqi. Darslik. Usmonov M.B., Rustamboyev M.H., Xolmo'minov J.T. va boshq. Mas'ul muharrir: M.B. Usmonov. Toshkent: TDYI, 2006. – B.361.
8. Ўзбекистон Республикасининг Экология хукуки. Нурматов Аскар. Хукуқшунослик, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси бакалаврлари учун дарслік. – Масъул мухаррир: М.Б. Усмонов. – Тошкент: ТДЮИ, 2004.
9. Qishloq xo'jalik huquqi. Usmonov M.B. va boshq. Kasb-hunar kollejlari uchun darslik. (Qayta ishlangan va to'ldirilgan 2-nashri). – Toshkent: «ILM ZIYO», 2010. – 264 b.
10. Н.К. Скрипников. Правовое регулирование организации и деятельности фермерского хозяйства. Учебное пособие для магистров. – Ташкент: ТГЮИ, 2009.
11. Скрипников Н.К. Сельскохозяйственное право. Учебное пособие/Отв. Ред. М.Б. Усманов. – Ташкент: Издательство ТГЮИ, 2011. – 128 с.
12. M.R. Mirzaabdullaeva. Fermer xo'jaligi faoliyatini huquqiy tartibga solish. O'quv qo'llanma. – Toshkent: «Yangi asr avlodи», 2010. – 200 б.
13. М.М. Нурматов, Ж.И. Сафаров. Қишлоқ таракқиёти: бугуни ва келажак истиқболлари. – Тошкент, «Fan va texnologiya», 2009.
14. М.М. Нурматов. Экологик-хукукий жавобгарлик. Масъул мухаррир: ю.ф.д., проф. Ш.Х. Файзиев. – Тошкент: ТДЮИ, 2009.

10-мавзу. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ АСОСЛАРИ РЕЖА:

1. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, вазифаси ва тамойиллари.
2. Жиноят ва жиноятчилик тушунчаси.
3. Жиноятнинг таркибий элементлари.
4. Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо.
5. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси, унинг турлари.
6. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қиладиган ҳолатлар.
7. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари.

1. ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ТУШУНЧАСИ, ВАЗИФАСИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ

Юридик фанлар тизимида жиноят ҳуқуқи мустақил ҳуқуқий фан сифатида муҳим ўрин эгаллаган. Жиноят ҳуқуқи бошка ҳуқуқ тармоқларидан, хусусан, маҳсус ҳуқуқ тармоқларидан ўзига хос вазифалари, предмети ва тартибга солиш метод (услуб)лари билан фарқ қиласди.

Жиноят ҳуқуқи қилмишнинг жиноийлиги ва бундай жиноий қилмишлар учун тайинланадиган жазо чораларини белгиловчи ҳамда жиноят содир этилиши билан юзага келувчи ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик нормалар тизимирир.

Мустақил ҳуқуқ тармоғи ҳисобланган жиноят ҳуқуқидан фарқли равишда жиноят ҳуқуқи фани давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги сиёсати ҳамда жиноят ҳуқуқининг тарихий тараққиёт босқичлари бўйича қарашлар, фоялар ва фикрлар тизимини, шунингдек жиноят ҳуқуқининг ўрганиш предмети, методлари, вазифалари, тизими ва шу каби масалаларни ўз ичига камраб олади. Бу фан жиноят ҳуқуқи нормаларининг мажмую сифатида унинг тарихини, қўллаш амалиётини ўрганади ҳамда бу борада турли хил илмий-қиёсий тадқиқотлар олиб борилишини тақозо этади.

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИННИГ ПРЕДМЕТИ ДЕГАНДА шахс, жамият ва давлат манфаатларига хавф солувчи жиноий қилмиш содир этилиши билан вужудга келадиган ижтимоий муносабатлар тушинилади.

Жиноят ҳуқуқининг бошқа ҳуқук соҳаларидан мустақил эканлиги унинг қўйидаги ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги билан тавсифланади:

биринчидан, фақат жиноят ҳуқуқигина қилмишнинг жиноийлиги ва жазога сазоворлигини, жиноий жавобгарлик асосини, жазо қўллаш ҳамда жиноий жавобгарлик ва жазодан озод қилишни белгиловчи ҳуқуқий нормалар учун ягона қонуний манба сифатида намоён бўлади;

иккинчидан, жиноят ҳуқуки ўзининг тартибга солиш предметига эга бўлиб, ушбу ҳуқук соҳасининг предмети ҳисобланувчи ижтимоий муносабатлар жиноий қилмиш содир этилиши билан вужудга келади;

учинчидан, жиноят ҳуқуки маҳсус тартибга солиш услубига эга бўлиб, бундай услублар ва уларнинг ҳаракатига таъсир этувчи юридик фактлар бошқа ҳуқук соҳалари учун хос эмас¹.

Жиноят ҳуқуқининг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида аниқ белгиланган бўлиб, кодекснинг 2-моддасига кўра, жиноят ҳуқуқининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқук ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий мухитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигининг жиноий тажовузларидан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатdir.

Ана шу вазифаларни амалга ошириш учун кодекс жавобгарлик асослари ва принципларини, қандай ижтимоий хавфли қилмиш жиноят эканлигини аниқлайди, ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин бўлган жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилайди.

Бизга ҳуқук назариясидан маълумки, ҳар бир ҳуқук соҳаси ўз олдига қўйган вазифаларни маълум бир ўзига хос функциялар орқали амалга оширади.

Юқорида жиноят қонунида кўрсатиб ўтилган вазифалар жиноят ҳуқуқининг қўйидаги:

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. (Умумий кисм) Тошкент: ILM ZIYO. 2006, – Б.56.

1. Тартибга солиш (регулятив);
2. Мухофаза қилиш (негатив);
3. Олдини олиш (профилактик);
4. Тарбиявий функциялари орқали бажарилади¹.

Жиноят ҳуқуқи ўзининг тартибга солиш функцияси орқали жиноят қонунида назарда тутилган қоидаларга амал қилиш мақсадида жиноят ҳуқуқий нормалар орқали шахснинг хатти-харакатларига таъсир этади. Бу функция орқали маълум бир хатти-харакатлар тақиқлаб қўйилади.

Тартибга солиш функцияси орқали жиноят ҳуқуқи жиноят содир этилганидан кейин вужудга келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Жиноят ҳуқуқининг мухофаза қилиш функцияси, Жиноят кодексининг 2-моддасига мувофиқ, шахсни, унинг ҳуқук ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий мухитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан кўриқлаш вазифасини бажаришга қаратилган.

Жиноят ҳуқуқи ўзининг ушбу вазифаси орқали Жиноят қонуни билан мухофаза қилинадиган объектлар ва уларнинг мухимлиги жиҳатидан кетма-кетлигини белгилаб берган. Яъни, **жиноят-ҳуқуқий мухофаза объектларига**: шахс, унинг ҳуқук ва эркинлиги; жамият ва давлат манфаатлари; мулк; табиий мухит; тинчлик; инсоният хавфсизлиги киради.

Демак, жиноят ҳуқуқи жиноий жавобгарликка тортиш асослари ва шартлари, жиноят ва жазо тушунчалари, уларнинг моҳияти, жиноят ҳуқуқининг институтлари ва нормалари, уларнинг амалда қўлланилиши ва аҳамияти, жиноятчиликка қарши кураш натижаларини яхшилаш мақсадида жиноят қонунини амалда қўллаш тенденциялари ҳақидаги ғоялар, фикрлар, қарашлар, концепциялар ва ҳуқуқий билимлар мажмуини ифодаловчи юридик фандир.

Жиноят ҳуқуқининг мухофаза қилиш ва олдини олиш вазифалари фақатгина жиноят ҳуқуқи тамойилларига қатъий риоя қилиниши орқалигина бажарилиши мумкин.

¹ Рустамбоев М.Ҳ. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўкув юртлари учун дарсл.к. Т.: «ILM ZIYO», 2005. – Б.480.

Жиноят ҳуқуқи тамойиллари деганда, умуман жиноят ҳуқуқи ёки унинг алоҳида институтлари мазмунини ифодаловчи, жиноят ҳуқуқи нормаларида мустаҳкамланган бошланғич асос, асосий ғоялар тушунилади.

Тамойиллар жиноят қонунида мустаҳкамланган демократик давлатнинг жиноят-ҳуқуқий сиёсати моҳиятини ва ҳозирги йўналишларини ифодалайдиган, содир этилган жиноят учун жавобгарлик негизлари, чегаралари ва шакллари ҳақида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, диний ва ҳуқуқий тасаввурларни акс эттирадиган етакчи ғоялар ва асосий қоидалардир¹.

Жиноят ҳуқуқи тамойиллари, биринчи навбатда, халқаро ҳуқуқ нормаларига, яъни халқаро ташкил отлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларга мос келиши керак. Шунингдек, жиноят қонунидаги принциплар, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мос келиши ва ундаги нормалардан келиб чиқиши керак.

Жиноят ҳуқуқи тамойиллари жиноят ҳуқуқи нормалари учун фундаментал асос бўлиб хизмат қиласи, яъни жиноят ҳуқуқи нормалари жиноят ҳуқуқи тамойилларидан келиб чиқади ва уларга зид бўлмаслиги керак. Бундай принциплар назарияда принцип нормалар деб аталади.

Жиноят кодексида **қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, демократизм, инсонпарварлик, одиллик, айб учун жавобгарлик, жавобгарликнинг муқаррарлиги** принциплари мустаҳкамланган бўлиб, улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Улардан бирининг бузилиши бошқаларининг ҳам бузилишига олиб келади.

Энди ушбу тамойилларнинг алоҳида-алоҳида таҳлилига ўтсак. **Қонунийлик принципи** Жиноят кодексининг 4-моддасида мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб, унда учта мустақил норма белгиланган:

1. Содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлар факат Жиноят кодекси билан белгиланади.

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслар. Т.: «ILM ZIYO», 2005. – Б.480.

2. Ҳеч ким суднинг хукмисиз жиноят содир қилишда айбли деб топилиши ва қонунга хилоф равишда жазога тортилиши мумкин эмас.

3. Жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахс қонунда белгиланган ҳуқуқлардан фойдаланади ва муайян мажбуриятларни бажаради.

Фуқароларнинг қонун олдида тенглиги принципи
Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 5-моддасида белгиланган бўлиб, унга кура, жиноят содир этган шахслар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бир хил ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, қонун олдида тенгдирлар.

Ушбу норманинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида белгиланган бўлиб, унда «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», – деб кўрсатиб ўтилган.

Демократизм принципи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 6-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоалар жиноят содир этган шахслар ахлоқини тузатиш ишига қонунда назарда тутилган ҳолларда жалб қилинишлари мумкин.

Демократизм принципи ўз олдига қўйидаги мақсад ва вазифаларни белгилайди:

Биринчидан, жиноят содир этган шахсларни ахлоқан тузатиш мақсадини кўзлади;

иккинчидан, қонунда назарда тутилган ҳолларда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки жамоаларнинг жалб қилинишини таъминлади.

Инсонпарварлик принципи Жиноят кодексининг 7-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, учта асосий қоидани ўз ичига олади:

1. Жазо ва бошқа ҳуқуқий таъсир чоралари жисмоний азоб бериш ёки инсон қадр-қимматини камситиш мақсадини кўзламайди.

2. Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда

етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳукукий таъсир чораси қўлланилиши керак.

3. Жазонинг мақсадига Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддаларида назарда тутилган енгилроқ чораларни қўллаш орқали эришиб бўлмайдиган тақдирдагина оғирроқ жазо чоралари тайинланиши мумкин.

Инсонпарварлик принципи шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, унинг асоси Конституциянинг 26-моддасида ўз аксини топган. Унга кўра, ҳеч ким қийноққа солиниши, зўравонликка, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тарздаги тазийкқа дучор этилиши мумкин эмас.

Инсонпарварлик принципи бошқа принциплар билан биргаликда жиноят содир этган шахс билан муносабатда бўлиш қоидлари, халқаро стандартлар ҳамда фукаролар, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоя қилиниши белгиланган нормаларга мос равишда жиноят-ҳукукий воситаларнинг қўлланилиш тизимини белгилайди.

Одиллик принципи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 8-моддасида белгиланган бўлиб, икки асосий норма (қоида)-дан иборат:

1. Жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ва бошқа ҳукукий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак.

2. Ҳеч ким айнан битта жинояти учун икки марта жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Одиллик принципи икки жиҳатга эга:

- жиноят қонунининг одиллиги;
- жиноят учун суд томонидан тайинланган жазонинг одилона бўлиши.

Жиноят қонунининг одилона бўлиши учун унда белгиланган қилмишларнинг жиноийлиги ва жиноят учун белгиланган жазо амалдаги ижтимоий талабларга жавоб бериши керак¹.

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳукуки (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарсларик. – Т.: «ILM ZIYO», 2005. – Б.480.

Айб учун жавобгарлик принципи Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 9-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, «Шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлади».

Айб учун жавобгарлик принципи субъектив жиҳатдан шахснинг ўз ижтимоий хавфли қилмиши ва унинг оқибатига нисбатан руҳий муносабатини англатса, объектив жиҳатдан жиноят қонунида айби бўлмаган шахснинг жиноий жавобгарликка тортилмаслиги белгилаб қўйилганлигига ифодаланади¹.

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи Жиноят кодексининг 10-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра, «қилмишида жиноят таркибининг мавжудлиги аниқланган ҳар бир шахс жавобгарликка тортилиши шарт».

Жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи:

жиноят содир этган шахсга нисбатан Жиноят кодексида белгиланган жазо ва бошқа хуқуқий таъсир чоралари қўлланилишини;

жиноий жавобгарликдан ва жазодан озод қилишда қонунда кўрсатилган мавжуд барча асослар ва шартлар бўлгандагина йўл қўйилишини билдиради.

Бу принцип жиноят-хуқуқий хусусиятдан кўра кўпроқ жиноят процессуал хусусият касб этади, деган фикр асосида кўпчилик давлатларнинг Жиноят кодексига киритилмаган.

2. Жиноят ва жиноятчилик тушунчаси

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жиноят тушунчаси аниқ белгиланган бўлиб, 14-модданинг биринчи қисмига кўра, Жиноят кодекси билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиidi билан жиноят деб топилади.

Жиноят – шахснинг жиноят қонуни билан тақиқланган маълум бир шаклдаги хатти-ҳаракати ҳисобланади.

¹ Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шархлар. (Умумий қисм) – Тошкент: «ILM ZIYO», 2006. – Б.102.

Жиноят тушунчаси ҳаракат ёки ҳаракатсизлик шаклидаги шахснинг хулқ-атвори (хатти-ҳаракати, фаолияти)ни ифодалайди. Шу билан бирга, жиноят қонунида рухий жараёнлар, ўйлар, фикрий холосалар қанчалик зарар келтирувчи бўлишига қарамай жиноят ҳисобланмаслиги белгилаб кўйилган.

«Жиноят» тушунчасига жиноят-ҳукукий таъриф биринчи бор 1791 йилда қабул қилинган Франция Жиноят кодексида берилган бўлиб, ушбу таъриф формал тусга эга эди. Унда жиноятга: «Жиноят – бу амалдаги жиноят қонуни билан жазоланадиган қилмишdir», – дея таъриф берилган эди.

Жиноят тушунчасининг асосий белгиларидан бири ижтимоий хавфлилил саналади. Ижтимоий хавфлилил – бу жиноят қонуни билан қўрикланадиган манфаатлар (объектлар)га зарар етказилиши ёки шундай зарар етказиш хавфи ҳисобланади.

Ижтимоий хавфлилил ҳаракат ёки ҳаракатсизликда намоён бўлади.

Ҳаракат – бу фаол хулқ-атвор бўлиб, нафақат шахс тана аъзоларининг (жисмоний) ҳаракатида ифодаланади, у айтилган сўзлар, рухий таҳдидлар (қўрқитишлилар)да ҳам намоён бўлиши мумкин.

Ҳаракатсизлик – пассив хулқ-атвор бўлиб, бажарилиши шарт ёки мумкин бўлган мажбуриятни бажаришнинг реал имкони бўла туриб, бажармасликда ифодаланади.

Ҳаракат билан содир этилган жиноятлар бир ёки бир неча ҳаракатлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳаракат билан содир этилган жиноятларда ҳаракатнинг бошланиши ва тугалланиши бошка жиноят-ҳукукий ходисаларни – жиноятдан ихтиёрий қайтиш, зарурий мудофаа, охирги зарурат, иштирокчилик кабиларни белгилаб бериши ҳам мумкин.

Ҳаракатсизлик эса ҳаракатдан ташки жиҳатдан ифодаланиш хусусиятига кўра фарқ қиласи. Ҳаракатсизлик маълум бир ҳаракатдан сақланиш ёки объектив жиҳатдан бажарилиши зарур ва юридик томондан бажарилиши мажбурий бўлган бир неча ҳаракатларни бажармасликда ифодаланади. Масалан, ҳокимият ҳаракатсизлиги (Жиноят кодекси 208-моддаси).

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Жиноят кодекси ишлаб чиқилган ва қабул қилинган вақтда жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин бўлиб турар эди. Ўз хаётини тугатган эски жамият билан бозор иқтисодиёти тизимиға асосланган янги жамият ўртасидаги зиддият, фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлайдиган кимсаларнинг жиной фаолият йўлига ўтиб олганлиги, турли диний экстремистик оқимларнинг очиқдан-очиқ иш кўришга ўтиб олганлиги, айрим жойларда ташаббусни ўз қўлига олишга ҳаракатлар қилиши, турли халқаро террорчи ташкилотлар Ўзбекистонда ҳам ўз мақсадларини амалга оширишга ҳаракат қилганлиги ва ҳоказолар жиноятчиликка қарши кураш масаласини энг долзарб вазифаларидан бири қилиб қўйган эди. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ҳудудий яхлитлик, чегаралар дахлизлигини таъминлаш, аҳолининг тинчлиги, осойишталигини, мамлакатда барқарорликни сақлаш энг муҳим вазифалардан бири бўлиб қолган эди.

Жиноят хуқуки жиноятчиликнинг олдини олишни асосан икки йўналишда амалга оширади.

Биринчи йўналиш – жиноят қонунида алоҳида жиной қилмиш учун жиноий жавобгарликка тортилиб, жазолашнинг белгиланганлиги, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун қонунда оғир жазо чораларининг белгиланганлиги жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасини бажариш билан бирга тарбиялаш (жазолаш билан қўрқитиб) функциясини ҳам бажаради.

Иккинчи йўналиш – жиноят содир этишда айбланиб, жавобгарликка тортилган шахсга нисбатан жазо қўллаш орқали амалга оширилади. Яъни, жиноят содир қилган шахсларга нисбатан қонунда белгиланган жазони тайинлаб, уларнинг жиноий фаолиятини давом эттиришига тўсқинлик қилинади.

Агар криминология фанининг предмети жиноятчиликни ижтимоий ҳодиса сифатида унинг шароит ва сабабларини, жиноятчилик динамикаси, жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни энг кам миқдоригача камайтириш йўллари ва усувларини, жиноятнинг шахсини ва жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ўрганиш бўлса, жиноят хуқуки фанининг предмети жиноят қонунчилигидир. Криминология жиноятчилик билан боғлиқ бўлган муам-

моларни тадқик килишда жиноят қонунига таянади ва ўрганиш услуби социологик усул ҳисобланади.

Жиноятчилик ғоят мураккаб ижтимоий-хукуқий ҳодиса бўлиб, унинг кенгрок таърифини қўйидагича ифодалаш мумкин.

Жиноятчилик кишилик жамиятида мавжуд бўладиган ўзининг қонуниятларига, сифат ва микдор тавсифига эга бўлган, жамият ва кишилар учун салбий оқибатлар келтириб чиқарадиган ва унинг устидан давлат ва жамиятнинг маҳсус назорат чоралари ўрнатишини талаб қиласидиган салбий, ижтимоий-хукуқий ҳодисадир.

Жиноятчилик кишилик жамиятида мавжуд бўладиган ўзгарувчан ҳодисадир. Жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, структураси инсон тараққиёти давомида сифат ва микдор жиҳатдан ўзгариб борувчи ҳодисалиги шундаки, жамиятдаги иқтисодий, ижтимоий, сиёсий-хукуқий ўзгаришларга қараб ўзгариб боради. Сифат жиҳатидан содир этиш усули, уюшган гурӯҳ бўлиб содир этилиши, замонавий фан ва техника ютуқларидан фойдаланиб содир этилиши ва ҳоказоларда ифодаланади¹.

Жиноятчиликнинг ижтимоий ҳодиса эканлиги шундаки, жиноятларнинг субъектлари жамият аъзоларининг ўз ичидаги шахслар бўлиб, улар ўзлари билан бирга яшаб турган жамиятдаги ижтимоий муносабатларга ва жамият аъзоларига тажовуз қиласидилар. Жиноятчилик ҳодисасининг шароит ва сабаблари ҳам ижтимоий сабаблар туфайли юз беради.

3. Жиноятнинг таркибий элементлари

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 16-моддаси иккинчи қисмида жиноят учун жавобгарлик ва унинг асослари белгиланган бўлиб, унда: «Ушбу Кодексда назарда тутилган жиноят таркибининг барча аломатлари мавжуд бўлган қилмишни содир этиш жавобгарликка тортиш учун асос бўлади», – деб ёзилган.

Ушбу жиноят хукуқий тушунчада жиноий жавобгарлик учун асос деб айбдорнинг қилмишида жиноят таркибининг мавжудли-

¹ М. Усмоналиев. Жиноят хукуки (Умумий қисм) Дарслик. – Тошкент: «Янги аср авлоди», 2005, – Б.662.

ги белгиланган бўлса-да, жиноят таркиби тушунчасининг ўзи тўла очиб берилмаган.

Жиноят таркибининг бир неча вазифаси мавжуд:

1) жамият учун хавфли қилмишнинг жиноийлигини аниқлаш воситаси;

2) жиноий жавобгарлик учун асос бўлиши;

3) жиноятчилик даражасини аниқлашда қонунчилик намунаси бўлиши;

4) жиноятларни фарқловчи восита сифатида хизмат қилиши.

Жиноят таркибининг тўрт белгиси мавжуд. Булар жиноятнинг обьекти, объектив томони, субъекти ва субъектив томони. Ушбу элементларнинг ҳар бири муйян аломатлар орқали ифодаланади.

Объектив белгилар деганда, жиноят таркибининг обьекти ва объектив томонларини таърифловчи белгилар назарда тутилади, субъектив аломатлар деганда эса, жиноятнинг субъектив томони ва жиноят субъектини ифодаловчи белгилар тушунилади.

Жиноятнинг обьекти жиноий тажовуз қаратилган ва ана шу тажовуз туфайли унга зарар етказилиши мумкин бўлган ижтимоий муносабатлардир.

Жиноят жиноят қонуни билан муҳофаза қилинадиган ҳар қандай ижтимоий муносабатларга, масалан, шахснинг ҳаёти, соғлифи, қадр-қиммати, давлат манфаатларига, мулк ҳукуқини амалга оширишга, одил судловни амалга оширишга, ҳўжалик ёки иқтисодий фаолият ва бошқаларга зиён етказади.

Жиноят ҳукуқи назариясида жиноятнинг обьекти деганда, жиноят қонуни билан кўриқланадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади. Жиноят қонуни билан кўриқланадиган ҳар қандай ижтимоий муносабат жиноятнинг умумий обьекти ҳисобланади. Масалан, Жиноят кодексининг 2-моддасида: «Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳукуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий мухитни, тинчликни, инсоният хавфзислигини жиноий тажовузлардан қўриқлашдан иборатдир», – дейилган.

Жиноят ҳукуқи назариясида жиноятнинг обьекти умумий, маҳсус, бевосита обьектларга ажратилади.

Умумий объект дейилганда, Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонуни билан қўриқланадиган барча ижтимоий муносабатларнинг йиғиндиси тушунилади.

Махсус объект жиноят қонуни билан қўриқланадиган, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий моҳиятига кўра, бир-бирига ўхшаш ёки яқин бўлган ижтимоий муносабатларни ўз ичига оладиган объектлар гуруҳидир.

Бевосита объект дейилганида, ижтимоий хавфли тажовуз бевосита қаратилган ижтимоий муносабат тушунилади. Айнан жиноятнинг бевосита объектини тўғри аниқлаш жиноятни квалификация қилишда катта аҳамият касб этиб, жиноятга яраша жазо тайинлашда мухим ўрин тутади.

Жиноят таркибининг иккинчи элементи унинг объектив томонидир. **Жиноятнинг объектив томони** содир этилган жиноятнинг ташқи томонини ифодаловчи элементdir.

Килмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади. Бирок, кўпчилик қилмишларни жиноят деб ҳисоблаш учун у туфайли рўй берган маълум бир оқибатларни аниқламоқ зарур.

Амалга оширилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиққан оқибатлар орасидаги сабабий боғланиш моддий таркибли жиноятларнинг учинчи зарурий белгиси ҳисобланади. Жиноятнинг объектив томони факультатив белгиларисиз тўла бўлмайди. Демак, жиноятнинг объектив томони ижтимоий хавфли харакат ёки харакатсизлик ва унинг амалга оширилиши натижасида келиб чиқадиган оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, шунингдек, факультатив белгилар: жойи, вақти, усули, шароити, жиноятни амалга ошириш куроли ва воситаси сингари белгилардан иборатdir.

Демак, таъкидлаб ўтиш лозимки, моддий таркибли жиноятлар объектив томонининг зарурий белгилари қўйидагилардан иборат:

- 1) ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки харакатсизлик);
- 2) ижтимоий хавфли оқибат;
- 3) ижтимоий хавфли қилмиш билан келиб чиққан оқибат ўртасидаги сабабий боғланиш.

Формал таркибли жиноятларнинг зарурий белгиси ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки ҳаракатсизлик)дир.

Жиноий оқибат жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектдаги ижтимоий заарли ўзгаришлар шаклида намоён бўлади. Тажовуз предметини йўқотиш (мулкнинг йўқ қилиниши, ҳаётдан маҳрум қилиш, давлат сирлари билан боғлик хужжатларни йўқолиши), ташкилот, корхона, муассасаларнинг нормал фаолият олиб боришининг, фуқароларнинг ижтимоий, меҳнат, уй-жой, сайлов ва бошқа ҳукукларининг бузилиши ижтимоий хавфли оқибат ҳисобланади.

Моддий таркибли жиноятлар объектив томонининг зарурий белгиларидан учинчisi – сабабий боғланишдир. Сабабий боғланиш содир этилган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг натижасида келиб чиқкан ижтимоий хавфли оқибат ўртасидаги боғлиқликдир.

Жиноят таркибининг учинчи элементи унинг субъектив томонидир. **Жиноят таркибининг субъектив томони** жиноий қилмишнинг ички томони бўлиб, шахснинг ўзи содир этган ижтимоий хавфли қилмиш ва унинг оқибатларига бўлгай руҳий муносабатини кўрсатади. Бунда айбидан ташқари жиноятнинг субъектив томонини таснифловчи мотив ва мақсад ҳам мавжуд бўлади.

Айб қасд ёки эҳтиётсизлик шаклида бўлиши мумкин. Эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар жиноий ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик қўринишида амалга оширилиши мумкин. Ўз навбатида, қасдан килинган жиноят тўғри қасдан ёки эгри қасдан содир қилинган бўлиши мумкин.

Айрим ҳолларда, Жиноят кодексида модданинг номи ёки унинг диспозициясида айбнинг шакли кўрсатилади. Масалан, Жиноят кодексининг 97-моддасида қасдан одам ўлдириш, Жиноят кодексининг 98-моддасида кучли руҳий хаяжонланиш ҳолатида қасдан одам ўлдириш, Жиноят кодексининг 102-моддасида эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш, Жиноят кодексининг 111-моддасида эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш кўрсатилган.

Аммо кўпчилик моддаларнинг номи ва диспозицияларида айбнинг шакли кўрсатилмаган. Бундай ҳолатларда жиноят-ҳукукий

нормада кўрсатилган жиноятнинг айб шакли қасдан (21-модда) ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган (22-модда) жиноят ҳақида ги умумий тушунчаларни таҳлил қилиш орқали аниқланади.

Қасдан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси хисобланади.

Жиноят кодекси 21-моддаси биринчи қисмида қасдан содир этилган жиноят тушунчасига таъриф берилган: «Ушбу кодекс моддасида жиноят тамом бўлган вақт ижтимоӣ хавфли қилмиш баҷарилган вақт деб ҳисобланган бўлиб, уни содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоӣ хавфлилик хусусиятини англаган ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноят қасдан содир этилган деб топилади».

Жиноят кодексининг 21-моддаси тўртинчи қисмида эгри қасдан содир этилган жиноятга таъриф берилган: «Агар шахс ўз қилмишининг ижтимоӣ хавфли хусусиятини англаган, унинг ижтимоӣ оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришига онгли равишда йўл кўйган бўлса, бундай жиноят эгри қасдан содир этилган деб топилади».

Эҳтиётсизлик билан содир этилган жиноятлар учун жавобгарлик фақатгина жиноят қонунида тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина келиб чиқади.

Жиноят кодекси 22-моддасида айбнинг эҳтиётсизлик шаклига қўйидагича таъриф берилган: «Ўз-ўзига ишониш ёки бепарволик орқасида содир этилган ижтимоӣ хавфли қилмиш эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят деб топилади.

Агар жиноятни содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоӣ хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи ета туриб, эҳтиёткорлик чора-тадбирларига онгли равишда риоя этмаган ҳолда бундай оқибатлар келиб чик маслигига асоссиз равишда умид қилган бўлса, бундай жиноят ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилган», деб топилади.

Агар жиноят содир этган шахс ўз хулқ-атвори қонунда назарда тутилган ижтимоӣ хавфли оқибатлар келтириб чиқариши мумкинлигига кўзи етмасада, лекин кўзи етиши лозим ва мумкин бўлса, бундай жиноят бепарволик орқасида содир этилган деб топилади.

Мотив ва мақсад жиноят субъектив томонининг қўшимча (факультатив) белгиси хисобланади, аммо баъзи бир жиноятларда уларнинг мавжудлиги зарур бўлади. Жиноят кодексининг 97-моддаси иккинчи қисмида фаразли мақсадларда ёки безориликдан, ёхуд уликнинг қисмларидан фойдаланиш, ёки трансплантат олиш мақсадида, ёхуд бошқа жиноятларни яшириш мақсадида одам ўлдириш жиноятларида мотив ва мақсад зарурий белги хисобланади. Бундай жиноятларда мотив ва мақсад оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдиришнинг зарурий белгилари хисобланади.

Баъзи бир бошқа жиноят таркибларида жиноятнинг мотиви ва мақсади зарурий белги бўлмаслиги ва шунга боғлиқ ҳолда улар жиноят субъектив томонининг факультатив белгилари бўлади.

Жиноятнинг мотиви шахсда жиноят содир қилиш карори ва хоҳишини уйғотувчи ички ҳиссиётдир.

Жиноий мақсадга шахс ижтимоий хавфли ҳаракат орқали эришишга ҳаракат қиласи.

Жиноят таркибининг тўртинчи элементи уни содир этган шахс, яъни **жиноятнинг субъектидир**. Жиноят кодексининг 17-моддасига биноан, жиноий жавобгарликка жисмоний шахслар тортиладилар. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқига биноан факат жисмоний шахсларгина жиноятнинг субъекти бўлиши мумкин. Жиноят ҳуқуки назариясига кўра, ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонунда белгиланган ёшга етган ва акли расо жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўлади.

Юридик шахслар жиноятнинг субъекти бўла олмайди, лекин баъзи бир хорижий давлатлар қонунчилигига юридик шахсларнинг ҳам жиноий жавобгарлиги кўзда тутилган. Шахс Жиноят кодексининг 17-моддасида кўрсатилган белгиларга эга бўлсагина уни жиноий жавобгарликка тортиш мумкин, яъни, биринчидан, у жиноят содир этиш вақтида қонунда белгиланган ёшга тўлган бўлиши лозим. Жиноят кодексининг 17-моддасига биноан айбдорнинг содир этган ижтимоий хавфли ҳаракати учун жавобгарликка тортилишнинг ёш чегаралари аниқ белгиланган. Ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тўлган шахслар жавобгарликка тортиладилар.

17-модданинг иккинчи қисмида кўрсатилишича, «Жиноят содир этгунга қадар ўн уч ёшга тўлган шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдирганликлари (97-модданинг иккинчи қисми) учунгина жавобгарликка тортиладилар».

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахс акли расо бўлиши лозим. Ақли расолик тушунчаси Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 18-моддасида баён этилган бўлиб, унда таъкидланишича: «Жиноят содир этиш вақтида ўз қилмишининг ижтимоий хавфли хусусиятини анлаган ва ўз харакатларини бошқара олган шахс акли расо деб топилади».

Агар жиноят содир этган шахс суд тиббиёт текшируви хуласасига кўра акли норасо деб топилса, жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас (Жиноят кодекси 18-моддаси иккинчи қисми).

Айрим ҳолатларда ижтимоий хавфли харакатлар содир этган шахс жиноий жавобгарликка тортилиши учун субъектнинг умумий белгилари (ёши ва акли расолиги) етарли бўлмай, бундан ташқари жиноят субъектининг маҳсус белгиларини аниқлаш лозим бўлади. Масалан, ҳарбий жиноятларнинг субъектлари, албатта, ҳарбий хизматчи бўлиши, мансабдорлик жиноятларнинг субъекти мансабдор шахс бўлиши лозим. Айрим ҳолларда субъект фақат врач, транспорт воситасининг хайдовчиси бўлади ва ҳоказолар.

Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда жиноятнинг маҳсус субъекти тушунчалари берилади, яъни бундай шахс умумий белгилардан ташқари жиноят хуқукий нормаларда кўрсатилган алоҳида (маҳсус) белгиларга ҳам эга бўлиши лозим.

Жиноят таркибларининг тузилиши бўйича уларни моддий, формал ва кесик таркибларга ажратиш мумкин.

Моддий таркибли жиноятлар дейилганда, жиноятнинг шундай таркиби тушуниладики, унда жиноят натижасида бирон-бир моддий оқибат келиб чиқиши ёки келиб чиқиши мумкинлиги назарда тутилади. Масалан, қасдан одам ўлдириш. Бу моддий таркибли жиноят, чунки қасдан одам ўлдирганлик учун шахсни жавобгарликка тортиш учун ижтимоий хавфли харакатнинг содир этилганлиги кифоя қилмай (ўч олиш, уриш ва бошқалар),

балки унинг натижасида заарли оқибат, яъни ўлим келиб чиқкан бўлиши керак. Айрим ҳолларда объектив ва субъектив сабабларга кўра ўлим юз бермаган бўлса, айбор шахс одам ўлдиришда айбланмай, қасдан одам ўлдиришга сунқасд қилганлик учун жавобгарликка тортилади.

Формал таркибли жиноят дейилганда, бирор-бир заарли оқибатнинг келиб чиқиши шарт бўлмай, бирор-бир оқибат келиб чиқкан тақдирда ҳам жиноятнинг квалификациясига таъсир қилмайдиган жиноятлар тушунилади.

Ижтимоий хавфли харакат содир этишда айбор бўлган шахсни жиноий жавобгарликка тортиш учун унинг ижтимоий хавфли қилмиш (харакат ёки харакатсизлик) содир этганилигини аниқлаш кифоя қиласди¹. Масалан, уйдирмалар тарқатиш, шундай харакатлар учун маъмурий жазо қўланилгандан кейин содир этилганилигини аниқлаш лозим. Бундай ҳолларда жиноий жавобгарликка тортиш учун жиноят содир этилганилиги натижасида оқибатнинг вужудга келиши шарт эмас.

Кесик таркибли жиноят дейилганида, шундай жиноят таркиби тушуниладики, жиноятнинг охирига етган вақтини қонун олдинги босқичга кўчиради, яъни жиноятга тайёргарлик кўриш ёки сунқасд қилиш босқичига кўчиради. Масалан, босқинчилик (164-модда) ёки товламачилик (165-модда) ёхуд жиноий уюшма ташкил этиш (242-модда).

4. Қилмишнинг жиноийлигини истисно қилалигидан ҳолатлар

Айрим ҳолларда бундай қилмишлар ижтимоий хавфли бўлмасдан, балки ижтимоий фойдали бўлиши ҳам мумкин. Бундай харакатлар жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилалигидан ҳолатлар деб аталади. Жиноят ҳуқуқида қилмишнинг жиноийлигини истисно қилувчи шундай ҳолатлар мавжудки, улар ташки томондан жиноятга уҳшасада, бироқ жиноий жавобгарликка лойик, жиноят қонуни билан қўриқланадиган муносабат-

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий уқув юртлари учун дарслік. Т.: «ILM ZIYO», 2005. – Б.480.

ларга зарар етказувчи ижтимоий хавфли қилмиш, деб топилмайди, аксинча, ижтимоий фойдали ҳисобланади. Қилмишнинг жинойлигини истисно қилувчи ҳолатлар дейилганида, жиноят белгилари мавжуд бўлса ҳам, жиноят деб ҳисобланмайдиган ҳаракатлар тушунилади.

Бундай ҳолатларнинг Жиноят кодексида белгиланиши инсон-парварлик ваadolat тамойилларига амал қилинганлигидан дарак беради. Бундай ҳолатлар ижтимоий фойдалилик ҳисобланади ва уларнинг содир этилишига қонунда йўл кўйилган.

Ўзбекистан Республикаси Жиноят кодексининг 35-моддасида бундай ҳолатларнинг умумий тушунчаси ва турлари берилган. Ушбу модданинг биринчи қисмида: «қилмишда ушбу кодексда назарда тутилган аломатлар расмий жиҳатдан мавжуд бўлса-да, лекин у ижтимоий хавфли, файриқонуний ёки айбли бўлмаса, қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатлар деб топила-ди», – дейилган.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида эса, қилмишнинг жинойлигини истисно қиладиган ҳолатларнинг турлари кўрсатилган. Буларга:

- 1) кам аҳамиятли қилмишлар (36-модда);
- 2) зарурий мудофаа (37-модда);
- 3) охирги зарурат (38-модда);
- 4) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш (39-модда);
- 5) буйруқ ёки бошқа вазифани ижро этиш (40-модда);
- 6) касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик (41-модда).

Энди ҳар бир жиноятни истисно қилувчи ҳолатларни алоҳида-алоҳида таҳлил қилиб ўтсак.

Кам аҳамиятли қилмиш содир этилганида ижтимоий хавфли оқибат юз бермайди ёки қонун билан қўриклиданадиган объектга жуда оз зарар етказилади. Қилмишни кам аҳамиятли деб ҳисоблашда объектив (қилмишни содир қилиш шароити, келиб чикқан оқибатнинг жабрланувчи учун аҳамиятга эга эмаслиги ёки оқибат келиб чиқмаганлиги) ва субъектив (айбнинг даражаси, жиноят қонуни билан қўриклиданадиган ижтимоий муносабатга нисбатан жиддий зарар етказиш мақсадининг йўқлиги, ҳаракатнинг айнан

оз миқдорда зарар етказишга қаратилғанлиги ва х.к.) ҳолатлар-нинг жами эътиборга олиниши керак. Масалан, вояга етмаган шахснинг бироннинг боғидан ўзи истеъмол қилиши учун оз миқдорда мева ўғирлаши, гулларни узиб олиши, зотли ҳисобланман-ган кантар ўғирлаши, шўхлик, ўзини кўрсатиш каби харакатлар шулар жумласидандир.

Зарурий мудофаа ҳолатида содир этилган, яъни мудофаа-ланувчи ёхуд бошқа кишининг шахси ёки ҳуқукларини, жамият ёки давлат манфаатларини қонунга хилоф тажовузлардан тажо-вузчига зарар етказган ҳолда ҳимоя қилиш чоғида қилинган ҳара-кат, агар зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмайди.

Зарурий мудофаа ҳолатида қилинган ҳаракат қонунга хилоф ҳисобланмайди, чунки ҳаётга, соғлиқка, жинсий эркинликка, мулк-ка ва бошқа жиноят қонуни билан қўриқланадиган объектларга қилинган тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бур-чи ҳисобланади ва зарурий мудофаа ҳолатида тажовузчига зарар етказиш жиноят ҳисобланмайди.

Ижтимоий ҳавфли тажовузлардан тажовузчига зарар етказиш орқали ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашда ҳам аҳамият-га эгадир. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди пленумининг юқорида номи келтирилган қарорида айрим судлар тажовузга учраган шахс, ундан қочиб қутилиш, бошқа фуқароларга ва ҳоки-мият вакилларига ёрдам сўраб мурожаат қилиш ёки бошқа усуслар билан тажовуздан сақланиш имкониятига эга бўлса, бундай тажовузга қарши фаол равишда мудофааланиш ҳуқуқига эга бўлмайдилар, деган нотўғри фикрга асосланадилар деб таъкидла-нади. Шу муносабаат билан Пленум судлар шуни эътиборга олиш-лари керакки, фуқаролар қонун талабига мувофиқ ижтимоий ҳавф-ли тажовуздан қочиб қутилиш ёки бошқа усуслар билан сақла-ниш имкониятига эга бўлишларидан қатъи назар тажовуз қилув-чига зарар етказиш йўли билан актив ҳимояланиш ҳуқуқига эга-дирлар, деб кўрсатилган¹.

¹ «Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми қарорларининг тұллами. 1991–1997 йил» // – Т.: «Шарқ», 1997 й. – Б.69.

Зарурий мудофаа факат ижтимоий хавфли тажовуз содир этилаётган вактда эмас, балки реал хужум бўлиш хавфи мавжуд бўлганда ҳам содир этилиши мумкин.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш одил судловнинг амалга оширилишини таъминлаш, жиноят қонунчилиги олдида турган вазифаларни бажариш мақсадида белгиланган. Шунинг учун ҳам қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказган шахсни ушлаш ижтимоий фойдали ҳисобланади.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш шахснинг мажбурияти эмас, балки бурчи ҳисобланади.

Шахс, ҳуқукни муҳофаза қилувчи давлат ҳокимияти органлари, маҳалла қўмиталари, бошқа шахсларга ёрдам сўраб мурожаат қилиш имконияти мавжудлигидан қатъи назар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаб бериш ҳуқукига эгадир.

Жиноят кодекси 39-моддасида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказиш тушунчаси берилган бўлиб, унинг биринчи қисмида ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлаш вақтида унга зарар етказиш, агар уни ушлаш учун зарур бўлган чораларнинг чегарасидан четга чиқилмаган бўлса, жиноят деб топилмаслиги кўрсатилган.

Ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг ҳукуқийлиги шартлари, бир томондан, ушлаш ҳукуқининг амалга оширилишини, иккинчи томондан,райриқонуний қилмишларнинг бартараф этилишини кафолатлади. Бундай шартлар икки институтга: ушлашга ва ушлаш вақтида етказилган зарарга тегишлидир.

Албатта, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида зарар етказишнинг қонунийлик даражасини белгиловчи бир қанча шартлари бор.

Биринчи белгиси – ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ҳокимият органларига топшириш мақсадида ушлашдир. Яъни, ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш ижтимоий фойдали ҳисобланади.

Иккинчи белгиси – ушланаётган шахснинг соғлиги ёки мулкига муайян зарар етказилишига йўл қўйилади. Албатта, шахсни уш-

лаётганда уни ҳаётидан маҳрум этиш мумкин эмас, ушлашдан максад жиноятчини тегишли ҳокимият органларига топширишдир.

Учинчи белгиси – ушлаш вақтида заар өтказиш жиноятчининг қочишига йўл қўймайдиган ягона восита бўлиши лозим. Агар шахсни ушлашда бошқа имкониятлар бўлган бўлсаю, у имкониятлардан фойдаланилмай унга заар өтказилса, айборнинг ҳаракатлари Жиноят кодексининг 39-моддаси биринчи қисмida курсатилган ҳолатларга тўғри келмайди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 38-моддасида: **охирги зарурат ҳолатида** шахснинг ёки бошқа фукароларнинг шахсига ёхуд ҳукуқларига, жамият ёки давлат манфаатларига таҳдид соловчи хавфни қайтариш учун қонун билан қўрикли надиган ҳуқуқ ва манфаатларга заар өтказган ҳолда содир этилган қилмиш, башарти, шу хавфни уша ҳолатда бошқа чоралар билан қайтаришнинг иложи бўлмаса ҳамда өтказилган заар олди олинган заарга қараганда камроқ бўлса, жиноят деб топилмайди, деб белгилаб қўйилган.

Охирги заруратнинг таҳдид солаётган хавфга нисбатан ҳукуқий шартлари ҳақида гапирганда унинг ижтимоий хавфлилиги, мавжудлиги ва ҳақиқийлиги каби белгиларига тұхталиб ўтиш лозим.

Биринчи белгиси охирги зарурат ҳолати хавф манбанинг вужудга келиши билан намоён бўлади. Хавф манбаи турли хил воқеалар бўлиши мумкин. Уларга инсон томонидан содир этилган ҳаракатлар, табиий офат (зилзила, сув босиши, ёнгин ва ҳоказолар), хайвонларнинг (қутирган итнинг, ҳўқизнинг) одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган агрессив ҳаракатлари киради.

Иккинчи белгиси хавфининг мавжудлиги.

Учинчи белгиси хавфнинг ҳақиқий бўлиши. Агар шахс турли сабабларга кўра хавфнинг мавжуд эмаслигини билиши лозим бўлмаган ёки мумкин бўлмаган бўлса, унинг бу ҳаёлан хавфни бартараф қилишга қаратилган ҳаракати ҳам жиноят деб ҳисобланмайди.

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳукуки (Умумий қисм). Олий ўкув юртлари учун дарслар. – Т.: «ILM ZIYO», 2005. – Б.480.

Тұртнчи белгиси муайян ҳолатдаги хавфни бошқа воситалар билан бартарап этиб бўлмаслиги сабабли бошқа ижтимоий муносабатларга заарар етказилади.

Жиноят кодексининг 40-моддасида шахснинг буйруқ ёки бошқа фармойиши, шунингдек мансаб вазифаларини қонунан бажариши туфайли заарар етказилган бўлса, жиноят деб топилмайди, деб кўрсатилган.

Буйруқ деганда, муайян ҳокимият органи, ташкилот, корхона, идора бошлигининг ўз ваколатлари доирасида муайян бир ҳаратни бажариш ёки бажармаслик тўғрисида (ёзма ёки оғзаки) буйруқ бериши тушунилади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 41-моддасига кўра, ижтимоий фойдали мақсадга эришиш учун касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қилиб, ҳуқуқлар ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга заарар етказиш жиноят деб топилмайди.

Куйидаги бир қатор шартлар мавжуд бўлгандагина касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ асосли таваккалчилик қонуний хисобланади.

Биринчи белгиси таваккалчиликнинг ижтимоий фойдали мақсадларга йўналтирилганлигидир. Яъни, таваккалчилик шахсий мақсадга эмас, ижтимоий фойдали натижаларга эришишга қартилган бўлиши керак. Шахсий мақсадларга йўналтирилган таваккалчилик асосли деб хисобланмайди. Бу борада шахсий мақсадларни шахсий мотивлардан фарқлай олиш муҳим.

Иккинчи белгиси таваккалчилик замонавий илмий-техника билимлари ва тажрибаларига мос келиши лозим, шундай тажрибаларни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас.

Таваккалчилик билан боғлиқ қилмишларнинг замонавий билим ва тажрибаларга мослиги ҳақидаги қонун талаблари, аввалимбор, бундай қилмишларнинг субъектив билимлар ва субъектив тажрибаларга мувофиқ бўлишини билдиради.

Учинчи белгиси ўз олдига қўйилган мақсадга таваккал қилмай эришишнинг иложи бўлмаса, шахс бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига заарар етказилишининг олдини олиш учун тегишли чораларни кўрган бўлса, бундай таваккалчилик асосли деб топилади. Яъни, бундай ҳолларда шахс

ўз-ўзига ишониш орқали ҳаракат қилмасдан, балки аниқ ҳисоб-китоб олиб боради ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларга зарар етказилишининг олдини олишга ҳаракат қиласди.

5. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва унинг турлари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 27-моддасига кўра, икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

У ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки қонунийлик ва адолатлилик принципларига асосланган ҳолда иштирокчиликнинг аниқ белгилари ва шаклларига эътибор бериш лозим.

Иштирокчилик белгиларини объектив ва субъективга ажратиш мумкин.

Иштирокчиликнинг объектив белгиларга:

1) жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг иштироки;

2) гурух аъзоларининг жиноятни содир қилиш учун биргаликда ҳаракат қилиши киради.

Жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши иштирокчиликнинг сон белгисидир. Бу белгининг асосий шарти шундан иборатки, жиноят иштирокчиликда содир этилганда иштирокчиларнинг барчаси ақли расо ва шу жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши талаб қилинади.

Жиноят кодексига мувофиқ ташкилотчи, бажарувчи, далолатчи ва ёрдамчининг ҳаракатларини квалификация қилиш, бир гурух шахслар томонидан жиноят содир этиш деб топиш асослари аниқ белгилаб берилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 27-моддасига кўра: «Икки ёки ундан ортиқ шахснинг қасддан жиноят содир этишда биргалашиб қатнашиши иштирокчилик деб топилади».

Ушбу норма мазмунидан кўриниб турибдик, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда куйидаги белгилар бўлиши лозим.

Биринчи, иштирокчиликда содир этиладиган жиноятларда икки ёки ундан ортиқ шахс қатнашиши лозим, иккинчи, ушбу жиноятлар қасдан содир этилади, учинчи, икки ёки ундан ортиқ шахснинг ҳаракатлари биргалашиб содир этилади. Биргаликдаги ҳаракат шундан иборатки, бунда иштирокчиларнинг жиноий ҳаракати биргаликда бўлади. Жиноятни биргаликда содир қилиш шундан иборатки, бунда бир иштирокчининг ҳаракати иккинчисиники билан чамбарчас боғлиқ бўлади ва жиноят натижаси умумий ҳаракатга боғлиқдир. Иштирокчиларнинг биргаликдаги ҳаракати жиноятнинг натижаси учун муҳим шартдир. Бу белгилар иштирокчиликнинг жиноят қонунида назарда тутилган белгилари саналади.

Биргаликдаги ҳаракат қилиш асослари:

биринчидан, ягона куч асосида ягона мақсадга эришиш учун ҳаракат қилиш;

иккинчидан, бошқа иштирокчиларнинг ягона умумий натижага эришишга қаратилган ҳаракатини билиш ва ҳисобга олиш;

учинчидан, иштирок этувчи шахсларнинг ҳаракатлари онгли равишда биргаликда бажарилиши¹.

Иштирокчиликда содир этилган жиноятларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. У ёки бу жиноятни квалификация қилишда нафақат қилмишнинг иштирокчиликда содир этилиши, балки қонунийлик ва адолатлилик принципларига асосланган ҳолда иштирокчиликнинг аниқ белгилари ва шаклларига эътибор бериш лозим.

Иштирокчиликнинг белгилари ҳақида тўхталарадиган бўлсак, иштирокчиликда содир этилган жиноятларда бажарувчининг тутган ўрни катта, ташкилотчи, ёрдамчи, далолатчининг ҳаракатлари бажарувчининг ўзини тутишидан келиб чиқиб белгиланади.

Жиноят содир қилишда икки ёки ундан ортиқ шахснинг қатнашиши иштирокчиликнинг сон белгисидир. Бу белгининг асосий шарти шундан иборатки, жиноят иштирокчиликда содир этилганда иштирокчиларнинг барчаси ақли расо ва шу жиноят учун қонунда белгиланган ёшга етган бўлиши талаб қилинади.

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят хукуки (Умумий кисм). Олий ўкув юртлари учун дарслик. – Т.: «ILM ZIYO», 2005. – Б.480.

Иштирокчиликда қилинган жиноятларда икки ёки ундан кўп шахслар ўз интилишларини бирлаштиради. Ўз хоҳишларидағи нағижага эришишга ҳаракат қиладилар, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир қилганда эса оқибат келиб чиқишини хоҳламайдигина эмас, балки унинг келиб чиқишини олдиндан кўра билмайди хам.

Субъектив боғлиқликнинг яна бир белгиси шундан иборатки, бунда бир жиноятчининг ҳаракати бошқа иштирокчининг ҳаракати билан чамбарчас боғлиқдир. Яъни, жиноят содир қилишда бир нечта жиноятчи бирга ҳаракат қилади ва шулардан ҳеч бўлмагандага иккитаси жиноий натижа учун ўз ҳаракатларини бирлаштиради ва ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқишини билган ҳолда ҳаракат қилади ва оқибатни хоҳлайди.

Жиноят кодексининг 28-моддасига кўра, жиноятни бажарувчи билан бир қаторда ташкилотчи, далолатчи ва ёрдамчилари хам жиноят иштирокчилари деб топилади

Иштирокчиларнинг қўйидаги турлари мавжуд:

- 1) бажарувчи;
- 2) ташкилотчи;
- 3) далолатчи;
- 4) ёрдамчи.

Жиноят кодексининг 28-моддасига биноан, жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган ёхуд Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахс бажарувчи деб топилади.

Ушбу холатдан кўриниб турибдики, жиноят конуни нормаси жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахсни ёки Жиноят кодексига мувофиқ жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмаган шахслардан ёки бошқа воситалардан фойдаланиб, жиноят содир этган шахсни бажарувчи деб таърифляяпти. Менинг фикримча, жиноятни бевосита тўла ёки қисман содир этган шахс деганда жиноятнинг объектив томони бир қисмини ёки тўлиқ бажариши назарда тутиляпти.

Мажбурлаш жисмоний ва руҳий бўлиши мумкин. Руҳий мажбурлаш кўпинча далолатчи томонидан кўрқитиш орқали содир этилади (масалан, моддий таъминлашни тўхтатиб қўйиш, инсон-

ни таҳқирловчи хабар ёки маълумотни ошкор қилиш билан қўркитиш ва ҳоказо).

«Жиноят содир этилишига ўз маслаҳатлари, қўрсатмалари билан, воситалар бериш ёки тўсиқларни йуқотиш билан кўмаклашган, шунингдек жиноятчини, жиноят содир этиш куроли, излари ва воситаларини ёхуд жиноий йўл билан қўлга киритилган нарсаларни яширишга, шунингдек бундай нарсаларни олиш ва ўтказиш тўғрисида олдиндан ваъда берган шахс ёрдамчи деб топилади» (Жиноят кодекси 28-модда, бешинчи қисм).

Жиноят кодекси 28-моддаси бешинчи қисмининг таҳлили шуни қўрсатадики, жиноятда ёрдамчилик икки кўринишга эга бўлади:

- 1) жисмоний ёрдамчилик;
- 2) рухий ёрдамчилик.

Тўсиқларни олиб ташлаш деганда, ёрдамчининг бажарувчи томонидан жиноятни амалга оширишдаги тўсиқларни бартараф қилишга ёрдамлашиш харакати тушунилади. (Масалан, қўриқчи ни хизмат вазифасидан чалфитиш, сигнализацияни учириб қўйиш, қўриқчи итларни чалфитиш ва ҳоказо).

Ёрдамчи далолатчидан шуниси билан фарқ қиласиди, у узининг харакати билан жиноятнинг бошқа бир иштирокчисида жиноят содир этиш истагини вужудга келтирмайди, бу ҳолат ёрдамчиликни амалга оширгунга қадар вужудга келади.

Рухий ёрдамчилик жиноят содир қилинишида бажарувчининг қарори ва хоҳишини мустаҳкамлайди.

Маслаҳат ва қўрсатмаларни кўпроқ жиноятни уюштирадиган шахс бериши мумкин. Бу ҳолда ушбу шахс Жиноят кодекси 28-моддасининг учинчи қисмига кўра, ташкилотчи деб топилади.

6. Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо

Жиноий жавобгарлик хукуқий жавобгарликнинг маҳсус тури бўлиб, Жиноят кодексида тақиқланган қилмиш содир этилгантакцидирдагина қўлланадиган жавобгарликнинг энг оғир туридир.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 16-моддаси биринчи қисмida жиноят учун жавобгарликнинг таърифи берилган бўлиб, жиноят учун жавобгарлик жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан хукм қилиш,

жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибатидир.

Жиноий жавобгарлик шахснинг Жиноят кодекси билан тақиқланган қилмишни содир қилганлиги учун шахс ва давлат ўртасида вужудга келадиган жиноят-ҳуқуқий муносабатдир.

Жиноят-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари бир томондан давлат бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилган шахсдир. Шахс томонидан жиноят содир қилиниши муносабати билан давлатда жиноят ҳуқуқида назарда тутилган мажбурлов чоралирини шахсга нисбатан мажбурий тарзда қуллаш, суриштирув ва тергов ҳаракатларини олиб бориш мажбурияти вужудга келади. Шахсда эса, содир қилган жинояти учун жавоб бериш, жиноят ҳуқуқида белгиланган тартибда унга нисбатан қўйилган талабларга жавоб бериш мажбурияти вужудга келади. Жиноий жавобгарлик масаласи фақат жиноят ҳуқуки доирасида белгиланган асосларга биноан амалга оширилади.

Жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи нормалари билан кўрикли надиган ижтимоий муносабаларга жиддий заарет етказадиган ёки шундай заарет етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандахина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик, ўз навбатида, қандайдир ҳуқукий оқибатни вужудга келтиради. Жиноий жавобгарлик эса, жиноят-ҳуқуқий муносабатдир. Аммо жиноят ҳуқуқий муносабатнинг келиб чиқиши учун бирон-бир юридик факт содир этилиши талаб қилинади ва бундай юридик факт жиноятнинг содир этилиши ҳисобланади.

Жиноий жавобгарликнинг фактик асоси шахс томонидан содир этилган қилмишдир. Қилмишнинг жиноят деб тан олиниши учун унда қонунда кўзда тутилган жиноят таркибининг барча белгилари мавжуд бўлиши керак.

Жиноий жавобгарликнинг норматив асоси Жиноят кодексида кўзда тутилган жиноят таркибидир. Фактик ва норматив асослар жиноий жавобгарликнинг умумий асосини ташкил қиласди.

Жиноий жазо Жиноят кодекси Махсус қисми нормасида жавобгарлик белгиланган, содир этилган жиноятнинг ҳуқуқка хилофлик белгисидир. Жиноят ва жазо тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги содир этилган жиноятга нисбатан қўлланиладиган

қонунийлик ва айб учун жавобгарлик принципларида ифодаланади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддасида жазога таъриф берилган бўлиб, унга кўра, жазо – бу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат номонидан суд ҳукми асосида қўлланиладиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқук ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбуровлор чорасидир.

Жиноий жазо давлатнинг мажбуровлор чораси бўлиб, у бошқа мажбуровлор чораларидан қуидаги ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қиласди:

- 1) жиноий жазо жиноят қонунида қатъий белгиланган бўлади;
- 2) жиноий жазо фақат суд томонидан тайинланади;
- 3) жиноий жазо фақат жиноят содир этишда айбдор деб топилган шахсларга нисбатангина қўлланилади;
- 4) жиноий жазонинг мазмуни шахсни озодликдан маҳрум қилишда ёки ҳуқук ва эркинликларини чеклашда ифодаланади.

Жиноят кодексининг 42-моддасида жазонинг:

- 1) маҳкумни ахлоқан тузатиш;
- 2) шахснинг жиноий фаолиятига тұсқынлик қилиш;
- 3) бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишининг олдини олиш каби мақсадлари белгилаб қўйилган.

1994 йилги Жиноят кодексида жамият ва давлатимизда сўнгги йилларда рўй берган ўзгаришлар эътиборга олиниб, жазо турлари қуидагича жойлаштирилган:

- 1) жарима;
- 2) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- 3) ахлоқ тузатиш ишлари;
- 4) хизмат бўйича чеклаш;
- 5) қамок;
- 6) озодликни чеклаш;
- 7) интизомий қисмга жўнатиш;
- 8) озодликдан маҳрум қилиш;
- 9) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Жиноят кодексида вояга етмаганларга нисбатан: 1) жарима; 2) ахлоқ тузатиш ишлари; 3) қамок; 4) озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

Құшимча жазога ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш киради.

Жиноят жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодекси жазо тизимидан мол-мулкни мусодара қилиш чиқарилди.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси ҳам асосий жазо сифатида, ҳам **құшимча жазо** сифатида құлланиши мүмкін.

Умумий ва маҳсус жазо чоралари субъектнинг маҳсус белгиларига караб құлланилади.

Умумий жазолар бу – жиноят субъекти белгиларига эга ҳар қандай шахсга нисбатан құлланиши мүмкін бұлған жазо тизимидір.

Маҳсус жазо қонунда қатый белгиланған субъектлар доирасында құлланилады жазо чорасидір. Масалан, интизомий қисмга жұнатыш ва ҳарбий унвондан маҳрум қилиш фақат ҳарбийларға нисбатан құлланилади.

Жарима айбордан давлат даромадига Жиноят кодексіде белгиланған міндердә пул ундиришдір.

Жарима әңг кам ойлик иш ҳақининг беш бараваридан олти юз бараваригача міндердә белгиланади.

Шахсни муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш суд тайинлаган муддат давомида айборнинг корхоналар, муассасалар ёки ташкилоттарда у ёки бу мансабни әгаллашини ёхуд у ёки бу фаолият билан шуғулланишини тақиқлашдан иборатдір. Ана шундай мансаб ёки фаолиятнинг тури суд томонидан айблов ҳукміда құрсатылади.

Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айборнинг мансаби ёки иш фаолияти билан бевосита боғлиқ бұлған жиноятни содир этганлиги учун асосий жазо тариқасыда тайинланғанда – бир йилдан беш йилгача муддатта, құшимча жазо тариқасыда тайинланғанда – бир йилдан уч йилгача муддатта белгиланади (45-модда).

Ахлоқ тузатиши ишлари шахс иш ҳақининг үн фойзидан үттіз фойзигача міндерини давлат даромади хисобига ушлаб қолған ҳолда уни меҳнатта мажбуран жалб қилишдан иборат бўлиб, жазо суднинг ҳукміга мувофиқ маҳкумнинг үз иш жойи ёки мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган бошқа жойларда үталади. Ахлоқ тузатиши ишлари олти ойдан уч йилгача муддатта тайинланади (46-модда).

Хизмат бўйича чеклаш – ҳарбий хизматни контракт бўйича ўтаётган ҳарбий хизматчини суд ҳукмида кўрсатилган муддат давомида муайян ҳукуқ ва имтиёзлардан маҳрум қилиб, пул таъминотининг ўн фоизидан ўттиз фоизигача бўлган микдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолишдан иборатdir.

Хизмат бўйича чеклаш жазоchorаси Жиноят кодекси Maxsus қисмининг моддасида назарда тутилган ҳолларда икки ойдан уч йилгача муддатга кўлланилади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят ёки оғир оқибатларни келтириб чиқармаган эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноят учун суд иш ҳолатлари ва маҳкумнинг шахсини ҳисобга олган ҳолда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш, қамоқ ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ўрнига шу муддатга хизмат бўйича чеклаш жазосини кўллаши мумкин.

Хизмат бўйича чеклаш тарикасидаги жазони ўташ муддати давомида маҳкумнинг мансабини, ҳарбий ёки маҳsus унвонини ошириш мумкин эмас, жазони ўтаган вакт эса, унинг кўп йил ишлаганик, навбатдаги ҳарбий ёки маҳsus унвон ҳамда пенсия олиш учун асос бўладиган хизмат муддатига қўшилмайди (47-модда).

Қамоқ – шахсни батамом ажратган шароит остида саклашдан иборат бўлиб, бир ойдан олти ойгача муддатга белгиланади. (48-модда).

Озодликни чеклаш – суд томонидан маҳкумга нисбатан яшаш жойини ўёки бу сабаб билан тарк этишни бутунлай тақиқлашдан ёки сутканинг муайян вақтида яшаш жойидан чиқишини чеклашдан иборат (48¹-модда).

Интизомий қисмга жўнатиш – муддатли ҳарбий хизмат ҳарбий хизматчисини суд томонидан белгиланган муддат мобайнода ички тартиби анча қаттиқ бўлган маҳsus ҳарбий қисмга жойлаштириш орқали, муайян ҳукуқ ва имтиёзлардан маҳрум этишdir (49-модда).

Озодликдан маҳрум қилиш маҳкумни жамиятдан ажратиб, жазони ижро этиш колонияси ёки турмага жойлаштиришдан иборатdir.

Озодликдан маҳрум қилиш олти ойдан йигирма йилгача муддатга белгиланади, Жиноят кодекси 50-моддасининг учинчи қисмida назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш йигирма йилдан ортиқ, лекин йигирма беш йилдан кўп бўлмаган муддатга белгиланади ва фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун тайинланиши мумкин.

Узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Озодликдан маҳрум қилиш Жиноят кодексининг 60-моддасида назарда тутилган бир неча жазоларни қўшиш тартибида тайинланганда, унинг муддати йигирма беш йилгача белгиланиши мумкин.

Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинаётган аёлларга ҳамда олтмиш ёшдан ошган эркакларга нисбатан тайинланаётган жазо муддати Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган озодликдан маҳрум этиш энг кўп муддатининг учдан икки қисмидан ортиқ булиши мумкин эмас.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш фавқулодда жазо чораси бўлиб, маҳкумни маҳсус тартибли жазони ижро этиш колониясига жойлаштириш орқали жамиятдан муддатсиз ажратиб қўйишдан иборатdir.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасдан одам ўлдириш (97-модданинг иккинчи қисми) ва терроризм (155-модданинг учинчи қисми) учун белгиланади.

Умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси аёлга, ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсга ва олтмиш ёшдан ошган эркакка нисбатан тайинланиши мумкин эмас (51-модда).

Ҳарбий ёки маҳсус унвонга эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жиноят учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мазкур унвондан маҳрум қилиниши мумкин.

Олий ҳарбий ёки маҳсус унвонга ёхуд Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотига эга бўлган шахс оғир ёки ўта оғир жинояти учун ҳукм қилинганида суднинг ҳукми асосида киритадиган тақдимномасига биноан мазкур унвон ёки мукофотдан маҳрум қилиниши мумкин (52-модда).

7. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари

Инсонпарварлик ва одиллик принципларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси олтинчи бўлими XV–XVI бобларида «Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари» белгиланган. Бу бобларда вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо тизими, жазо тайинлаш қоидалари, жавобгарликдан, жазодан озод қилиш ҳоллари акс эттирилган ҳамда мажбурлов чораларини қўллаган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш шартлари ва тартиби, мажбурлов чоралари ҳамда жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш шартлари баён қилинган.

Жиноят кодекси 17-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлгунга қадар жиноят содир этган шахслар умумий қоидаларга асосан ва Жиноят кодексининг олтинчи бўлимида назарда тутилган хусусиятлар хисобга олинган ҳолда жавобгарликка тортиладилар.

Умумий қоидага мувофиқ 16 ёшга тўлган, ақли расо шахслар жиноят субъекти ёшига етган хисобланадилар. Баъзи жиноятлар учун субъект ёши 14 ёш қилиб белгиланган. Жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасдан одам ўлдирганлик жинояти учун субъект ёши 13 ёш этиб белгиланган.

Жиноят кодекси Махсус қисми 163 та нормасида вояга етмаганлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган жазо тизими, жиноят конуни билан белгиланган ва суд учун мажбурий хисоблаган жазо чораларининг рўйхати бўлиб, улар, ўз навбатида, муайян тартибда жойлаштирилган ва қўлланиш тартиби ва чегаралари белгиланган рўйхатdir.

Жиноят кодексининг 81-моддасида белгиланишича, жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга етмаган шахсларга нисбатан қўйидаги жазо чоралари қўлланиши мумкин: а) жарима; б) ахлоқ тузатиш ишлари; в) қамоқ; в¹) озодликни чеклаш; г) озодликдан маҳрум қилиш. Ўн саккиз ёшга тўлмасдан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўшимча жазолар тайинланиши мумкин эмас.

Вояга етмаганларга нисбатан **жарима** энг кам ойлик иш ҳақининг икки бараваридан йигирма бараваригача миқдорда тайинланади.

Махкум жарима тұлашдан олти ой муддат мобайнида бүйин товласа, суд тұланмаган жарима миқдорини ахлоқ тузатиш ишлары жазоси билан алмаштиради. Бунда энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги жарима ахлоқ тузатиш ишларининг бир ойига тенглештириб хисобланади.

Вояга етмаганларга нисбатан **ахлоқ тузатиш ишлари** факт мекнатга лаёқатли вояга етмаганларга нисбатан үз иш жойида үташ, айборд ҳеч қаерда ишламаса, ушбу жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган үзи яшайдиган ҳудуддаги бошқа жойларда үташ тариқасида бир ойдан бир йилгача муддаттаға тайинланади.

Вояга етмаган шахс тайинланған ахлоқ тузатиш ишларининг үндан бир қисмидан күпроғини үташдан бүйин товласа, суд бу жазонинг үталмаган қисмини ахлоқ тузатиш ишларининг ҳар уч кунини қамоқнинг бир кунига тенглештирган ҳолда хисоблаб, қамоқ жазоси билан алмаштиради, аммо бу муддат уч ойдан ошмаслиги керак (ЖКнинг 83-моддаси).

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қамоқ бир ойдан уч ойгача муддаттаға тайинланади. Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан үн йилгача муддаттаға тайинланади, ушбу Кодекс 86-моддасининг иккинчи, учинчи ва түртинчи қисмларида назарда тутилған ҳоллар бундан мустасно.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида үн уч ёшдан үн олти ёшгача бұлған шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун – олти йилгача;
- в) үта оғир жиноят учун – үн йилгача муддаттаға тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида үн олти ёшдан үн саккиз ёшгача бұлған шахсларга нисбатан:

- б) оғир жиноят учун – етти йилгача;
- в) үта оғир жиноят учун – үн йилгача муддаттаға тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бұлмаган жиноят содир этган, әхтиётсизлик оқибатида жиноят содир этган ёхуд қасдан унча оғир бұлмаган жиноят содир этган шахсларга нис-

батан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди (ЖК 85-моддаси).

Қайд этиб ўтиш лозимки, олимлар ва мутахассислар томонидан вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари жумласига кўплаб масалалар киритилган бўлиб, уларга яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири; ўқишни ташлаб кетган ўсмирлар узок вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги; ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари; ёши катта жиноятчиларнинг далолатчилиги; зўравонлик ва конунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири ва бошқалар кўрсатиб ўтилган.

Шунингдек, вояга етмаганлар жиноятчилигининг омиллари сифатида қўйидагилар қайд этилади: назоратсизлик; умумий таълим мактаблари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар; ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда, тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар; маданий ҳордик чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар; вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга карши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликлар ва бошқалар. Бу сабаб ва омиллар катъий эмас, уларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилиги билан бир хил сабабларга эга, бироқ уларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир кўрсатиш механизми анча фарқ қиласди. Бу сабаблар шахснинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Мазкур тарбия ташкилий ва стихияли жиҳатларни, тарбия ҳамда тегишли ижтимоий амалиёт таъсирини ўз ичига олади.

Вояга етмаганларга нисбатан қўлланадиган хукукий нормаларни икки гурухга бўлиш мумкин.

Биринчи гурухга жиноят содир қилиш пайтида вояга етмаган ёшда бўлганлар учун қўлланадиган нормалар киради. Ушбу гурухга жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлмаганларга нисбатан татбиқ қилинадиган нормаларга жиноятни квалификация қилиш, жазо тайинлаш, жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш, жазони енгилроғи билан алмаштиришни назарда тутувчи нормалар киради.

Иккинчи гурухга муайян нормани қўллаш вақтида вояга етмаган ёшда бўлганлар учун қўлланадиган нормалар тааллуқлидир. Мазкур гурухга тарбия ёки жазони ўташ колониясини тайинлашга оид нормалар, мажбурлов чораларини қўллашни назарда тутувчи нормалар киради. Ана шу юқорида айтилганларга кўра, шахснинг жиноий жавобгарлигини тўғри белгилаш учун шахснинг ёшини тўғри аниқлаш мухим аҳамиятга эгадир. Суд вояга етмаганнинг жавобгарлигини ҳал қилишда уларнинг туғилган йили, ойи ва кунини тўғри аниқлаш чораларини кўришлари керак.

Алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизнинг Жиноят кодексида вояга етмаганларга нисбатан тайинланадиган жазо ва унинг хусусиятлари ўзига хос белгиланган бўлиб, унда вояга етмаганларнинг ижтимоий хусусиятлари, ривожланишининг ўзига хос жиҳатлари ва бошқалар инобатга олинган. Хусусан, Кодексга биноан вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик оқибатида ёхуд қасдан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги белгилаб берилди.

Узбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги «Жиноят учун жазо чорасини тайинлаш борасида суд амалиётида вужудга келган айrim масалалар тўғрисида»ги карорининг 7-бандида «Судлар вояга етмаганларга, аёларга, ногиронларга ва кексаларга нисбатан жазо тайинлашда, озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ташқари бошқа жазо турини қўллаш, шартли ҳукм қилиш масалаларини мухокама қилишлари ва агарда, уларни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмас, деб топғанларидагина озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашлари лозим», дейилади.

Жиноят кодексининг 86-моддасида вояга етмаганларга жазо тайинлашнинг ўзига хос жиҳатлари баён қилинган бўлиб, унга кўра ўн уч ёшдан ўн олти ёшгacha бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади.

Жиноят содир этиш пайтида ўн уч ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахсларга нисбатан бир неча хукм юзасидан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг муддати ўн беш йилдан ошмаслиги керак.

Вояга етмаган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланганда суд Жиноят кодексининг 72-моддасида назарда тутилган асос ва шартлар мавжуд бўлса, шартли жазо белгилаши мумкин.

Вояга етмаган шахсларга нисбатан қуидаги мажбурлов чоралари қўлланилади:

а) суд белгилайдиган шаклда жабрланувчидан узр сўраш мажбуриятини юклаш;

б) ўн олти ёшга тўлган шахс зиммасига етказилган заарни ўз маблағи ҳисобидан ёки меҳнати билан тুлаш ёки бартараф қилиш мажбуриятини юклаш. Ушбу чора, агар етказилган заар белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ошиб кетмаган бўлса, қўлланилади. Бошқа холларда етказилган заар фуқаровий-хуқуқий тартибда ундирилади;

в) вояга етмаганни маҳсус ўкув-тарбия муассасасига жойлаштириш.

Вояга етмаган шахсларни маҳсус ўкув-тарбия муассасаларида бўлиш муддати ва шартлари Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан белгиланади.

Ўн саккиз ёшга тўлмасдан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилишга, озодликни чеклашга ёки ахлоқ тузатиш ишларига хукм қилинган шахсга нисбатан жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш тартиби қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-коида талабларини бажарган меҳнат ва ўқишига ҳалол муносабатда бўлган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазони ўташдан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасдан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида ярмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин қўлланилади.

Жиноят кодексининг 90-моддасида ўн саккиз ёшга тўлгунча содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш, озодликни чеклаш ёки ахлоқ тузатиш ишига хукм қилинган шахсга нисбатан жазонинг ўталмаган қисми енгилроқ жазо билан алмаштирилиши мумкин.

Жазони енгилроғи билан алмаштириш 90-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган жазо турлари учун белгиланган тартиб-коида талабларини бажарган ва меҳнат ёки ўқишига ҳалол муносабатда бўлиб келаётган маҳкумга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Жазонинг ўталмаган қисмини енгилроғи билан алмаштириш:

а) ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида бешдан бир қисми;

б) оғир жиноят учун тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисми;

в) ўта оғир жиноят учун, шунингдек қасдан содир этган жинояти учун, агар шахс илгари қасдан содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум этишга хукм қилинган бўлса, тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлинганидан кейин қўлланилиши мумкин.

Назорат учун саволлар

1. Жиноят хуқуки тушунчасига таъриф беринг.

2. Жиноят хуқуки қандай тамойилларга асосланади, у қандай вазифаларни бажаради?

3. Жиноят тушунчасининг таърифи, унинг белгиларини санаб беринг.

4. Жиноят ва жиноятчилик тушунчаларининг бир-биридан фарқи нимада?

5. Жиноятнинг таркибий элементларига тўхталиб ўтинг.
6. Жиноий жавобгарлик деганда нимани тушунасиз?
7. Қандай жиноий жазо турларини биласиз?
8. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва унинг турлари ҳақида гапириб беринг.
9. Қайси ҳолатларда содир этилган килмишнинг жиноийлиги истисно этилади?
10. Вояга етмаганлар жавобгарлиги хусусиятлари ҳақида гапириб беринг.

Мавзуни ёритишда фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. М. Усмоналиев. Жиноят ҳуқуки (Умумий қисм) Дарслик. Тошкент: «Янги аср авлоди», 2005. – 662 бет.
2. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуки (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: «ILM ZIYO», 2005. – 480 б.
3. Жиноят ҳуқуки. Умумий қисм. Дарслик. / М.А. Абдухоликов, Б.Д. Ахроров ва бошқ. М. Усмоналиевнинг умумий таҳрири остида. – Т.: Адолат, 1998. – 304 б.
4. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуки. (Умумий қисм.) Дарслик. – Т.: ILM ZIYO, 2005. – 478 б.
5. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуки. (Махсус қисм.) Дарслик. – Т.: Ўқитувчи, 2003. – 560 б.
6. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Умумий қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – 608 б.
7. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. – Т.: ILM ZIYO, 2006. – 912 б.
8. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси. Умумий қисм. I том: Жиноят тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 400 б.
9. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси. Умумий қисм. II том. Жазо тўғрисида таълимот. – Т.: Илм зиё, 2011. – 304 б.
10. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси. Махсус қисм. III том: Шахсга қарши жиноятлар. Тинчлик ва хавфсизликка қарши жиноятлар. – Т.: Илм зиё, 2011. – 312 б.

11. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси. Махсус қисм. IV том: Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартибига қарши жиноятлар. – Т.: Илм зиё, 2011. – 424 б.
12. Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуки курси. Махсус қисм. V том: Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. – Т.: Илм зиё, 2011. – 312 б.
13. Абдуқодиров Ш.Ё. Жиноят ҳуқуки (Махсус қисм). Ўкув-услубий қўлланма. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 238 б.

11-мавзу. ХАЛҚАРО ҲУҚУҚ АСОСЛАРИ

РЕЖА:

1. Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиш асослари ва тушунчаси.
2. Халқаро ҳуқуқ манбалари ва тизими.
3. Халқаро ҳуқуқ тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари.
4. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик.

1. Халқаро ҳуқуқнинг пайдо бўлиш асослари ва тушунчаси

Халқаро ҳуқуқ кенг соҳа бўлиб, у ўз ичига давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги оммавий характердаги сиёсий, ҳарбий-сиёсий, ҳарбий-техникавий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошка соҳадаги муносабатларни тартиба солишга қаратилганлиги билан тавсифланади. Бундан келиб чиқадики, халқаро ҳуқуқнинг субъектлари давлатлар ва халқаро ташкилотлар бўлиб, унинг тартиба солиш обьекти эса, давлатлараро, давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлар ўртасидаги муносабатлардир.

Халқаро ҳуқуқни бугунги кунда ёки ўтган асрда пайдо бўлган ҳодиса сифатида тушунмаслик лозим, унинг пайдо бўлиши ҳамда ривожланиши узок тарихий жараёнларга бориб тақалади. Халқаро ҳуқуқ, асосан, давлатлараро муносабатлар асосида шаклланганлигини инобатга олсак, унинг илк пайдо бўлишини инсоният тарихида давлатчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан вужудга келган, деган фикрга келиш мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг давлатларнинг ўз миллий манфаатларини англаш воситаси сифатида пайдо бўлиши, бугунги кунда халқаро муносабатларнинг доимий ўзгариб туриши натижасида халқаро ҳуқуқ миллий давлатлар ва халқларнинг тараққиётига муҳим таъсир кўрсатиб бораётганлиги ҳам ушбу ҳуқуқ соҳасининг муҳимлигидан далолат беради.

Халқаро ҳуқуқнинг келиб чиқиши обьектив жараёндир. Халқаро ҳуқуқ пайдо бўлишининг умумий шарт-шароити – давлатларнинг ҳоҳиш-иродаси эмас, балки инсониятнинг тарихий тараққиёт

ти, ижтимоий мөхнат тақсимоти, давлатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, иқтисодиётнинг ўсиши, халқаро интеграция жараёнлари билан узвий боғланган. Халқаро хукуқ мухим хукукий ходиса сифатида халқаро муносабатлардан, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа хусусиятлари асосида пайдо бўлган. Шундай қилиб, халқаро хукуқнинг пайдо бўлиши бевосита давлатларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, халқаро ташкилотларнинг вужудга келиши билан боғлиқ.

Тарихий ривожланиш жараёнида қадимги Рим давлатида фуқаролик хукуки негизида босиб олинган давлатларнинг халқлари билан ўзаро айирбошлиш ҳамда савдо муносабатларининг ривожланиши, «халқлар хукуки»нинг пайдо бўлишига хизмат қилган. Айнан халқлар хукуки келгусида халқаро хукуқнинг пайдо бўлишига хизмат қилган, десак хато бўлмайди.

Давлатлар таракқиёти ўз-ӯзидан улар ўртасида сиёсий, иқтисодий, маданий ва хукукий муносабатларни ўрнатиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг натижасида хукуқнинг мустакил тизими сифатида халқаро хукуқнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига замин яратган.

Халқаро оммавий хукуқ узоқ ривожланиши давомида анча ўзгаришларга учради. Ҳозирги кунда амалда бўлган халқаро хукуқ билан икки юз йил олдин амал қилган халқаро хукуқнинг принциплари ва нормаларини солишиурсак, улар орасида катта фарқ борлигини кўрамиз. Илгари амал қилган нормалар ва принциплар тизими қадимий классик хукуқ номини олган, ҳозирги нормалар ва принциплар тизими эса, ҳозирги замон халқаро хукуқи деб номланади.

Халқаро хукуқнинг амал килиш доираси тартибга солиш обьектига нисбатан халқаро-хукукий таъсир кўрсатиш воситаларини кўллаш соҳаси тушунилади. Бу соҳа уч асосий жиҳатга эгадир, булар – субъект, обьект ва макон.

Субъект соҳаси халқаро хукуқнинг таъсири жорий қилинадиган ва унда иштирок этадиган субъектлар доираси билан белгиленади. Унга халқаро ташкилотларнинг қўшилиши субъект соҳасидаги ўзига хослигидир.

Объект соҳаси – халқаро хукуқнинг обьекти бўлган, у томонидан тартибга солинувчи муносабатлар доирасидир. Объект со-

ҳаси субъект соҳаси билан узвий боғлиқдир, чунки унда фақат халқаро ҳуқуқ субъектлари орасидаги муносабатлар жамланган.

Халқаро ҳуқуқнинг ҳудудий таъсир доираси амалиётнинг асосий эътиборини ўзига жалб этади, шартномаларнинг амал қилиш доираси тўғрисидаги қарорлар айнан ундан келиб чиқкан. Гап халқаро ҳуқуқ амал қиладиган куруқлик, сув, ҳаво, космик кенгликлар тўғрисида кетмоқда.

Халқаро ҳуқуқ тизими халқаро ҳуқуқнинг ажралмас элементларидан бири бўлиб, у ўзаро ички элементларнинг объектив мавжуд бўлган бир бутунликдир. Халқаро ҳуқуқ тизими қўйидагиларни қамраб олади:

- халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари, меъёрлари;
- халқаро ташкилотларнинг қарорлари, тавсиявий резолюциялари, халқаро суд органларининг қарорлари;
- халқаро ҳукуқ институтлари (халқаро тан олиш институти, шартномаларга нисбатан ҳуқуқий ворислик институти, халқаро жавобгарлик институти ва бошқалар).

Тизимнинг қайд этиб ўтилган барча элементлари турли бирикмаларда халқаро ҳукуқ тармокларини (дипломатик ҳукуқ, халқаро шартномалар ҳуқуқи, халқаро денгиз ҳукуки ва бошқалар) ташкил қиласди, ушбу ҳар бир тармок ўзи мустакил тизим сифатида намоён бўлади, бундай тизимлар халқаро ҳуқуқнинг яхлит ягона тизими доирасида шу тизимнинг бир қисми ҳисобланиши мумкин.

Ҳар бир фаннинг ўзига хос тушунчаси ва пердмети бўлгани сингари халқаро ҳуқуқнинг ҳам тушунчасини аниқлаш ва унга таъриф бериш халқаро ҳукуқ фанининг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Халқаро ҳукуқ фанида халқаро ҳукуқ тушунчасига турли хил таърифлар берилган. Ҳусусан, халқаро ҳуқуқни айрим муаллифлар «давлатларнинг иродасини мувофиқлаштириш асосида тузилган ва ривожланадиган давлатларнинг тинч-тотув яшashi, халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирини ўзи белгилашини таъминлаш мақсадида халқаро муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизими» сифатида таърифлаган. Баъзи бир муаллифлар эса, халқаро ҳукуқ бу – давлатлар ва ушбу ҳукуқ тизи-

мининг бошқа субъектлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизимиdir, деган фикрларни ҳам билдириб ўтишган.

Халқаро ҳуқуқка берилган юқоридаги ва бошқа кўплаб таърифларнинг мазмуни асосан давлатларнинг халқаро-ҳуқуқий ва ташкиси ёсат функцияларидан келиб чиқкан.

Демак, **халқаро ҳуқуқ** – бу тинчлик ва ҳамкорликни таъминлаш мақсадида давлатлараро ва давлатлар ҳамда халқаро ташкилотлараро муносабатларни тартибга солувчи юридик меъёрлар тизимиdir.

2. Халқаро ҳуқуқ манбалари ва тизими

Халқаро ҳуқуқ манбалари ўзининг кенг қамровли ҳамда тартибга солиш доирасига кўра давлатнинг ички ҳуқуқий манбаларидан ажralиб туради. Ҳар бир ҳуқуқ манбасининг таркибий қисми сифатида ҳуқуқ нормалари намоён бўлишини инобатга олсак, ҳуқуқ нормалари халқаро-ҳуқуқий манбаларнинг ўзагини ташкил қиласди.

Халқаро ҳуқуқ нормалари – халқаро ҳуқуқ субъектлари томонидан тан олинган ҳамда мажбурий ижроси таъминланадиган, зарурат бўлганда мажбурлаш йўли билан амалга ошириладиган юридик мажбурий характердаги хулқ-атвор қоидаларидир.

Халқаро ҳуқуқнинг ўзига хослиги шундаки, унинг субъектлари бир-бирларидан ҳамда мажбурий хулқ-атвор қоидаларини белгилashi ва унга риоя қилинишини таъминлаши мумкин бўлган қандайдир юқори турувчи, учинчи ҳокимият тузилмасидан мустакилдир. Зеро, ўзаро муносабатларга киришувчи давлатлар ва уларнинг бирлашмалари устида уларни ўзига бўйсундирадиган қандайдир юқори турувчи тузилма ёки бошқа бирон-бир ҳокимият йўқ. Бундай бўлиши давлатларнинг суверенитети тамойилига зид бўлади. Шу боис, халқаро-ҳуқуқий нормаларни ратификация қилиш жараёнида давлатлар ўзларининг миллий суверенитетини эътироф этган ҳолда миллий манфаатлардан келиб чиқиб, уларни қабул қиласди.

Барча халқаро-ҳуқуқий нормалар мажмуи халқаро ҳуқуқнинг манбаларини, ягона меъёрий тизим эса, бир бутун халқаро ҳуқуқни ташкил қиласди.

Давлат ва хуқуқ назариясида «хуқуқ манбалари» атамаси икки маънода – моддий ва формал маънода кўлланилади. Моддий манбалар деганда жамият ҳаётининг моддий шарт-шароитлари тушунилади. Хуқуқнинг формал манбалари – хуқуқ нормалари ўз ифодасини топадиган шаклни англатади. Фақат хуқуқнинг формал манбалари юридик категория ҳисобланади ва юридик фаннинг, шу жумладан, халқаро хуқуқ фанининг ўрганиш предмети ҳисобланади.

Юридик маънода хуқуқ манбаи хулқ-атвор қоидаларини ифодаловчи ва юриш-туриш қоидаларига ҳуқуқий норма тусини берувчи шакл ҳисобланади. Мазкур тушунча икки элементдан ташкил топади:

– юридик аҳамиятга эга бўлган хатти-ҳаракат қоидалари муайян шаклда ифодаланиши керак;

– бундай шакл мазкур қоидаларни ҳуқуқий норма сифатида эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат килади.

Халқаро хуқуқ манбалари, ўзининг хусусиятларига кўра, куйидаги белгилари билан ажралиб туришини қайд этиб ўтиш мумкин:

– халқаро хуқуқ нормалари унинг субъектлари томонидан тегишли масала юзасидан уларга халқаро-хуқуқий норма тусини бериш хусусидаги ўзаро келишувни англатади. Шу боис, бундай келишув шакли мазкур халқаро-хуқуқий норманинг манбаи ҳисобланади.

– халқаро-хуқуқий нормаларда субъектлар яъни, давлатларнинг манфаатдорлиги мухим роль ўйнайди, миллий ҳукуқдан фарқли равишда ҳар доим бошқа субъектнинг тегишли субъектив мажбурияти қарама-қарши туриши характерланади.

Халқаро хуқуқ фанида халқаро ҳуқуқнинг манбалари иккитурга, яъни асосий ва қўшимча манбаларга ажратилади.

Хозирги халқаро ҳуқуқнинг **асосий манбаларига** халқаро шартнома, халқаро одатлар, давлатларнинг мажбуриятлари бўйича ва халқаро ташкилотларнинг аъзо давлатларига кўрсатма берувчи бир томонлама юридик ҳужжатлари киради. Энди бевосита халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаларининг ҳар бирини алоҳида-алоҳида кўриб чиқсан.

Халқаро шартнома халқаро хуқуқ томонидан тартибга солинадиган асосий манба сифатида ўзида халқаро хуқуқ субъектлари ўртасида тузиладиган ёзма битим қоидаларини ифодалайди.

Халқаро шартномаларнинг тузилишини тартибга солувчи нормалар тизими халқаро шартномалар ҳуқуки деб юритиладиган халқаро ҳуқуқнинг алоҳида мустақил соҳасини ташкил қиласди.

Халқаро ҳуқуқнинг иккинчи **асосий манбаи** сифатида **халқаро одатлар намоён бўлади**. Халқаро одатлардан халқаро таомиллар ўзаро фарқланади. Халқаро таомиллар давлатларнинг ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектларининг юридик мажбурий бўлмаган хатти-харакат нормалари саналса (дипломатик этика ва дипломатик протокол нормалари), халқаро одатлар деганда, жаҳон ҳамжамияти ва давлатлар томонидан тан олинган ва халқаро ҳуқукда кўлланилиши эътироф этилган ёзилмаган қоидалар тушунилади. Келишилган халқаро харакат усулларини тан олишга ва бу усулларга халқаро ҳуқук мақомини беришга муайян тарзда ўз истагини билдирган давлатларнинг бир турдаги ёки айнан бир хил харакатлари натижасида одат юридик мазмунга эга бўлади. Бунинг учун, қоида тариқасида, бундай турдаги харакатлар узок вақт давомида такрорланиши, барқарор амал қилиши талаб қилинади. Лекин қисқа вақт ичидаги одат халқаро ҳуқук манбаига айланиши мумкин.

Халқаро ҳуқуқнинг манбаларига давлатларнинг мажбуриятлари – бир томонлама юридик ҳужжатлар киради. Бунга давлатларнинг бошка барча давлатларга ёки уларнинг айримларига каратилган ва мазкур давлатнинг бошқа давлатлар билан ўзаро муносабатларидағи муайян халқаро аҳамиятга эга бўлган мажбуриятларини ифодаловчи расмий баёноти киради. Бундай баёнотлар бошқа давлатлар томонидан баёнот мазмунига сўзсиз розилик беришлари билан келишув характеристини касб этади.

Халқаро ҳуқуқнинг манбалари қаторига халқаро ҳуқук бўйича ҳуқуқшуносларнинг илмий асарлари, доктриналарини ҳам киритиш мумкин. Доктриналар халқаро ҳуқук соҳасида маҳсус ва чуқур билимга эга бўлган айрим ҳуқуқшунос олимларнинг шахсий фикрлари, мулоҳазаларини билдиради. Халқаро ҳуқуқнинг шаклланишида ҳуқуқшуносларнинг асарлари алоҳида ўрин тулади. Дипломатлар ва суд назариётчиларининг асарларидан у ёки бу нормаларнинг мавжудлигини исботлашда кенг фойдаланадилар. Бундай ҳолат доктринанинг ҳуқук ижодкорлиги жараёнида қатнашишига сезиларли имконият яратади.

Икки ва кўп томонлама муносабатларни тартибга солища шартномалар бош ролни ўйнайди, шу боис ҳам халқаро шартнома халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида тан олинади.

Халқаро шартномалар халқаро оммавий ҳуқуқнинг тегишли нормалари томонидан тартибга солинадиган халқаро ҳуқуқ субъектлари орасидаги ёзма битим сифатида тушунилади. Бундай нормаларнинг йиғиндиси ва тизими халқаро ҳуқуқнинг халқаро шартномалар ҳуқуки деб номланадиган алоҳида, нисбатан мустақил бўлган тармоғини ташкил қиласди.

Халқаро шартнома – халқаро ҳуқуқнинг асосий манбаидир. 1969 йилги халқаро шартномалар ҳуқуки тўғрисидаги Вена конвенцияси ва 1995 йилги Ўзбекистон Республикасининг «Халқаро шартномалар тўғрисида»ги Қонунида «халқаро шартнома» атамаси аниқ вазиятларда турлича номланиши мумкин бўлган тегишлича шаклга эга барча ҳужжатларни умумий номлаш сифатида ишлатилган.

Шартномавий тартибга солиш соҳасининг мунтазам кенгайиб бориши халқаро муносабатлар ривожланишининг қонунияти хисобланади. 1969 йилги «Халқаро шартномалар ҳуқуки тўғрисида»ги Вена конвенциясида шартномалар ҳуқукий белгилаш ва давлатлар ҳамда миллатлар ўртасидаги тинч ҳамкорликни ривожлантириш воситаси сифатида намоён бўлади.

Халқаро ташкилотлар ва конференциялар мажбурий актларининг ҳам халқаро-ҳуқукий нормаларни яратиш, ривожлантириш ва шарҳлашда аҳамияти бекиёсдир.

Халқаро ҳуқуқнинг алоҳида тармоқларига тааллукли норматив кўрсатмалар Халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти, Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти, Атом энергияси халқаро агентлиги каби халқаро ташкилотларнинг баъзи ҳужжатларида белгилаб берилган.

Ўз таркиби ва фаолиятининг хусусиятига кўра, давлатлараро бўлган халқаро конференциялар, йиғилишлар, конгресслар кўпинча халқаро шартномаларни муҳокама қилиш ва қабул қилиш учун чакирилади ҳамда уларнинг давлатлар вакиллари томонидан имзоланиши билан якунланади. Конференцияларнинг якуний актлари бундай ҳолларда мустақил норматив мазмунга эга бўлмайди.

Лекин конференция иштирокчилари бўлган давлатларнинг хоҳиширодасига мувофиқ юридик кучга эга бўлган норматив қарорларни ўз ичига олган якунловчи хужжатлар ҳам амалиётда маълум.

БМТ Халқаро судининг қарорлари ҳам халқаро хуқукнинг манбаларидан бири саналади. Халқаро арбитражни амалга оширувчи холис ҳакамлар суди каби БМТ Халқаро судининг қарорлари ҳам асосий манба бўлмаса-да, норматив хусусиятга эгадир. Бу холат БМТ Уставининг 38-моддасида назарда тутилган.

Юкоридагилардан келиб чиққан холда халқаро хуқук конвенциявий ва оддий, умумий ва индивидуал, универсал ва локал халқаро-хуқуқий нормалар тизимиdir, деган фикрга келиш мумкин.

Халқаро хуқукни ёритиш учун унинг нормаларини ёзма хужжатлар – шартномалар, бошқача айтганда, оддий хуқуқий нормаларни ёзма равишда ёритиш ва уларни қандайдир бир ягона хужжатга ёки бир неча тегишли хужжатларга бирлаштиришни тақозо қиласи, лекин бу жуда мураккаб жараён саналади. Халқаро хуқук нормаларини системалаштириш инкорпорация ва кодификация тартибида амалга оширилиши мумкин.

Халқаро хуқукни инкорпорация қилиш халқаро-хуқуқий нормаларни шундай қайта ишлашки, унда уларнинг моҳияти ўзгармаган холда муайян тартибда жойлаштирилади. Халқаро хуқук нормаларининг шундай бирлаштирилиши турли тўпламларда, халқаро муносабатларнинг айрим масалалари бўйича кўп томонлама битимларда – савдо, транспорт, алоқа ва бошқаларда амалга оширилади.

3. Халқаро хуқук тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари

Халқаро хуқук тамойили, авваламбор, халқаро хуқук меъёrlари, давлатлар томонидан тан олинган қоидалар, қарашлар йиғиндисидир.

Хуқук субъектлари учун халқаро хуқук тамойилларига риоя қилиш қатъиян мажбурийдир. Халқаро хуқук тамойилини ижтимоий амалиётни ўзгартериш орқалигина бекор қилиш мумкин.

Халқаро ҳуқук тамойиллари одатий ва шартнома усуллари орқали шаклланади. Улар бир пайтнинг ўзида икки хил функцияни бажаради:

- халқаро муносабатларни маълум меъёрий доиралар билан чегаралаш орқали уларнинг баркарорлашишига кўмаклашади;
- халқаро муносабатлар амалиётида вужудга келадиган барча янги ҳолатларни мустаҳкамлайди.

Халқаро ҳуқуқнинг асосий тамойиллари БМТ Уставида мустаҳкамланган. Халқаро ҳуқуқда унинг умум эътироф этилган тамойил ва меъёрларини батафсил баён қилиб берувчи ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Агар БМТ Уставида **беш тамойил-нинг** номи келтирилган бўлса, Халқаро ҳуқук тамойиллари тўғрисидаги Декларацияда уларнинг еттитаси ифодалаб берилган. Булар қуйидагилардир: куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик; халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш; давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик; давлатларнинг халқаро ҳамкорлиги; давлатларнинг суверен тенглиги; халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши; давлатларнинг халқаро мажбуриятларини вижданан бажариши;

Европада Ҳавфсизлик ва Ҳамкорлик Кенгашининг Хельсинки Якунловчи ҳужжатида **мазкур тамойилларга** яна учтаси қўшилган. Булар: чегаралар дахлсизлиги; давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги; инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини хурмат килиш.

Жаҳон ҳамжамияти олдида турган умумбашарий муаммоларни ҳал этиш заруриятини ифода этувчи янги тамойиллар ҳам шаклланмоқда. Масалан, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш мажбурияти ва экологияни асраш.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида юқорида кўриб чиқилган тамойиллардан бештаси аниқ белгиланиб, «халқаро ҳуқуқнинг бошқа умум эътироф этилган тамойил ва меъёрлари»ни хурматлаш мустаҳкамлаб қўйилган. Энди бевосита ҳар бир тамойилнинг мазмун-моҳияти ҳақида тўхталиб ўтсак.

Давлатларнинг суверен тенглиги тамойили энг муҳим халқаро ҳуқуқий тамойиллардан бири саналади. Халқаро-ҳуқуқий тартиботни фақат унинг қатнашчилари юридик тенглигини хурмат

қилиш орқали таъминлаш мумкин. Ҳар бир давлат ҳалқаро тизмнинг бошқа иштирокчилари суверенитетини ҳурмат қилиши керак. Бу ерда уларнинг ўз ҳуқуқи доирасида қонунчилик, ижро ва суд ҳокимиятини амалга оширишлари ҳамда мустақил ташки сиёсатни олиб бориш ҳуқуқи назарда тутилмоқда. Давлатларнинг суверен тенглиги ҳозирги давр ҳалқаро муносабатларининг асосини, ҳалқаро ҳамкорлик базасини ташкил қиласди.

Суверен тенглик тамойилининг асосий мақсади – барча давлатларни, уларнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ёки бошқа хусусиятларидан қатъи назар, ҳалқаро муносабатларда юридик тенг асосларда қатнашишини таъминлашдир.

1970 йилда қабул қилинган Декларацияга мувофиқ, суверент тушунчаси қўйидаги элементларни ўз ичига олади: барча давлатлар юридик тенгдирлар; ҳар бир давлат тулиқ суверенитетга хос бўлган ҳуқуқлардан фойдаланади; ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг ҳуқуқ лаёқатини ҳурмат қилмоғи лозим; давлатнинг ҳудудий яхлитлиги ва сиёсий мустақиллиги дахлсиздир; ҳар бир давлат ўзининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва маданий тизимларини эркин асосларда танлаш ва ривожлантириш ҳуқуқига эгадир; ҳар бир давлат ўзининг ҳалқаро мажбуриятларини тўлиқ, вижданон бажариши лозим.

Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойили ҳалқаро муносабатларни демократик асосларда қайта қуриш, муқаррар равишда куч ишлатиш ва куч билан таҳдид қилишни тақиқлашни назарда тутади.

Биринчи бор ушбу тамойил БМТ Уставида мустаҳкамланган. Уставнинг 2-модда 4-бўлимида «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг ҳалқаро муносабатларда ҳар қандай давлатнинг ҳудудий дахлсизлиги ёки сиёсий мустақиллигига қарши куч билан таҳдид қилиш ва уни қўллашдан ўзларини тийиб турадилар», деб белгилаб берилган.

БМТ Устави қуролли кучларни қонуний қўллашнинг факат иккита ҳолатини назарда тутади: биринчиси, ўзини мудофаа қилиш мақсадида (52-модда); иккинчиси, тинчликка хавф туғилганда, тинчлик бузилган ёки босқинчилик ҳаракати содир бўлганида БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарори билан (39 ва 42-моддалар).

Халқаро муносабатларда куч ишлатишдан ёки куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш тамойили томонларни бошқа давлатга қарши бевосита ёки билвосита куч ишлатишини ифодаловчи ҳар қандай ҳаракатлардан үзини тийиб туришни англатади. Бу ерда шуни эсда тутмоқ лозимки, БМТ Уставида (2-модда, 4-бўлим) таърифланган «куч» тушунчасининг мазмуни нафақат қуролли кучни, балки мажбурлаш, қолган барча шаклларни ҳам кўзда тутади.

Давлат чегараларининг дахлсизлиги тамойили давлат миллий хавфсизлигининг энг муҳим асосларидан биридир.

Мазкур тамойил Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Кенгашнинг 1975 йилда қабул қилинган Якунловчи ҳужжатида таърифлаб берилган. Унда айтилишича, «иштирокчи-давлатлар бир-бирларига тегишли, шунингдек, Европадаги барча давлатлар чегараларини бузилмас деб хисоблайдилар ва шунинг учун улар ҳозир ва келажакда ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай тажовуз қилишдан ўзларини тиядилар».

Ушбу тамойилни тан олиш ҳар қандай ҳудудий даъволардан воз кечишни ҳам англатади. ЕХХК иштирокчи-давлатлари Европа давлатларининг мавжуд чегараларини тан олишларини ва тасдиқлашларини изҳор қилганлар. Ушбу тан олиш халқаро-хукукий бўлиб, маълум юридик оқибатларга эга, хусусан, уни бекор қилиш мумкин эмас.

Чегаралар дахлсизлиги ва бузилмаслиги тамойилининг асосий мазмунини қўйидаги уч элемент билан ифодалаш мумкин: мавжуд чегараларни халқаро хукукка мувофиқ тарзда юридик белгиланган деб тан олиш; ҳозирда ва келажакда ҳар қандай ҳудудий талаблардан воз кечиш; ушбу чегараларга нисбатан ҳар қандай бошқа тажовузлардан воз кечиш.

Чегаралар дахлсизлиги тамойили барча давлатларнинг ҳудудий устунлиги ва яхлитлигини хурмат қилишни, умумий чегараларнинг, шунингдек, бошқа давлатларга тегишли чегараларнинг бузилмаслигини англатади. Улар ҳар қандай давлат ҳудудининг маълум бир қисми ёки унинг бутун ҳудудини босиб олишга қартилган ҳар қандай талаб ва ҳаракатлардан ўзларини тийиш мажбуриятини оладилар. Бу алоҳида олинган давлатлар ўртасида ни-

золи худудлар масаласи бўлмайди, дегани эмас. Бироқ, чегарага дахлдор масалалар музокаралар ва халқаро ҳукуққа мувофиқ тарзда бошқа воситалар ёрдамида ҳал этилмоғи лозим. Чегаралар дахлизлиги тамойили универсал характер касб этиб, барча қитъаларда қўлланиши лозим. Бу эса, ўз ўрнида, халқаро тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлайди.

Халқаро низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили ҳозирги замон халқаро ҳукуқига мувофиқ. Давлатлар ўз низоларини тинч йўллар билан ҳал этишлари лозим.

БМТ Уставининг 2-модда 3-бўлимига мувофиқ, «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари ўзларининг халқаро низоларини халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида қолдирмаслик учун тинч йўллар билан ҳал этадилар, яъни музокаралар, текшириш ўтказиш, воситачилик, яраштириш, арбитраж, судда ишни кўриш, регионал органлар ёки кенгашларга мурожаат қилиш ёки ўз хохишига кўра бошқа воситалар ёрдамида» ҳал этадилар.

Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган давлатлар ўртасидаги низоларни тинч йўл билан ҳал этиш тамойили барча низоли масалалар халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлик ва хавфсизлик хавф остида қолмаслиги учун халқаро ҳукуққа мос равишда тинч усуллар билан ҳал этилишини белгилаб беради. 1970 йилдаги «Халқаро ҳукуқ тамойиллари тўғрисида»ги Декларацияда айтилишича: «Ҳар бир давлат ўзининг бошқа давлатлар билан мавжуд халқаро низоларини, халқаро тинчлик, хавфсизлик ва адолатни хавф остида қолдирмаслик учун тинч йўллар билан ҳал этади».

Давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик тамойили БМТ Уставининг 2-моддаси 7-бўлимида акс эттирилган ва 1970 йилдаги «Халқаро ҳукуқ тамойиллари тўғрисида»ги Декларация, ЕХХКнинг Якунловчи хужжати, давлатларнинг ички ишларига аралashiшга йўл қўйиб бўлмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини химоя қилиш тўғрисидаги БМТ Резолюцияси каби халқаро хужжатларда ўзининг янада аниқ баёнини топган.

БМТ Уставининг 2-моддаси 7-бўлимига мувофиқ, ташкилот ўз моҳиятига кўра ҳар қандай давлатнинг ички ваколатига киради-

ган ишларга аралашиш ҳуқуқига эга эмас. Бироқ, давлат худуди доирасида юз берәётган баъзи харакатлар Хавфсизлик Кенгashi томонидан фақат муайян давлатнинг ички иши эмас, деб баҳоланиши мумкин.

Аралашмаслик концепцияси давлатлар ҳар қандай масалаларни ихтиёрий равишда ўз ваколатлари доирасига киритиб олишини англатмайди. Давлатларнинг халқаро мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг БМТ Уставидан келиб чиқувчи мажбуриятлари мазкур масалаларни түғри ҳал этишга ёндашишда мезон бўлиб хизмат қиласди.

Инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш тамойилининг шаклланиши бевосита БМТ Уставининг қабул қилиниши билан боғлиқ. Уставнинг 1-моддасида Ташкилот аъзоларининг мақсади сифатида «барча учун уларнинг ирқи, жинси, тили ва динидан қатъи назар инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини рағбатлантириш ва ҳурмат қилишни ривожлантиришда» давлатлар ўртасида ҳамкорлик тўғрисида сўз боради.

Бу вазифа 1948 йилдаги Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва 1966 йилда қабул қилинган иккита пакт: «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги ҳамда «Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро Пактларда тўлиқ ва универсал тарзда берилган.

Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили ҳар бир халқ ўзининг ривожланиш ўюли ва шаклларини эркин танлай олиш ҳуқуқини сўзсиз ҳурмат қилиш халқаро муносабатларнинг асосларидан бирини ташкил қиласди.

Халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили БМТ Устави қабул қилингандан сўнг мажбурий меъёр сифатида ривожланмоқда. БМТнинг асосий мақсадларидан бири – «давлатлар ўртасидаги дўстона муносабатларни халқларнинг тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши тамойили асосида ривожлантириш»дир (Уставнинг 1-модда 2-бўлими). Ушбу мақсад Уставнинг бошқа кўпгина қоидаларида аниклаштирилган.

Халқаро мажбуриятларни вижданан бажариш тамойили давлатчиликнинг илк босқичларида халқаро-ҳуқуқий одат

шакли сифатида вужудга келди. Мазкур тамойил ҳозирги вактда кўп сонли кўп томонлама ва икки томонлама халқаро шартномаларда ўз аксини топган.

Халқаро мажбуриятларни вижданан бажариш тамойили халқаро ҳуқук субъектлари хатти-харакатини белгиловчи умум эътироф этилган меъёр сифатида БМТ Уставида қайд этилган. Ушбу халқаро хужжат муқаддимасида БМТ аъзолари қатъийлик билан «шартномалар ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган мажбуриятларга нисбатан адолатли ва ҳурматли муносабатда бўла олишни таъминлашга хизмат қилувчи шароитларни яратиш»ни таъкидлайдилар.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойил ва нормалари ҳар бир давлатнинг суверенитети ва эркин халқаро ҳуқуқнинг субъекти сифатида тан олинишида муҳим аҳамият касб этади.

4. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик

Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик – ҳуқуқбузарлик субъектининг халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектига етказган зарари оқибатларини бартараф қилиш бўйича юридик мажбуриятидир.

Халқаро ҳуқуқбузарлик, ўз мазмунига кўра, халқаро қилмишларга ва халқаро жиноятларга бўлинади. Халқаро жиноятлар халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган тамойиллари ва меъёrlарини бузадиган, шунинг учун бутун жаҳон ҳамжамияти тизимиға салбий таъсир кўрсатадиган алоҳида хавфли қилмишлар сифатида тан олинади.

Жавобгарлик масалаларини тартибга солувчи меъёrlар асосан халқаро шартномаларда ўз аксини топган, шунингдек, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг резолюцияларида тасдиқланган. Халқаро ҳуқуқда халқаро жавобгарлик деганда, ҳуқуқ меъёrlаридан келиб чиқадиган субъектив мажбуриятларини бузган, яъни халқаро ҳуқуққа хилоф хатти-харакат содир этган субъект учун нокулай салбий юридик оқибатлар тушунилади.

Халқаро ҳуқуқда, энг аввало, давлатларнинг халқаро жавобгарлиги хусусида сўз боради, чунки давлатлар халқаро ҳуқуқнинг асосий субъекти деб тан олинади.

Куйидаги холатлар мавжуд бўлганда давлатнинг халқаро хуқуқка хилоф қилмиши: биринчидан, ҳаракат ёки ҳаракасизлигда намоён бўладиган қандайдир хулқ-атвор, халқаро хуқуқка мувофиқ, давлатга тегишли бўлганда ва иккинчидан, бундай хулқатвор ушбу давлатнинг халқаро мажбуриятларини бузиш ҳисобланганда аён бўлади.

Давлат томонидан халқаро мажбуриятларнинг бузилиши, давлатнинг қилмиши ушбу мажбурият бўйича давлатдан талаб қилинадиган ҳаракатга номувофиқ бўлган тақдирда намоён бўлади.

Фақат халқаро хуқуқ субъектларигина халқаро-хуқукий жавобгарлик субъекти бўлиши мумкин. Жисмоний ва мустакил юридик шахслар оддий хукуқбузарлик учун бундай жавобгарликка тортилмайдилар, чунки бунда фуқаролик-хуқукий жавобгарлик вужудга келади.

Амалиётда халқаро хуқуқ субъектларининг хатти-ҳаракатлари давлат номидан иш кўришга ҳақли бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатларида ифодаланади. Уларнинг хатти-ҳаракатлари учун давлат ўзининг бутун миллий бойлиги билан жавоб беради.

Халқаро хуқуқка хилоф қилмиш икки тоифага, яъни халқаро хукуқбузарлик ва давлатларнинг халқаро жиноятларига бўлинади. Сўнгги тоифа, агар давлатлар ҳамжамияти томонидан муайян халқаро хуқуққа хилоф қилмишлар халқаро жиноят тоифасига киритилса, мавжуд бўлади. Хукуқбузар давлат икки турда халқаро жавобгарликка: моддий ва сиёсий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Сиёсий жавобгарлик бошқа субъектларнинг манфаатларини химоя қилувчи халқаро хуқуқ меъёрларини бузиш ҳолатидан келиб чиқади.

Моддий жавобгарлик халқаро хуқуқ меъёрларини бузиш ҳолатлари мажмуининг мавжудлигидан, хукуқбузарлик оқибатида мулкий зарар келиб чиқиши ва хукуқбузарлик билан зарар ўртасида бевосита сабабли боғланишнинг мавжудлигидан келиб чиқади.

Давлатнинг қилмиши фақат халқаро хуқуқ асосида халқаро хуқуққа хилоф деб баҳоланиши мумкин. Фақат субъектнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) мазкур мажбурият бўйича ундан талаб

қилинадиган хатти-ҳаракатларга мос келмаган тақдирдагина халқаро мажбурият бузилиши тан олинади. Бунда ушбу мажбурият шартномавий ёки оддий-хуқуқий характерга эга эканлигининг аҳамияти йўқ.

Халқаро жиноятларга давлатлар ва халқларнинг ҳаётига, халқаро хуқуқнинг асосий тамойилларига, халқаро тинчлик ва хавфсизликка тажовуз қиладиган оғир халқаро хуқуққа хилоф қилмишлар киради.

Умумжаҳон тинчлиги ва халқаро хавфсизлик, давлатлар ва халқлар ўртасидаги яхши қўшничилик ва дўстона муносабатлар, халқлар ва миллатларнинг ўз тақдирини ўзи хал қилиш хукуки, уруш қонунлари ва одатлари, инсон хуқуклари халқаро жиноятнинг объекти бўлиши мумкин.

Халқаро жиноятларга тажовузкорлик хатти-ҳаракатлари, зўрлик билан мустамлакачиликни ўрнатиш, геноцид, апартеид ва бошқалар киради.

Халқаро ташкилотларнинг жавобгарлиги уларнинг халқаро шартномалардан ва халқаро хуқуқнинг бошқа манбаларидан келиб чиқадиган ўз халқаро мажбуриятларини бузиши оқибатида вужудга келади.

Халқаро ташкилотлар ўз органларининг низомидаги ва бошқа мажбуриятларига риоя қилмаслиги ва халқаро мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари билан келтирилган заарар учун жавобгар бўладилар.

Тинчлик ва инсониятга қарши, ҳарбий ҳамда бошқа халқаро жиноятлар учун жисмоний шахсларнинг жиноий жавобгарлиги халқаро миқёсда эътироф этилди ва юридик жиҳатдан мустаҳкамланди. Жавобгарлик алоҳида шахсларнинг хатти-ҳаракатлари давлатнинг жиноий фаолияти билан боғлиқ бўлган тақдирда кучга киради. Бундай жавобгарлик 1945 ва 1946 йиллардаги Нюрнберг ва Токио Халқаро ҳарбий трибунал қарорларида ва халқаро характеристдаги жиноий ҳаракатларга тааллуқли конвенцияларда ўз аксини топди.

Халқаро хуқук субъектининг халқаро-хуқуқий жавобгарлиги пайдо бўлишига у томонидан халқаро хукуқбузарлик содир этилиши асос бўлади.

Давлат халқаро хуқуқнинг субъекти сифатида, ўз навбатида, жиноят содир этгани учун ҳам жавобгар сифатида тан олинади. Давлатнинг жавобгарлиги хорижий давлат ёки унинг органлари томонидан бошқа бир давлат худудида ёки унинг ҳудуди орқали содир этилган халқаро хуқуқка зид ҳаракатлар натижасида ҳам юзага келади. Бунда хорижий давлатнинг ҳаракатлари ўша давлатнинг кўз ўнгига ва розилиги билан амалга оширилган бўлса, ўша давлат ҳам хорижий давлатнинг халқаро хуқуқка зид ҳаракатлари иштирокчисига айланади.

Давлатнинг халқаро-хуқукий жавобгарлиги ушбу давлат органи ёки мансабдор шахсларининг ўз ваколатларини сунистеъмол қилиши натижасида хорижий давлат ёки унинг юридик ва жисмоний шахсларига зарар етказилганида ҳам пайдо бўлади.

Халқаро жиноят – бу хавфли халқаро хуқуқбузарлик бўлиб, давлатлар ва миллатларнинг муҳим ҳаётий манфаатларига, ҳаётий асосларига путур етказади, халқаро хуқуқнинг муҳим принциpleri ва нормаларини қўпол равишда бузади, халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солади ва зарар етказади.

Халқаро жиноятлар орасида геноцид, инсоният тинчилигига қарши жиноятлар, апатрид, қўпорувчилик ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Давлатларнинг халқаро-хуқукий жавобгарлиги турлари иккита: сиёсий ва моддий.

Сиёсий жавобгарлик учун, одатда, хуқуқбузар давлатга нисбатан мажбурлов чоралари қўлланади ва моддий жавобгарлик билан уйғуналашиб кетади. Сиёсий жавобгарликнинг энг кенг тарқалган шакли санкциялардир.

Санкциялар – бу хуқуқбузар давлатга нисбатан қўлланадиган чоралардир. Улар халқаро ташкилотлар (универсал ва минтақаий), бир груп давлатлар ёки алоҳида давлат томонидан қўлланиши мумкин. Санкцияларнинг ҳажми ва турлари жиноятнинг оғирлиги даражасига боғлиқ. Масалан, агрессор давлатга нисбатан қўйидаги мажбурлов чораларини қўллаш мумкин: суверентитетини вақтинча чеклаб қўйиш; ҳудудининг бир қисмини ажратиб олиш; урушдан кейинги оккупация ва бошқалар.

Халқаро тинчлик ва хавфсизликка таҳдид солғанлик учун санкциялар ва уларни қўллаш тартиби БМТ Уставининг 39, 41 ва 42-моддаларида назарда тутилган.

Халқаро жиноятлар миллий давлат таркибida содир этиладиган жиноятлардан ўзининг оирлиги, ижтимоий хавфлилиги, бутун инсониятга қарши хавф туғдириши билан ажрабиб туради.

Назорат учун саволлар

1. Халқаро ҳуқук тушунчасини тушунтириб беринг.
2. Халқаро ҳуқук манбаларини санаб ўтинг ва уларга тавсиф беринг.
3. Халқаро ҳуқук қандай тамойилларга таянади?
4. Халқаро ҳуқуқда халқаро ташкилотларнинг ўрни ҳакида сўзлаб беринг.
5. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик деганда нимани тушунасиз, у қандай ҳолатларда юзага келади?

Мавзу бўйича фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Халқаро Мехнат Ташкилотининг асосий конвенциялари ва тавсиялари. Масъул муҳаррир проф. А.Х. Сайдов. – Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, 2008. – 240 б.
2. Сайдов А.Х. Халқаро ҳуқук. – Т.: Адолат, 2001. – 360 б.
3. Маматкулов А. Халқаро ҳуқук. – Т.: Адолат. 1997.
4. Международное публичное право: Учебник. Отв. ред. Х.Т. Адилкариев. – Т.: «Zargalam». 2004. – 552 с.
5. Xalqaro ommaviy huquq. Darslik (mualliflar jamoasi). – Т.: «Adolat», 2007. – 488 b.
6. Курс международного права /Гл. ред. Б.Н. Кудрявцев, Зам. гл. ред. В.С. Верещетин, Г.И. Тункин: В 7 т. М., 1989–1993.
7. Международное право: Учебник /Отв. ред. В. И. Кузнецов. – М.: Норма, 2001. – 484 с.
8. Юлдашева Г. Международное право. Учебно-методическое пособие. Ташкент, ТГЮИ. 2006. – 68 с.

9. Маткаримова Г., Юлдашева Г. Халқаро ҳуқук (коллежлар учун дарслик). – Т.: Үқитувчи, 2007.
10. Юлдашева Г. Права человека: соотношение норм международного права и национального права, – Т.: НЦПЧ, 2001. – 64 с.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-мавзу. Давлат ва ҳуқук назарияси асослари	5
1. Давлат тушунчаси, белгилари ва моҳияти	5
2. Давлатнинг келиб чиқиши ва унга доир назариялар	10
3. Давлатнинг функциялари ва шакллари	12
4. Жамият ва давлат. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари	19
5. Ҳуқук тушунчаси ва унинг белгилари	22
6. Ҳуқук тизими ва таркиби	24
7. Ҳуқук манбалари	26
8. Ҳуқуқий муносабатлар ва уларнинг тузилиши	29
9. Ҳуқуқбузарлик ва юридик жавобгарлик	30
2-мавзу. Маъмурий ҳуқук асослари	39
1. Маъмурий ҳуқук тушунчаси ва манбалари	39
2. Маъмурий-ҳуқуқий нормалар ва муносабатлар	42
3. Давлат бошқарув органлари тушунчаси ва бўғинлари	44
4. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жавобгарлик	53
3-мавзу. Молия ҳуқуқи асослари	60
1. Молия ҳуқуқи предмети ва тизими	60
2. Молиявий-ҳуқуқий муносабатлар	63
3. Ўзбекистон Республикасида молиявий назорат	65
4. Банк ҳуқуқи тушунчаси ва тизими	67
5. Молия ҳуқуқи бўлими сифатида бюджет ҳуқуқи асослари	71
6. Солиқ ҳуқуқи тушунчаси	75

4-мавзу. Фуқаролик ҳуқуқи асослари	83
1. Фуқаролик ҳуқуқи тушунчаси ва манбалари	83
2. Фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар иштирокчилари	88
3. Мулк ҳуқуқи	96
4. Мажбурият ҳуқуқи	105
5. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик	114
5-мавзу. Тадбиркорлик ҳуқуқи асослари	122
1. Тадбиркорлик ҳуқуқи тушунчаси, тамойиллари ва манбалари	122
2. Тадбиркорлик ҳуқуқи субъектлари	134
3. Тадбиркорлик фаолиятининг турлари	139
4. Тадбиркорлар иштирокида тузиладиган шартномалар	144
5. Тадбиркорлик қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик	148
6-мавзу. Мехнат ҳуқуқининг асослари	157
1. Мехнат ҳуқуқи тушунчаси ва аҳамияти	157
2. Мехнат шартномаси ва уни тузишга доир талаблар	159
3. Иш вақти, дам олиш вақти ва меҳнат ҳақи микдори	164
4. Интизомий жавобгарлик	175
5. Мехнатни муҳофаза қилиш тушунчаси ва унинг аҳамияти	178
6. Мехнат низолари тушунчаси ва унинг классификацияси	182
7-мавзу. Оила ҳуқуқи асослари	189
1. Оила ҳуқуқи тушунчаси ва предмети	189
2. Никоҳ тушунчаси ва никоҳ тузиш шартлари	193
3. Эр ва хотиннинг мулкий ҳуқуқ ва мажбурияти	198
4. Ота-она ва болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриялари	203
5. Фарзандликка олиш	212

8-мавзу. Экология ҳуқуқи асослари	217
1. Экология ҳуқуқининг тушунчаси, предмети, манбалари, тамойиллари ва тизими	217
2. Ўзбекистоннинг экологик сиёсати	226
3. Алоҳида табиат объектларининг ҳуқуқий мақоми	230
4. Экология назорати, унинг турлари ва амалга оширувчи органлар	236
5. Экологик экспертиза	242
6. Экология ва ҳалқаро ҳуқуқ нормаларининг ўзаро боғлиқлиги	245
7. Экологик жавобгарлик тушунчаси, моҳияти ва турлари	250
9-мавзу. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи асослари	260
1. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи тушунчаси ва моҳияти	260
2. Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг турлари ва уларнинг ҳуқуқий ҳолати	264
3. Қишлоқ хўжалигига шартнома муносабатлари	271
4. Қишлоқ хўжалигининг давлат бошқаруви	277
5. Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги қонунлар ва уларни бузганлик учун юридик жавобгарлик	281
10-мавзу. Жиноят ҳуқуқи асослари	289
1. Жиноят ҳуқуқи тушунчаси, вазифаси ва тамойиллари	289
2. Жиноят ва жиноятчилик тушунчаси	295
3. Жиноятнинг таркибий элементлари	298
4. Қилмишнинг жинойлигини истисно қиласиган ҳолатлар	305
5. Жиноятда иштирокчилик тушунчаси ва унинг турлари	311
6. Жиноий жавобгарлик ва жиноий жазо	314
7. Вояга етмаганлар жавобгарлигининг хусусиятлари	320

11-мавзу. Халқаро ҳуқук асослари	328
1. Халқаро ҳуқукнинг пайдо бўлиш асослари ва тушунчаси	328
2. Халқаро ҳуқук манбалари ва тизими	331
3. Халқаро ҳуқук тамойиллари тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари	335
4. Халқаро-ҳуқуқий жавобгарлик	341

Х.Т. МАМАТОВ

ХУҚУҚШУНОСЛИК

Ўқув қўлланма

Ўзбек тилида

Муҳаррирлар:

*A. Омонов,
Г. Ортиқхўжаева*

Техник муҳаррир:

A. Аҳмедов

Компьютерда

саҳифаловчи:

Ш. Расулов

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги
«Адолат» нашриёти. Нашр. лиц. AI № 228, 16.11.2012.
100192, Тошкент шахри, Буюк ипак йўли кўчаси, 69-й.
Телефон: 0 (371) 268-28-41, 268-28-56.

Веб сайт: www.adolatnashr.uz
e-mail: info@adolatnashr.uz

Босишга рухсат этилди 20.12.2016 й.
Коғоз бичими 60x84 $\frac{1}{16}$. «AntiquaUz» гарнитураси.
Офсет усулида чоп этилди. Босма табори 22,0.
Нашриёт хисоб табори 19,75. Адади 3000 нусха.
16-848-буортма. Нархи шартнома асосида.

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.**



ISBN 978-9943-4380-5-7

A standard barcode is positioned vertically in the bottom right corner of the page. Below the barcode, the ISBN number is printed: 9 789943 438057.